

АЛ ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

ОШИҚНОМА

8 - КИТОБ

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
профессор С.Р.РЎЗИМБОЕВ

УРГАНЧ -2019

«Ошиқнома» рукни остида 8-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмуага “Асил ва Карам” достонининг китобий ва оғзаки вариантлари, “Чориёри олам” ва “Саёд ва Ҳамро” достонлари киритилди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Н.Э.Собирова, Ў.С.Норбоев, Д.Қ.Худайберганова.

Тақризчи: Д.Қ.Ғайипов, У.Б.Бобоҷонова

Ушбу мажмуа УрДУ илмий-услубий кенгашининг 2019 йил _____ ойида бўлиб ўтган мажлиси қарори билан ўзбек филологияси бўлими талаблари учун услубий қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.
(Баённома №)

УрДУ нашриёти – 2019

НОЁБ МАЊНАВИЙ МЕРОС

“Асил ва Карам”. Хоразм воҳасида жуда кенг оммалашган эпик асарлардан бири “Асил ва Карам” достони бўлиб, у қўпроқ халфалар ва қиссаҳонлар репертуари орқали тарқалган. Хоразмлик машҳур хонанда Мадраҳим Ёқубов-Шерозийнинг гувоҳлик беришича, хивалик шоира ва халфа Хоним сувчи ушбу достонни тўла ёддан билган ҳамда уни халқ сайилларида, тўйларда маҳорат билан куйлаган. “Асил ва Карам” достони баҳшилар репертуарига ўтмаган. Халфалар репертуарида эса ўз машҳурлигини ҳамон сақлаб келмоқда. Достоннинг 2006 йилда нашр қилинган нусхаси хонқалик (Қирқёп қишлоғи) Сўна халфа бисотидаги асримизнинг бошларида қўчирилган қўлёзма нусха асосида ёзиб олинган. Унинг фото нусхаси ҳам мавжуд.

“Асил ва Карам” достони туркман ва озарбайжон халқлари орасида айниқса машхурдир. Шу сабабдан ҳам достон Туркманистон¹ ва Озарбайжонда² бир неча бор нашр қилинган. Б.А.Карриевнинг таъкидлашича, бу достон XIV-XV асрларда Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Қорабоғ, Диёрбакир, Курдистон, Ироқ каби вилоятларда тарқалган оққўйли ва қорақўйли туркман қабилаларининг турмушига алоқадор асарлардандир³. Озарбайжон фольклористи М.Х.Тахмасибнинг ёзишича, “Бу достон арман гўзали билан озарбайжонлик йигит Карам ўртасидаги соф муҳаббатнинг тараннумига бағишлилангандир”³.

Достоннинг миллий версиялари ягона сюжет атрофига бирлашса ҳам уларнинг ҳар бирида ўзига хос миллий ва локаль хусусиятлар, фарқлар кўзга ташланади. Унинг сюжетига ҳар бир халқ янги-янги эпизодлар қўшган, образларни қайта ишлаган, персонажларнинг исмларини, географик жой номларини ўзгартирган. Агар асардаги асосий муаммо ва сюжет тузилиши диққат билан кузатилса, уларнинг бир манбадан келиб чиққанини англаш қийин эмас. Севги-муҳаббатда ҳар қандай диний чеклашларни рад қилиш ғояси, асар бош қаҳрамонининг севгилисини излаш борасида жайрон ва турналарга йўлиқиши, уларга мурожаат қилиши, юксак тоғларга дуч келиши, уларнинг иккига бўлиниб йўл бериши, тиш олдириш баҳонасида севгилисининг хузурига бориши, тилсимли тўн, унинг ўт олиб кетиб Карамнинг ёниб кул бўлиши каби ягона сюжет чизифи ҳамма версиялар учун муштарақдир. Шунинг билан бирга ҳар бир версияда ўзига хос тасвир услуби, миллий урф-одатлар билан боғлиқ лавҳалар, янгидан киритилган воқеа-ҳодисалар мавжуд. Бу ўзгачаликлар эса, ўз навбатида, образларнинг турлича намоён бўлишига олиб келган.

Достонда зўр муҳаббат билан тасвирланган образлардан бири Карамдир. Карам ақлли, идрокли, соз ва сўзни маҳорат билан ишлата

¹ Аслы-Керем. Ашгабад, 1943; Аслы ве Керем. Ашгабад, 1965.

² Озарбайжонда бу достон 1892, 1913, 1939, 1961, 1966 йилларда нашр этилган. Охиригинашри 1979 йилда чиқкан. Қаранг: Азәрбајжан мұнәббәт дастанлары. Баки, 1979, 70-166-бетлар.

³ Қаранг: Аслы-Керем. Ашгабад, 1943; 9-бет. Яна қаранг: Дурдиева А. Туркманский народный дастан “Асли и Карам”. АКД. Ашхабад, 1970.

³ Азәрбајжан мұнәббәт дастанлары. 20-бет.

биливчи соф севги эгасидир. У қаерда гўзал қиз кўрса, унга кўнгил қўяверадиган бекарор шахс эмас. Бу жиҳатдан у кўпроқ Ошиқ Ғарифни эслатади. Карам –подшоҳнинг ўғли. Отаси унга Асилхоннинг изида дарбадар юрмасликни, унга истаган бир гўзал қизни олиб беражагини айтади. Лекин Карам бу таклифга кўнмайди, у бутун борлиги билан Асилхонни севади ва шу йўлда ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. Йўлда азобуқубатларга дучор бўлса ҳам у умидсизликка тушмайди, ёрига етмагунча изига қайтишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Мажолсизликдан қоростида қолиб, уни ўз юртига кетаётган савдогарлар топиб олганда ҳам улар билан Ганжақорабоғга қайтмайди. У ишқ йўлида шундай фидоийки, Асилхонни бир кўриш умидида соғ тишларини суғуртиришга ҳам рози бўлади. Ўз севгиси йўлидаги юксак сабр-тоқати, соз ва сўз санъатининг буюк сехри натижаси ўлароқ у Асилхонни висолига етишга мушарраф бўлади. Лекин унинг юксак туйғуларга бурканган муҳаббати фожиали тугайди. Карам ёр йўлида ҳалок бўлади.

Карам образи туркманча версияда айрим томонлари билан ўзбекчадагидан фарқланади. Бу вариантда Карамнинг ёр васлига етишиш йўлида кечирган барча қийинчиликлари ўзбекча вариантдаги каби берилган бўлса-да, айрим эпизодларда Карам бошқача тарзда ҳаракат қиласди. Баъзан у сехргар, дуогўй қилиб тасвиrlenса, баъзан қаҳри қаттиқ бир шаҳзода тарзида ҳам намоён бўлади. У бир муножот ўқиганда тоғ иккига бўлинади, об-ҳаво ўзгариб кетади. Қора Малик Карамни ўлдиртириш учун Азрак исмли кимсага пул бериб жўнатганда Карам буни сезиб, уни ўзи кутиб олади ва нима мақсадда келаётганини Азракнинг ўзига айтиб беради. Туркман версиясида ҳам Карам ёниб ҳалок бўлади, лекин яна тирилади. Ўша эпизодда у янада Художўй қилиб тасвиrlenади. Фикримизча, бу эпизодлар мифологик сюжетлар таъсири натижасида келиб чиқсанга ўхшайди.

Озарбайжон версиясида Карам образига романтик бўёқ янада кўпроқ берилган. У истаган нарсани сезувчи, сехргар бир шахс қилиб тасвиrlenади. Бу версияда у эртаклардаги образларга яқинроқ қилиб ифода этилади. Жумладан, у Асилхонларнинг кўчиб кетганини тушида билади. Асилхонни излаб боришида Жайронга йўликиб, у билан сўзлашади. Ҳатто йўлдаги қабристонда калла билан савол-жавоб қиласди. Унинг сезгир ва билағонлиги, сехр-жодуни ишлатиши бу версияда яна бир эпизодда айниқса ёрқин тасвиrlenганки, бу эпизод ўзбек вариантида йўқ. Карамнинг ҳақиқий ошиқ эканлигини билиб, унга ёрдам бермоқчи бўлган подшо бу йигитни яна бир бор синашни Ҳусния исмли синглисига топширади. Ҳусниянинг қўйган уч шартини ҳам Карам бажаради. Яъни у Асилхоннинг қаерда эканлигини аниқ айтиб беради, унинг кўзини боғлаб, олдидан олти қизни ўтказанда, уларнинг исмларини тўғри топади. Қабрга ўлик тарзида қўйилган тирик кишининг атайлаб шундай қилинганини ҳам сезиб, ҳаммани ҳайратга солади. Бу воқеалар озарбайжон версиясида унинг ниҳоятда дуогўй, сехр-жоду соҳиби сифатида гавдалантиради.

Кўринадики, Карам миллий версияларда ижобий образ сифатида тасвирланиб, ҳар бир версияда турли воқеалар гирдобига олиб кирилади, натижада унинг характерининг қирралари очила боради ва образ сифатида муайян ўзига хосликларга эга бўлади.

Асарда зўр ишиёқ билан тасвирланган иккинчи образ Асилхондир. У севги-муҳабbat борасидаги қарашлари жиҳатидан Карам образига жуда яқин туради. Асилхон Карамни бутун борлиги билан севади. Лекин бераҳм отаонасининг иродасига қарши бирор иш қилиш учун қанча уринса ҳам, натижада чиқара олмайди. Асилхон севги-муҳабbatда ниҳоятда вафодор ва пок. Карамнинг дўсти Лола (ўзбекча вариантда) уни кўриб, сал шилқимлик қилгандা Асилхон Лолани ўлгунча калтаклатиб, ҳайдаб юборади. У қўчиб кетар экан, изидан Карамнинг албатта излаб келишига ишонади ва бирор из қолдириб кетишни қўнглига тугади. Йўлда Карамга таниш бўлган жайронни қолдириб кетади. Ҳамиша у Карамнинг ишқи билан яшайди. Карам ёниб кул бўлгач, у ҳаётда қолиб яшашнинг ҳеч бир ҳожати йўқ деб ҳисоблади:

Асилхон дер, мен кечмишам жонимдин,
Молимдин, мулкимдин, хону монимдин,
Бугун айро тушдим Карамжонимдин,
Ана Карам ёнди. Ман ҳам ёнарман⁴.

Бироқ Асилхон умрининг охиригача Карамнинг ёди билан фожиали ишқ оташида ёниб адо бўлади.

Асилхон образи ўзбекча варианта ювош, муnis ва меҳрибон, вафодор бир қиз сифатида берилади.

Туркманчада у бирмунча бошқачароқ тасвирланади. Бу версияда у маълум даражада жizzакироқ қилиб берилади. Ўзбекча вариантда у Карам билан биринчи учрашувда, йигит қушини талаб қилганидаёқ дарҳол қушни унга беради. Туркманчада эса у Карам билан айтишиб қолади. У Карам қушини талаб қилганда шундай жавоб қайтаради: “Не бир бихая ве бикерем оғлан сен, эгер мыҳман олмасадың, гөрердин башыңа не иш гетирердим!”⁵. Шунингдек, туркманчада Асилхон Художўй қиёфада тасвирланади. Унинг мусулмон динига кирганлиги, Худога сифинишлари таъриф этилади. У Карамни кўриш истагида Худога илтижо қилгандা, ногоҳ Карам унинг ёнида пайдо бўлади. Бундан ташқари, у Карам ҳалок бўлгандан кейин ҳам узок йиллар Худога ёлборади. Бунинг натижаси ўлароқ Карам тирилади. Асилхоннинг ўзи ҳам қайтадан яшаради. Карам билан умрини қайтадан бошлайди.

Озарбайжон версиясида эса Асилхон образининг тақдири бошқача тарзда ҳал қилинади. Унда Асилхон анча дадил, фаол тарзда ифода этилган. У ўз муҳаббати йўлида қайғуриб, ғам чекибгина қолмай, балки унга эришиш мақсадида кураш ҳам олиб боради. Карамни севиши ҳақида хат ёзиб, подшога тақдим қиласи. Ҳатто подшо билан юзма-юз туриб, ўзининг соғ муҳаббтининг тақдирини ижобий ҳал бўлишига ундан ёрдам сўрайди. Лекин

⁴ Ошиқнома, II китоб, Урганч Хоразм, 2006. 187-бет.

⁵ Аслы-Керем, 12-бет.

барибир Асилхоннинг тақдири бу версияда ҳам фожиали тугайди. Карам ёниб кул бўлгандан кейин у ҳам ёниб ҳалок бўлади.

Асарда бошдан-оёқ иштирок қиласиган образлардан бири Қора Малиқдир. У инсоний туйғудан маҳрум бўлган, бераҳм, фанатик бир шахс сифатида берилган. У дастлаб Зиёдхон подшоҳ билан икки ёшнинг тақдирини бирлаштириш хусусида бир битимга келган бўлса-да, ваъдасида турмайди. Ўз қизини севганига бермасдан қочиб, элма-эл дарбадар кезиб юради. Охирида қизини Карамга бермаслик иложи йўқлигини англаб етгандан кейин ҳам у ўзининг разил мақсадидан қайтмайди. Асилхонни ёниб кетадиган қилиб тилсимлайди ва икки ёшнинг ҳаётига зомин бўлади.

Туркман версиясида унинг фаолияти янада кенгроқ тасвирланади. У Асилхоннинг Карам билан учрашганини кўриб, ўлгунча калтаклайди. Ҳатто у Карамни ўлдирсанг, қизимни сенга бераман, деб чўпонни алдайди. Чўпон эса бу гапга ишониб, Карамни ўлдирмоқчи бўлгандана унинг бегуноҳлигини билиб, бу фикридан қайтади.

Унинг хотини ҳақида ўзбекча варианта батафсил сўз юритилмайди. Ҳатто исми ҳам айтилмайди. Туркманча версияда эса унинг исми Меръем деб берилади. У эрининг барча қилмишларини амалга ошишига яқиндан кўмаклашади. Асилхоннинг онаси ҳақида озарбайжон версиясида ҳам сўз юритилади. Лекин унинг исми айтилмайди, шунингдек, туркман версияларида гидек у ҳақда батафсил тасвир кўринмайди.

Учала версияда тилга олинган образлардан яна бири Карамнинг дўстидир. У ўзбекчада Лола, озарбайжончада Сўфи, туркманчада эса исми айтилмай Карамнинг дўсти деб берилади. Лола образи ўзбекча варианта у қадар жонли ифода этилмаган. У Карамнинг яқин ёрдамчиси бўлиб юради. Кўпгина қийинчиликларни биргалиқда кечиради. У Асилхонни кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади. Ўз навбатида буни Асилхонга шама қилиб, калтак ҳам ейди. Бу эпизод Асилхоннинг ниҳоятда гўзаллигини яна бир бор таъкидлаш учун келтирилган бўлса керак. Лола Асилхонни излашда Карам билан бирга юради ва йўлдаги азоб-уқубатлар натижасида ҳалок бўлади. Туркманча версияда ҳам унинг тақдири деярли шу тарзда ифодаланади. Факат унда бу йигитнинг Асилхонга ошиқлик шама қилиши ва калтакланиши эпизоди йўқ.

Озарбайжон версиясида Сўфи воқеаларга фаол аралашади. Ҳамиша Карамга қийинчиликларни бартараф қилишда кўмаклашади. Унга кўпгина яхши маслаҳатлар беради. У асарда бошдан-оёқ қатнашади. Охирида Карам ва Асилхоннинг қабри устидаги гумбазда мужовирлик қиласи. Бу вариантда Сўфи вафодор ва жафокаш дўст, ақлли, садоқатли бир шахс сифатида тасвирланади. Ундаги бу хислатлар ўзбек ва туркман версияларида ниҳоясига етмаган.

Достонда анчагина персонажлар тилга олинади. Уларнинг айримлари образ даражасига кўтарилиган, айримлари эса эпизодик тарзда айтиб ўтилган. Баъзи персонажлар эса, учала версиядан бирида иштирок қиласа, иккинчисида тилга олинмайди. Туркман версиясида Саригул, озарбайжончада Ҳусния образлари берилган бўлиб, бу образ ўзбекчада учрамайди. Бу образ асарда

тўлақонли қилиб тасвирланмаган бўлса-да ўзининг эзгу ишлари, иккита жафокаш ошиққа нисбатан гуманистик позицияда туриб қилган яхшиликлари билан ўқувчи ва тингловчида яхши таассурот қолдиради.

Озарбайжон версиясида Карамнинг онаси Қамарбону ҳам тилга олинади. Қамарбону достонда қисқа бир эпизодда берилган бўлса ҳам, ўзининг ниҳоятда мунис ва меҳрибонлиги, ўз фарзандини жону дилдан севиши, унинг фикр-ўйини яқиндан англай билиши билан эшитувчи ҳамда тингловчи қалбидан ўзига муносиб ўрин эгаллай олган. Карамнинг онаси хақида қолган икки версияда ҳеч нарса айтилмайди.

Зиёдхон хақида учала версияда ҳам гапирилади. У озарбайжон ва ўзбек версияларида фақат асарнинг бошида иштирок қилиб, бошқа жойларда кўринмайди. Туркманчада эса, асарнинг охирида яна пайдо бўлади. Унинг ўғли ишқида қайғуриб, кўзи ожиз бўлганлиги айтилади ва карам билан Асилхонни кўриб, севиниб кўзларига нур келади. Уadolатли, болажонли подшо сифатида тилга олинади.

Достоннинг учала версиясида ҳам Карам ва Асилхонларга ёрдам қўлини чўзадиганadolatli подшо хақида сўз юритилади. Бу подшо ўзбекчада Рум подшоси, туркманчада Хунхор подшо, озарбайжончада Халаб подшоси деб берилади. У Карамнинг хақиқий ошиқ эканлигини, дили пок йигитлигини англаб етади ва икки ёшнинг бирга қўшилувига ёрдам беради. Бу образ халқ орасида қадимдан орзу қилиб келинаётганadolatli шоҳлар хақидаги ривоятларнинг яна бир такоридир. Шунингдек, асарда Карамга ёрдам қўлини чўзиб, унинг орзуларининг ушалишига кўмаклашган яна анчагина персонажлар тилга олинадики, уларнинг фаолияти халқнинг фикр ва орзу-умидининг рамзи сифатида кўзга ташланади.

Достонлардаги шеърий текстлар ҳар бир халқ ижодида ўзгача жило, ўзгача оҳанг касб этган. Туркман ва ўзбек версияларидаги шеърлар бир-бирига анча яқин келади, озарбайжон версиясидаги шеърий матнлар эса, улардан анча узоқлашган. Лекин шуниси ҳам борки, достондаги шеърий матнлар ўзбекча ва туркманча “Гўрўғли” туркуми достонларидаги даражада бир-бирига яқинлик касб этмайди. Уларда анчагина бир-биридан узоқлашиш ва ўзича мустақиллик ҳолатлари кўзга ташланади. Бу нарса “Асил ва Карам”нинг “Гўрўғли” туркуми достонларига нисбатан анча қадими эканлигидан дарак беради.

Ўзбек ва туркман версияларининг бошланишидаги шеърий матнлар бир-биридан мутлақо фарқланади. Ўзбек вариантидаги Карам билан Асилхон айтишуви туркман версиясига қараганда мазмун жиҳатдан кўпроқ озарбайжончага яқин туради. Айрим шеърий парчалар ўзбекчада анчагина силлиқланган, маъно жиҳатдан ҳам ўзгариб мустақил мазмунга эга бўлган:

Қора Малик элларимиз кўчибдур,
Кўчиб-қўнар бу тоғларнинг устина.
Ёрим Карам айро тушди ёнимдин,
Кўё билмай дудоқ дудоқ устина⁶.

⁶ Ошиқнома, II китоб, Урганч Хоразм, 2006. 153-бет.

Туркманчада:

Гара Мелек өйлеримиз гөчуппидир,
Гөчуп- гөчуп белент даглар устуне.
Дидәм Керем гел янымдан айрылма,
Додаклариң гойгүн додак устуне⁷.

Бу шеърий парча Асилхоннинг Карамдан айрилиб, кўчиб кетгач, анча йўл юриб, бир тоғнинг устига келиб қўнгандан кейин айтган монологидир. Икки версиядаги икки бандда бахшилар матнни ижодий ишлаш натижасида унга маъно жиҳатдан ўзгариш киритганлар. Ўзбекча матнда икки севишган ёшнинг хижрон туйғуси реал ва аламли тасвирланган. Туркман версиясида эса романтик орзу ўзини намоён қиласди. Ёридан айрилган Асилхон Карамни хаёлида ёнига чорлайди, хаёлан уни ўз оғушига олади. Ана шу хаёлнинг амалга ошишини истайди.

Ҳар бир халқ орасида ишлатиладиган ибора, тасвир воситалари, сўз ўйинлари, қочириқлар борки, бу хусусият ўша халқнинг фақат ўзигагина хос бўлиб, бошқа халқ учун ноаниқ бўлиб туюлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам халқ ижодкорлари, бахшилар достон куйлаган пайтда ана шундай характердаги ибораларга бефарқ қарамаганлар. Уларни ўз халқига тушунарли, айни пайтда айтилаётган воқеани том маънода ифодалай оладиган сўз ва иборалар билан алмаштирганлар. Бу алмаштиришда ўша бахшининг ҳаётга, воқеага бўлган эстетик қарashi, диди намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ўзгартиришлар кўп ҳолларда асарнинг бадиийлигига ижобий таъсир кўрсатса, баъзан аксинча ҳам бўлиши мумкин.

Версиялардаги бундай ўзгартиришлар шуни кўрсатадики, достонни куйлаш жараёнида бахшилар унга ижодий муносабатда бўлганлар, достон уларнинг ижодий лабораториясида қайта ишланган, ўзгача оҳанг, ўзгача рух касб этиб, иккинчи ҳаётини бошлаган. Шунинг учун ҳам ҳар бир достонда бир эмас, бир қанча ижодкорларнинг ижодий ҳиссалари борлиги аниқ кўринади. Бинобарин, уларда достонни ижодий ўзлаштирган халқнинг миллий рухи, диди, эстетикаси ўзини ёрқин намоён қилиб туради. Бу мулоҳазани яна шу факт тасдиқлайдики, достонларда берилган баъзи бир шеърий парчалардаги айрим бандлар, иккинчи халқ орасида тарқалган версиядаги шеърий парча таркибида учрамайди ёки аксинча. Масалан, “Ман дўнарман, кўнглим дўнмас” шеърий парчаси ҳар учала халқ версиясида ҳам берилган. Лекин улар бир-биридан фарқ қиласди. Ўзбек вариантида беш банд, туркманчада ҳам беш банд, озарбайжончада эса етти банд. Шуниси қизиқки, бу матнларда “Ман дўнарман, кўнглим дўнмас” мисрасидан бошқа мисраларнинг бирортаси ҳам бир-бирига мутлақо ўхшамайди.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай ўзига хосликлар улар орасидаги умумийликни, уларнинг фақат сюжет йўналиши жиҳатидангина эмас, балки шеър тузилиши ва поэтик воситалари билан ҳам ягона манбага бориб тақалишини инкор этмайди. Версиялардаги бундай

⁷ Аслы-Керем, 28-бет.

ўзгаришлар кеинги даврлар маҳсулидир. Буни тасдиқловчи фактлар анчагина. Қуйидаги мисоллар бунга далил бўла олади:

Ўзбекчада:

Турнам гетарлар кошона,
Йўлда дўшана-дўшана:
Бир рўмол берам нишона,
Бизнинг юрта кўп-кўп салом⁸.

Туркманчада:

Дурнам, гидер сен кашана
Гарлы даглардан ашана,
Десмалым акит нишана,
Бергил Аслыхана, дурнам⁹.

Озарбайжончада:

Дурна, телин шана-шана,
Нәм о ј ана, һәм, бу јана,
Алын сизә бир нишана
Верим, јара салам дејин!¹⁰

Бу шеърий парчалардан кўринадики, учала версиядаги матнда ҳам маълум ўзгаришлар юз берган бўлса-да, уларда мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам ўхшашик мавжуд. Ҳар учала версиядаги қофиялар бир-бирига ҳамоҳанг келади. Шуниси характерлики, ҳар бир халқ шеърий матнларга ўз нуқтаи назаридан ўзгартиш киритган. Шу сабабли улардаги ўзгаришларнинг салмоғи ҳам турли даражада. Бироқ, бу ўзгаришларнинг салмоғи қай даражада бўлмасин, уларнинг манбай бирдир. Бу нарса фольклордаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик масалаларини ўрганиш учун бой материаллар бериши мумкин.

“Асил ва Карам” Хоразм воҳасида минг йиллардан бери яшаб келмоқда. Чунки, асада олов билан боғлиқ Зардуштийлик билан алоқадор мотивлар учрайдики, уни алоҳида тадқиқ қилишга тўғри келади. Хоразм халқлари орасида қадимдан тарқалган шундай қўшиқлар борки, бу қўшиқларнинг илдизи ҳам “Асил ва Карам” достонидаги шеърий матнларга бориб тақалади. Масалан, Хоразмда “Олти халфа” деб номланувчи машҳур қўшиқ бор. Бу қўшиқда халфаларнинг қадди-қомати, характер-хусусиятлари таъриф этилади:

Олти халфа бири Бўстон
Одлари олама достон
Юрган ери боғу бўстон
Элга балли олти халфа¹¹.

“Асил ва Карам” достонининг озарбайжон версиясида худди шу қўшиқка ўхшайдиган битта шеърий матн мавжуд:

⁸ Ошикнома, II китоб, Урганч Хоразм, 2006. 182-бет.

⁹ Аслы-Керем, 78-бет.

¹⁰ Азэрбајжан мұнәббәт дастанлары, 112-бет.

¹¹ Ўзбекистон ССР ФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. И nv. №1636, 1-жилд, 41-42-бетлар.

Алты гызын бири жејран
Өлүм гозләринә һејран
Сизлә каш сурајдим девран
Алты гызлар, алты гызлар¹².

Бу шеърий парчада ҳам қизларнинг қадди-қомати, кийиниши, характер-хусусиятлари мадҳ этилади. Ҳар иккала парчадаги тасвирлаш услуби, таъриф объекти, бадиий тасвир воситалари бир-бирига жуда ҳам яқин келади. Фарқ шундаки, озарбайжончада қизлар мадҳ этилса, ўзбекчада ҳалфалар таъриф қилинади. Бу матн “Асил ва Карам” достонининг ўзбек ва туркман версияларида учрамайди. Ушбу қўшиқнинг сал бошқачароқ варианти қорақалпоқ шоири Бердақ ижодида ҳам кўзга ташланади. Ушбу ўхшаш қўшиқларнинг турли ҳалқлар орасида мустақил куйланиб келиши тасодифий ҳол эмас. “Асил ва Карам” достонининг ўша матн мавжуд бўлган вариантлари бир вақтлар ўзбек ҳалқи орасида машҳур бўлганлиги ҳақиқатга жуда яқин. Даврлар ўтиши билан бу қўшиқ достоннинг таркибидан тушиб қолиб, ҳалқ орасида мустақил яшашда давом этган. Бинобарин, достоннинг ўзбек ҳалқи орасида ёйилишининг қадимий эканлиги ушбу далил орқали яна бир бор исботланади. Айни вақтда достоннинг озарбайжон ошуқлари орасида тарқалганлигининг сабаби шуки, Хоразмнинг қадимий аҳолиси воҳанинг ҳали ғарбий қисмида макон тутиб, Каспий бўйларига яқин ерларда яшаган пайтларда Озарбайжон билан Хоразм аҳолиси орасидаги маданий алоқаларнинг жуда яқин бўлганлиги табиий бир ҳол бўлиб, бу вазият “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Асил ва Карам”, шунингдек, “Гўрўғли” туркумидаги аксарият достонларнинг ушбу икки ҳалқ орасига ёйилишида асосий замин бўлган.

Асарнинг тили ва бадиий хусусиятлари масаласига келганда шуни айтиш мумкинки, достоннинг туркман ва ўзбек версиялари бизгача қўлёзма орқали етиб келган. Шу боис ҳам уларда ёзма услубнинг таъсири кучли. Айниқса, ёзма услуг асарнинг насрый қисмини бадиий жиҳатдан чеклаган. Унда ҳалқ мақоллари, жонли сўзлашув тилига хос турли иборалар. Эпитет ва муболагалар анча кам ишлатилган. Достоннинг озарбайжон версияси эса баҳшилар репертуари асосида нашр қилинганлиги сабабли унда ҳалққа хос кўтаринки ва жўшқин тил, самимий услуг ўзини яққол намоён қилиб туради.

“Асил ва Карам”нинг ўзбек версиясида шеърий матнлар бадиий жиҳатдан анча пишиқ ва мукаммалдир. Унда бадиий тасвир воситалари ғояни мукаммал равишда очиб бериш билан бирга шеърларнинг оҳангдорлиги ва ўйноқилигини тўла таъминлаган:

Кийикдай қора қошлари,
Инжудай оқдур тишлари,
Товус мисол юришлари,
Нозли маҳбублар келибдур¹¹.

¹² Азәрбајжан мұхаббәт дастанлары, 153-бет.

¹¹ Ошиқнома, II китоб, Урганч Хоразм, 2006. 180-бет.

Шеърдаги товушларнинг уйғун берилиши ундаги оҳангдорликни янада кучайтирган, мисралар янада ўқимишли чикқан:

Бугун йиглаё, йиглаё,
Эмди келдим санго тоғлар,
Жигар доғлаё, доғлаё,
Арзга келдим санго тоғлар¹².

“Асил ва Карам” достонининг ўзига хос хусусияти шу ердаки, унда бошқа ишқий-романик достонлардаги каби ошиқ-маъшуқаларнинг мурод ва мақсадларига етишиши эмас, балки икки севишган ёшнинг фожиали ҳаёти тасвирлаб берилади. Феодал жамиятнинг ноинсоний қонун-қоидалари, ёвуз кучлари икки ошиқнинг бошига битмас-туганмас балолар ёғдиради. Достон диний чекланишлар, севги-муҳаббатнинг поймол қилиниши. Инсоний ҳистайғулар билан ҳисоблашмаслик каби иллатларга қарши ўткир айномадек жаранглайди.

“Асил ва Карам” достони ўзининг ҳаётийлиги, дўстлик, биродарлик ғояларини тарғиб қилиши, севги-муҳаббатнинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ томонларини очиб бериши, вафодорлик, фидоийлик, мақсад йўлидаги курашчанлик, тақдир тақозосига бўйсунмаслик каби қатор ижобий хислатларни улуғлаши билан тарбиявий аҳамиятга эга, чунки ундаги асосий ҳаётий воқеалар, гуманистик тенденциялар, дунёвий севги мадхияларининг жўшқин оҳанглари бугунги китобхон учун ёт эмас. Шу сабабли достоннинг ўзбек версиясининг ҳам китобий ва оғзаки варианtlарини тўла нашрга тайёрлашни ва китобхонларга етказишни лозим топдик. Достоннинг оғзаки варианти фақат Хоним халфа репертуарида ижро қилиб келинган.

Хоним халфа Саидамат қизи ва унинг “Асилхон” достони. Хоразм халфачилигининг илк забардаст сиймоларидан бири шоира Хоним халфа Саидамат қизи бўлиб, у Хивада Хоним сувчи лақаби билан машҳурлик қозонган. Шоира-халфа саводхон, хонандалик ва созандалик қобилиятини тўла эгаллаган. Қисса-достонларни маҳсус оҳангга солиб (речитатив) куйлаган. 1895 йилдан бошлаб достон ва қўшиқларни гармон жўрлигига ижро қила бошлаган¹.

Дастлабки ўзбек фольклоршунослигининг дарғаларидан бўлган Ҳоди Зарифнинг шоира-халфа ҳақидаги хотираларига эътибор қаратамиз: “1930 йил, ёзинг иссиқ кунлари. Хивада, Дошховлидаги Хоразм музейи биносида тадқиқот ишларини бошлаб юбордик. Илмий ходим Бекжон Раҳмон хивалик Хонимжон аяни Дошховлига етаклаб келди. Мендан анчагина катта ёшли бу аёл таъзим билан, улуғ камтарлик, ҳурмат ва икром билан кўришганда, мен ўзимни мусофирикда онам ўз бағрига олаётгандек ҳис этдим. Биз сухбатлашиб, тезда она-боладек бўлиб қолдик... маълум бўлишича, бу олижаноб аёл хонлар хонадонининг қулларидан, Исфандиёрхоннинг чўриларидан бири бўлган экан...

¹² Қўлёзма, 167-бет.

¹ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1967. –Б.115.

Мен бу шоиранинг “Хон зулми”, “Бевафо золим” каби инқилобий рухдаги шеърларини ўз оғиздан ёзиб олганим билан фаҳранаман.

Мени эпос ҳам қизиқтирас эди.

Катта қобилият эгаси, санъаткор, шоира Хонимжон халфадан “Асиликхон” (“Асилик Карам”) достонини ёзиб олдим.

Мен халқ ижодчиларининг зўр вакилларини қўрганман. Аммо аёл халқ шоирлари билан шахсан учрашмаган эдим. Хивада шунга мусассар бўлдим”².

Биз фольклоршуносалар- ҳаммамиз шўро даврида Хоним халфа хақида юқорида қайд қилингандек мубҳам, ноаниқ тасаввурда эдик.

Энди бу жабрдийда аёлнинг ҳақиқий ҳаёт сахифаларини вараклаш учун мозийга қайтамиз.

XIX асрнинг қок ўртаси. Муҳаммад Аминхон даври. Кунларнинг бирида хон саройи дарвозаси олдига номаълум аёл янги туғилган чақалоқни ташлаб кетади. Боланинг йиғиси дарвозабонлар қулоғига эшилтингач, улар чақалоқни кўриб, эшик оғасига хабар беришади. Эшик оғаси эса болани кўтариб хоннинг олдига киритади. Ҳукмдор дарҳол олим уламоларни чақириб, уларга воқеани баён қиласиди. Йиғилганлар: -бу болани сизга Худо етказди. Кечагина жанг жадаллардан омон-эсон қайтиб келдингиз. Бу бола сизга Худонинг юборган мукофоти илтифотидур, дейишади.

Хон бу сўзлардан кейин кайфи чоғ бўлиб, болага исм қўйишни таклиф қиласиди. Кўпгина мунозаралардан кейин унга Қутлигалди исмини маъқул топишади. Аммо болани кўпроқ Қутлимурод деб аташган. Бола вояга етгач, уни хон саройни сув билан таъминлаш гуруҳига бошчи қилиб тайинлади.

Ўша йиллари Хиванинг жанубий қисмида Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг орқасида Саидмуродбий оиласида бир қиз дунёга келади. Унга Хонимжон деб исм қўйишади. Бу қиз зеҳнли, илму урфонга иштиёқманд бўлиб, етти-саккиз ёшларида кўплаб халқ қўшиқлари, эртак ва достонларини ёд олади. Шунингдек Навоий, Фузулий, Оғаҳий, Машраб каби буюк шоирларнинг ғазалларини мутолаа қиласиди. 14-15 ёшларида форс ва араб тилларини ўрганади, ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлайди. Бу даврга келиб, хонлик таҳтига Муҳаммад Раҳимхон соний-Феруз чиққан эди У Хонимжоннинг таърифини эшитгач, бу қизни саройга олдириб, ўзининг суюкли қизи Чинни бикага мураббий қилиб тайинлади. Кейинроқ сарой халфаларининг бошчиси қилиб кўяди. Феруз таҳтга ўтиргандан кейин ўн йиллар ўтгач, Хонимжонни биз юқорида тилга олган Қутлигалдига никоҳлаб, катта тўй ўтказади. Хоним халфа шу сабабдан бўлса керак, кўп шеърида Хоним сувчи таҳаллусини қўллайди. Бу таҳаллус эрининг касби-корига ҳурмат юзасидан танланган бўлса керак.

Хоним халфа иккита ўғил кўрган. Биринчиси Раҳимберган Петербургда ўқиб, “Ёш хиваликлар” ташкилоти фаолига айланган. Инқилобдан кейин Самарқандда шўро хукуматининг масъул лавозимларида ишлаган. Кейинги тақдирни номаълум. Уни қатағон тегирмони домига тортиб кетган.

² Мирзаев Т. Ҳоди Зариф сабоқлари. –Т.: “SHAMS ASA”, 2013. –Б.262-263.

Иккинчи ўғил Каримберган ўқишига унчалик қизиқмай савдо-сотиқ билан шуғулланган. Чорсуда дўконлари бўлган. Унинг Бикажон бика исмли қизидан ҳозирда элга машхур бўлган Ўзбекистон халқ рассоми, истеъдодли ижодкор Тўра Қурёзов туғилган.

Шу тариқа 1920 йил ҳам келиб, Хивада хон ағдарилади. Шўро тузуми айғоқчилари хонга алоқадор кишилар атрофида изғий бошлашади. Бу исковучлар Хоним халфани ҳам эсдан чиқармадилар. Хоним халфа жуда бой-бадавлат яшар эди. У хавфни сезиб гилам ва бошқа ашёларни қўшниларга тарқатиб улгура олди холос. Аммо иккита кичик қути сандиқчада олтин, кумуш ва бриллиантлар бор бўлиб, улар айвон саҳнидаги устунлар тагига кўмилган эди. Исковучлар ҳаммасини тортиб олиб кетишиди. Хоним халфанинг катта кутубхонаси бор эди. Кўрққанидан барча китобларини қабристонга олиб бориб кўмиб ташлайди. Элакчилик кўчасидаги уйини мусодара қилиб, давлат тасарруфига олишиди. У ерда баландлиги икки қаватли уйга тенг келадиган мусиқа асбоби бор эди. Уни фақат оёқ ва қўллари ҳаракатида Хоним онанинг ўзигина чала олар, кўплаб ёш халфаларни ўша ерда тарбиялар, уларга мусиқа ва хонандалиқдан таҳсил берар эди. Бизнингча бу асбоб Феруз Петербургдан олдирган орган мусиқа асбоби бўлиши керак. Ёки бўлмаса, Янгиариқнинг Чиқирчи қишлоғида яшаган немислар уни ясад беришган ёки Европадан олиб келиб хонга тухфа қилишган.

Соз жойлашган уй икки –уч оиласа бўлиб берилган. Улар қиш бўйи созни бўлаклаб, ўчоққа ўтин сифатида ишлатишган.

Хоним халфага тазиқ тўхтамаган. Охир –оқибат у келини ва қизи билан Пишканик қишлоғига кўчиб ўтган. Шундай бўлса-да, у 5 йилга қамалган. Қамоқда Хоним халфа Исфандиёрхоннинг биринчи хотини Бикажон бика билан бир камерада ўтирган. Бикажон бика унга бир вақтлари кўп яхшиликлар қилган эди. Чунки Феруз вафотидан кейин Исфандиёр барча шоиру созанда, халфаларни саройдан ҳайдаган, ўша пайтда Бикажон бика Хоним халфани хондан илтимос қилиб, саройда олиб қолган эди.

Анча кексайиб қолган Хоним халфа турмадан чиққач, кўп яшамай 1936 йилда вафот этади³.

Хоним халфа шўро ҳукуматига хизмат қилишга ҳам уриниб кўрган.

Машхур хонанда Мадраҳим Шерозий билан ҳамкорлик қилиб, янги даврга мос қўшиқлар ҳам куйлаб юрган. Тамарахоним билан танишган. Тамара хоним унинг бир дафтар тўла шеърларини чоп қилдирман, деб олиб кетган, аммо шеърларнинг кейинги тақдири номаълумлигича қолган.

Хоним халфанинг “Найлайнин армонли кетдим”, номли шеъри бор:

Эй ёронлар, биродарлар,

Найлайнин, армонли кетдим.

Қараб турган қиз-жуонлар,

Найлайнин, армонли кетдим.

³ Курёзов Т. Нотекис йўллар. –Т.: 2014. –Б.3-13-бетлар.

Жойим, айвоним йиқилди,
Уйимга қора тикилди,
Болаларим етим қолди,
Найлайин, армонли кетдим.

Энди менинг чиқар жоним.
Оқар бўлди қизил қоним,
Йўқдир турмоққа мадорим,
Найлайин, армонли кетдим.

Ушбу парчадан маълум бўладики, Хоним халфанинг умри хорзорликда кечган. Биз бу шеърни шу пайтгача шоиранинг хонлар давридаги аянчли ҳаёти тарзида шарҳлаб келдик ваҳоланки, шеър ижодкорнинг шўро даври ҳаётининг ифодаси экан⁴. Ушбу шеър шоиранинг ўлими арафасида ёзилган. Унинг Исфандиёрхонни лаънатловчи “Бевафо золим” шеъри шўро даврида ёзилган. Бунинг асосий сабаби Исфандиёрхон ўз қилмишлари сабабли лаънатлашга лойик ҳукмдор. У бошқа санъаткорлар қатори, Хоним халфани ҳам саройдан бадарға қиласи. Қолаверса шоира шўро сиёсатидан жуда қўрқиб қолган. Ҳатто отасининг исмини ҳам Сайдмуродбий тарзида айтишга ҳадиксираб Сайдамат, туғилган жойини ҳам Хива шахри эмас, Пишканик деб айтишга мажбур бўлган. Ҳоди Зарифга ўзини хоннинг чўриси деб таништирган. Шу сабабли айрим шеърларида эски тузумни қоралашдан бошқа илож топа олмаган.

Шоиранинг кўпгина шеърлари илгари айтганимиздек Тамарахоним қўлида қолиб кетган. Аксарият шеърлари Анаш халфа, Ожиза, Назира халфа каби шогирдлари тилидан ёзиб олинган. “Ўзбек шеърияти антологиясида⁵ иккита, “Ўзбек педагогика антологияси”да учта шеъри чоп этилган.

Ҳозирги даврда халфалар ижро этаётган тўй-маросим ва достон қўшиқларининг деярлик барчаси Хоним халфа мусиқа анъаналари асосида яшаб келаётир. Афсуски унинг оёқ билан попишакларини, қўл билан клавишларини босиб чаладиган “Катта сози” бизгача етиб келмаган ва унинг номини ҳам бирор халфа, чевараси Тўра aka ҳам эслай олмайди.

Замон ўткинчи, аммо Хоним сувчи каби хонлар ҳукмронлиги давридаёқ гармон, “Катта соз” чалган илғор фикрловчи ижодкорлар кам топилади. У яратган Хоразм халфачилик санъати мактаби эса ҳамиша барҳаёт ва боқийдир.

Хоним халфа жуда иқтидорли, бадеҳагўй, ҳофизаси кучли ижодкор. Унинг репертуарида ўнга яқин достон бўлган, аммо фақат “Асли –Карам” достони ёзиб олинган. Достон матнини Хоним халфа яшаган даврдан 100 йил олдин кўчирилган нусха билан қиёслаганда шоиранинг нақадар бадеҳагўй бўлганлигига қаноат ҳосил қилдик. Шеърлар ниҳоятда нафис қилиб қайта ишланган. Кўплаб шоира ижодига мансуб шеърлар достон таркибидан жой олган. Достоннинг Хоним халфа варианти ҳозирда

⁴ Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995. –Б.415.

⁵ Ўзбек шеърияти антологияси. 1 –том. –Т.: Ўздавнашр, 1961. –Б.50-51.

Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт илмий текшириш институти фольклор бўлимида №42 ракамли хазинада сақланмоқда. Биз ушбу мажмууда ўша оғзаки варианти матинини эълон қилаётирмиз.

Оғзаки вариантнинг Ҳоди Зариф ёзиб олган нусхаси йиллар ўтиши билан эскириб, ҳарфлари ўчиб кетган. Унинг илгарироқ кирилл алифбосига ўтказилган матни мавжуд бўлиб, унда қўп сўзлар хато табдил этилган. Биз бу матнни нашр қилинган қўлёзма билан қиёслаб, айrim сўзларни, топонимик номларни, исмларни қайта тикладик, баъзи қолдириб кетилган мисраларни, сўзларни ўрнига қўйдик.

“Чориёри олам” достони ҳақида. “Шахриёр” достони сюжети жаҳонгашталик характеристига эга бўлиб, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, Европа бўйлаб кенг ҳудудда ёйилган. Аммо унинг шаклланган асосий нуқтаси Хоразмга келиб боғланади.

Ўзбек халқи орасида у “Дурапшо”¹, “Қиронхон”, “Соҳибқирон”, “Ойпарча” “Одилхон”, “Қоракўзойим”, “Чорёр” каби қўплаб номларда тарқалган².

Хоразмда “Шахриёр” номи остида оммалашган бу достон асосан қўлёзма нусхалар орқали қиссаҳонлар ва қироатхон халфалар репертуарида ижро қилиниб келган. Шу пайтгача унинг “Чориёри олам” номи билан оммалашган варианти топилмаган эди. Асли тўрткўллик бўлган туркман фольклоршуноси Қурбон Бозоров бу достоннинг Хоразм вилоятига ёндош жойлашган Тўрткўл, Беруний туманларида яшаб ўтган бахшилар репертуарида фаол ижро қилиб келинган “Чориёри олам” номли вариантини ёзиб олиб, унинг рус тилида баён қилинган матинини эълон қилган³.

Достон Беруний туманида яшаган 73 яшар туркман бахшиси Мамед Хожаевдан 1970 йилда ёзиб олинган. Асар мазмуни Хоразмда машҳур бўлган “Шахриёр” сюжетига жуда ўхшаш, бироқ унда мазкур сюжет асосида оммалашган ҳеч бир достонда учрамайдиган лавҳалар мавжуд. Яна бир томони борки, услуг туркман-ўғуз достончилигига ўхшамасдан шеърий вазнлар астрофик (нотент) шаклда берилган. Дебоча эса Қашқадарё, Сурхондарё минтақасидаги бахшилар анъанасини тақрорлайди ва шеърий мурожаат билан бошланади:

Жон Ҳайбатнинг шаҳринда

Шоди Дарап хан ўтди.

Икки оғиз булардан

Айтиб берсам бўларми?

Жон оғам, кўнглим тўларми?

Достон тили Хоразм ўғуз лаҳжасига яқин. Достон асосида анъанавий сюжет ётса-да, бадехагўйлик кучлироқ намоён бўлади.

¹ Мирзаев Т. Эрос и сказитель. –Т.: Фан, 2008. –С.134.

² Жўраев М. Умидбахш орзулар қўйланган достон. // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари, 100 жилдлик, III жилд. “Қиронхон”. –Т.: F.Фулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи, 2015. –Б.6.

³ Базаров К. Народное поэтическое творчество туркмен Каракалпакстана. –Нукус. «Билим», 1997. 96-110-бетлар.

Дастлаб бефарзанд хон Шоди Дарап ҳақида сўз юритилади. У кечасига шаҳар айланиб Қорабой, Донобой ва Сорибой деган бойлар хонадонига дуч келиб, уч қизнинг сухбатини тинглайди.

Уларнинг кенжаси: “Мени подшо олса, унга бир кокили олтиндан, бир кокили қумушдан бўлган ўғил-қиз туғиб берар эдим”, дейди. Подшо эртасига унга Тўман вазирни совчи қилиб юборади.

Шу нарса характерлики, подшо олдига уч бойнинг ўзи қизларини олиб боришади. Бу ҳолат бошқа версия ва вариантларда учрамайди.

Кенжа қизнинг исми Гулчора (асл вариантда Гулчехра) тарзида берилади. Кейинги воқеаларда унинг ҳомиладор бўлиши, хоннинг шикорга кетиши, 9 кундошнинг макри натижасида эгизак болаларнинг маston кампир ташаббуси билан кучук ва мушук болаларига алмаштирилиши тасвирланади. Улар дастлаб қудуқقا ташланади. Уларни Қараман қул топиб олади, Ундан Шосувор подшо болаларни беришни илтимос қиласиди:

Айланайин. Қараман,
Сендан жоним омонат,
Миниб келан отим бор,
От устида зотим бор,
Буни санго берайин,
Ўғлингни бер Қараман,
Миниб келан отим бор,
Йил ошинга сўйилсин.
Усти тўла зотлари,
Уч ошинга ярасин.

Шу тариқа Шосувор болаларни олиб Оқдавлат исмли аёлига келтириб беради. Сўнгги саргузаштлар асл сюжет доирасида кечади. Болаларга Шосуворнинг боғ яратиб бериши, маston кампирнинг булбулигўё қушни эсга солиши, Чориёрнинг уни излаб кетиши ва тошга айланиб қолиши, синглиси Энжимнинг акасини излаб чиқиши тасвирланади. Чориёрнинг тошга айланиш жараёни ҳеч бир версия ва варианта шеърий баёнга эга бўлмаган. Мазкур вариантда у шундай берилади:

Булбулгўё айёр қуш,
Қаноти ости қора қуш.
Бир қаҳқаҳа уради,
Тиззагача тош бўлади.
Икки қаҳқаҳа уради,
Белгача тош бўлади.
Уч қаҳқаҳа уради,
Кекирдаккача тош бўлади.
Тўрт қаҳқаҳа уради,
Бутун бўйи тош бўлади.

Чориёрнинг синглиси Энжимга эса Булбулгўё қушнинг сехри таъсир қилмайди. Натижада унга таслим бўлади. Энжим эса акасини ва уч юздан

ошиқ бошқа тошга айланғанларни ҳам ўз аслига қайтаришни буюради ва бунга эришади.

Ўша пайтда улар барча версия ва вариантларда турли номларда берилған ҳомий-афсонавий от Аспижақонгирга дуч келишади. Бундан кейинги воқеалар ўша от маслаҳати билан амалга ошади ва анъанавий сюжет доирасида давом этади. Ўз навбатида айрим янги лавҳалар эътиборни тортади. Жумладан, Чориёрнинг онаси Гулчора қудук ичида сақланади, унга номаълум чўпон меҳрибонлик кўрсатади. Уни қудуқдан чиқариш лавҳасида қаҳрамонлик эпосларига хос мотив намоён бўлади. Энжим соchlарини қудуқка юбориб, онасини тортиб олади.

Ушбу лавҳа Алпомишни Бочибор отнинг қуйруғи билан зиндандан чиқариш мотивини эслатади.

Она ва болалар учрашгач, Энжимни чўпонга никоҳлаб беришади. Ушбу эпизод “Шарьяр” эпосининг (қорақалпоқ версияси) деталларига ўхшаб кетади. Умуман олганда, достондаги бундан бошқа ҳолатларда ҳам қорақалпоқ версиясига ўхшаш келадиган деталлар кўзга ташланади. Шосуворнинг хотини қорақалпоқ версиясида ҳам, мазкур вариантда ҳам Оқдавлат тарзида берилади. Чўпон образи ҳам ҳар иккала асарда бир хил баён этилади. Айрим деталлар Матназар Жаббор ўғлининг “Қорақўзойим” достони билан уйқаш келади. Караманинг болаларни қўлга ташламоқчи бўлганда қўлдан, ҳовузга ташламоқчи бўлганда ҳовуздан “ташлама” деб садо чиқиши ҳар иккала вариантда ҳам айнан такрорланади. Шунингдек, Матназар Жаббор ўғли вариантида бош қаҳрамоннинг Шорёр тарзида, Мамед бахшида Чорёр шаклида берилишида ҳам товуш ўхшашлиги мавжуд. Ҳар иккала вариантдаги шеърий парчаларда ҳам услубий ҳамоҳанглик кўзга ташланади. Масалан, Мамед бахши вариантида қўлдан шундай садо чиқади.

Ўлдирма марднинг боласин,
Бузма шоҳнинг қалъасин,
Йифлатма изинда қолган,
Гулчора отли онасин.
Йиксанг шоҳнинг қалъасин,
Ўлдирсанг марднинг боласин,
Қочиб, бўйинг яширма
Қора ерга тортдирмасам,
Кўллар отим қурисин.
Матназар Жаббор ўғли вариантида ердан шундай садо чиқади:
Ёмонликни бошлама,
Норастана ташлама.
Ёмонликни бошласанг,
Болаларни ташласанг,
Танингни пора қилиб,
Сийнангни яра қилиб,
Холинг хароб этарман,
Қушларга ем этарман.

Ҳар иккала парчадаги шеърий парчаларда мазмунан яқинлик сезилиб туради. Мазкур варианлардаги ўхшашлик тасодифий эмас. Негаки, Мамед бахши ҳам, Матназар бахши ҳам тўрткўллик Қурбонбой жиров Тожибоевнинг бахшичилик мактаби вакиллариридир.

Шу боисдан ҳам ушбу варианларда шеърий услугуб ҳам образлардаги яқинлик ҳам ўзаро монандлик касб этади.

Мамед бахши услуби туркман –ўғуз достончилиги анъаналаридан ўша жиҳатлари билан ҳам фарқланади. Достондаги шеърий матнларда бахшининг бадеҳагўйлик маҳорати алоҳида кўзга ташланиб туради:

Борайинми, қизгина,
Бормайнми, қизгина.
Ҳолингиздан хабари,
Олайинми, қизгина,
Олмайнми, қизгина!
Оқ сийнангни устина,
Минайнми, қизгина,
Минмайнми, қизгина.
Юпқагина лабингдан,
Сўрайинми, қизгина,
Сўрмайнми, қизгина?

Шеърий мисраларда такрорлар ва саволларнинг тасдиқ ва инкор шаклда қўлланилиши матнда ўзига хос ўйноқилик, таъсирчанлик ва полифоник хусусиятларни рўёбга чиқарган.

Шу нуқтаи назардан қараганда бахшининг иқтидори бадеҳагўйлик ва ижро талабларига тўла жавоб бера олади. Бинобарин, Мамед бахши вариантида анъанавий сюжет сезиларли даражада қайта ишланган ва қисқа сюжет асосида оригинал бир асар юзага келган.

Бахши “Шахриёр” сюжетини қайта ишлар экан, Хоразмда тарқалган қўлёзма нусхадан ҳам боҳбар бўлган. Достонга разм солинса, ундаги асосий ўринларда қўлёзма нусхадаги мотивлар акссадо беради. Достондаги асосий образлар: Доробшоҳ, Гулчехра, Шахриёр, Анжум, Туман вазир каби номларнинг салгина фонетик ўзгаришлар билан “Чориёри олам”да ишлатилиши, Аспи Жаҳонгир, Булбулигўё каби мифологик образларнинг асар воқеаларида айнан иштирок этиши, бир кокили олтин, бир кокили кумуш эгизакларнинг туғилиши, афсонавий боғ, афсонавий шаҳарларнинг барпо этилиши, 9 кундош ва маston кампирларнинг хиёнаткорона фисқу фасодларининг асар охирида барбод бўлиб, жабрдийдаларнинг мурод-мақсадга эришишлари ушбу фикримизни тасдиқлайди. Демак, Мамед бахши дастлаб қўлёзма нусхалар орқали машҳур сюжет билан яқиндан танишган, уни ўз иқтидори, бадеҳагўйлиги доирасида тубдан қайта ишлаган, сюжетни ихчам ҳолатга келтирган. Асар матнини яратишда устози ва сафдошлари ижодидан таъсирланган ҳолда “Шахриёр” достонининг янги бир вариантини яратади. Ўз навбатида достонни ёзиб олувчи туркман олими Қ.Бозоров таъкидлаганидек, достонда маҳаллий колорит бўртиб кўринса-да, уни

умумтуркман достончилиги анъаналаридан бегона деб қараш түғри эмас⁴. Чунки, достон матни туркман тилида яратилган, унинг таркибида миллый ўзига хослик, туркман турмуш тарзи намоён бўлиб туради. Буни асардаги турли ибораларда, диалогларда, антропонимларда, тасвир воситаларида, умуман бадий нутқда яққол сезиш мумкин.

Биз ушбу мажмууда достоннинг Мамет баҳшидан ёзib олинган оғзаки вариантини эълон қилаётимиз.

“Саёд ва Ҳамро” достонининг қўллёзма нусхаси асосидаги варианти илк маротаба 2006 йилда “Ошиқнома” мажмуасининг биринчи китобида чоп этилди. Достоннинг манғитлик Худойберган баҳши Ўтагановдан 1960 йилда Усмон Аҳмедов ёзib олган варианти “Ошиқнома” рукнининг 5-китобида эълон қилинди. Достоннинг Ҳўжамурод баҳшидан ёзib олинган варианти эса “Ошиқнома” мажмуасининг 6-китобида босилди. Мажмуанинг ушбу китобида “Саёд ва Ҳамро” достонининг йиғма варианти китобхонларга хавола этилаётир. Мазкур вариант ҳар томонлама мукаммаллик касб этади.

**С.Р.Рўзимбоев
Филология фанлари
доктори, профессор.
Н.Э.Собирова ф.ф.ф.д.(PhD)
Ў.С.Норбоев – тадқиқотчи**

⁴ Кўрсатилган асар, 95-бет.

А С И Л В А К А Р А М.

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Ганжиқорабоғда Зиёдхон деган бир подшо бор эрди. Дунёда фарзанди йўқ эрди. Бир куни вазири айди: Худонинг яхши бандаси эркан, анинг қабрини **дунасанг** шояд олло таоло бир фарзанд бергай, деди. Подшо ҳам бир неча теваларга ошу нон юклаб, назр-ниёзи бирлан ҳазрати Алиниңг қабрига бориб, шери даргоҳнинг қадамларида ўлтириб, бир оят ўқиди. Андин сўнг мақсадини оллодин тилаб, бир сўз айди:

Даргоҳингга юзим қўйдим ё Али,
Зорим айтиб Биру бора йигларман.
Бефарзандман жоннан тўйдим ё Али,
Фарзанд деюб ман оввора йигларман.

Бизлар беклар бирла бўлсак ошино,
Беклар олтин - кумуш санчар бошина,
Халойиқ йиғналар **дегра дошина**,
Фарзанд деюб ман оввора йигларман.

Мунжиқларим дўланади қўлима,
Полвонлари қалқон олар қўлина,
Савашамиз бориб Румнинг элина,
Фарзанд деюб ман оввора йигларман.

Зиёдхон айтади: ё Али имом,
Банданинг кўнглидан кетмасин гумон,
Аввалда имондур, охирда имон,
Шояд биза фарзанд бер деб йигларман.

Алқисса, подшо ҳазрат Алиниңг қабрини дунагандин сўнг, ойдин ой, кундин кун ўтиб, бир куни подшонинг ўғли бўлди. Етти кеча кундуз тўй бериб, отини Муҳаммаджон қўйдилар. Етти ёшиға кирди. Бир куни сахроға қуш қушламаққа чиқди. Бир майдонда қуш солди, қуш кунботарға қараб кетди. Кўрса қуш бир боғда ўлтирибдур. Қушнинг изидин қараб бадар кетди. Боғга бориб қараса қуш ўлтирибдур. Боғнинг ичинда қирқ нозанин қиз юрур эрдилар. Аммо бу боғ Ганжиқорабоғнинг бир ёнинда бино бўлған эрди. Бу боғнинг атрофинда қирқ минг уйлик армани бор эрди. Боғда қизлар оросинда бир нозанин юрур эрди, қараган инсоннинг ақлини олур эрди. Қизнинг оти Наргисжон эрди. Муҳаммаджон қиздин қушини тилади, мунда юбор, деб. Қиз айди ўзинг келиб ол, деб. Муҳаммаджон қизға қараб бир сўз айди, қиз ҳам жавоб берди:

Йигит: Қаршим олиб турған ёқа дугмали,
Юбар келсин тарлонимни Асил ёр.
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани,
Юбар келсин тарлонимни Асил ёр.

Қиз: Узоқ йўлдин келган ола кўз Карам,
Карамжоним тарлонингни келиб ол.
Агар сан келмасанг қонинг тўкарман,
Карам ўғлон тарлонингни келиб ол.

Ман келмишам насиб этса кўрмака,
Номаҳрамсан, сўзинг бовар этмака,
Ман овчиман олган овим барманам,
Карам ўғлон тарлонингни келиб ол.

Йигит: Карам деюр сандан овим оларман,
Зўри қилиб бўйнинга қўл соларман,
Ганжиқоробоға олиб борарман,
Юбар келсин тарлонимни Асил ёр.

Қиз: Асил дер: шартинга ета олмассан.
Омон ўз элинга ета олмассан,
Кўнгил **матлубинга** ета олмассан,
Карам ўғлон тарлонингни ўзинг ол.

Алғараз шу ерда Муҳаммаджоннинг оти Карамжон қолди, Наргис қизнинг оти Асилжон бўлди. Иккиси бир-бирига ошиқ бўлди. Қиз мунга сирини билдирамади. Кўнглини оғритиб бузмади. Шул вақтда Карамжон зор - зор йиглаб, ёлвориб Асилжон паризодга қараб бир сўз айди:

Кўзинга **дўнайин** йўла кел, йўла,
Мулойим қўлларинг бўйнима **дўла**,
Тўпиннан айрилған яшил бош сўна,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Соллониб-соллониб мундин ўтарсан,
Ошиқинг ўлдириб қонин тўкарсан,
Аввалги ёримсан, нера кетарсан,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Бошинга ўрабсан **шоли турмани**,
Кўзинга чакибсан қора сурмани,
Иқрорда турмаган кофир армани,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Сан манго ёр бўлсанг бирга кетали,
Қозидин, муфтидин никоҳ оали,
Ҳар дин қабул бўлса шунго кирави,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Карам деюр ҳолим кўргил на зордур,
Бу дунё кўзима қоронғу дордур,
Пайғамбардин қолғон сўзларим бордур,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Андин сўнг қушини қўлина берди. Карамжон айди: эмди билдим, Асилхоннинг бизга майли бор экандур. Мунда бориб кўрарман деб, яна олдиға келиб, бир сўз айтишғонлари бу турур.

Карам: Қува - қува жайронимни **йитирдим**,
Йитирдим бу йўлда бергил муроди.
Гўзаллар боқибон хандон этарлар,
Олдилар жайроним бергил муроди.

Асил: Қува - қува сан жайронни **йитирсанг**,
Йитириб жайронни топдинг муроди.
Ёлғиз ёр йўлдошинг ман бўла қолсам,
Йитириб жайронни топдинг муроди.

Карам: **Саринга дўнайин** ола гўз пари,
Йўлингда қўймишам жон била сари,
Устоди босабо очилди гули,
Соташди гўззима бергил муроди.

Асил: Магар ўғлон бўлдинг дали девона,
Арзингни айлагил султона – хона,
Ҳар кимса учраса барча боғбона,
Бориб авлиёдин топдинг муроди.

Карам: Сан дод этдинг ман келибман бу дода,
Ханжар чекдинг, бағрим пора бу дода,
Ё бир хонзодасан ё **духторзода**,
Чўлошибдур топа олмай муроди.

Асил: Магар ўғлон борми санда эътибор,
Гўзалларнинг дилда кўп-кўп лофи бор,
Кўзлаганинг тарлоннингни ола қол,
Чўлошибдур гул шохина тарлонинг.

Карам: Булбул эдим айро тушдим гулимдин,
Мунисимдин, ҳамдамимдин, элимдин,
Зиёдхон ўғлиман, Карам дилимдин,
Қолсин орамизда бир қарор энди.

Асил: Йигитлари бордур сухбатли, созли,
Гўзаллари бордур ғамзали нозли,

Отам Қорамалик асли Шерозли,
Отимиз Асилхон, хабар ол, юри.

Андин сўнг иккиси аҳди-паймон қилиб, сўзни бир ерда қўйиб, Карамжон аиди: ман бориб совчи юборурман, деди. Уйига бориб Асилхон дардидин бир уйга кириб ётди. Ҳеч киши бирла сўзлашмади. Отаси эшитиб, келиб сўради. Анинг бирла сўзлашмади. Охир отаси вазирини юборди, бориб андин сўради. Вазир Карамжонни ўз ихтиёрига қўймади. Анда Карамжон айдики, эй вазири бобо, ман Қорамалик армани қизига ошиқ бўлдим, шуни отам олиб берса берсин, бўлмаса манда ихтиёр, қарор қолмади, деб вазирга қараб, ёлвориб бир сўз аиди:

Вазир бобо тарлонимни қочирдим,
Тоқатим йўқ то алима олғунча.
Асилхоннинг қурбониман, қулиман,
Кул кетарман то **алима** олғунча.

Курбон бўлай зулфларининг торина,
Армони йўқ Карам етса ёрина,
Бир гул бердим Алихоннинг алина,
Тоқатим йўқ гулни уннан олғунча.

Курбон ўлам зулфларининг торина,
Тўкиб юрар ҳам соғина сўлина,
Дўстим, қўйнинг мангзар жаннат боғина,
Ўлтиранг то анда боғбон қувғунча.

Ўзинг хон бўл, қардошларинг бек бўлсин,
Бизлар қилған насиҳатлар кўп бўлсин,
Кўйғанингдин ўлдирганинг **нек** бўлсин,
Қаҳр этибон бизни йўлға солғунча.

Ғам қўлидин ғам юкини боғларман,
Ханжар олиб жигарларим доғларман,
Карам деяр: Асилхонни изларман,
Излаб кетам ани токи ўлгунча.

Алқисса, андин сўнг вазир Қорамаликнинг ўзига борди. Қорамалик иззат - ҳурмат қилди. Вазир айдики, ман санинг қизингға совчи бўлиб келдим. Қорамалик аиди: сизлар мусулмон, бизлар кофир, иккимизнинг сұякимиз қўшилмайдур, деди. Вазир аиди: Ҳарна бўлса бергил, кўп зорланди. Армани элатини йиғнаб бу сўзни **машварат** қилди. Ҳаммаси бир - бировига майл боғладилар. Вазир муродига етолмай қайтди. Орадан бир неча кунлар ўтди. Аммо Карамжоннинг бир ҳамроҳи бор эрди, анга аиди, сан бориб эл оёғи тингандин сўнг Асилхоннинг боғина борғил, деди. Аммо Асилхон паризоднинг ёнига борди. Ул ҳамроҳининг оти Лола эрди. Лолани кўриб, сан нега келдинг,

Карамжон нечун келмади, деди. Иккиси шул жавобни айтишдилар. Бир - бирига қараб сўзлаганлари бу туур:

Асил: Ман саннан айланин қора қўз Лола,
Сўзла Лола, Карам нечун келмади?
Ёнар ўтни солди манинг сийнама,
Мани қўйди, нечун Карам келмади?

Лола: Сан қўп мағрур бўлма, армани қизи,
Карам сандин **гила** қилди, келмади.
Сандин хабар ол деб юборди бизи,
Боши ғамда қолди ўзи келмади.

Асил: Узок тушди манзилимнинг ораси,
Бағрим, бошим тамом ҳижрон яраси,
Қани тўйда қўйған қалбинг хиноси,
Тўғри сўзла Карам нечун келмади?

Лола: Думонда қолдим ман чақириб келиб,
Тут қўлимдин санго турай суюниб,
Ҳар юзингдин бир бўса бер уялиб,
Ман олурман Карам сани олмиди.

Асил: Тўғри сўзла қурбон бўлай бўйинга,
Омон юбормасман сани уйинга,
Али Зулфиқори тегсин белинга,
Хабар бергил, Карам нечун келмади.

Лола: Гўзал билсанг саннан номус-ор айлар,
Қизил гулни билмай ани хор айлар,
Кел, ўзингни Лолажонга ёр айла,
Кел, ман олай сани Карам олмиди.

Асил: Асил деяр ман бу жондин кечмишам,
Дўстим бирла душманимдан кечмишам,
Диннинг ҳақи бир қарорга келмишам,
Тўғри сўзла Карам нечун келмади?

Алқисса, андин сўнг Асилхоннинг қаҳри келиб, ура-ура Лолани чиқариб кувди. Лола юзи- қўзи қонға булғаниб Карамжоннинг ёнига борди. Карамжон сўради: на бўлди? Анда Лола айди: ёмон гаплар учун **бир пора** гаплар айтганим учун мани мундоғ қилди, Карамжон билдик мусулмон бўлмайдур, деди. Карамжон ҳам қўп ғамгин бўлиб, ҳар куни намозшом Лола бирла бориб кўрур эрди. Қиздин кунда хабар олур эрди. Бир куни Карамжон боғда ухласам деса, Асилхон айди: Отам келса не деб жавоб берурман, ўлтуур, деди. Шунда отаси боғдин кириб кела берди. Карамжонни турғизди. Карамжон еридин туриб,

ошоқға тушиб келур эрди. Армани юқориға чиқди. Зинанинг ўрта еринда бирбирига дучор бўлдилар. Арманининг қахри келиб, изина қайта берди. Бориб, элатина жар чекдирди, энди бу юрт манго ҳаром бўлди, деб ҳаммаси буни маъқуллаб, кетарман бўлдилар.

Қирқ минг уйли арманинг ихтиёри шунда бўлиб, бутун теваларни тайёрладилар. Саҳарнинг вақтида теваларга юк юклаб **ўғлон-ушоқларни** аларга миндирдилар. Асилхоннинг кўшки бирлан теванинг устига миндирдилар. Асилхон кажавада ўлтириб, сахарнинг файзли вақтинда Карамжондин айрилдим энди, деб, бир сўз аиди:

Қорамалик элларимиз кўчибдур,
Кўчар-қўнар бу тоғларнинг устинса.
Ёrim Карам айро тушди ёнимда,
Кўё билмай дўдоқ дўдоқ устинса.

Бобомнинг давлати торма тор ўлди,
Ғам лашкари босди душман зор ўлди,
Кўзим ёшли, юракларим тор ўлди,
Нега шабнам тушди гулнинг устинса.

Кўрсам ёrim кўнглин олай ноз билан,
Ишим йўқдур баҳор билан ёз билан,
Қўлларинда ўйнар ўрдак ғоз билан,
Ўйлаб-ўйлаб қадам босдим устинса.

Каъбага борганлар этарлар тилак,
Қаҳбо фалак қуймас шод этиб кулмак,
Осмон фалак, армонлисан дод фалак,
Юз доғим бор, минг доғ қўйдинг устинса.

Асилхон дер: **қўлим тутдим домона**,
Бу дунё қолмади шоҳ мусулмона,
Олакўз Карамни олсам қўлима,
Қўйсалар зулфини зулфим устинса.

Алқисса, андин сўнг Асилхон зор-зор йиглаб эрди, анда отаси сиёsat қилиб бир сўз аиди:

Йиглама жон қизим, фифон айлама,
Зиёд ўғли Ганжасини устинса.
Кўз ёшингни тўкиб равон айлама,
Ёшинг тушар икки дизинг устинса.

Дўсту-душманларинг биза боқдирма,
Жигар бағринг ишқ ўтина ёқдирма,
Кўз ёшингни гул юзингга оқтирма,
Қизим ёшинг тушар гулнинг устинса.

Дўсту душманларинг асло кулдирма,
Аччиқ йиғлаб ғунча гулни сўлдирма,
Сан Асилжон паймонангни тўлдирма,
Қилич ўйнаб тушар бошинг устина.

Мажнун каби бой бермагил қушиングни,
Оқизма кўзингдин қонли ёшингни,
Қорамалик бобонг олар бошингни,
Қарға қушлар қўнар лошинг устина.

Пирим деяр сўзим санга сўзларман,
Хабар олиб бағрим бошин тиларман,
Бу сўзни бобонгга баён этарман,
Ничча бир доғ қўяр сийнанг устина.

Алқисса, андин сўнг, Карамжон бир кеча-кундуздин сўнг арманинг хизматига кириб, рухсат тилади. Аммо отаси жавоб бермади. Отасидин рухсат тилаб савол-жавоб қилғани бу туур:

Отаси: Кетма болам ман дўнарман сарингга,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.
Бори юртни йифнаюрман алдингга,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.

Карам: Сиё зулфи оқ юзина ҳеч ўлур,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.
Анго чеккан меҳнатларим ҳеч ўлур,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.

Отаси: Лаънат бўлсин ул **тарсонинг** қизина,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.
Кечкил ундин қарамағил юзина,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.

Карам: Овчи бўлған олар овнинг дангини,
Танимаслар султонини, бегини,
Юз йил кезсам топмам ундей парини,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.

Отаси: Сан бўлибсан арманинг ошиқи,
Аввал ошиқ этар, сўнгра маъшуқи,
Кўзимнинг ошиғи, қўзим очиғи,
Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилни.

Карам: Карамжон дер: ман кечмишам жонимдин,
Молимнан, мулкимнан хону монимдин,

Манки айрилманам Асилжонимдин,
Биза рухсат беринг, ман кетар бўлдим.

Отаси: Зиёдхон дер: хон тахтина хон чиқар,
Ман йифларам кўзларимдин қон чиқар,
Араб отлар дупурлашиб данг чиқар,
Ўғлим севар бўлсанг, севма Асилни.

Алқисса, андин сўнг Карам **сичраб** еридин туриб, отасининг сўзига қулоқ солмади, қаҳрланиб, туриб бадар кета берди. Бир неча кунлар йўл юриб борур эрди. Отаси изиндин вазир бирлан қирқ минг лашкар юборди, сан бориб қайтариб кел, деб. Вазир бир жойда Карамжоннинг изидин етиб, қайтғил, Карамжон деб тавалло қилди. Карамжон асло қайтмасман деб вазирга қараб бир сўз айди:

Вазир бобо бу гўзалдин,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.
Севиш ҳам рўзи азалдан,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Гадуклар булғанур қордан,
Тевалар юкланар зардан,
Асиликондек севар ёрдан,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Эшитинг Карамнинг додин,
Асиликон паризод ёдин,
Кўлдин бермай ўз сайёдин,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Қора кўз қоши хилолим,
Раҳм этиб сўраб боралим,
Кечалар тушса хаёлим,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Нозли ёрим келар ёндин,
Қиличлар бўялсин қондин,
Карам айтур: Асиликондин,
Ман дўнарман, кўнглим дўнмас.

Алқисса, андин сўнг арманилар бир неча кунлар йўл юриб, бир майдонга чиқдилар. Кўрсалар бир чўпон қўй боқиб юрур. Булар шул ерда манзил синдиридилар. Чўпон Зиёда забардаст эрди. Асиликонни кўриб ошиқ бўлди. Арманилар бир-бирлари билан ўлтириб, андин сўнг кета бердилар. Асиликоннинг бир кийики бор эрди, қўйларнинг орасига юборди, кетиб эрди. Аммо Карамжон бирла Лола булар ҳам чўпоннинг ёнига бордилар. Қўйларнинг орасидин

Асилхоннинг кийикини таниб бир коғир бирлан ишим тушибдур иложим етмас деб, Лола бобоға боқиб кўнгли бўшаб зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Эй оғалар, жайрона боқ жайрона,
Асилхоннинг жайронлари бу жайрон.
Сарим қурбон бўлсин ёрнинг юзина,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Жайрон бўлиб чўлдин чўла кезарсан,
Ўрдак бўлиб кўлдан кўла сузарсан,
Сўзла жайрон сан бу ерда найларсан,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Азалда оқ бўлар жайроннинг юзи,
Тепасинда бўлар қора қундузи,
Худо бермуш санго бу сурма кўзи,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Қоп-қора бўйинларни олдирган,
Ханжар олиб бағрим бошдин тилдирган,
Араб отин чекиб, този урдирган,
Асилхоннинг жайронидир бу жайрон.

Думон келур тоғ тошинда айланур,
Шамол эсиб икки ёна товланур,
Лола, Карам **қопусинда** тиланур,
Карам Асли жайронидур бу жайрон.

Алқисса, андин сўнг чўпон бу сўзни эшишиб, буларни ўлдирмоқчи бўлиб, бир сўз айди, буларга юриш қилди. Карамжон айди маъшуқамнинг изидин келурман. Они кўрмай ўлсам юрагимда армон қолур эрди, деди. Чўпон келиб сўради: ҳей йигитлар не ердин келдингизлар? Анда Карамжон айди: ман Ганжиқорабоғдин Зиёдхоннинг ўғли туурман, арманлар изидин келурман, ёримни олиб қочиб кетдилар. Шуни ахтарурман, деди. Дарҳол чўпон еридин туриб кўришди. Айди, ман бобонг хизматкори эрдим. Арманилар мандин бир ҳийла бирлан қутилиб кетдилар. Энди санинг бирла бориб, ёрингни олиб берайин, йўқса дунёға не деб келдим ман, деди. Чўпон Карамжонға Асилхон паризоднинг хабарини айтиб бир сўз айди:

Мундин келиб кечди ничча армани,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.
Бир қиз гўрдим қизил гулнинг пармони,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Сиё зулфи даста-даста юзинда,
Йиғлаганда қонлар оқар кўзинда,

Ёрингни ман кўрдим кўзи изинда,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Андай гўзал келмас бўйла жаҳона,
Душманларинг ўғрасинлар ёмона,
Киприклари ўқдир, қоши камона,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Кажава ичинда кўрдим ўзини,
Оқ юзинда олма каби нозини,
Ҳар ёнинда тўққиз ўрим сочини,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Чўпон эрур Қорамалик чўпони,
Асилхони манго ваъда қилонди,
Сани ўлдирмакни ваъда этанди,
Карам Аслинг кўчди Саёд элина.

Андин сўнг Карамжон чўпон бирлан бир манзил юрди. Карамжон аиди: мунда бориб арманиларнинг теварагини олсоқ андин сўнг Асилхонни манго бермай ўзи олса, яна юрагимда армон қолур деб, чўпонни тавалло қилиб, изина қайтариб юборди, Лола бирлан ўзи юриш қилди. Қорамалик армани чўлда бир неча кун бўлиб, тонг отгач ул ердин кўчиб, бадар кетдилар. Карам Лола бирлан ул ерга тушдилар. Шул вақтда бир чол соқол бобо бир қизни отнинг устига миндириб келди ва аларнинг олдидан ўта берди. Анда Карам бобоға қараб бир сўз аиди:

Сахарларда учрадим бобом алдина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани?
Мушки анбар сочилмушдир сочина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани?

Юзи ўхшамишдур боғнинг гулина,
Муроднинг қушини олмиш қўлина,
Ота-оналари қолмиш қонина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Булбул каби қараб сўзима бокди,
Жамоли шуъласи оламни ёқди,
Сўнгра Нўширавон тахтина чиқди,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Олтин ароқчинни қўйди бошина,
Қора қаламларни чекди қошина,
Магарам кирмишдир ўн тўрт ёшина,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Бобо, Карам айтур кўзларинг қора,
Бу дарда учраган билмасдур чора,
Санго берган олло бизгам берса зора,
Бобо қайдин олдинг бу тарғунчани.

Андин сўнг бобо мунинг сўзина қулоқ солмай кетаберди. Карамжон Асилжоннинг дардидин бекарор бўлиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз айди:

Оғалар таърифин айласам ёрнинг,
Яна тарлон бўлур эрмиш тарлонинг.
Кеча-кундуз ман ёнмишам алиннан,
Юрагимда қолди доғи шул ёрнинг.

Ҳавоға чиққанда қанотин очар,
Парвоз айлагандада нурини сочар,
Уялса маралдек диркилдаб қочар,
Юрагимда қолди оти шул ёрнинг.

Бой деганда бойдин аввал айтилур,
Уйин кўргач қанчалари қайтилур,
Сонин сўрсак қимматбаҳо сотилур,
Жаври ҳам жафоси бордур шул ёрнинг.

Бориб чўланмишдур олтин кумуша,
Сувнинг қироғинда юрмиш ҳамиша,
Ёрнинг қўйни мангзар мисли беҳиша,
Олмаси, меваси, нори шул ёрнинг.

Бири юк юкламиш Ҳалаб Ширвондин,
Ҳар кунимиз ўтар бир йил, бир ойдин,
Карамжон тилагинг тила Худойдин,
Ҳануз ўтмади ҳеч вақти шул ёрнинг.

Андин сўнг бир неча кун йўл юриб, тоғға бордилар. Кўрсалар бир бўлак қизлар завқ тамоша бирлан ўйнаб юрган эрканлар. Бир-бирига ҳазилу мазаҳ қилишиб, сўз айтишиб юрур эрдилар. Шул ерда Карамжон қизлардин ёrim Асилхонни кўрдингизми деб бир сўз айди:

Гулистондин чиққан мастона қизлар,
Қизлар, ёrim бул диёра келдими?
Борингизнинг қаддингиздин айланай,
Жонлар, Асил бул диёра келдими?

Юлдузлар ой билан кўкда кезарлар,
Ёдинга тушганда бағрин эзарлар,
Сандин хабар олай нозанин қизлар,
Кизлар, ёrim бул диёра келдими?

Очилибдур қизил гулнинг хирмони,
Юкланибдур бу дардимнинг дармони,
Онаси мусулмон, қизи армани,
Арманилар бул диёра келдими?

Онаси Марямдур, Қорамалик отаси,
Қиёматда манинг оҳим тутаси,
Қизил ёғочдадур наргис бутаси,
Қизлар, ёrim бул диёра келдими?

Карамайтурсун: ёrim излаб кезарман,
Ўйлаб андин умидимни узарман,
Паризод овларман Асил қўзларман,
Қизлар, Асил бул ерлара келдими?

Андин сўнг қизлар қарамай кетдилар. Карамжон ёrim сиёҳилик қилибдур деб аларга қараб бир сўз айди:

Кўр-кўр ошиқ қўзинг чиқсин,
Сани шайдо қилон келди.
Тангри олло додим берсин,
Ширин жонинг олон келди.

Санинг ёринг бир гулжабин,
Дол гардина тўкар сочин,
Боши тумоғли бир лочин,
Куша тарлон солон келди.

Келди ул хўбларнинг хони,
Солланиб келди остони,
Юзи гул, офати жони,
Изимиза тушан келди.

Юзда анбардин қаболи,
Кийинибдур олма болли,
Карамжон сан турмоқ йўлли,
Бир маҳбуби пинҳон келди.

Аммо шул тоғнинг бир ёнинда бир авлиё бор эрди, қизларнинг бириси донороқ эрди, ул айди: эй йигит сан мунда ўлтур, ман бориб ёрингни келтириб берайин деб кетаберди. Карамжон бир қисм зар берди. Ул зарни олиб туриб кетди. Асилхоннинг ёнига бориб айди: эй барно сан бу ерда на бехабар ўлтирибсан, ўзингга бир парво қилмассан. Тоғларда гуллар очилиб ётар. Қўйлар қўзилаб, тевалар бўталаб, ажаб бир хушхаво бўлиб турур, бу на ўлтириш, деди. Асилхон паризодни бирга олиб юриш қилдилар. Бирга йўл юриб яқин етдилар. Карамжон тоғнинг бир ёнинда турур эрди. Қизларни ёнида кўриб томоша қилди. Қизларнинг келишини Карамжон дуза билмай бир сўз айди:

Наврўз бўлиб бўйла чиқди гўзаллар,
Гўзаллар сайлингиз муборак бўлсин!
Товус каби сайрон этиб кезарлар,
Жононлар ийдингиз муборак бўлсин!

Бирининг қўлинда кумушдин гуллар,
Қорагажак қўйиб соллиб келар,
Кафт уриб сўзлашар неча гўзаллар,
Гўзаллар сайлингиз муборак бўлсин!

Бирининг кийгани атлас, доройи,
Бирисининг қадди ўхшар сулоя,
Бирисининг юзи ўн тўрт кун оя,
Севдигим, сайлингиз муборак бўлсин!

Бири қиё боқмиш шамшод қўлина,
Бири эса шоли қуршаб белина,
Бириси ўрдақдур, бириси сўна,
Гўзаллар сайлингиз муборак бўлсин!

Андин сўнг Карамжонни қизлар атрофини қуршаб олдилар. Карамжон еридин туриб, қизларга қарши юриб кела берди, қизларга қараб бир сўз айди:

Соллона-соллона юриган қизлар,
Келган бозоргондур ё бир хўжадур.
Бизлар бориб усталардин дарс олсак,
Менинг дарсим алиф бедур нечадур.

Алифни ўқидим, бордим нуқута,
Ошиқ маъшуқини ўртар унута,
Бўйла кирдим ой киргандек булута,
Куни ботмиш қоронғудир-кечалар.

Асил чақир бу майдоннинг мардини,
Ошиқ билур маъшуқининг дардини,
Ничча кундир ман чакмишам дардими,
Сўрмасалар ёр аҳволинг нечадур.

Уйларни ҳам бейик- бейик солдилар,
Ханжар олиб бағрим бошин тилдилар,
Қизлар кўз остиннан боқиб кулдилар,
Бу ерни ёронлар айтинг на ердир.

Бу тоғнинг отига нима ер дерлар,
Дардларнинг дармони Асилхон дерлар,

Карамжонни кўрса тутиб ўлдирап,
Дўст этиб ёрига васфин айтадур.

Андин сўнг Асилхон айди: сизлар бу йигитни билмассизлар, манинг маъшуқим деб, қизларга ошиқлигини билдириб бир сўз айди:

Қизлар чиқинг томошаға,
Карам келди, Карам келди.
Ошиқ бўлмишам бир шоҳға,
Карам келди, Карам келди.

Бу келган шамси қамардур,
Қадди бўйи мунавардур,
Кокили мушки анбардур,
Карам келди, Карам келди.

Келандур алинда сози,
Кўл бўйинда ўрдақ, ғози,
Манинг жоним қиё нозли,
Карам келди, Карам келди.

Қорамаликнинг қизиман,
Мажлиснинг сўзлар сўзиман,
Барча қизларнинг кўзиман,
Карам келди, Карам келди.

Бизни яратганди тангри,
Ман чекарман бунда зори,
Асилхоннинг севар ёри,
Карам келди, Карам келди.

Андин сўнг Карамжон Асилхоннинг ёнина келиб, қўлини бўйнига солиб, бир-бирларина етишиб, ҳар замондин сўнг хушлариға келиб Асилхон Карамжонға қараб бир сўз айди:

Бу тоғларнинг қори каби эрдим ман,
Омон Карам мани бадном айлама.
Бунда кўнгли думон каби эрдим ман,
Эмди Карам мани бадном айлама.

Кетма-кетма мунда келиб изимдин,
Сан обдол бўл куёвлигинг билайин,
Кел айвонда ўлтирип нори қиласайин,
Эй Карамжон мани бадном айлама.

Йигитлигинг қўй сан соз кўтардинг,
Ман ғарибнинг хижронида ўлтирдинг,

На сан ўлдинг, на ман ўлдим алингда,
Омон Карам мани бадном айлама.

Насибамни отам тоғдин ўтириди,
Отам мани бу жойлара етириди,
Ман ночора жабру жафо етириди,
Эмди Карам мани бадном айлама.

Қошларинг қорадур олар жонимни,
Кипригинг наштари тўкар қонимни,
Оллодин розиман берса ёримни,
Карамжоним мани бадном айлама.

Андин сўнг Карамжон аиди: Олдимиизда Арзиум тоғи бор эрур. Андин туша билмай ўлсак қиёматга қолурмиз деб, зор-зор йиглаб бир сўз аиди:

Шукур юз минг манго бўлди тасалли,
Қолди қиёматда дийдоринг Асила.
Ўзим билдим мани санго қўшмаслар,
Қолди қиёматда дийдоринг Асила.

Эмабилмам лабларингнинг болиннан,
Ўпа билмам юзларингнинг холиннан,
Соф алимнан тутсанг яна сўлимнан,
Қолди қиёматда дийдоринг Асила.

Мушки анбарини солмиш юзина,
Кўринг, сурмаларни чекмиш кўзина,
Куннинг оқшоминда кирсам қўйина,
Қолди қиёматда дийдоринг Асила.

Жонимсан лоласан, ёнибсан алвон,
Қабул қил бизларни бўлали меҳмон,
Армани мусулмон эмасдур ёмон,
Қолди қиёматда дийдоринг Асила.

Карамжон бу сўзни сизга сўзларман,
Ўзим айрилишам, кимдин кўзларман,
Асилахон ман сани ничик изларман,
Кел, ўтиришингдан айланай Асила.

Андин сўнг Карамжон бирлан хўшлишиб, тоғнинг устига бориб, бир-бирларидан айрилиб кета бердилар. Карамжон ёрининг орқасидин қараб бир сўз аиди:

Санинг лабинг шакар экан, қанд экан,
Сарви бўйинг салотиним қиз, юри.

Вафоли ёримсан дўнай бўйингга,
Эгри юрма Асил ёрим, дуз юри.

Қошинг камон, киприкларинг узарсан,
Нечук ўзинг доги дошни кезарсан,
Ҳар нечук ёт бирлан қарши келарсан,
Эгри юрма Асил ёрим, дуз юри.

Қошинг камон, киприкларинг ўқ эди,
Санинг васфинг бу жаҳонда йўқ эди,
Фариб юртда топдим, қайғум йўқ эди,
Эгри юрма Асил йўлни, дуз юри.

Карам бирлан ваъда қилдинг иқори,
Эмди қайтиб кўрарманми сан ёри,
Беҳиштнинг меваси кўксингнинг нори,
Олло ёри бўлсин энди дуз юри.

Карам айтур билганимни ёзарман,
Ҳақ йўлинда бу жонимдан озарман,
Ман севмишам, бу чўлларда кезарман,
Сан ёқамга олтин дугма дуз юри.

Андин сўнг Асилхон бир пора йиглаб, ёри бирла хўшлашиб ўзининг уясига қараб кетди. Борди, шу куни қирқ минг уйли армани ҳам Рум шаҳриға қараб кўчдилар. Шул кеча ётдилар эртаси Лола бирлан Карамжон туриб кетар вақтида изимиздан чиқиб бу тоғдин ўта билмаслар деб эдилар. Анда Карамжон айдики, Зиёдхоннинг ўғлони бўлсам, манго ор-номус йўқми, етти йилдан бери юрибман, энди қайтарманми, деб ўзини шоҳ тутиб тоғға юриш қилдилар. Бориб тоғға қадам қўйдилар. Йўл зиёда буюк эрди Лола йиқилиб кетди. Ул Карамнинг бир вазири бор эрди, ул юриб қошиға келди. Карамжон зор-зор йиглаб йўлдошимдин айрилдим деб бир сўз аиди:

Мусофирикда йўлдошим,
Лолажоним қолди мунда.
Кўздан оқар қонли ёшим,
Рухи гадо қолди мунда.

Йигласам етмас фарёдим,
Ёзарман нақши бунёдим,
Изинда йўқдир Зурёди,
Армон билан қолди мунда.

Мани деб ўйнаб кулмади,
Айтган сўзларим билмади,

Юртина бориб ўлмади,
Лоши чўлда қолди мунда.

Отаси йиглар элинда,
Булбули уркди гулинда,
Асилик Румнинг элинда,
Лоши чўлда қолди мунда.

Карам айтур: ёндим ўта,
Ҳасратим кўпдир зиёда,
Лолани йўқлаб дунёда,
Дўнди бағрим қона мунда.

Андин сўнг Карам изина қайтди. Бир одамнинг изидин бориб, ани тутиб айди: мани бу тоғдин ўткириб қўйсанг уч юз туман берурман деб, юриш қилдилар. Бориб Лоланинг ёнига етишдилар, шул ерда Карамжон тоғлардин гила қилиб бир сўз айди:

Бугун йиглаё-йиглаё,
Эмди келдим санго тоғлар.
Жигар доғлаё-доғлаё,
Арза келдим санго тоғлар.

Ўрдак учмасин кўлингдин,
Кийик қочмасин чўлингдин,
Қорли доғ сани алингдин,
Бир арз бордир хона тоғлар.

Саринга думон етмасин,
Гулу гиёҳинг йитмасин,
Устингдин карвон ўтмасин,
Бўлғайсан вайрона тоғлар.

Очилган гулни сўлдирдинг,
Дўсту душманни кулдирдинг,
Бугун Лолани ўлдирдинг,
Қолдинг ноҳақ қона тоғлар.

Келибман мундин ўтмака,
Мурод мақсада етмака,
Асилик дейиб ётмақа,
Хон карам дод этар тоғлар.

Андин сўнг Арзирумнинг қўкига қараб қадам босдилар. Тогнинг боши думон бўлиб, қор ёмғир бошланди, шул ерда Карамжон тоғфа қараб бир сўз айди:

Арзиумнинг кўки узра борганда,
Кўрдим шунда дона-дона қор келур.
Лола деди: кел қайтали бу йўлдин,
Кўрдим шунда дона-дона қор келур.

Арзиумнинг юрларина борганда,
Асиликей ёрни излаб юрганда,
Совуқ олди оёғимни юрганда,
Энди манинг тириклигим гумондир.

Ўлар бўлсам ман бу ерда ўлмайин,
Дўст-душманни таънасини қилмайин,
Асиликона ваъда бериб бормайин,
Карамайтур куним охир замондир.

Кўз берибди кўрмак учун кўзлари,
Дард берибди дармон учун ўзлари,
Шум рақибнинг таъна эрур сўзлари,
Анда биза номус била ор келур.

Ёр ёнинда бошим қўйдим бошина,
Дўст ёнинда нағам бордир бошима,
Эй оғалар бир ҳилоли сиёҳим,
Кечирмишам тарлон учун ёр кегалур.

Сайёд эдим ман бир ёрнинг изинда,
Ўлар бўлдим қонлар оқиб кўзимда,
Қабз бўлиб ман бу ерни юзинда,
Банд ўлмишам бир гирдобра қолмишам.

Яна келди фасли баҳори ёзли,
Юрагимда қолди Асиликоннинг доғи,
Булбул қизил гула бўлибдур боғли,
Карамайтур: боша неча иш келур.

Андин сўнг бироз йўл юрганидидин сўнг яна бир зўр қилди, булутлар бошинда буланиб турдилар. Карамжоннинг ҳоли машаққат бўлди. Яна Карамжон тоғлара қараб бир сўз айди:

Эй оғалар Асиликонни дардидин,
Бори тоғлар йиқилибдур бўйнимга.
Ё Али, Карамга мадад айла сан,
Ватан сари гуллар солди гулима.

Хароб бўлсин бўйла чархи замона,
Бори тоғлар ғарқ бўлибдур думона,

Қалбим тұла алам бирла гумона,
Ғамлар тоги үйқилибдур бўйнима.

Ҳар ўлкага бордим андин кўчдилар,
Кўчиб ҳам кўп қорли тоғдин ошдилар,
Бегуноҳ ёримни олиб қочдилар,
Ишқ савдоси тушмиш манинг бўйнима.

Қўрқинчим бор хато чикар дилимдин,
Ал кўтардим мунисимдин, элимдин,
Сан кўрган бекликлар кетди алимдин,
Анинг учун шол киймишам бўйнима.

Карам дерман узок йўлдин келурман,
Қўкрагимда яратганни билурман,
Бу ерларда ман бесавоб эрурман,
Қиёматда сандин олгум хунимни.

Андин сўнг қор-ёмғир ёғиб, юрурга йўл топилмади. Ўз танҳо шул ерда қолди. Карамжон шул ерда туриб бир сўз аиди:

Арзиумга чиқдим йўл икки бўлди,
Ман бу йўлни қайсисина борайин.
Оқди гўзим ёши сел каби бўлди,
Селдин ўтиб ман қайсисина борайин.

Думон гала-гала бизни қасд этди,
Шул яратган иқболимни паст этди,
Юзи баланд йўлдин бошимдин ўтди,
Танҳо ўзим қайсисина борайин.

Мадорим йўқ бора билмам йўллара,
Думон келди кечди соғу сўллара,
Кўздин ёшим оқди манинг еллара,
Ман бу йўлни қайсисина борайин.

Бир гул эдим Зиёдхоннинг боғинда,
Очилурман ҳам сўлинда-соғинда,
Лола қолди Арзиумнинг тоғинда,
Йўлдошим йўқ ман қаёнга боройин.

Қарри фалак хон Лоланинг қасдинда,
Бош олибон қайси ёнға борайин,
Санинг бобонг мани кўздин солибдур,
Ман бу йўлнинг қайсисина борайин.

Совуқ олди оёғимни, алимни,
Коронғуда ман йитирдим йўлимни,
Карамжон дер: тайин билдим ўлимни,
Ман бу йўлнинг қайсисина борайин.

Андин сўнг Карамжон зор-зор йиғлаб ерда ётиб қолди. Устига қор ёғиб қолди. Эртанг бирлан карвон етиб келди. Ёғочда бир дутор осилиб туур эрди. Бозиргон дуторни кўриб, карвонбошининг ёнига келди, айди: Ман дарахтдин бу дуторни топдим, деди. Карвонбоши айди: эгасиз эрмас туур, бориб қара. Бориб қарадилар, Карамжонни ахтариб топдилар, оғзига сув қўйдилар, ҳушиға келди. Кўрдилар, сўзлар айтадур. Анда Карамжон карвонбошиға қараб бир сўз айди:

Эй оғалар, Асиликонни дардидин,
Кеча-кундуз охи фифон айларман.
Оқшом тинмай токи тонглар отгунча,
Мажнун каби тоғни сайрон айларман.

Қоши мангзар марал каби сиёға,
Ола кўзли мани солмиш балоға,
Ўшал жоним келиб бизнинг сароя,
Кўз устинда ани меҳмон айларман.

Шум рақибнинг борин қўймай қирсалар,
Бир-бирини бир диёра сурсалар,
Ҳар кишини севганина берсалар,
Сийнам узра ани меҳмон айларман.

Карам деяр: отдинг манинг дошимни,
Кўзимдин оқиздинг қонли ёшимни,
Карвошбоши бу мол бирла бошимни,
Асиликон йўлинда қурбон айларман.

Карам айтур: бўлдим юртимдин жудо,
Тилагимни қабул айласин Худо,
Қон йиғлар юртимда ота ҳам она,
Аларни иншолло тезроқ қўрарман.

Андин сўнг карвошбоши ҳам тавалло қилди, қулоқ солмади. Охир жавобини айтиб юборди. Карамжон юра-юра бир жойға борди. Бир дарахтнинг соясинда ўлтириди. Кўнглига келди: на учун ўз юртимға кетмадим деб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Мани урса бу ерларда ҳароми,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.
Бағрим бошин очиб кўргил яроми,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.

Кўкда кўрдим икки турфа қизлари,
Иккимизнинг сийнамизда ерлари,
Насиб бўлса бирга юрта борали,
Кело кўнглим, кел ватанга қайтали.

Лочин уриб қўл қанотим қайирмиш,
Кўкда кўрдим икки турна узилмиш,
Оғзин тишлаб бўлагидин айрилмиш,
Кело кўнглим, кел ватанга қайтали.

Сахар бўлиб тилла созлар жойланди,
Шул шунқорлар бири ердин солонди,
Бахтимиза карвонбоши галанди,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.

Манинг ёрим шул тоғлардин ошонди,
Севдигимнинг оти бил, Асилхонди,
Карам айтур: кўнгилда кўп армонди,
Кело кўнглим, кел ватанга борали.

Андин сўнг Карамжон аиди: Энди Рум шаҳрина борсам деб бир йўл топди. Тоғ устига чиқиб, бир жойни кўрди. Карамжон бориб гулларни кўриб, ўшал ерда бир дам ўлтириб ором олди. Ул вақтда Худоий таолонинг қудрати бирлан бир паришта келиб, бир гул узиб, ерга туширди. Бир булбул келиб, олиб учди. Бир жойға қўниб дарҳол жон берди. Карам номус этиб, белидин яроғини олиб бўйниға солди, ўзини осди, ўлар ҳолда ҳазрати Хизр ҳозир бўлди. Ул арқонни кесди. Карамжон бир замондин сўнг ўзига келди. Булбулга қараб бир сўз аиди:

Бир булбулнинг ҳасратинда,
Сан йиғлама, ман йиғларам.
Фарид жонда қолган булбул,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбул бўлған доғдан ўтар,
Нолиши оллоға етар,
Ман ҳам булбуллардан батар,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбулим кийибдур яшил,
Сийнанг сийнамга чўлошур,
Йиғламоқ манго ярошур,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбулим кийибдур қора,
Юрагимда қўйди ёра,

Сан гулга йигла, ман ёра,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Булбулим кийидур оқи,
Юрагимда қўйди доғи,
Карамнинг чашми чароги,
Сан йиғлама, ман йиғларам.

Андин сўнг Карамжон тоғдин тушиб, Рум шаҳрига юриш қилди. Эмди арманлардан сўз эшигинлар.

Асилхон паризод бир ўтинчиға бориб, изимизда бир йигит фалон ерда ётибдур ва тез бора кўр, деб айди. Ёмон ердин бир балога учрамасин, деди, ўтинчи бобо сўрди: ул кимдур? Асилхон айди: отига Карамжон дерлар. Йўл юриб, шул ерга бориб қараса киши йўқдур. Карамжон йўлға тушиб, ўз-ўзидин бир сўз айди:

Эй оғалар, беклар, бизга сўзламанг,
Манинг бир севгили ёrim кетибдур.
Алар айтур девонадур, далидур,
Шул ёр билан номус-орим кетибдур.

Ҳар сабо, ҳар сабо йўл қирғоинда,
Зулфи тўкилибдур бел дароғинда,
Ёримни йитирдим йўл қирғоинда,
Зулфи сиёҳ севар ёrim кетибдур.

Чашмалар қайнашур жўйлара қарши,
Сайрашур булбуллар гуллара қарши,
Ёримни йитирдим эллара қарши,
Суянганим, ҳар тарлоним кетибдур.

Манинг дардим дард устинага қолондур,
Билмам ёrim на дард билан бўлондур,
Хабар келди анинг иши нолондур,
Карам айтур: кулли молим кетибдур.

Андин сўнг бир оз йўл юриб, боғистонға борди. Кўрса бир бўлак йигитлар қўш қўшиб юрурлар. Карамжон аларни кўриб, бу жойларға ёrim келдиму деб, алардин сўраб бир сўз айди:

Асл араб отли бек ўғлонлари,
Табриза бир бўлак сўна келдими?
Кўзлари шамчироқ ҳамда мастона,
Шул ера бир бўлак сўна келдими?

Табризнинг тўртта ёғи яйлоғдир,
Устимизда турган қарри фалакдур,

Онаси ҳур турур, қизи малакдур,
Табриза бир бўлак сўна келдими?

Очилиди ғунчалар, гул бўлди боғда,
Тўрт ёна термулиб қолибман тоғда,
Ақлимни йитирди йўлиққан чоғда,
Табриза бир бўлак сўна келдими?

Булбулим келибдур мундин ўтмака,
Қарорим йўқ ани мен ҳам тутмоқа,
Нозли ёрим кетмиш сайрон этмака,
Бул ерлара бизнинг сўна келдими?

Мунда Карам деюр: манинг дилимдин,
Уч юз олтмиш оғам бордир элимда,
Дедилар топарсан Асил дилбанди,
Шул ерлара бизнинг сўна келдими?

Андин сўнг бу йигитлар туриб, бадар кетдилар. Карамжон бориб бир қавмга тушди. Улар анинг ҳолини кўриб кўп паришон бўлдилар. Шунда Карамжон эсиб турган шамолга қараб бир сўз айди:

Илоҳидан кўп иш тушди сарима,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.
Асил бир ўқ отди дейди сийнама,
У-да манго дейсин ёра деймасин.

Гўзаллар ичинда гўзаллар хони,
Бир замон кўрмасам чекиб фифони,
Қишининг аёзию, ёз саратони,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.

Очилибдур ёр боғинда лолалар,
Ани кўриб булбул қиласар нолалар,
Кўкдан ерга энган минг бир балолар,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.

Очилгандир дўстнинг боғи азали,
Кўлни қўлга бериб бирга газали,
Эл устинда шум рақибнинг назари,
Дейса манго дейсин ёра деймасин.

Бошина тақибдур қарқара талли,
Ёримнинг юриши узоқдан балли,
Бунда Карам деяр: ажалнинг ели,
У-да манго дейсин ёра деймасин.

Андин сўнг бир неча кунлар юриб, Рум шаҳрига борди. Ҳеч киши танимас эрди. Бир момо ўтин кўтариб ўта берди. Ани изига тушиб уйига борди, момо сўради: эй болам, манда на ишинг бор? Мунда нишаб юрибсан, деди. Аммо Карамжон: шул оқшом меҳмондорлик қилинг деб, момонинг уйинда қолмоқчи бўлди. Эртанг момо эшикка чиқиб кетди. Момонинг чархини уриб синдириди, ёқиб исинди. Момо ташқаридан келиб ғавғо қилди. Карамжон момони алдаб бир қисим зар берди. Момо сўрди: манго бу зарни нечун бердинг? Анда Карамжон айди: эмди сиз қиёматлик онам бўлинг, аммо қирқ минг уйли арманини изларман. Қизини Асилхон дерлар. Ман анга ошиқман. Мандин қочириб, Рум шаҳрина келтиридилар. Онинг хабарини билурмисан, ёримни топиб берсанг, яна кўп зар берурман, деди. Анда момо айди: Рум шаҳри улуғ шаҳар турур, ҳар қайда бўлса сўраб истаб топарман деб бир неча вақтлар йўл излаб юриб топди. Қопусини балли қилиб, Карамжонни келтириш учун уйига борди. Асилхон паризоднинг онаси Марям эшигина чиқиб эрди, кўзи Карамжонга тушди. Аларнинг эшигина Карамжон келиб турур эрди. Момо бирла Карамжон ночор либосини кийиб бордилар. Тиш олувчи киши борми, деб баҳона бирла қопуға бориб турдилар. Бир уйдин сўради нима ишинг бор, деб. Анда момо айди: Боламнинг тиши оғрийди. Ани олдирсан деб хабар берди, ичкари кирдилар. Асилхон келиб Карамнинг бошини тутди. Бир соғ тиши туриб, чап ёнидин бир тишини олдирди. Алғараз, Карамжон тиши оғриғим қолмади деб айтгани бу турур:

Яна сабо бўлди, дунё дирилди,
Дандонкаш истадим ҳолим ёмондур.
Мани оғам Али бугун дирилди,
Гар шафқат этмаса ҳолим ёмондур.

Ёнғонимдин чиқдим учрадим дарда,
Сарим қурбон бўлсин сан каби марда,
Юкланиш карвонлар келур бу ерда,
Ҳам юки Асилман дарда дармондур.

Бу фалак айирмиш мани ул гулдин,
Ман сани севмишам жон била дилдин,
То ўлгунча айрилманам Асилдин,
Жон хушим соғ ўлсин токи омондур.

Бизни ҳамдам билиб кўнглин хушламиш,
Гуноҳимни мани ҳақ бағищламиш,
Қарри онасининг қўлин ушламиш,
Қўй, қиз келсин аниг қўли дармондур.

Бир ёнимда боғча, бир ёним боғдур,
Бир ёним дарёдур, бир ёним доғдур,

Карам деяр: ёрнинг кўнгли кўп чоғдур,
Ёр билан сурганим ажаб даврондур.

Андин сўнг Карамжон соғ тишларидин бир ёнидин ўнини олдириди. Қизил қон ерлара лолазор бўлиб оқди. Асилхон танимади. Шул вақтда Карамжон ўзини танитиб, баҳона қилиб бир сўз айди:

Севдигим бошдин оёқа,
Бўйинг қирмизи кийибдур.
Саримдур санго садаға,
Ёрим қирмизи кийибдур.

Сиё зулфинг бўғим-бўғим,
Юрагимда қўйдинг тугун,
Сайрашур булбуллар бугун,
Гуллар қирмизи кийибдур.

Дўлонали бошдин боша,
Курбон ўлам қалам қоша,
Оқ юзинда қўша-қўша,
Холлар қирмизи кийибдур.

Боқдим ман ёрнинг юзина,
Сурма чекибдур кўзина,
Шакардин ширин сўзина,
Тиллар қирмизи кийибдур.

Боқинг оллонинг ишина,
Ишқ ўти тушди бошима,
Чақдинг Карамнинг тишина,
Оғзим қирмизи кийибдур.

Андин сўнг булар туриб, момо додиман фарёд этиб, арманига арз қилди, айди: ман ўғлимни бир тишини ол десам ҳамма тишини олиб қўйибсан деб, орада жангу жадал эта берди. Армани бир тишига бир тумон берди. Момо давлатманд бўлди. Асилхон бир неча кундин сўнг келиб, хизматкори бор эрди. Анинг бирлан таом юборди. Карамнинг вақти хуш бўлиб бир сўз айди:

Нозли ёр нома кўрсатди,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.
Зулфина шона дузатди,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Нозли ёрнинг номалари,
Қордин оқдур жомалари,
Бер оғзима мамалари,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

На бўла ёrim, на бўла,
Ман шодон ўларман бўйла,
Қўлларинг бўйнима дўла,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Бу тоғларинг боши қордур,
Умидим сандин кўп бордур,
Оқ юзида қўша холдир,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Уча доғларни бошини,
Оқдирдим кўзим ёшини,
Чакдирдинг Карам тишини,
Бир у ёндин, бир бу ёндин.

Андин сўнг энди сўзни бошқа ердан айтurmиз. Эмди сўзни Рум шахридин эшитинг. Рум подшосининг бир қизи бор эрди. Бир кечада ўттиз қирқ қиз келтириб базм этар эрди. Бир куни Асилхонга навбат етди. Хабар берди, бунда келсин деб. Қирқ қиз бирла момо Карамжонга ҳам қиз либосини кийгизиб юбордилар. Мастлиқдин Карамжон оғзина келганини айтур эрди. Подшонинг қизи аиди: бу на бало бу? Асилхон аиди: бир одамнинг қарриганда бўлган қизи туур, Худо карам этиб берди деб онинг отини Карам қўйибдур, деб айтди. Қизлар ароқ-шароб ичиб маст бўлиб турдилар. Асилхон Карамжон бирлан сўз сўзлашур эрди. Подшонинг қизи еридин туриб аиди: ажаб Караминдин берган экан олло таоло, бу номуносиб ишдур, деди. Анда Асилхон аиди: бул манинг ўн йилдин бери изимда эрди, отам мани мунга бермай, мани қочириб мунда келтирди, деб сўз аиди. Ҳамма қизлар уйғонгандин сўнг Асилхон аиди: манинг сирим ошкора бўлди деб бир сўз аиди:

Соқий тўлдир пиёлани,
Мажлисга хўблар келибдур.
Тўлдириб бергил шишани,
Нозли маҳбублар келибдур.

Уйда келган аввал балли,
Қарқарали ширин тилли,
Сонжоқи олтин-кумушли,
Сонсиз булбуллар келибдур.

Кийикдай қора қошлари,
Инжудай оқдур тишлари,
Товус мисол юришлари,
Нозли маҳбублар келибдур.

Юринг ўнгда келган бирлан,
Қора қошли жонон бирлан,

Бу Карамнинг жонин олған,
Соллониб қизлар келибдур.

Шул вақтда Асилхоннинг канизаклари ўйнашиб сўзлар эрдилар. Зиёда уйқуга мойил эрдилар. Карамжон Асилхонга дийдор ғаниматдур, жоним деб бир сўз айди:

Оқи оқ, қораси қора,
Асилхон санинг кўзларинг.
Мани ёнар ўта солиб,
Асилхон санинг кўзларинг.

Санинг кўзларинг оладур,
Манинг жонима балодур,
Мани ўтлара соладур,
Севар ёр санинг кўзларинг.

Санинг кўзларинг ол айлар,
Манинг кўзим хаёл айлар,
Охир бизни обдол айлар,
Аркахон, сани кўзларинг.

Сочинг гули Чина мангзар,
Эйнинг ўн арчина мангзар,
Бир олғир лочина мангзар,
Севар ёр санинг кўзларинг.

Гул чехранг кумуша мангзар,
Бўйинг дол қамиша мангзар,
Кўқдин учган қуша мангзар,
Асилхон санинг кўзларинг.

Андин сўнг тонгга яқин сўз айтур эрдилар. Подшонинг сеислари овозни эшишиб келдилар. Ўлтириб эрдилар, соз эшигдилар. Ўғрилар келиб тамоми отларни ўғирлаб кетдилар. Сеислар кўрсалар бир от ҳам йўқ. Бориб подшоға арз қилдилар. Ҳамма сеисни чақириб, сўрадики, бу на воқеа турур? Булар айдилар: бизлар ўлтириб эрдик. Қирқ қиз кўшкда соз айтур эрдилар. Бориб бизлар ҳам эшиздик, қайтиб келсак отлар йўқ эрур, ўзга хабарни билмасмиз, дедилар. Қизларнинг орасида бир йигит сардор эркан, дедилар. Подшо қизини чақириб, ул йигит кимдур, деб сўради. Қиз айди: арманида бир қиз бор эркан, чақириб эрдим, онинг маъшуки бор эркан, ночор либосини кийдирибдур. Тонг вақтида билдиқ, деди. Анда чақирилинг, деди. Карамжонни олиб келдилар. Карамжон айди: ман бир ҳаромзодадин қочиб, мунда келдим. Энди мунда ҳам қўймайдур. Энди бадном бўлдим, ҳеч иложини билмасман, деди. Подшо буюрди: бориб ўлдиринглар деб. Миршаблар бориб момонинг уйини ўтлаб, Карамжонни бир майдонга олиб бориб, ўлтирур бўлдилар. Олло таолонинг амри бирлан

Шохимардон, тўрт чориёр турна суратинда бўлиб, ҳозир бўлдилар. Шул вақтда Карамжон жаллодлардан мухлат тилаб бир сўз айди:

Турнам кетар дузум-дузум,
Турнам кўп-кўп дуо салом.
Турнам манинг икки қўзим,
Қон йигларман кўп-кўп салом.

Турнам кетадур яйлона,
Кўкда булона-булона,
Ҳам гўрона, ҳам соллона,
Турнам биздин дуо салом.

Турнам кетадур курдлара,
Қўнарлар қўхна юртлара,
Данги душим йигитлара,
Биздан турнам дуо салом.

Турнам кетарлар кошона,
Йўлда дўшана-дўшана,
Бир рўмол берам нишона,
Бизнинг юрта кўп-кўп салом.

Андин сўнг турналар ёнига тушди. Бир қўша рўмолини бериб юборди. Турналар учиб бадар кетдилар. Жаллодлар бориб подшоға арз этдилар. Ул гуноҳкор банда осмондаги турналарни ерга туширди. Аларга дуойи салом бериб юборди. Подшо айди: мунда келтиринглар, деди. Жаллодлар олиб келдилар. Подшо айди:яна шу турналарни туширсанг. Ҳар муродинг бўлса берурман. Йўқса ўлдиurmан, деди. Карамжон осмонга қараб, Худоё-Худо, мани шармисор қилма деб бир сўз айди:

Шафоат айлади хунхор подшойим,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.
Ёрлик берди биза қодир оллойим,
Кела турнам, кел ватана қайт энди.

Кўкда кўрдим бўлак учар турналар,
Иккимизни сийнамизни тирналар,
Барча турна бизинг юрта боралар,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.

Сахар бўлса сабо бирлан бурлона,
Шул шунқорлар билан учуб соллона,
Бошчи турна бўлак, булар бегона,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.

Турна бориб ўшал кўқдин ошғандур,
Севдигимнинг оти бил, Асилхондур,
Карам айтур: қайтиб келгил омондур,
Кела турнам, кел изинга қайт энди.

Андин сўнг турналар келиб рўмолни бериб бадар кетдилар. Анда подшо айди: манинг юртимни таъриф қилиб бир-икки оғиз сўз айтғил, деди. Карамжон подшонинг юртини таъриф қилиб бир сўз айди:

Биздин салом бўлсин ул олимлара,
Ул ничик манзилдир оёғи етти.
Учмингда уч юздир маҳзаб ичинда,
Ёнар шуъла ураг чироғи етти.

Уч юз дарвозаси уч юз минг бозор,
Уч юз минг подаси яйловда кезар,
Уч юз мачит бордур бари лолазор,
Олийшон минбарнинг оёғи етти.

Ул на гулдур, тўймоқ бўлмас у гулдин,
Ул на қушдир, келса айтар дилидин,
Оқиб турса тўймоқ бўлмас сувидин,
Бошимдин бир қуяр оёғи етти.

Уч юзминг богининг бир боғбони бор,
Етти дарёси бор, етти тоғи бор,
Мунда Карам дейди: дилда доғи бор,
Саккиз юз айвонда саройи етти.

Андин сўнг арманига киши юбордилар мунда келсин даб. Бориб олиб келдилар. Подшо айди: Карам бизнинг ўғлимиз бўлди, эмди сан қизингни берурсан, деди. Армани айди: эмди бўлмади, берсам берурман. Санинг манго марҳаматинг кўп бўлди, эмди тўй тадорикин тутарман деб қайтди. Уйига бориб қирқ кунгача тилсим тузди, Карамжон муродига етмасин, ҳар бирина қўл урса ёниб кул бўлсин деб. Қирқ кундин сўнг хабар қилди қизимни олсин деб. Киши юборди. Никоҳ қилиб олдилар. Дастури бирла куёвдан уч кунгача хабар олмас эрдилар. Аларни бир жойга солиб қўюр эрди. Карам айди: кел Асилхон, муродимизға етдик. Мехнат яхши туур. Асилхон айди: мани қирқ кунлик тилсим этдилар. Ҳар еримдин қўл урсанг ёнарсан, қирқ кунгача манго тегма, деди. Шул вақтда Карамжон Асилхонга қараб бир сўз айди:

Муредимға етиб мунда,
Севдигим сўнгра ўлсайдим.
Ота-онамнинг дийдорин,
Кўрибам сўнгра ўлсайдим.

Ёрим, кўрмадим вафони,
Сурмадим завқу сафони,

Ул Мұхаммад Мустафони,
Күрибам сүнгра ўлсайдим.

Саринда күрдим қумрини,
Хақ бўлған сўзлар тўғрини,
Алининг ўн бир ўғлини,
Кўрсайдим, шунда ўлсайдим.

Чиқдим Албанднинг йўлина,
Юзимни суртдим дошина,
Ҳасан-Ҳусанни қошина,
Етишиб шунда ўлсайдим.

Сеислар чекди азони,
Рақиблар тортсин жазони,
Махшарда имом Ризони,
Кўрибам сүнгра ўлсайдим.

Карамжон дерлар отима,
Етишмадим муродима,
Мақсудима, матлубима,
Етсайдим, шунда ўлсайдим.

Карамжон Асилхоннинг сўзини қабул қилмади, бандини ечар бўлди. Бир ёнидин очса, бир ёнидин ёна берди. Карамжон ҳайрон бўлиб, ҳеч иложини билмадим, санинг ўзинг очғил деб зор-зор йифлаб бир сўз айди:

Оллодин тиладим душдинг алима,
Асилхон ўзинг чеш дугманг бандини,
Ҳеч вафо қилмадинг манинг сўзима,
Аркахон, ўзинг чеш дугманг бандини.

Думон бўлиб тоғ бошини босарсан,
Сайёд бўлиб юрагимни азарсан,
Карам деяр: дугмаларни чешарсан,
Асилхон ўзинг чеш дугманг бандини.

Думон бўлиб тоғи тошда юрарсан,
Ёмғир ёғиб ола қорни азарсан,
Дугма қўйған куйлакингни чешарсан,
Жоним ўзинг чешгил дугмаларингни.

Мушкни иси келур ёрим ичидин,
Қиё боқмоқ ўрганибдур лочиндин,
Дейсанг ўт чиқади ичи дешиндин,
Жоним ўзинг ечгил, дугманг бандини.

Эгнингда камзуринг, эгри тизингдин,
Чиқиб кетсанг қараб қолин изингдин,
Бир бўса бер занахдонли юзингдин,
Ёр чешагур ўзинг дугманг бандини.

Карам айтар: мунда бағрим порадур,
Йифламоқдин жигар бағрим ёродур,
Асилхон парининг ёқаси дордур,
Ёрим ўзинг ечгил, дугманг бандини.

Андин сўнг Карамжоннинг оёғи билмасликдин тегиб эрди, ёна бошлади.
Ўт пайдо бўлиб, шул вақтда кўрдилар, шишада бир нимарса бор турур, дарҳол
олиб қўйдилар. Карамжон шул вақтда зор-зор йиғлаб бир сўз аиди:

Ўт ёпишди бармоғимдин,
Ёнарман, Аслим ёнарман.
Бошимдин ҳам оёғимдин,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Ўзим айладим, ўзима,
Ҳеч ким инонмас сўзима,
Ўт қочиб чиқди тизима,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Ўрдакман учам кўлима,
Кийикман қочам чўлима,
Ўт чиқиб тегди белима,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Ўт сичраб чиқди душима,
На ишлар келди бошима,
Қувват бермас бардошима,
Ёнарман, Аслим ёнарман.

Карам дода жўша келди,
Жўшиб ҳаддан оша келди,
Паймонаси чоша келди,
Ёнарман жоним, ёнарман.

Андин сўнг Карамжон ёниб кул бўлди. Асилхон бир уйда соч ёзиб йиғлай
берди. Уч кеча-кундуздин сўнг ёнина отаси келди. Кўрса қизи йиғлаб турур.
Асилхон отасини кўриб, охир мани ёримдин айирдинг деб зор-зор йиғлаб ҳақ
таолонинг даргоҳинда муножот айлаб бир сўз аиди:

Она сен келсанг кел отам келмасин,
Гўри қиёматда жойи бўлмасин.
Ҳаргиз ўғил истагидин қолмасин,
Ота, Карам ёнди манам ёнаман.

Карам бўлған ишин баён айларман,
Тумон дарда ничик бардош айларман,
Ман Карамсиз энди ничик чидарман,
Ота, Карам ёнди манам ёнаман.

Асилик чакир бу майдоннинг мардини,
Ошиқ билур маъшуқининг қадрини,
Шайдо булбул билур гулнинг қадрини,
Она, Карам ёнди манам ёнаман.

Асилхон дер: ман кечмишам жонимдин,
Молимдин, мулкимдин, хону монимдин,
Бугун айро тушдим Карамжонимдин,
Она, Карам ёнди манам ёнаман.

Андин сўнг отаси қайтиб кетди, Асилхон Рум подшосининг хизматина борди. Ҳамма воқеаларни бир-бир баён қилди, анда бир сўз айди:

Дод этарман эй подшойим,
Карам ёнди, Карам ёнди.
Дод ила фарёд этарман,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Қора бўлди манинг баҳтим,
Очилмади тожи таҳтим,
Карамжонни ўта ёқдим,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Ёрим қолди банди боғли,
Ҳижронда юрагим доғли,
Мадад тиларман ё Али,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Қўнгил бердим бошда марда,
Йифлаб қолди қийин дарда,
Рухи гадо қолди мунда,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Етдинг ажалнинг додина,
Икки нодоннинг ўтина,
Хўб етиринг муродима,
Карам ёнди, Карам ёнди.

Андин сўнг қирқ минг арманини чақириб тутиб ўлдиридилар. Подшо айдики, Асилхон, агар мунда қолсанг ҳарна муродинг бор бўлса биткаурман, деди. Асилхон айди: манинг муродим тўрт йўлнинг бандинда бир гумбаз солдириб берсанг, то умрим боринча анда бўлурман, деди. Подшо жар чакдириб

тўрт йўлнинг бандинда бир гумбаз солдириб берди, беш манзилдан кўринар эрди. Асилхон анда бориб жой бўлди. Хужраларда қори қуръонлар қўйиб, ўзи тоат ибодатларга машғул бўлди.

Баъзилар 40 йил, баъзилар 60 йил дерлар анда бўлди, қўзи ожиз бўлди, бели букилди, тиши тўкилди, соchlари оқарди. Бир куни ўлтириб нажот қилур эрди ҳазрати Али бува бобо Қамбар бирлан ҳозир бўлдилар. Асилхон аларни гадоймикан деб айди: ман бир бечора турурман, манда на еярга бор, на ичарга бор, шаҳарга боринглар, деди. Ҳазрати Али айдилар: ман пириңгман, дегач, Асилхон бир сўз айди:

Мусофиরман бу шаҳарни найлайнин,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.
Иложим йўқ дардим кима сўзлайнин,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Отам мани мундин олиб қочирди,
Мани мунда ширин жондин кечирди,
Фалак барча умидларим сочириди,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Отам кофир, ман мусулмон бўлмишам,
Эранлардин мадад истаб келмишам,
Додим мудом ибодатда дурмишам,
Пирим сиздин ман ёримни тиларман.

Фалакнинг ишина йўқдур эътибор,
Ман ғарибман, бу ўлкада кимим бор,
Сигиндим ман сиза яратган жаббор,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Бенишондур, рухи гадо бўлмасин,
Мунда ёлғиз ўзи хайрон турмасин,
Рахм этагўр ёт элларда қолмасин,
Пирим сиздин Карамжонни диларман.

Асилхон дер: манинг инон отима,
Отам етишмади мани додима,
Мунда келиб ёнди манинг ўтима,
Пирим сиздин Карамжонни тиларман.

Асилхон бу сўзларни йиғлаб айта берди. Шул ерда ҳазрати Али икки ракат намоз ўқиди, қиблаға қараб ўлтириб. Жаъми ўтган авлиёларни тилига келтириб бир сўз айди:

Барча ўғил Зиёдхондин нишона,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ғаріб умматларинг ҳолини сўргил,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ғаріб давлат магар меҳнат бахти бор,
Ўзи подшо Ганж элинда тахти бор,
Бу ўлимнинг кимга қарап вақти бор,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ман тиларман саннан барча гуноҳим,
Ўзингдурсан ҳамма жойда паноҳим,
Қабул этгил муножотни Худойим,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Қизил гулдур сарғарибон сўлмасин,
Етиб паймонаси мунда қолмасин,
Мақсадим шул эрур оди ўчмасин,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Ёлғиз ўғил мунда қолмасин лоши,
Ўзи шаҳзодадур азизлар боши,
Ноҳақдан оқибдур кўзинда ёши,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Али айтур: бағишлиғил жонини,
Вайрон этма эгам хону монини,
Юборма гавҳари нур имонини,
Расулилло мадад берар кунингдур.

Андин сўнг Алиниң тиласи олло таолонинг даргоҳинда қабул бўлди.
Асилхон баҳаққи таслим қилди. Шул вақтда капитарлар хабар бериб бордилар.
Бир капитар гумбазнинг устини чиқиб қўнди, ҳазрати Али айдилар: ул капитар
сенинг ёринг турур дедилар. Асилхоннинг гуруҳи ҳам капитар бўлиб учиб,
иккиси қанот қоқиб кетдилар, аларни ҳамиша дуо бирла ёд қилғайлар ва оллоҳу
аълам биссавоб, тамматул китоб ба авну маликул вахҳоб. 1241 йил ҳижрий.

АСИЛХОН (оғзаки вариант)

Қадим замонда бир одил подшоҳ бор эди. Унинг ўғли - қизи йўқ эди.
Унинг бир вазири бор эди. Унинг ҳам ўғли, қизи йўқ эди. Иккиси бориб
авлиёда ўғил-қиз тилаб ётмоқчи бўлдилар. Улар Ҳазрати Али Шоҳимардон
мозорига бориб тунни ўша жойда ўтказдилар. Шундан кейин подшога
Аллоҳ таоло бир ўғил берди, отини Карамшоҳ қўйди. Ўғлон еттисига кирди.
Шу ерда бир арманинг қизи бор эди. Карамшоҳ унга ошиқ бўлиб, отаси
подшога арз қилди: -Шу арманинг қизина мен ошиқман, -деди. Отаси
вазирини чақирди: - Шул арманинг қизини Карамшоҳга муҳтасар қил, -
деди. Карамжон вазирни кўриб, вазир бобосига қараб бир савол айтди:

Бир онадан олтмиш ўғил дўрасак,
Бир супрага қўл узатсак баримиз.
Қодир Оллоҳ ризқимизни мўл этса,
Ортиқ бўлғай номусимиз, оримиз.

Ўн бешимиз бирга даввор айласак,
Ўн бешимиз тогу тузни овласак.
Ўттизимиз оға-ини сўзласак,
Бирга бўлса номусимиз, оримиз.

Бойлар билан тушса бизнинг ўйнимиз.
Ҳеч номартга эгилмагай бўйнимиз,
Ўттиз чўпон, олтмиш сурув қўйимиз.
Бориб Ширвон майдонинда ўтлиймиз.

Бизлар бойлар билан бўлсак ошино,
Бойлар олтин жига санчар бошина,
Оғир ғазиналар юртнинг дошина,
Юкка келса олтмиш қатор норимиз.

Зиёдхон айтади, ё Али омон,
Мункарнинг қўнглига келмагай гумон.
Аввалига омон, пир олдида қуръон,
Шуни биза насиб этгай пирамиз.

Зиёдхон подшо вазирига айтди: - Ёнқи арманининг қизини ёти эт.

Вазир борди, арманининг уйига, қизни ёти этди.

Кунлардан бир кун қиз йигит билан қаршилашди. Қаршилашиб унга
бир ғазални савол этди:

Йигит: Қаршим олиб турган ёқа тутмали,
Юбар келсин, лочинимни, Асил ёр.
Ё сан мусулмон бўл, ё мен армани,
Юбар келсин лочинимни, Асил ёр.

Қиз Узоқ йўлдан келган олакўз Карам,
Карам бола, лочинингни келиб ол.
Кўзинга дўнаман қонингта йўқман,
Карам бола, лочинингни келиб ол.

Сиёҳ зулфинг оқ юзингда ганж ўлур,
Қўллагайсан бандин олсанг ҳеч ўлур.
Санга чаккан меҳнатларим ҳеч ўлур,
Паризоднинг айтган сўзи ўқ ўлур.
Карам бола лочинингни келиб ол.

Қиз билан йигитнинг учрашганини қизнинг отаси эшилди. Бу воқеадан кейин ушбу юртдан бошқа юртга қирқ түяга мол юклаб кўчмакчи бўлди. Асилхон паризоднинг бир ўзини бир кажавада қўйди. Карамжон қизнинг кажавага минганини кўриб, вазир бовасига қараб йиғлади:

Вазир бова бу гўзалдан,
Ман дўнаман, кўнглим дўнмас.
Севмишам рози азалдан,
Ман дўнаман, кўнглим дўнмас.

Туялар юкланди зардан,
Гадиклар бойланди қордан,
Асилхондай севар ёрдан,
Ман дўнаман, кўнглим дўнмас.

Пиёла кетир ҳар ёқдан,
Оғзи писта, лаби қантдан.
Асилхондай паризотдан,
Ман дўнаман, кўнглим дўнмас.

Қора кўз, қоши ҳилолим,
Ё Раббим, сўрағил ҳолим.
Кечалар тушим, хаёлим,
Ман дўнаман, кўнглим дўнмас.

Нозли ёр келдим ёнингдан,
Қиличим бўялсин қондан,
Карам айтар Асилхондан,
Ман дўнаман, кўнглим дўнмас.

Вазир бу сўзни эшилди: -эй ўғлим, сен мунча **мунтазир** бўлма! Мен сенга ўзимизнинг юртда подшонинг қизи бўлса ҳам олиб бераман.

Карамжон айтди: -Подшонинг қизи бўлса ҳам менга керак эмас. Мен Аслихон паризодни излайман. **Боваси** ноилож бўлди. Зиёдхон подшонинг ёнига борди: -ўғлинг ҳеч сўзимни қарор этмас. Подшо дарҳол вазирига буюрди: -Карамжонни олиб кел! деди. Дарҳол бориб вазир боваси Карамжонни олиб келди. Отаси Карамга:

-Эй ўғлим, шу арманнинг қизиндин кечинг, деди. Шул вақтда Карамжон отаси Зиёдхонга қараб бир сўз сўзлади:

Қорамалик элларимиз кўчибди,
Кўчиб кўнар бу тоғларнинг устина,
Дада айро тушдим севар ёримдан
Кўя билмай дудоқ дудоқ устина.

Бовангни давлати торма тор ўлғай,
Ғам лашкари босиб душман зор ўлғай,

Кўзда ёшим **жуволаниб** пар ўлфай,
Неча шабнам тушар гулнинг устина.

Дўсту душманимни биза қулдирма,
Очилганда ғунча гулни сўлдирма,
Бобом агар паймонани тўлдирма,
Қорға-қушлар қўнар лошинг устина.

Аслихондир бой бермагил тошингни,
Оқизма кўзимдин қонли ёшимни,
Қорамалик бованг кесар бошингни,
Қилични урарлар лошинг устина.

Карам Асилхоннинг изи билан кетмоқчи бўлди. Шул вақтда боваси билан отасига қараб, дедики, мен шу арманидан қолсам ўлганим яхшидир, деб йиғлади. Шул вақтда отаси айтди: -Эй ўғлим, ҳар одамга ўзингни **заё қилма**, деб ўғлига тасалли бериб бир сўз айтди:

Ҳар гўзални гўзал дема,
Гўзал сени демагунча.
Ёлборма кўнглим, ёлборма,
То ўзи ёлбормагунча.

Ёлбориб ёнингга келсин,
Товланиб қўйинингга кирсин,
Санинг ёринг бўлдим десин,
Сен тегма, ул тегмагунча.

Нозли ёрни кўрмак ўлмас,
Сиёҳ зулфин ўрмак ўлмас,
Унга кўнгил бермак ўлмас,
Ўз кўнглини бермагунча.

Андин сўнг Карамжон отасига қараб йиғлади. –мен Аслихон паризоддан кечиб турарим гумона, деди.

Қадимдан Карамнинг ўзи билан **ҳариф бир сетори билан** бир ғизоли бор эди. Иккисини қўлига олиб йўл бошлади. Арманиларнинг кўчган элатига қараб равона бўлди. Йўл манзилинда бир неча чўпонлар бор эди. Чўпонларга қараб айтди: -Эй чўпонлар, бу ердан арманилар ўтдими? Шул вақтда чўпонлар айтди: -Бу ердан арманилар ўтди. Сен ким туурсан? –Мен Зиёдхон подшонинг ўғли туурман. Шул вақтда чўпонлар айтди: -Арманилар сени ўлдирмоқقا қарор этдилар. Шул вақтда Карамжон айтди: -Эй чўпонлар, сизлар мени ёримнинг кетган йўлига бошланг. Шунинг манзилига мен ҳам бораман. Чўпонлар айтди:

-Шу ерда бир авлиёнинг қабри бор туур. Унда сайил бор эрди. Шул ерда сенинг ҳам ёринг, шу арманилар меҳмони туур. Карамжон шул кеча бу ерга меҳмон бўлди. Бир авлиёнинг ғорига тушди. Кўлига сеторини олди,

бахшилик қилмоқчи бўлди. Шул вақтда қизлар томонига келди. Шу жойга Аслихон паризод ҳам келди. Карамжон ўзининг ёрини таъриф этиб кўришувда бир сўз айтади:

Саринга дўнаман гул юзли ёрим,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.
Шакардан шириндан сўзи мазалим,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Кўзинга дўнаман йўла кел, йўла,
Хумоюн зулфларинг белинга тўла,
Тўпидан айрилган яшил бош **сўна**,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.
Бошингда елпазак елпазланди,
Ёрни кўрганда жон тозаланди.

Бошингга ўрайсан шоли **турмани**,
Кўзинга чакибсан қора сурмани.
Икрорингдан дўнма, кофир армани,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Бошингда елпазак елпазаланди,
Ёр ёрни кўрганда жон тозаланди.

Ҳар сабо, ҳар сабо ердин ўтасиз,
Ошиқни ўлдириб қонин ичасиз.
Аввалги ёримсан қайда қочасиз,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани.

Бошингда елпазак елпазланди,
Ёр ёрни кўрганда жон тозаланди.

Бошинга осибсан баҳосиз гавҳар,
Лабингдан ичаман қонгунча май бор.
Мусулмон бандага жаннатда жой бор,
Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани,

Бошингда елпазак елпазланди.
Ёр Ёрни кўрганда жон тозаланди.

Карам бу номани ўқиди. Карамжон бу номани ўқигандин сўнг. Асилхон паризод қизларга қараб: -Шу ўтирган бахши менинг ёрим туур, отам армани мени ёримдан олиб қочиб юрибди. Шу ерда менинг ёримни **тобоққи** қилсангизлар ёримни кўриб икки **оғзим** сўз сўзласам. Қизларнинг орасидан Асилхон пари ўзини пинҳон тутди. Қўрқиб ташқари чиқди. Шул

ерда бир бобо ўлтиур эрди. Шул вақтда Асилхон пари бободан бир савол сўрайди:

Саҳарман учрадим бово кўчина,
Дада, қайдин олдинг сўлмас ғунчани.
Мушку анбар иси сочмиш сочина,
Дада, қайдин олдинг бу тар ғунчани?

Дада, Карам икки қошлари қора,
Бу дарда учраган топмайди чора.
Сенга берган Обло менга –да берар,
Дада, қайдин олдинг сўлмас ғунчани?

Сиёҳ зулфин дол гардана солайин,
Рўзи қилса оқ сийнама олайин.
Қабул этсанг сиза дилбар бўлайин,
Дада, қайдин олдинг сўлмас ғунчани?

Асилхон дер, ёр изиннан газаман,
Ўлсам ундан умидимни узаман.
Эй боважон, мен ёrim деб газаман,
Бобо қайдин олдинг бу тар ғунчани.

Олманинг яхшиси лойга ботганди,
Оқшом Карамхоним бошқа ётганди.
Сахарлар турибам бизни айтганди,
Бова қайдин олдинг бу тар ғунчани.

Шул вақтда энди савол қилди, Карамжон тинглаб туриб эди. Карамжон бу сўзни эшитгач: -Сен агарки менинг ёrim бўлсанг шул ерда менинг билан уч оғиз сўзлаш. Бир неча арманилар қизнинг изинда **ондувчи** эрди. Шул вақтда Карам билан Асилхон бир ерга келиб бир-бирисининг сайрини мубораклади:

Наврўз бўлиб сайрон этган гўзаллар,
Гўзаллар сайрингиз муборак бўлғай.
Маст товусдек солланишиб гезганлар.
Жанонлар сайрингиз муборак бўлғай.

Бирисининг **кийдиклари** даройи,
Бирисининг қадди-бўйи **сулойи**,
Қаршимизда **дориған** рамазон ойи,
Жанонлар сайрингиз муборак бўлғай.

Бириси булбулдир **ўқир** гулина,
Яна бириси хина **ёқмиш** қўлина,

Бири зулфин қуршамишdir белина,
Асилхон сайрингиз муборак бўлгай.

Карам айтар, билганимни сўрайман,
Ўзим билдим бу жонимдан безорман.
Кеча-кундуз ман ёrim деб кезарман,
Жанонлар сайрингиз муборак бўлгай.

Мунинг сайрини мубораклади. Шу ерда икки оғиз сўз сўзлашди. Арманилар изинда эди. Бориб отасига қизини ёмонладилар. Отаси бу юртдан ҳамда қирқ уйли арманилар билан кўчмакчи бўлди. Шул вақтда Карамжон буларнинг кўчажагини эшилди. Карамжон айтди:

-Эй ёrim, сенинг икки оғиз сўзинг қиёматга **чакли** тасалли бўлди, -деб қўлига сеторини олиб қизга қараб бир ғазал ўқиди.

Шукур юзинг кўрдим бўлдим тасалли,
Қолди қиёмата дийдоринг Асил,
Ўзим билдим сени менга бермаслар,
На бўлди шўл ерда гуноҳим Асил.

Эмолмадим лабларингнинг болиннан,
Ўргуларман оқ юзингни холиннан.
Бўса олайн соғинг билан сўлингнан,
Қўй келсин жонимиз жойина Асил.

Инжу маржон тизар ёrim бўйнина,
Кўринг беклар чархпалак ўйнина,
Гўзал охшаминг кирайин қўйнинга,
Баҳорнинг охшами ёмондир Асил.

Жоним ёrim ҳолинг айтма ёмона,
Билган айтар, билмаганлар бегона.
Ҳасратингдан мен бўлибман девона,
Кел ўтири бошингдан аланай Асил.

Энди Карамжон ёрини кўрди. Икки оғиз сўз сўзлашди. Андин сўнг арманилар кўчмакчи бўлди. Бир **манзил оро** йўл юриб Арабистон деган жойга бориб тушди. Карамжон ҳам буларнинг изиндан юриш қилди. Юриш қилиб бир кампирнинг уйига меҳмон бўлди. Арабистоннинг Маҳмуд подшо деган подшоси бор эди. Маҳмуд подшонинг бир қизи бор эди. Шул момо подшо қизининг ходими эди. Подшонинг қизи кунда оқшом қирқ қизга **мажлис** берар эди. Момо қизларга мажлисга айтди. Шул вақтда Асилона пари шул ерда меҳмон эрди. Асилона ҳам мажлисга айтди. Шул вақтда момо уйига келди. Карамжон айтди: -Эй момо бул ерда арманилар борми? – деди. Момо айтди: -Қирқ уйли армани келиб турур. Мен унинг қизини ҳам мажлисга айтдим. Қизини билсангиз менинг ёrim турур. Отаси мендан олиб қочиб юрибди. Агарки менга ҳам оқшом шул мажлисга қиз либосини

кайгизиб олиб борсангиз, -деди. Момо айтди: -Ажаб бўлади, жоним билан. Оқшомга сени олиб борарман, шул майлисга, -деди. Қизил либосини кайгизиб майлисга олиб бормоқчи бўлди. Карамжонни қиз кийимида майлисга олиб борди. Тамоми қизлар қулишдилар, ўйнашдилар. **Соқийи** ичишиб маст бўлди қизлар. Шул вақтда Асилхон пари Карамжонни кўриб, таниб, -Карамжон қўлингдан сен ҳам бир соқий бер, -деди. Подшонинг қизи доно эрди. Бу қизга сен не сабабдан Карамжон дерсан? Шул вақтда Асилхон подшонинг қизига қараб айтди: -Бироннинг боласи бўлиб ўлиб, ўрнига тилаб олган боласи туур. Худо карами билан берган деб отини Карамжон кўйибди. Шул вақтда подшонинг қизи доно эди. Асилхон иккиси қучоқлашиб бўсалар олишиб, лабини лабга қўшиб ўлтириб эрдилар. Подшонинг қизи айтди: -Ажаб, Худо карами билан берган қиз экан, бу деди. Асилга қараб: -Эй чиқон, менинг бу ёрим туур. Отам мени ундан олиб қочиб юрибди. Шу вақтда Карамжон подшонинг қизига қараб зор-зор йиғлаб бир сўз айтди:

Эй опалар, Асилхоннинг дардидан,
Кеча –кундуз оху фифон айлайман,
Оқшомлар ётмасман то тонг отганча,
Мажнун каби тоғни сайрон айларман.

Қора қошинг менгзар икки сиёя,
Ола кўзинг солди мени балоя,
Асиш хоним келганмикан овай,
Кўз устинда сизни меҳмон айлайман.

Шум рақиблар йиғласалар кулмаса,
Ҳар қайсини бир диёра сурсалар,
Ҳар кишини ўз ёрина берсалар
Мен **шаб** бўлиб сизни пинҳон айлайман,

Мадад берса қирсам кофир юртина,
Жонни кўйди айралиқнинг дардина.
Ўн тўрт яшар пошшо маҳбуб қизина,
Асир этиб банди зиндан айлайман.

Карвонбоши отма мани тошимни,
Кўзимдан оқиздинг қонли ёшимни.
Эй оғалар молим билан бошимни,
Асилхон йўлинда қурбон айлайман.

Асилхон қирқ уйли армани билан яна кўчмоқчи бўлди. Уларни **кўрди дағи**, эшитди дағи. Бир манзил йўл юриб бир чўл биёбонга бордилар. Шу ерда бир манзил тўхтамоқчи бўлди.

Булар энди бул ерда турсин. Энди Карамжондан сўз эшитинг.

Шул оқшом, бир кеча-кундуз қор ёғди. Карамжон қорга булғаниб қолди, күмилиб. Карамжон еридан турса қор тагинда яна күмилиб ётирилген. Еридан туриб айтди: Мени бу чўлларда арманилар ўлдираш, деб бир савол қилди:

Мани ўлдиради чўлда армани,
Кел-а кўнгил, кел ватана қайтали.
Багрим бошин очиб кўринг ёронлар,
Кел-а кўнгил, кел ватана борали.

Кўкда кўрдим икки турна дузилмиш,
Лочин уриб қанот –пари эзилмиш,
Алда галган йўлдошиннан айрилмиш,
Юр-а кўнгил, юр ватана қайтали.

Кўкда кўрдим икки турна қаралар,
Насиб бўлса бизни юрта борали,
Иккимизнинг сийнамизда ерлари,
Юр-а кўнгил, юр ватана қайтали.

Карам айтар, ёр изиннан газарман,
Ўзим билдим бу жонимнан безарман,
Кеча-кундуз ман ёrim деб гезарман.
Гал-а кўнгил гал, ватана қайтали.

Карамжон чўлдаги қордан турди. Ўзининг кўнглидан айтди: “ Манки, энди айтсан, арманидан босилиб қайтганим туурман. Мен нечук этиб юртимга борарман- деб, бир манзил йўл юрди. Арманиларнинг борган **овосина** тушди. Шу ерда бир авлиё бор эди. Шу авлиёга бориб қизлар томоша этар эрди. Карамжон кўрди бир неча қизлар авлиёга бораётир. Карамжон қизларни қўриб сўради:

-Бу ерга арманилар қўчиб келдими? Шул вақтда қизлар айтди: -Қирқ уйли армани қўчиб келди. Шул вақтда Карам айтди:

-Шул арманиларнинг **ёшуллисингининг** қизи менинг ёrim туурур. Шул қизни ўзларингиз билан бирга авлиёга сайилга олиб боринг. Қизлар: -Биз ул қизнинг отаси ким, онаси ким эканини билмасак, дедилар. Шул вақтда Карамжон айтди: -Онасининг оти Марям. Отаси армани эди. Шул вақтда Карамжон қизларга қараб, дардимни мен сенга баён қилайин, деб бир сўз сўзлади:

Асилимни баён айлай,
Гал санда ҳунар бўлса,
Ҳар на билганинг сўзла,
Ким зеру забар ўлса.

Йифлама, гулим, бу дам,
Оқизма кўздин шабнам,

Чун бўлди манга ҳамдам.
Чун хайри башар ўлса.

Юз сапча манинг дардим,
Кўп йиғлама номардим,
Бошиндан сочар эрдим.
Кисам тўла зар ўлса.

Ёқма Карамжонни мунча,
Оғзинг гул, лабинг ғунча,
Ҳеч пари йўқдир санча,
Бошинда гавҳар ўлса.

Энди қизлар арманиларнинг уйига бордилар. Асилхонни ўзи билан йўлдош қилдилар, авлиёга олиб келдилар. Қизлар бир неча қизлар билан жам бўлиб ўтавердилар. Карамжон қўлига сеторини олиб баҳшилик қилмоқчи бўлди. Шул вақтда Асилхон Карамнинг овозини эшитиб шул ерда тўхтади. Шул вақтда Карамжон айтди:

-Эй ёрим, мен сени деб чўл-биёбонда, қор тагинда қолдим. Ҳеч вақтда менинг билан мурод ҳосил қилмасмисан. Шул вақтда Карамжон бу сўзни айтгач, Асилхон: -мен сенинг билан мурод ҳосил қилсан эл шармандаси бўлурман. Карамжоннинг қўлидан Асилхон сеторини олиб Карамжонга қараб бир сўз айтди:

Бу доғларни қори киби аридим,
Аммо Карам мани бадном айлама.
Бу дард билан ёна-ёна қаридим,
Жоним Карам мани бадном айлама.

Кетма, кетма, менда бирга кетаман,
Сен обдал бўл, кўшкулингни тутаман.
Сен айвонда ўтири бирга кетаман,
Жоним Карам мени бадном айлама.

Бадлигимни қўйдим, созинг кўтардим,
Мен ғарибни ул ўлкага етирдинг.
На сан ўлдинг, на ман ўлдим қутулдим,
Дейма Карам, мани бадном айлама.

Қошингнинг қораси олар жонимни,
Кирпигинг пайкони тўкар қонимни.
Сан бадном айлама Асилхонимни,
Дейма Карам, мани бадном айлама.

Карамжон қиздан бу сўзни эшитгач, Сен питна экансан, яна панд бердинг. Энди мен сенга шу панд берганинг ҳақинда бир сўз сўйлайман:
Сенинг ишинг питна экан, панд экан,

Сарви бўйли салотиним қиз, юри.
Вафоли ёр, ман дўнаман қошингга,
Эгри юрма, хоним, йўла дуз юри.

Аввал нечун ваъда этдинг икрори,
Қайтиб яна кўраманму шул ёри,
Беҳиштнинг меваси кўксингнинг нори,
Сани ёқанг олтин тугма, дуз юри.

Карам айтар, билганимни сўзлайман,
Ҳар жойда бўлсангиз сизни кўзлайман.
Асилхон деб мен сизгаку сўзлайман,
Эгри юрма, хоним, йўла дуз юри.

Энди бу сўзни Карамжондан эшитиб, арманилар яна бир шаҳарга кўчмакчи бўлди. Кўчдилар, бир манзилга бориб, арманилар қарор топди. Булар бу ерда турсин, сўзни энди Карамжондан эшиting.

Булар у ерда қарор топгандан сўнг Карамжон йўл оша бошлади. Бир чўл-биёбонга борди. Бир жойда бир момо **чартак қуриб** чарх эгириб ўтириб эди. Карамжон ул момонинг ёнига бориб қўлларини **алиф-лом** қилиб салом берди. Момо саломин алик олиб: -Эй ўғлим қайдан келасан, қайси гулнинг булбулисан, қайси ошёндин бўлурсан ва қайси, кимнинг ёлғизисан, деди. Шул вақтда Карамжон айтди:

-Эй момо, мен Зиёдхон подшонинг ўғли туурман. Мен арманининг қизига ошиқ эрдим. Арманилар қизини олиб қочиб юрибди. Бир оқшом **киёвлаб** эдим. Менинг қизимни киёвлади, деб мендан келиб олиб қочириб юрибди. Шунинг изинда саргардон бўлиб келарман. Шул вақтда момо айтди: -Бу ерга қирқ уйли армани кўчиб келди. Карамжон ул сўзни эшитиб айтди: -Шул менинг ёримнинг отаси туур. Момо айтди: -Эй болам, ёринг учун мунча саргардон бўлурсан. Агарки, сен ёрингни топмасанг бу чўлларда ўларсан. Момога қараб Карамжон айтди: -Эй момо, сизданди, Худоданди, мени шул ёримга дуч келтиринг, момо айтди: -Эй болам, арманилар қирқ **қопига** ҳам хамир ёпиштириб қўйибди. Сенинг ёрингнинг қопуси қайси эканини мен нечук биламан? Карамжон айтди: -Асилхоннинг онаси Марям диш олур (тиш оловчи) эрди. Момо тиш оладиган борми деб сўра, деди. Андан сўнг момо, тиш оладиган борми, деб сўраб кетди. Қирқ уйга ҳам кириб чиқди. Андин сўнг Асилхоннинг онаси Марямнинг ёнига борди. Асилхоннинг онасидан сўради: - Тиш олиб биласизми, деди. Ажаб хушнуд бўлиб, олармиз, - деди. Андин сўнг момо: -менинг бир қизим бор туур, тиши оғрир. Қизимни олиб келиб тишини олдиарман, -деб уйига келди. Карамжоннинг ёнига келиб; мен тиш оладиганини топдим, деб Карамжонга қиз либосларини кийгизди. Бошига бир тўнни солиб, арманиларга қараб равона бўлди. Арманиларнинг уйига Карамжонни олиб борди.

-Менинг бу қизимнинг тишини ол, -деди. Асилхоннинг онаси Марям қўлига омбирни олиб келаверди. Шул вақтда қизи Асилхонга қараб: Бу қизнинг бошини тут: -деди. –Эй она, мунинг бошини тутсам номахрам бўламан. Қиёматда Карамжонга не жавоб бераман,-деди. Шул вақтда онаси икки **шаппат** урди. Андин кейин ноилож бўлиб бошини тутди. Марям омбирни солди, аввал бир тишини қўпорди, ундан иккисини қўпорди. Ундан учисини қўпорди, энди озиқларининг ўттиз иккисини ҳам қўпорди.

Ер юзи қизил қонга бўялди. Карамжон бехуш бўлиб йиқилди. Ҳушига келиб, Асилхон парига бир қаради. Шул вақт Асилхон пари ёри эканлигини билиб, кўзига кўзи тушган замони бир сўз сўзлади:

Саринга бўлай садаға,
Саринг қирмиз кийинибди.
Не учун кирдинг орага,
Гуллар қирмиз кийинибди.

Боғ ичига кирдинг бугун,
Юрагима қўйдинг тугун.
Сўйлама булбуллар шу гун,
Гули қирмиз кийинибди.

Боқманг Олланинг ишина,
Ишқ ўти тушди бошима,
Чакди Карамнинг тишини,
Омбир, қирмиз кийинибди.

Боқдим Олланинг отина,
Қулоқ солинг фарёдима,
Етти дўзоҳнинг ўтина,
Кириб, қирмиз кийинибди.

Энди сўзни Карамжондан эшитинг. Асилхоннинг овози қулоғига кирган соати ҳушига келди, қўп йиғлади. –Эй ёrim, мен сенинг учун мунча машаққат тортируман. Сен менинг билан мурод ҳосил қилмассан. Шул вақт Карамжон Асилхон парига кўзини бир очиб қаради. Карамжон Асилхон парининг кўзини кўргач, кўзини таъриф қилиб бир сўз айтди:

Оки оқ, қораси қора,
Асилхон сенинг кўзларинг.
Менинг жонима юз бало,
Нозлихон сенинг кўзларинг.

Сенинг кўзларинг ол айлар,
Менинг кўнглим хаёл айлар.
Охир бизни **обдал** айлар,
Бека қиз сенинг кўзларинг.

Сочинг гули Чина мангзар,
Бир олғир лочина мангзар.
Ойнинг ўн учина мангзар,
Асилхон сенинг кўзларинг.

Бўйинг дол қомиша мангзар,
Ҳуснинг оқ кумуша мангзар.
Дишингиз инжуга мангзар,
Асилхон сенинг кўзларинг.

Шул вақтда Карамжон энди Марямнинг уйидан чиқиб кетмоқчи бўлди.
Марямнинг уйидан чиқиб момонинг чартагина бордилар. Карамжон:

-Бу юртнинг подшоси ким турур деди. Момо айтди: -Бу юртнинг подшоси Маҳмуд подшо турур. Карамжон айтди:

-Мен шу подшога арз этсам, ёримни олиб олиб бермасми экан. Етти йил бўлди мен шул арманининг қизининг изинда сабил турурман. Момо айтди:

-Э болам, Худо раҳмини солса подшо ҳам раҳмини солар.

Подшога мен бир арз қиласин деб, Карам қўлига довот, қаламини олиб подшога арз қилмоқчи бўлиб бўзни айтди:

Хастаман, ҳажрингдаман эй шаҳи султоним, эшит,
Ўлгудекман кўрмасам сарви хиромоним эшит.

Ўз-ўзимни ўлдиурман сен қоларсан қонима,
Сўзимнинг будир адоси шоҳи-султоним, эшит.

Шоҳсан оламда сан бир ғойиби бенаво,
Шоҳ гадога раҳм қилмасми, султоним, эшит,

Токи мен бедор ўлибман гул юзини кўрмакка,
Мен сенга арз айладим, шоҳи қадрдоним, эшит.

Ҳар маҳал келса уни жон устида сақлар эдим,
Рахм қилсин ҳолима ул меҳрибоним сан, эшит.

Шул вақтда Карамжон бул сўзни битгач, бу арзни Маҳмуд шоҳга элтиб бердилар. Шул вақтда Маҳмуд шоҳ айтди: -не сабабдан бу ҳол. Ул йигитни бу ерга олиб келинг. Ул йигитни дарҳол подшонинг одамлари қўлидан тутиб подшонинг олдига олиб бордилар. Карамжон қаттиқ бахши эди. Подшога борганида подшога бир сўз сўзлади:

Арз айлай бу кечаким, бўлдим жононим билан,
Ман чакиб хунобо ҳижрони афгоним билан.

Ҳам олиб оғушима ширин лабидин тишлабон,
Ҳам қучиб нозик белин, сарви гул андомим билан.

Ким они қўймай олиб кетган бўлса **бойиз** бўлиб.
Ишқ ўтига ёққани ман чаккан афтоним билан,

Ҳар сахарлар йиғлабон тинмай яна йўлга боқиб,
Бир-бир осор айладим бу нола айтғоним билан.

Гул юзингни кўргали ҳар дам кўнгил девонадир,
Ҳар на иш бўлса қабул ман ҳал қиласай жоним билан.

Энди сўзни подшодан эшитинг. Арманиларни чақиртириб сўради: не сабабдин қизингни бермассан унга? Армани айтди: -отаси жабрли подшо эрди. Шунинг зулмидан қизимни олиб қочдим, уйимни ўтлатди, хонамни талатди. Агарки менга рухсат берсангиз сизнинг сўзингиз билан қизимни бунга берурман. Қирқ кунлик тўй анжомим бор туур. Подшо қизингни бер, деди. Армани бераман, деб уйига борди. Тилсимчиларни чақирди. Қизининг бошдан оёғини тилсим қилдирди. Шу тилсимга алингиз тегса, алингиз ёнар эди, оёғингиз тегса оёғингиз ёнар эди. Армани подшонинг **боргасига** келиб қирқ кунги тўй анжомини тутиб бўлдим, деди. Андин сўнг Асилохон парини шариат билан никоҳ қилиб келмакчи бўлдилар. Уйларига олиб бордилар. Бир неча ҳалфалар ўқиди. Бир неча созчилар соз этди. Бир неча гўяндалар базм этди. Ундан сўнг йигит қизнинг ёнига кирди. Икки шиша қизнинг ёнида туур эди. Қиз айтди: Эй Карамжон, менга қўлингни текизма, қўлингни текизсанг қўлинг ёнар. Оёғингни текизсанг оёғинг ёнар. Бу шийшада турганларни сув хаёл этма. Магарки бу шийшадагилар лампа ёғи туур. Карамжон қабул этмади. Паризод кўп ёлборди. Ўзинг банд этган тугмаларингни ўзинг еч деди. Қиз айтди: -Мен банд этганим йўқ. Отам мени қирқ кунлик тилсим билан банд эттириди. Карамжон қабул этмади. Паризодга кўп ёлбориб, бир сўз айтди:

Олладан истадим тушдим алинга,
Ёздир арка хоним дугмаларингни.
Хеч хато бўлмагай сани кўнглинга,
Ёздир арка хоним дугмаларингни.

Дўшак, дўшаб бир дўшакда ётали,
Чиқар кўйнак, жонни жона қотали,
Гал севдигим, дўланишиб ётали,
Ёздир арка хоним, дугмаларингни.

Ишқинг шабнаминнан **пешинг** азилсин.
Қичқириб гулганда қошинг сузилсин.
Дугма чаккан заргар қўлинг касилсин,
Суярим, ўзинг чеш дугмаларингни.

Нозли ёрим **ийм атади** ичина,

Қиё бокмоқ ўргатади лочина.
Бир жуфт олма гўрдим қўйнунг ичинда,
Аркалаб ўзинг чеш дугмаларингни.

Жилли манми, дўғри галдим Табриза,
Бека назар солинг яна гул юза.
Банда ошиқ эрдим Асилхон қиза,
Ёздир арка хоним дугмаларингни.

Ганжи қора боғдан галдим пиёда,
Ё Яратган, душман қолгай уята,
Мақсадимни баргай икки дунёда,
Ёздир арка хоним дугмаларингни.

Олла тола иккимизни бор аткай,
Ҳақ Мустафо душманларни хор этгай,
Асилхон парини биза ёр аткай,
Ўзинг чеш, арка хоним дугмаларингни.

Карамжон ҳар чанд шул ерда бекарор бўлди. Сени отанг қирқ кунлик тилсим қилган бўлса, мен ҳарчанд қабул қилмасман, деб ўнг ён қўлини тутди. Шул вақтда Асилхон айтдиким: -қўлинг ёнади, сўзимни қабул қил. Карамжон айтди –Мен сенинг сўзингни қабул қилсан етти йилдан бери изингда юрибман, деб бир ғазал айтди:

Нетай ошуфта бўлдим сан каби жонона, эй дилбар,
Жамолинг шавқидин тортарманки дил афона, эй дилбар

Муборак гул юзини гўрмайин ҳар дам фифон аттим,
Тараҳҳум айлагил ҳар дам бу қуйган жона, эй дилбар.

Муборак гул юзини гўрмасам сабри қарорим йўқ,
Тараҳҳум айлагил ҳар дам бу қуйган жона, эй дилбар,

Кеча-кундуз фироқингда чекарман неча афлонлар,
Келиб ҳолима раҳм айла, бу гунда зора, эй дилбар.

Энди сўзни Карамжондан эшитинг. Ҳаргиз мен сенинг сўзингни қабул қилмасман. Отам билан онам, бул ерда бўлса эди, менинг ахволимни кўриб кўп йиғлар эрди. Қиз айтди: -Эй Карамжон менинг сўзимни қабул қилмасанг ўнг ён қўлинг менинг бўйнимдадурур. Ўт шул қўлингдан тегиб кул бўларсан. Шул вақтда Карамжон Асилхон қизга қараб бир сўз айтди:

Муродима етиб бунда,
Севдигим сўнгра ўлсайдим.
Ота-онамнинг дийдорин,
Кўрибам сўнгра ўлсайдим.

Оғача қўнган қумрини,
Ҳақ сўзлар тўғри йўлини,
Алининг ўн бир ўғлини,
Кўрсайдим, шунда ўлсайдим.

Бордим Оллани қошига,
Бошим урарман дошина.
Икки имомнинг қошина,
Борсайдим, шунда ўлсайдим.

Сайислар чакар изони,
Душманлар топқай жазони.
Маҳшарда имом Ризони,
Кўрсайдим, шунда ўлсайдим.

Карам айтар, бу додима,
Етирмайин муродима,
Муродима, мақсудима,
Етсайдим, шунда ўлсайдим.

Шул вақтда Карамжон бул сўзни айтгач, Асилик еридан туриб бир таъзим қилди. Шул вақтда Карамжон айтди: -Санинг бул ахволинда не иш битирсан бўлар эркан. Қиз айтди: -Эй Карамжон мени сендан **дилайим** қирқ кунга чоқли сабр қил. Агарки қирқ кунга **чоқли** сабр қилмасанг, сен менга йўқсан, мен сенга йўқман, деди. Шул вақтда Карамжон айтдиким: -Сенинг шул сўзларингни таъриф қиласин деб бир сўз айтди:

Икроминда Асилик берди саломи,
Гал, иккимиз ором-ором ўйнаймиз.
Дилиндади, дойим Ҳақнинг каломи,
Гал иккимиз, аромижон ўйнаймиз.

Сиёҳ сулфинг гарданингни қуршайди,
Ҳар жилвангиз хур ғилмона ўхшайди.
Асилик биза инъом берсанг яхшийди,
Инъом олиб орамижон ўйнаймиз.

Адрес тоқёнгизнинг чуюн билмайман,
Адашибман ёрим уйин билмайман.
Отанг манга мунча жафо қилганди,
Мен кўнглимни бераримни билмайман.
Гал иккимиз ором-ором ўйнаймиз.

Чинор зинасидан чиқдим тирмасиб,
Мен келибман қайғу ғама улашиб,

Ётсак эди дол гардона чирмашиб,
Кел иккимиз орамижон ўйнаймиз.

Карам айтар, бу ишинга **тўзмайман**,
Ўлсам сендан умидимни узмайман.
Асилхон отинга нома ёзибман.
Кел иккимиз ором-ором ўйнаймиз.

Энди сўзни Карамжондан эшитинг: Карамжон сўзни қабул қилмай, ўнг ёқ қўлини узатди. Ўнг ёқ бармоғидан ўт тегди, ёнди, кул бўлди. Қиз ҳеч тоқат эта билмай шийшадаги лампа ёғини сув хиёл этди. Карамжоннинг устидан қуиди. Карамжон ёнди, кул бўлди. Энди сўзни қиздан эшитинг:

Қиз йифлаб онасининг ёнига борди: -менинг ёrim ёниб кул бўлди, - деди. Онасига қараб бир сўз ўқиди:

Эй онажон, эшиш менинг сўзимни,
Ана Карам ёнди, менда ёнаман.
Етти дўзах, **тамуғликнинг** ўтина,
Ана Карам ёнди, менда ёнаман.

Ҳеч бир ошиқ иккимиздай бўлмагай,
Гул юзлари зафарондек сўлмагай.
Бу чўлларда армон билан ўлмагай,
Ана Карам ёнди, манам ёнаман.

Қизил гул этибон теринглар мани,
Ўзим севган ёра беринглар мани.
Ўзим севган ёра берсангиз мани,
Ўйнашиб ўйинни кўринглар мани.
Ана Карам ёнди, менда ёнаман.

Ёлбораман, ана, айтган сўзинга,
Уч ойда, тўрт ойда келмас ўзина,
Бир айланиб боқмас ёrim изина,
Ана, Карам ёнди, менда ёнаман.

Асил айтар: -Энди сенга сўйлайин,
То ўлгунча ишқ йўлин кўзлайин.
Худо этган иша налар қилайин,
Ана, Карам ёнди манда ёнаман.

Энди сўзни қиздан –Асилхондан эшитинг. Подшо баргоҳига бориб подшога арз қилди. Отам мени қирқ қунлик тилсим қилвади. Карамжон ҳаргиз бу сўзни қабул қилмай қўлин узатди, ўнг ён қўлимдан ўт тегди. Келтириб қўйилган икки шийшани сув хаёл этиб, олиб Карамжоннинг устидан қуидим. Ул лампа ёғи экан. Карамжон ёнди, кул бўлди, -деб сўз сўзлади. Энди сўзни подшодан эшитинг.

Подшо қизга қараб айтди: -Энди нечук қилурсан? Қиз айтди: -Йўлнинг тўрт **бандаргосинда** менга бир гумбаз солиб берарсан. Мен ёримнинг кулини сақлаб ўтирсам. Шул вақтда подшо қизнинг сўзини қабул қилиб, усталарга киши юборди. Усталар тайёр бўлиб келдилар. Уч йўлнинг бандаргосинда бир гумбаз солинглар, деди. Усталар, **ажаб бўлади**, деб гумбаз бошладилар.

Энди сўзни Асиљондан эшитинг. Асиљон шул ерда ёрининг кулига қараб, йиғлаб бир сўз айтди:

Оё, эй кошида юз минг фалак, дўнганга йиғлайман.

Ғамимга ташна бўлиб, гул каби сўлганга йиғлайман.

Дилимда раббиул аъло, десам оёҳи пайғамбар,
Рақиблар сўзина дойим қулоқ солганга йиғлайман.

Менга қилдинг **тофа** мунча, юзи гул, оғизлари ғунча,
Вафо дедим уруб анча, сўнги **дайғанга** йиғлайман.

Жафоси чўқ, вафоси йўқ, манга ҳар дам отар минг ўқ.
Табассумда **таҳайюрда**, гули сўлганга йиғлайман.

Оё Асиљон хаёлимни, куйдириб уайхонимни.

Ўлдириб Карамжонимни, бу кул бўлганга йиғлайман.

Энди сўзни қиздан эшитинг. Қиз ёрининг кулини олиб бориб шул гумбазга қўйди. Баъзилар айтади ўттиз йил, баъзилар айтади олтмиш йил шул кулни сақлаб ўтирди. Кунлардан бир кун Хўжайи Хизир алайҳиссалом келиб сўради.

-Эй ночор, бул ерда нима қилиб ўтирибсан? Ул вақтда қиз айтди:

-Эй боважон, мен бошимдан ўтганини сизга баён қилайин. Зиёдхон подшонинг бир ўғли бор эрди, оти Карамжон эрди. Ул йигитга мени фотиҳа қилиб эрдилар. Менинг отам армани эрди. Бул йигитни, бир оқшом **киёвлари**, деб мени олиб қочиб юрди. Етти йил олиб қочди. Андин сўнг ул йигит келиб Момит шоҳга арз қилди. Момит шоҳдин қўрққанидан ул йигитга отам мени қирқ кунлик тилсум қилдириб берди. Йигитга ҳарчандки ёлвордим қўл-оёғингни теккизма деб, йигит қабул қилмади. Ўнг қўлини узатди. Ўнг қўлидан ўт тегди. Ёнимда икки шийшани сув хаёл этдим. Ул лампа ёғи экан, олиб йигитнинг устига қуйдим. Йигит ёниб, кул бўлди. Андин сўнг келиб Момит шоҳга арз қилдим. Йўлнинг тўрт бандида кошинли бир гумбаз солиб баринг, дедим. Ул гумбазни солиб бердилар. Шул гумбаз ичинда ёримнинг кулин сақлаб ўлтиурман. Бобо айтдиким:

-Эй ночор бир қасам ўргатайин, деб бир қасам ўргатди. Ул қасамни ўқиб ул кулга дам солди. Кул бир кабутар бўлди. Қизга ҳам яна бир қасам ўқиди. Қиз ҳам ўзига қасам ўқиб дам солди, ул ҳам бир кўк кабутар бўлди. Иккиси икки кабутар бўлиб учиб Зиёдхон подшонинг боғига борди. Андин сўнг яна исми азам ўқиб қиз **янгқи** каптарга дам солди. Каптар тирилиб Карамжон бўлди. Қиз ўзига исми аъзам ўқиб дам солди. Тиши тўқилиб, сочи

оқариб қолиб эрди. Бу исми аъзам билан қиз ўн беш яшар қиз бўлди. Карамжон ҳам ўн бешинда. Икки ошиқ бир-бирига қўшилди. Зиёдхон подшо қирқ оқшом, қирқ кундуз тўй-томуша этиб, Асилхонни саломини олди. Шунда Зиёдхон подшо бир сўз айтди:

Асилхоннинг ҳар бир зулфи,
Жаҳон баҳоси эмасми,
Оқ юзлари, жаҳон хўби,
Жаннат нишони эмасми.

Солланиб салом бергани,
Ошиқининг ақлин олгани.
Кулиб қучоққа киргани,
Минг қиз баҳоси эмасми.

Паризодим билдим ҳолинг,
Лабларингдан томор болинг.
Оқ юзингда доно ҳолинг,
Нуқтайи қуръон эмасми.

Мушкин работдур эллари,
Юз минг алвондир гуллари.
Асилхоннинг бу беллари,
Нурмати гардон эмасми.

Энди сўзни подшодан эшитинг. Подшо қирқ оқшом тўй-томуша қилди: созандалар айтди, гўяндалар базм этди, полвонлар кураш тутиб, бир неча олтин қабоклар оттириб, ошсизларга ош бериб, тўнсизларга тўн бериб, подшо ҳам муродига етди. Икки ошиқ ҳам қўшилиб муродига етди. Ҳамма ҳам муродига етсин, илоҳи омин ва раббил оламин.

Достонни хивалик Хонимжон халфа Сайидаҳмад қизи оғзидан Ҳоди Зариф ёзиб олган. 1930 йил.

ЧОРИЁРИ ОЛАМ (оғзаки вариант)

Жон Ҳайбатнинг шаҳринда
Шоди Дороб хон ўтди.
Икки оғиз булардан,
Айтиб берсам бўларми?
Жон оғам, кўнглим тўларми?

Қадим замонда шоди Дороб деган ўтди. Унинг 9 хотини бор эди. Аммо бефарзанд эди. Изida меросхўри бўлмагани учун шоҳ ҳамиша ғамгин юрар эди. Унинг элида шу даврларда учта бой истиқомат қилиб, уларнинг бири-Қорабой, иккинчиси Сорибой, учинчиси Доnobой номи билан машхур эди. Бир куни шоҳ Доробнинг хаёлига бир фикр келди ва эгнига жанда ямоқ тўн

кийиб бойларнинг ҳузурига бориши режалаштириди. У ўйладики, қани бир бориб кўрай, улар мени уйида меҳмон қилишадими ёки ҳайдаб юборишадими? Шу хаёлда йўл юриб, йўл юрсада мўл юриб бойларнинг уий олдига келди. Аввало оқ чодирга юзланди-ҳеч ким йўқ. Кейин қизил чодирга қаради-яна ҳеч кимса йўқ. Охири қора чодир олдига келди, қулоғига бир сас келди, у тўхтаб қулоқ солди. Чодирда уч қиз жундан **ноҳ** йигириб ўтиришиб, сухбат қураяпти. Биринчиси –катта қиз: -агар мени Шоди Дороб олса бир калава ипдан бутун бошли отларига арқон қилиб берар эдим, дейди. Сорибойнинг қизи эса: -агар шоҳ мени севикли хотини қилиб олса, биттагина тариқдан қўшинидаги барча отларига ем тайёрлаб берар эдим, дейди. Қизларнинг энг кенжаси-Донобойнинг қизи Гулчора: агар шоҳ менга уйланса, унга бир кокили олтиндан, бир кокили кумушдан бўлган ўғил ва қиз туғиб берар эдим, деб сўзини тамомлади. Ушбу сухбатни тинглаб, Шоди Дороб астагина ўз даргоҳига қайтиб келди ва саройидаги тахтига ўтириди. Аммо тонг отгунча ҳаёжондан қўзига уйку келмади. Тонг отиши билан олдига Тўман вазирни чақириб, бойларнинг уйига совчи қилиб жўнатди. Шундай қилиб Тўман вазир бойларнинг уий олдига етиб келди ва баланд овоз билан сўз бошлади:

-Бой бобо, ҳой бой бобо! Қуш отувчи овчиман, сув сотувчи сувчиман, бу ёққа чиқ, бой бобо, қизингга келган совчиман! Подшоҳға қизинг берсанг, отаси бўлиб қоласан, Эшитдингми бой бобо, эшитмадингми бой бобо?

Тўман вазир бу сўзларни айтиб, отини бошини буриб, орқасига қамчи уриб изига қайтди.

Энди кимдан хабар оласан, қизларнинг отасидан. Бу вақтда Қорабой билан Сорибой уйида йўқ эди. Қорабой эса бу сўзларни эшитиб, ғазабга минди. –Бу не гап, подшоҳ бизнинг қизларга совчи юбориб мазах қилмоқчими, уйида 9 хотини бўлса, яна бошқа хотинни бошига урадими? Шу пайтда Сорибой кириб келди ва бу хабарни эшитиб у ҳам қаҳрга минди. Сал ўтмай Донобой келиб, бу хабарни эшитиб айтдики, мабодо подшо бизни ўзига тенг кўрган экан, уни овора қилиб ўтирмай қизимни ўзим унинг олдига олиб бораман, деб отни эгарлади, қизини орқасига ўтқизиб сарой томон йўл олди. Буни кўриб, Сорибой ва Қорабойлар ҳам қизларини олиб, биргаликда подшо ҳузурига келдилар. Подшоҳ уларни кўриб, хурсанд бўлди ва тахтдан тушиб, меҳмонларни кутиб олди. Тарозиларни қуриб, бир палласига қизларни, бир палласига қизлар оғирлигича олтин қўйиб, қалинни розилашдилар. Шундай қилиб, кун ўтиб, кеч кирди. Подшоҳ биринчи қизнинг олдига кирди. –Эй менинг жону жаҳоним, ваъдангга содиқмисан, сен Шоди Дароб мени олса, бир калава ипдан қўшинидаги барча отларга арқон тайёрлаб берар эдим, деган эдинг, ўша ваъдангни бажара оласанми, деди. –Қанақа ақлсиз подшосан, қиз деган отасининг уйида оғзига келганни валдирайверади, сен ўша гапга ҳали ишониб юрибсанми, мен бир калава ипни кучим борича чўзсан уч қулочдан ошмайди, шу уч қулоч ип сенинг отларингга етадими, деди қиз. Подшо бу сўзларни эшитиб, уни астагина саройдан ҳайдади. Навбат Сорибойнинг қизига келди. Подшо унинг олдига

бориб: -Эй менинг жону жаҳоним, ваъдангга содиқмисан, сен Шоди Дороб мени олса, биттагина тариқдан қўшинидаги барча отларга ем тайёрлаб берар эдим, деган эдинг. Ўша ваъдангни бажара оласанми, деди. -Сен тентак подшо экансан, битта тариқ ерга тушса, уни бир қуш бир чўқиб, ютиб юборади, ундан қандай қилиб шунча отга ем тайёрлаш мумкин. Ота уйида ўтирган қизнинг оғзига не келса сўзлайверади, бунга ишониб юрибсанми?

Подшонинг бу сўзлардан қаҳри келди, қизни саройдан хайдаб изидан ит солишни буюрди. Навбат Донобойнинг қизига келди. Подшо унинг ёнига бориб: Эй менинг жону жаҳоним, ваъдангга содиқмисан, сен Шоди Дороб мени олса, севикли хотини қилса, мен унга бир кокили олтиндан, бир кокили кумушдан ўғил ва қиз туғиб берар эдим, деган эдинг, ваъдангга вафодормисан, деди. Бу Худонинг хоҳишига боғлиқ, деди қиз, бу истакни Худодан сиз тиласангиз ва мен ҳам тиласам, иншоолло орзумиз ушалур. Подшо бу сўздан шод бўлиб, қизни иқди никоҳ қилиб олди. Ойдан ой ўтди, кундан кун ўтди. Гулчоранинг бўйида ҳомила пайдо бўлиб, ой –куни яқинлашди. Бундан хабардор бўлган подшо ўйланди: “Менинг ҳаётимда ҳали фарзанд кўриш насиб қилмаган эди, **бўбакнинг** ингасини эшитмаганман. Мабодо эшитсам севинчдан юрагим ёрилиши турган гап”. Шу фикр билан подшо, агар фарзанд туғилса, унинг ўғил-қизлигини суюнчилашни маҳкам топшириб, ов-шикорга кетишни ихтиёр қилди. Буни эшитган Гулчора ойим подшо отининг юганидан ушлаб бир сўз айта берди:

Ўзим юрган **чўрқаман**, (якка)
Ипакдан инжа **тўрқаман**,
Сиз кетсангиз-пойтахт эгаси,
Якка ўзим кундошлардан қўрқаман.

Тангри таолодан бизга беш вақт намоз фарз ва қарз, мен бечорани якка ташлаб қаерларга кетмоқчисиз, деб ёлборди Гулчора ойим. Подшо аҳдидан қайтмади, уни якка ташламаслик учун қальянинг одатда, душман келадиган шарқий буржидан бир Мастон кампирни келтириди ва отдан тушиб, унинг киссасига юз олтин танга тиқди.

-Қандай хасис подшосан, шанғиллади мастон, бу юз олтин танганг менинг бир чилим чекишимга ҳам етмайди. Подшо яна иккиз юз олтин танга чиқариб берди. Мастон яна дағдаға қилди: -Сенинг икки юз олтин танганг менинг бир **чакса носимга** ҳам етмайди. Подшо яна уч юз олтин тангани унинг этагига тўқди ва хотинини Мастон кампирга топшириб йўлга равон бўлди. Сарой аёнларига тайинладики, мен ҳали бўбак йифисини эшитмаганман, агар эшитсам юрагим ёрилиб ўламан. Шу сабабли шикорга кетаётирман. Худо фарзанд ато қилса, унинг ўғил-қизлигини менга етказинг. Суюнчини мен аямайман, деб отига миниб, қамчи торти.

Подшо кўздан ғойиб бўлгани замон 9 кундош мастернинг ёнига келдилар.

-Подшонинг кенжা хотини Гулчора ўғил ва қиз туғиб, бизнинг ҳукмдоримизни ўзига қаратиб олади. Не қилиб бўлса-да, бу туғилган болаларни йўқотиш йўлини топинг, деб унга ёлборабердилар ва Мастон

кампирнинг олдига 9 товоқ тўла олтинни қўйдилар. “Қизилни қўрса, Хизр йўлдан чиқади”, деганларидек, кампирнинг боши айланиб, тили бойланиб, кўнгли лойланиб, неки ёвуз иш бўлса шайланиб 9 аёлнинг ёнини олишга ваъда берганини билмай қолди. Кўзи қонга тўлиб, тўлғоқ тутаётган Гулчора ёнига келди. Аёзли куз бўлса-да, барча ойна-қопиларни очди. Совуқ шамол Гулчоранинг юзига урди. У кўзини юмди. Кампир унинг юзига икки таркаси урди, аёл хушидан кетиб йиқилди. Шунда Мастон кампир 9 аёлга қараб: - дарҳол кўзи юмуқ икки кучик топинг, қалъани ахтаринг, деб фармойиш берди. Улар тўрт томонга югуришиб, охири иккита кучукни топиб Мастон кампирга бердилар. Мастон кучукларни Гулчоранинг бағрига қўйиб, икки эгизакни Қараман қулга бериб, унинг қўлига юз тиллони тутқазиб, болаларни подшонинг таранг ҳовуз деган қўлига ташлашни буюрди. Қул буйруқни бажарди. Подшо ширкорда юриб, суюнчи хабарини сабрсизлик билан кутар эди. Кундан кун ўтди, ойдан ой ўтди, хабар бўлмади. Подшо безовта бўлди, ташвишга тушди ва элга қараб йўл олди. У саройга қадам қўйиши билан олдига 9 хотини югуришиб чиқиб, бири олиб-бири қўйиб гап бошлади: - Сенинг севикили хотининг шум ва маккор экан, сени бир кокили олтин, бир кокили кумуш ўғил- қиз туғиб бераман, деб алдаб, мана бир кучук ва бир **чоға пишик** туғди.

-Йўқолинг бу ердан, мен ишонмайман, деди подшо, мен унинг ёнига Мастон кампирни қўйиб кетганман. У не гап айтса, фақат шунга ишонаман. Мастон кампир эса бу сўзларни тинглаб турган эди. Дарҳол подшонинг олдида пайдо бўлди ва:

-Сенинг хотининг алдоқчи, у ҳақиқатда кучук ва чоға пишик тугди, деб подшони ишонтириди.

Подшо Мастон кампир билан Гулчора турган уйга кириб келди. Гулчора уларга қараб кучук билан чоға пишикни ёнида мунғайиб ўтиради. Подшо дарғазаб бўлди: -Қани сен туққан болалар, деб бақирди. Миясига қон тепгандай титраб отни орқага буриб саройга келди. Шу замони 9 хотин унинг теварагида парвона бўлиб, хушомад қила бошладилар. Бири чой тутди, бири канд, бири нон, бири эту бири ёғ. Подшо сал ўзига келиб, хукм қилди: - Дарҳол Гулчора ёнига бориб, қимматбаҳо нарсаларини олиб, ўзини саройдан ҳайдаб изига ит солинг! Бирор киши унга бир бурда нон, ёки бошпана берса, моли талонда, ўзи ўлимда. Бу сўзни эшитиб, мулозимлар етиб борганда Гулчора уйдан чиқиб, Тўман вазир даргоҳига келган эди. Бу хабар подшо қулоғига етиб келди. Бундан қаҳрга минган подшо яна бақира бошлади: - Дарҳол Тўман вазирни оёқ –қўлинин боғлаб бу ерга келтиринг!

Мулозимлар шу замони оёгини ерга теккизмай вазирни подшо олдига олиб келдилар. Подшо уни кўриб бақира бошлади: -Сен кучук билан пишик туққан маккор хотинни нега уйингда яшириб қўйибсан? Дарҳол вазирни дорга осинг! Жаллодлар вазирни бўйнига арқон ташлаб уч ёғоч остига етакладилар.

Тўман вазир шу боришда подшога қараб бир сўз айтди:

Инонибсан, эшонимнинг сўзина,

Иненибсан, маккор кампир сўзина,
Оса беринг дорингизга подшойим,
Ўлсам армоним йўқ Гулчора учун.

Тўққиз кундош шумлигини билдириди,
Маккор кампир кимлигини билдириди,
Инсон зоти ҳайвон туғмас, подшойим,
Ўлсам армоним йўқ Гулчора учун.

Алқисса, Тўман вазирни дорга осиб, подшо буйруғи билан Гулчорани
чўли биёбондаги зиндан қудуққа олиб бориб ташладилар.

Энди сўзни 9 кундош аёллар аҳволидан эшиting. У даврларда **ойна**
(кўзгу) йўқ эди. Кишилар ўз юзини кўрмоқчи бўлсалар сувга қарап эдилар.
Тўққиз аёлдан биттаси ўйланди: мен сулувманми ёки бадбашараманми? Буни
аниқлаш учун Подшонинг ҳовузи бўйига борди. Ўз аксини сувда кўрмоқчи
бўлиб қараса, сувда икки боланинг жовдираган кўзларига қўзи тушиб,
сесканиб кетди. Болаларнинг кўзи гоҳи шод, гоҳ маъюс милтилиб боқар эди.
Ташвишга тушиб, безовта бўлган аёл Мастон кампир ёнига қараб югурди.
Мастон онагинам, сизга бутун подшоликни инъом қилишга розимиз. Мен
ҳозир ҳовузга қарасам, унда икки бола ўйнаб юрибди, биз 9 аёл сенга 9 товоқ
олтин берамиз, шу болаларни **гум этиш** керак. Мастон кампир олтинларни
олиб, дарҳол Қараман қулни чақирди, унга уч юз тилло бериб буюрди: -
Дарров бориб, болаларни ҳовуздан олиб, Подшонинг Ойдин кўлининг чуқур
жойига ташла!

Қараман қул бориб болаларни эгнига олиб, Ойдин кўлнинг қирғоғига
борди, уларни кўлга энди ташлаётганда кўл тагидан:-болаларни ташлама,
деган гулдираган овоз эшитилди:

Ўлдирма марднинг боласин,
Бузма шоҳнинг қалъасин,
Йифлатма изинда қолган,
Гулчора отли онасин.
Йиксанг шоҳнинг қалъасин,
Ўлдирсанг марднинг боласин,
Йифлатма изинда қолган,
Гулчора отли онасин.
Қочиб, бўйинг яширма
Қора ерга тортдирмасам,
Кўллар отим қурисин.
Сув деган отим қурисин.
Орқадан шамол турди деб,
Яратган мени урди деб,
Орқалаб олиб жўнади,
Хоинлиги тунади.

Қараман қўрқиб, орқасида болалар билан тоғ бошига тирмашди. У ерда болаларни сўйиб ташлаш учун пичоғини қинидан чиқарди. Аммо бирдан тоғдан даҳшатли садо чиқди:

Ўлдирма марднинг боласин,
Бузма шоҳнинг қалъасин,
Йифлатма, изинда қолган,
Гулчора отли онасин.
Йиксанг шоҳнинг қалъасин,
Ўлдирсанг марднинг боласин,
Йифлатсанг изинда қолган,
Гулчора отли онасин,
Қочиб бўйинг яширма,
Қора ерга тортдирмасам,
Тоғлар отим қурисин!
Тошлар отим қурисин!
Орқадан шамол турди деб,
Яратган мени урди деб,
Орқалаб олиб жўнади,
Хоинлиги тунади.

Қул –Қараман болаларни орқалаб борар экан, бирдан олдидан Хўжай Хизр 40 чилтан билан пайдо бўлди. У қулнинг бошига оғир бир таркаси туширди, Қараман қул беҳуш бўлиб ерга йиқилди. Қараман қул ўрнидан туриб йиғлаганича қочишга тушди. Хизр уни тўхтатиб айтди: -Эй бадбаҳт қул, бери кел, пастда, тоғ ёнбағрида иккита оқсоқ кийик ўтлаб юрибди, кийикни сўйиб, болалар куйлагини қонга бўяб мастон кампирга олиб бориб, бер ва сенинг буйруғингни бажардим дегил. Қараман қутилганига қувониб, қонга булғангандан куйлакларни олиб ўта кетди.

Хизр болаларни кўтариб, булоқ бўйида ўтлаб юрган она кийик олдига олиб бориб эмизтира бошлади.

Энди гапни Шосувор подшодан эшитинг. Қўшни мамлакатда Шосувор отлиқ подшо бор бўлиб, унинг уч юз тўқсан кули бор эди. Қулларини уч юз тўқсан туюга миндириб, шу куни тоғ бағрига кўмирга юборган эди.

Қуллар келиб икки тоғ орасида ўрнашдилар. Эрталаб туриб қарасалар Шарқдан бир қуёш, ғарбдан ҳам бир қуёш чиқди. Қуллар қўрқиб қолишли, охир замон келдими, деган хаёлга бориб саросима бўлдилар. Улар орасида Қараман деган жасур қул бор эди. У ўйлади: Шарқдан чиқкан қуёш Худонинг буйруғи билан нур сочади, ғарбдан чиқкан қуёшни эса текшириб кўриш лозим. Шу хаёл билан у ғарб томонга йўл олди. Булоқ ёнига бориб қараса, у ерда ётган икки боланинг юзига қуёш нури тушиб, яна бир қуёшдек чараклаб турибди, уларнинг соchlари ҳам шуълаланиб қўзни қамаштиради. Қараман қул болаларни авайлаб олиб туйлардаги кажавага солиб уйига олиб қайтди.

Шосувор подшо бу воқеадан хабар топди. Қараман қул икки болани топиб олди деган овоза элга тарқалди. Подшо бефарзанд эди. Унинг миясида

бир фикр пайдо бўлди: -қуш билан қулнинг ақли бўлмайди, мен сўраб борсам, болаларни у албатта беради, деб, отига миниб, яна бир отга икки қоп тиллани юклаб Қараман қул уйи томонга йўл олди. У қулнинг олдига келиб бир сўзларни айта берди:

Айланайин, Қараман,
Сендан жоним омонат,
Миниб келан отим бор,
От устида зотим бор,
Буни санго берайин,
Ўғлингни бер Қараман,
Миниб келан отим бор,
Йил ошинга сўйилсин.
Усти тўла зотлари,
Уч ошинга ярасин.
Ёлборади Шосувор.
-Зўрлик этсанг оларсан,
Мен шундайин бермасман.
Не ҳақинг бор боламда?
-Айланайин Қараман,
Уч юз таноб ерим бор,
Ер устида зарим бор,
Муни ҳам санго берайин,
Болангни бер, Қараман!
Тўқай тўла туям бор,
Муни ҳам санго берайин.
Тўқай тўла отим бор,
Муни ҳам санго берайин.
-Тўқай тўла туянгиз,
Уч ошинга сўйилсин.
Уч юз таноб ерингиз
Вақфларга буюрсин.
Ёлборади Шосувор...
-Зўрлик этсанг оларсан,
Мен шундайин бермасман.
Не ҳақинг бор боламда?
-Айланайин, Қараман,
Уч юз таноб ерим бор,
Муни сенга берайин,
Озод хатинг битайин,
Болангни бер Қараман:
Ёлборади Шосувор...
-Қараман, уч юз тўқсон қулни ҳам озод этаман, факат болангни бер,
деб ялинди. Подшо. Буни эшитиб қул болаларни беришга рози бўлди.

Шосувор подшо болаларни олиб хотини Оқдавлатга топширар экан, унга деди: -Эй хоним, бу болаларнинг бизники эканига ҳеч ким ишонмайди. Шунинг учун халқ олдида 9 ой, 9 кун, 9 дақиқа қорнингга **така** боғлаб юр, улар сени ҳомилали деб ўиласин.

Алқисса, орадан 9 ой, 9 кун. 9 дақиқа ўтди, подшонинг хотини икки фарзанд туғди, деб эълон бердилар. Халқ бу хабарни эшитиб шод-хуррам бўлиб, тўйга йиғилдилар. Бу тантанага Хўжам Хизр ҳам келди, атрофида 40 чилтанлар ўтириб, фарзандларга ном қўйдилар:

Мен қўяйин отини,
Яна қўяйин отини,
Жон Ҳайбатнинг шаҳрида,
Шоди Дороб хон ўтди.
Шоди Дороб хон учун,
Яна қўяйин отини,
Гулчоранинг ҳаки учун,
Ўғлинг оти Чориёр бўлсин,
Қизинг оти Анжум бўлсин.

Ҳазрати Хизр билан чилтанлар болаларга от қўйгандан сўнг кўздан гойиб бўлдилар.

Шосувор подшо Чориёр учун катта боғ бунёд қилди. Чориёр боғда ўз тенгдош жўралари билан турли ўйинларга машғул бўлди. Анжум эса **чиқонлари** билан шод-хандон ҳаётни бошлади.

Халқ орасида Шосувор подшонинг болалари ҳакида турли гаплар тарқалди. Бу узунқулоқ гаплар Мастон кампирнинг ҳам қулогига етиб борди. Бу ялмоғиз Шоди Доропнинг болалари Шосувор подшо уйидан бошпана топганини эшитиб, безовта бўлаётганда унинг олдига 9 аёл кириб келди ва не қилиб бўлса-да. болаларни йўқотишни кампирдан ёлбориб сўрадилар. Мастон кампир шундан сўнг Шосувор подшо маконига йўл олди. Йўл юрди, йўл юрса-да мўл юрди охири Чориёрнинг боғига етиб келди, аммо баланд Чорбоғдан ўта олмай, боғ теварагини айланиб бир **тўнгиртқага** дуч келди. Эгилиб қараса тўнгиртқанинг ичидаги **отанак** бор. Тўнгиртқага бошини сукди, отанаққача келиб, у ёғига ўта олмади, ярим бели тўнгиртқада, ярми ташқарида қолди. Бу ётган **лошни** бир қарға кўриб устига қўнди, унинг қағиллаганига яна шарқдан минг қарға, ғарбдан минг қарға, қибладан минг, орқадан яна минг қарға йиғилди, улар гир айланиб қағиллай бошладилар. Кампир устига қарғалар ёпирилишди. Жон ҳолатда интилган Мастон боғ ичига зўмп этиб чиқди:

Тўнгиртқадан зўмп этди,
Боғнинг ичига тушди.
Мастон деган онанинг,
Оғзига қўнди тўрт минг қарға
Қарға **чапроз** уради,
Урган ерин юлади,
Кампир фарёд солади,

Жони чиқиб боради.
Олам Худо құдрати,
Айланиб кетди нурбати.

Боғ айланиб юрган Чориёрнинг бирдан бадбашара махлуққа күзи тушди. Унинг қулоқлари дастурхондай, бурни чархнинг **икидай**, оғзи тандирдай. Чориёр сўради, сен кимсан, жинмисан-арвоҳмисан? Кампир айтдики, мен сенинг момонгман, ажабтовур момангман, энг қадрдон момонгман. У ўрнидан туриб бир ғазал айтди:

Тахти Дороб қалъани,
Кўриб келган момонгман.
Бир шохаси олтиндан,
Бир шохаси кумушдан,
Бир шамчироғ турибди.
Бейиклигин сўрасанг,
Осмон билан баробар.
Тахти заррин қалъанинг,
Орқасида Борса келмас эли бор,
Борса келмас элида,
Булбулигўё қуши бор.

Агар шу қушни келтира билсанг, сенинг боғингдек боғ ҳеч бир подшода бўлмайди. Боғинг обод ва кенг аммо, бир камчилиги унда булбулигўё қуш йўқ, деб сўзини тамом қилди Мастон кампир.

Мастон кампирнинг сўзларидан таъсирланган Чориёр, тезроқ булбулигўё қушни олиб келишга ошиқди ва дарҳол отаси олдига борди. У отасига: -менга от топиб беринг, деб ўтинч қилди. Отаси эса унга рад жавобини берди. Чориёр йиғлаганча кетиб қолди. Бу пайтда синглиси Анжум ҳеч нарсадан хабарсиз осойишта ўйнаб юрган эди. Боғдаги 40 қиз унинг атрофида эди. Бирдан у ўрик дарахтини қучоқлаб йиғлаб турган акасини кўриб қолди. –Азиз ва меҳрибон aka, нега йиғляяпсан, нега авзойинг бузук, дилинг тушкун? Сўради Анжум. Чориёр унга бўлган воқеаларни баён қилди. Анжум бу сўзни эшишиб, акасига қараб бир сўз айтди:

Қулга берсанг розиман,
Бекка берсанг розиман,
Бир ёбиға ўтарман,
Бир ёбиға ўтмасам,
Қаро сочим кесарман.

Эй менинг қадрдон акам, мени сотсанг ҳам от сотиб ол, унга миниб, хоҳлаган жойингга кет, мен эса отам олдига ўзим бораман, деди Анжум ва Шосувор олдига бориб дардини баён қилди:

Ёлғиз боланг от сўраса бермадинг,
Уч ошинга сўярмисан, имонсиз?
Ёлғиз боланг от сўраса бермадинг,
Йил ошинга сўярмисан, имонсиз?
Ёлғиз боланг от тиласа бермадинг,

Биздан бошқа боланг борми, дадаси?

-Азиз ва меҳрибон Анжум қизим, гап бундай эмас, сенинг номингга қора-чавкар от боқтириб қўйибман, у 9 ёшда, сен ҳам 9 ёшдасан, устага эгар буюриб қўйибман, деди Шосувор. Шу пайтда подшоҳ устадан эгарни олдириб, отни эгарлаб миниб, орқасига Анжумни ўтқазиб, Чориёрнинг ёнига келдилар. Подшо Чориёрга қараб: -Эй менинг валиаҳдим кел, ўтири от устига, менинг ёнган чирофим, ўтири отнинг устига! деди. Бироқ Чориёр отга ўтирмади. Шунда подшо унинг хафа бўлганини билиб, яна тавалло қилди: - жон қўзим, қўзимнинг оқу қораси, кел. Ўтири отга, бундай мағрурликни қаердан ўргандинг? Мана мен сенинг олдингга бош эгиб келдим, отга ўтири болам. Чориёр отга қараб юрди. Анжум отга минишда унга ёрдамлашди. Чориёр от устига миниб, хайр-хўшлашди ва йўлга равона бўлди. Йўл юра-юра Борса келмас элига етиб келди. Унинг ўртасига олтин тахт ўрнатилган, унда қиз подшо ястаниб ўтирган экан. Чориёр унинг олдига боришга рухсат сўраб бир сўз айтди:

Борайнми, қизгина,
Бормайнми, қизгина.
Холингиздан хабари,
Олайнми, қизгина,
Олмайнми, қизгина!
Оқ сийнангни устина,
Минайнми, қизгина,
Минмайнми, қизгина.
Юпқагина лабингдан,
Сўрайнми, қизгина,
Сўрмайнми, қизгина?
Қиз –подшоҳ бу сўзларни тушунмади.

-Жаллод! деб чақириди, бирдан. Жаллодлар дарҳол ҳозир бўлишди. Чориёр зўрға қочиб қутилиб, Борса келмаснинг четига етиб келди.

Тоғ тепасига чиқиб, ибодат-оятлар битилган тумор топиб олди, кейин булбулигўё турган қафас ёнига келди. Бу ерда у туморда битилган хатларни ўқишига киришди. Овозни эшитиб қуш унинг ёнига яқинлашди, Чориёр эса тошга айланиб қолди.

Булбулгўё айёр қуш,
Қаноти ости қора қуш.
Бир қаҳқаҳа уради,
Тиззагача тош бўлади.
Икки қаҳқаҳа уради,
Белгача тош бўлади.
Уч қаҳқаҳа уради,
Кекирдаккача тош бўлади.
Тўрт қаҳқаҳа уради,
Бутун бўйи тош бўлади.

Чориёр тошга айланиб қолгандан сўнг унинг оти кўзидан ёш оқиб, қараб турди ва бу ахволни билдириш учун ўз элига қараб йўл олди. Олти ойлик йўлни олти кунда босиб ўтиб Анжумнинг олдига етиб келди. Анжум кўзидан ёш оқиб турган отни кўриб, ёмон иш юз берганини сезиб, дарҳол отаси ва канизлари билан хайр-хўшлашиб, пою-пиёда йўлга тушди. От унинг олдига тушиб йўлга равона бўлдилар. Осмону фалакда учгандай, юра-юра Борса келмас элига етиб келдилар. Булбулигўёниг маконини излаб яна уч кун йўл юриб, Анжумнинг оёғи-қўллари қавариб, ҳолдан тойди. Акам юрган йўллардан юриб, унинг босган изларини босиб, у яшаган чодирни топиб олиш, дийдорига муяссар бўлиш насиб этармикан, деб оҳу нола қилди.

Йўл юриб, йўл юрса-да мўл юриб акаси тош бўлиб қолган жойни топди. Бу ерда илонлар подшоси билан учрашиб, Булбулигўё қушга таъсир этувчи дуо туморни қўлга киритди. Булбулигўёниг қафаси олдига бориб, уни ўқиб бошлади. Бу дуо Булбулигўёникidan устун чиқиб, Анжум тошга айланмасдан қолди. Охир-оқибат Булбулигўё қуш сайрашдан тўхтади.

Булбулигўё айёр қуш,
Қаноти остида қора қуш,
Бир қаҳқаҳа уради,
Анжумга таъсир қилмади,
Учиб ерга тушади.
Ўқий берди дуосин,
Ёздирмади саносин.
Булбулгўё айёр қуш,
Ол ҳавога қўнади,
Анжумга ҳоли келмай,
Соф елкага қўнади.
Булбулгўё айёр қуш,
Ол ҳавога чиқади,
Анжумга ҳоли етмай.
Сўл елкага қўнади.

Анжум Булбулгўёни енгиб, қўлга олгандан сўнг, унга аввалдан тошга айланиб ётган 390 кишини тирилтиришни буюрди. Агар бу ишни битказмасанг, ўзингни тошга айлантираман, деб қўрқитди.

Булбулигўё дуосини бекор қилди. 390 киши аксириб, ўзига келиб, ўрнидан турди. Чориёр синглисини кўриб шод бўлди. Булбулгўёни қафаси билан олиб, қора чавкарниг эгарига боғлади ва отга минди. Анжум эса пиёда юришни ихтиёр қилди. Улар йўлнинг ярмига келганда афсонавий от Аспижаҳонга дуч келишди. У осмону фалакдан ўқдай учиб келар, шамолига тоғу тошлар титрар эди. Анжум илон подшодан олган тумордаги оятларни ўқиб, Аспижаҳонни ўзига бўйсундирди. Икки отни елдириб, охири ўзларининг боғига келиб тушдилар. Чориёр Аспижаҳонни отасига совға қилди. У Булбулгўёни олиб келгандан сўнг Шоди Доробни ўз боғига таклиф қилди. Унинг келадиган йўлига бошдан-оёқ пояндоз тўшатди. Олдига хар куни 7 та таом қўйди. Шу тариқа уни 40 кеча, 40 кундуз меҳмон қилди.

Кетишида ҳам барча манзилига пояндоз түшатди. Шоди Дароб ўз саройига келгандан сўнг, вазирлари унга айтдиларки, эй шоҳим, Чориёр Сизни шундай қадрли меҳмон қилган экан, сиз ҳам унинг ҳурматини жойига қўйиб меҳмон қилсангиз яхши бўлар эди. Подшо бу таклифни қабул қилиб Чориёрни ўз саройига меҳмонга чақирди. Чориёр Шоди Доробни ҳайратга солиш учун унинг саройига Аспи жаҳонни миниб борди. Аспижаҳон манзилга етгандан кейин Чориёрга айтди: -мени отхонага боғлагандан сўнг олдимдан келганни тишлиман, орқамдан келганни тепаман, ўтни емайман. Сенинг ёнингга бориб сўрасалар, менинг отим ўт-йўринжа емайди, бир тўрва мармар тош ейди, деб айт-шунда улар ҳайрон бўлиб: -от ҳам мармар тош ейдими, дейишади. Шунда сен: -инсон зоти ит билан мушук туғди, деса ишонасиз, от тош ейди, деганга нега ишонмайсиз деб савол бер.

Чориёрга Аспижаҳон ҳақида сўзлаганларида у отнинг ўргатганларини такрор қилди. Шоди Дороб, бирдан ўйга толди ва саройдаги қурра дўз, фолбинларни чақириб, бу воқеани шарҳлашни буюрди. Барча сир-асрорлар аён бўлди. Шоди Дороб, Чориёрни ўз ўғли эканини билиб, унинг олдида бош эгди ва шундай деди: -Инсон зоти хом сут эмган банда, мен айборман, истасанг бошимни кес! Чориёр сукут этди. Шоди Дороб уни тахтга ўтиргизиб, бугундан бошлаб Чориёри олам шоҳ бўлди, деб жар чақиртирди. Аммо Чориёр бунга рози бўлмади. У Аспижаҳон олдига борди. От кўз ёши тўкиб турар эди.

-Сенга не бўлди, сўради Чориёр. Аспижаҳон айтдики, сир энди очилаётир, сен отангни топдинг, аммо онанг зиндан Қудуқда жафо чекиб ётибди, сен уни қутқариб, кейин тахтга ўтиришинг керак.

Чориёр Аспижаҳонни миниб, ёнига синглисини ҳам олиб, қайдасан зиндан Қудуқ деб йўлга тушди. Йўл юриди, йўл юрса-да, мўл юрди, чўли биёбонга етиб келди. Аспижаҳон бир чақирим йўл қолганда Чориёрга айтди: -Она Каъба билан баробар, Каъбага отда эмас, пиёда борадилар. Онанг сизлар учун йиғлайбериб, кўзи кўр бўлган. Менинг туёқ изларимдан тупроқ ол, унинг кўзига суркасанг, очилади.

Чориёр билан Анжум пиёда юра берсин, энди сўзни Гулчорадан эшитинг.

Гулчора ётган зиндан Қудуқ ёнида бир чўпон қўй боқар эди. Гулчора бу ерга келтирилганини билиб, унга озиқ-овқат бериб тураг, ҳолидан хабар олар эди. Шу куни Гулчора чўпонга айтди: -Қараб кўр, менинг кўкрагимга сут келгандай бўлди, бирор одам келаётирми? Чўпон чиқиб қаради, ҳеч ким йўқ. Аммо сал ўтмай икки қора кўринди. Чўпон айтдики, иккита одам келаётир. Гулчора, ўғлининг ҳидидан таниди:

-Ўғлим, бу сенмисан?

-Ҳа, Онажон, менман.

-Синглинг Анжум соғ-саломатми?

-Соғ-саломат, мана ёнимда.

Шу пайт Анжум икки ўрилган сочини қудуқка юборди, онасини тортиб олди. Кейин унинг кўзларига Аспижаҳон айтган тупроқни суркади,

Гулчоранинг кўзлари ялт этиб очилди. Кейин ўғлига қараб: -ўғлим менда бир илтимос бор, деди.

-Айтинг онажон!

-Агар сен рози бўлсанг, синглингни мени қанча йиллар ардоқлаган ушбу чўпонга никоҳлаб берсак, қандай бўлар экан?

-Сиз рози бўлсангиз, мен рози, деди Чориёр. Шундан кейин уч иссиқ жон ўз боғларига қараб йўлга равона бўлдилар. Саройга келиб тушдилар. Шоди Дороб уларга пешвоз чиқди, оила жам бўлди. Подшо ҳукми билан Мастон кампирнинг қулоқ-бурнини кесиб, ўзига едирдилар. Кейин уни икки бўлиб йўлнинг икки томонига қўйдилар, хиёнаткорнинг жазоси шу, ўтган-кечган кўрсин, деб.

Тўққиз аёлни эса тўққиз отнинг орқасига боғлаб, қамчи урдилар, улар тилка-пора бўлдилар.

Шундан кейин Чориёр икки отасини ҳам ўзларининг тахтига ўтиргизди. Ўзи эса бир мавзени танлаб, шу жойда ҳаёт кечиришни ихтиёр этди.

Шоди Дороб хотини ва болалари билан қовушгани учун 40 кеча -40 кундуз тўй берди ва мурод-мақсадларига етдилар.

Бизни ва ҳаммани ҳам Тангри таоло ўз мурод - мақсадларига етказсин!

САЁД ВА ҲАМРО (йигма вариант)

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Озарбайжон вилоятида икки киши бор эрди. Бирини Ошиқ Аҳмад ва яна бирини Ошиқ Муҳаммад дер эрдилар. Иккиси бир-бирига яқин қариндош эрди. Уларнинг хотини ҳомилали эрди. Бир кечада иккисининг ҳам фарзанди бўлди.

Алғараз, иккиси ҳам халойикға тўй-томуша қилиб, фарзандлариға от қўйдилар. Ошиқ Аҳмаднинг ўғлиға-Ҳамро, Ошиқ Муҳаммаднинг қизига-Салбиниёз деб ном бердилар. Ундан сўнг, етти ёшида, отаси Ҳамрони суннат қилдирди. Ҳамро бирла Салбиниёзни муллоға бердилар. Бир неча вақтлар иккиси мактабда ўқиб юрдилар. Кунлардин бир кун Салбиниёзнинг китобидин оталарининг хат-муҳрлари чиқди. Ўқиб кўрсалар, иккиси бир-бириға адoғли эрканлар. Сўнг Ҳамро айди:

--Эй Салбиниёзжон, иккимиз бир-бировимизга адoғли эрканмиз. Эмди иккимиз бир-биrimизга аввалгидан ҳам муҳаббатлироқ бўлайлик, -деди... бу сўз оталариға етишгач, Салбиниёзни никоҳ қилиб Ҳамроға бердилар. Не-не қизлар Салбиниёзнинг қошинда, тамом яхши йигитлар Ҳамронинг бошинда бўлиб, ҳар қайсилари соз—суҳбатға машғул бўлдилар.

Қора Будоқ деган бир савдогар бор эрди, кўп вилоятларни кезиб кўрган эрди. Ўзи ҳам Ошиқ Аҳмаднинг қадрдон ошнаси эрди. Ошиқ Аҳмад бу савдогарни тўйға чақириб келтирган эрди. Унга Ҳамронинг ёнидан жой берди.

Ҳамро айди:

--Эй савдогар оға, кўп элларни, кўп юртларни кезиб кўрган эркансиз, манинг ҳеч бир камим борми?- деди. Анда савдогар айди:

--Санинг ҳеч бир каминг йўқ, аммо яна ҳам бир каминг бор -Қизилолма шаҳарида Муҳаммадхон подшоҳнинг қизи-Саёдхонни кўрдим, бунда сени кўрдим. Иккингиз бир олмани икки бўлгандек. Агар шуни ҳам олсанг, бошқа ҳеч каминг йўқдир,-деди. Ҳамро бу сўзни эшитиб «Қайдасан Қизилолма шаҳари»,-деб кетар бўлди. Ота-онасиға, ёр-жўралариға кетишини баён қилиб, бир сўз айди:

Кел кўнглим, кетали узоқ йўллара,
Бир дилбарнинг савдосина тушмишам.
Қардош-дўғон бошимиздин на кечар,
Бир дилбарнинг савдосина тушмишам.

Узундир бўйлари, лаблари шаккар,
Йифлабон кўзларим қонли ёш тўкар,
Хар кўрган-кўрмаган орзувин чекар,
Бир дилбарнинг савдосина тушмишам.

Дийдам ёши оқа-оқа сел бўлди,
Ишқингда гул юзим сарғайиб сўлди,
Булбул учиб, манзилгоҳим чўл бўлди,
Бир нозлининг савдосина тушмишам.

Ошиқ Ҳамроҳ деяр, бас ман найларам,
Фалакнинг жабридин қонлар ютарам,
Тавалло айламанг, турмай кетарам,
Хон Сайёднинг савдосина тушмишам.

Алғараз, ёру жўралари ҳарчанд тавалло қилдилар, Ҳамро қайтмади.
Андин сўнг жўралари оқ фотиҳа бериб узатдилар, Ҳамро йўлға тушиб равона бўлди.

Салбиниёз **жўраларидин** бу хабарни эшитиб, бир қора от миниб ва қора либос кийиб, бир манзилда Ҳамронинг изидин қувиб етди. Ҳамро уни кўриб, менинг изимдин нега қора кийиб келасан?-деб, Салбиниёзга қараб бир ғазал ўқиди:

Мужгонинг эндириб, читма қошингни,
Кел, эй Салбим, сен кийинма қорани.
Хумор-ола кўздин тўкма ёшингни,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Сан ул шоҳсан, Макка тахтингда бордир,
Қаро киймак санинг баҳтингда бордир,
Сабр айла севдигим, аҳдингда бордир,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Кўк юзинда меҳри моҳни севарсан,
Ер юзинда гар Ҳамрони севарсан,
Қирмиз кийин, бир Оллони севарсан,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Ошиқ Ҳамро деяр: ҳамиша жўшмас,
Оташи бўлмаса луқмаси пишмас,
Қирмиз кийгин, қора, ёрим, ярашмас,
Кел, эй Салбим, сан кийинма қорани.

Алғараз, Ҳамро йўлға равона бўлди. Салбиниёз ҳам унинг изина тушиб кета берди. Ҳамро отни жиловини тортиб, Салбиниёзға қараб, қол деб, зор-зор йиғлаб бир ғазал айди:

Кўчди кўнгул, манзилина етишди,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.
Буюк-буюк тоғлар ороға тушди,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Қаҳбо фалак неча ишлар қайирди,
Оч кўзларим тупроқ била тўйирди,
Мани сандин, сани мандин айирди,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Сиёҳ зулфинг тўртдин ўрсанг-ўрмасанг,
Бизнинг бирла даврон сурсанг-сурмасанг,
Хуш қол эмди, яна кўрсанг-кўрмасанг,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Олти надир, етти надир, беш надир?
Қавм надир, қардош надир, хеш надир?
Кўзларингдин оққан қонли ёш надир?
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Ошиқ Ҳамро тушди ишқнинг йўлина,
Сўналар ғарқ ўлди чашмим кўлина,
Бош қўймишам хон Сайёднинг йўлина,
Қол, маралим, Салбиниёз, қол эмди.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом қилиб, «Қайдасан Қизилолма шаҳари?», - деб йўлига равона бўлди. Салбиниёз ҳам отини суриб, йўлнинг қиррасинда бориб бошини Ҳамронинг йўли устинда қўйиб ётди. Эрса анда ҳам Ҳамро Салбиниёзга қарамай ўта берди. Шул ерда Салбиниёз бечора зор-зор, чун абрュ навбаҳор йиғлаб, ок кўлинни ойдек юзига қўйиб, бир сўз деди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Ёр бу кун кетмали бўлди,
Сарим қўйдим йўл устина,
Ёр босиб кетмали бўлди.

Ман чекдим жабру жафони,
Ким сурар завқу сафони,
Аввалги ахду вафони,
Эмди унумали бўлди.

Кўринг фалакнинг ишини,
Оқизди кўзим ёшини,
Ёт ўлкалара бошини,
Ёр олиб кетмали бўлди.

Ёзимни дўндириди қиша,
Дардим кўпдир бошдин Оша,
Ситам айлаб ожиз боша,
Севар ёр кетмали бўлди.

Кетди дунёга овоза,
Шу кун бўлди дардим тоза,
Ситам айлаб Салбиниёза,
Хамроҳон кетмали бўлди.

Алғараз Салбиниёз сўзини тамом қилиб, бошини ердан кўтартмади.
Хамро отдин тушиб келиб Салбиниёзнинг бошини ердан кўтариб:

-Эй Салбиниёзжон манго оқ кўнглинг бирла рухсат этиб оқ фотиҳангни бергил, деб бир сўз аиди:

Бўйнинг буриб, маълул бўлма,
Йиғлама гул юзли Салбим,
Хазон урган гулдек сўлма,
Йиғлама гул юзли Салбим,

Сени ҳам кўздин солманам,
Кетар йўлимдин қолманам,
Этган таваллонг олманам,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Ишқ оташи етди жона,
Кул бўлмишам ёна-ёна,
Ошиқ бўлдим Сайёдхона,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Ал кўтариб, фотиҳа берсанг,

Бизинг бирла даврон сурсанг,
Тақдирда не борин кўрсанг,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Ошиқ Ҳамро тушди йўла,
Кўзламайин соғу-сўла,

Рухсат бергил кула-кула,
Йиғлама гул юзли Салбим.

Алқисса, Ҳамроҳон товланиб келиб, Салбиниёзнинг бошини ердин
кўтариб айди:

--Эй Салбиниёз, манга оқ кўнгул бирла жавоб бериб, оқ фотиха бер, -
деди. Салбиниёз айди:

--Ҳар нечук бўлса ҳам Ҳамроҳоннинг кўнглина тегмайин, деб,
Салбиниёзжон зор-зор, чун абру навбаҳор йиғлаб, бир ғазал айди:

Мунди кетар бўлсанг бошқа эллара,
Бор Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Қулинжи айладинг мани эллара,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.
Шоҳимардон устимизда далладир,
Булбулнинг орзузи тоза гулладир.
Кўнглим паришондир, кўзим йўлладир,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Булбул эрдим, айро ушдим гулимдин,
Айролиқни баттар билдим ўлимдин.
Қўрқим кўпдир сен чиқарсан алимдин,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Салбиниёз дер, энди келдим омона,
Бир арзим бор, дерам, соҳиб замона,
Шод ўлан кунларим бўлди ғамхона,
Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан.

Алғараз, Ҳамроҳон айди:

--Эй Салбиниёзжон, манинг йўлим узокроқдир, манга от еми бесанг не
бўлғай?-деди.

Анда Салбиниёзжон айди:

--«От ризқи олдиндадир», санга берар ёли от емим йўқдир.

Анда Ҳамро отдин тушиб, Салбиниёздин кўп бўсалар олмоқчи бўлди.
Икковлари талашдилар. Шул ерда Салбигиёзнинг инжуси узилди. Салбиниёз
инжусини тўплар бўлди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй Салбаниёзжон, бу инжуларни тўплама, санга Қизилолма шахриндин кўп инжу олиб келурман,-деди.—бу бир белгили ер бўлди, ҳар вақт бу ерга келганда сани ёд этарман, -деди. Андин сўнг Ҳамро Салбаниёздан кўп бўсалар олиб, Қизилолма шахрина равона бўлди. Салбаниёз Худога зор-зор йиғлаб бир ғазал айди:

Қаҳбо фалак неча ишлар қайирдинг,
Олдинг мани ширин жоним, оҳ эмди.
Ёрни мандин, мани ёрдин айирдинг,
Сан айладинг эмгакимни зой эмди.

Чўх савдолар солдинг манинг бошима,
Раҳминг келмас кўздин оққан ёshima,
Ёrim учун қиёматлар бошима,
Бугун **кўпар** охир замон,вой эмди.

Ола-ола хумор кўзларинг бирла,
Олдинг жоним ширин сўзларинг бирла,
Тутди оҳим доғу дузларинг бирла,
Алиф қаддим ғам уйинда ёй эмди.

Салбаниёз дер, ёр жабрина дўзарам,
Ўтган кунларима дафтар ёзарам,
Мажнундайин чўлдин-чўлға кезарам,
Чиқиб ҳарён чексам нола, оҳ эмди.

Алғараз, Салбаниёз бу сўзни айтиб, Ҳамро бирлан оллоёрлашиб изига қайтти. Йиғлай-йиғлай келур эрди, Ҳамронинг отаси Ошиқ Аҳмад ҳам Ҳамронинг кетганинг эшишиб келур эрди. Салбаниёз Ошиқ Аҳмадга қараб, зор-зор йиғлаб, бир ғазал айди:

Оға бегим, эшишт арзим,
Севар ёримдин айрилдим.
Жасадимдин чиқди жоним,
Ширин жонимдин айрилдим.

Боғланибdir манинг баҳтим,
Йиқилибdir тоҷу таҳтим,
Сар ҳовузим сарви **раҳтим**,
Ман чиноримдин айрилдим.

Ёр бирлан боғда кездигим,
Ўйнаб олмасин уздигим,

Ҳар бир жабрина дўздигим,
Вафодоримдин айрилдим.

Салбиниёз деяр, кетганим,
Мулки жойини сотганим,
Ёр сўзларин унуганим,
Ман Ҳамроҳимдин айрилдим.

Алқисса Салбиниёз сўзини тамом этди, Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Салбиниёзжон, юринг, Ҳамрони қўрқитиб қайтарумиз,-деб икковлари қувиб Ҳамронинг изидин етдилар. Ҳамрога қўрқув бериб, Ошиқ Аҳмад бир сўз деди:

Кулоқ солғил болам оху додима,
Кетма-кетма, болам, йўлларинг дошдир..
Субху шом тушарсан манинг ёдима,
Кетма-кетма, болам, йўлларинг дошдир.

Сан бўлмасанг бу дунёни найларам,
Хижрон ўти бирла бағрим доғларам,
Ман ўзимни **биру** бора чоғларам,
Кетма-кетма, болам, манзилинг дошдир.

Булбулдек тушарам оху фифона,
Энди раҳминг келмас бу ширин жона,
Кўйма болам мени доғу хижрона,
Кетма, болам, борур манзилинг дошдир.

Отанг Аҳмад айтур, кўнгилда зорин,
Ҳеч топмассан келиб ғарип мозорин.
Чиқорғил кўнгулдин Олма диёрин,
Кетма-кетма, болам, манзилинг дошдир.

Алқисса, Ошиқ Аҳмад ҳарчанд тавалло қилди, Ошиқ Ҳамро қабул қилмади. Сўнг Салбиниёзнинг синасида тобу тоқат қолмай, зор-зор йиғлаб, бир ғазал айди:

Аввалдин **одоғли** жоним, Ҳамроҳим,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?
Тоғларни эритар бу чеккан оҳим,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Йўлдош айлаб мани олғил ёнингга,

Айланайин отинг бирла тўнингга.
Ман қурбонам шавкатингга, шонингга,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Бир гул эдим уздинг тоза япроғи,
Сийнам узра қўйдинг ҳижроннинг доғи,
Кел Ҳамроҳим, бугун айролиқ ҷоғи,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Кўтардим пардани гулдек юзимдин,
Оқил бўлсанг маъни олғил сўзимдин,
Салбаниёз дер, ёш оқизиб кўзимдин,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим?

Алғараз Салбаниёз сўзини тамом этди. Ҳамрога бу сўзлар таъсир этмади, У кетар бўлди. Ошиқ Аҳмад айди:

-Эй Ҳамро, сен қайтмасанг, менинг дунёда не ишим бор? Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда бўламан, деб ота-ўғил иккиси йўлға равона бўлдилар.

Салбаниёз бечора зор-зор йиғлаб **дўланиб**, изига қайтди. Ота-ўғил тиркалишиб, беш манзил йўл юриб, Озарбайжон юртининг устидин чиқдилар. Ошиқ Аҳмад бу боришдан не-не ваҳмлар ёдига тушиб, кўнгли бузулуб, зор-зор йиғлаб бир сўз айди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Чоҳлар дош қолди, дош қолди,
Бўз буланиб оққан селлар,
Сойлар дош қолди, дош қолди.

Дарё ичида балиқлар,
Дўусту ёру халойиқлар,
Хуру пари, малойиклар,
Ўулар дош қолди, дош қолди.

Қаторда юрар нарларимиз,
Шоҳимардон пирларимиз,
Ёр била кезган ерларимиз,
Жойлар дош қолди, дош қолди.

Солланганда соз этганлар,
Қиши кунларни ёз этганлар,
Кўзин сузиб ноз этганлар,
Қизлар дош қолди, дош қолди.

Ошиқ Аҳмад чекар армон,

Ёрим бирла даврон сурмон,
Мадад берса Шоҳимардон,
Пирлар дош қолди, дош қолди.

Алғараз Ошиқ Аҳмад сўзини тамом этди. Яна бир неча манзил йўл юриб очиқиб, сувсираб бир тоғнинг устидин чиқдилар. Бу тоғлар жуда хавотирли эрди. Ошиқ Аҳмад шунда тоғларга қараб бир сўз айди:

Эриди, қори эриди,
Бу тоғларнинг, бу тоғларнинг.
Бозиргонлари юриди,
Бу тоғларнинг, бу тоғларнинг.

Мен найларам додим етмас,
Ҳеч ким нолишим эшитмас,
Тепасидан думон кетмас,
Бу тоғларнинг, бу тоғларнинг.

Ажал паймонамиз тўлса,
Очилган гулларим сўлса,
Ғўч йигит устинда ўлса,
Хайфи келмас, бу тоғларнинг.

Саҳар вақти эса еллар,
Сайрашар шайдо булбуллар,
Боша тушса ёвуз кунлар,
Раҳми келмас, бу тоғларнинг.

Хўжа Аҳмад чиқмас йўлдин,
Ғаним келар соғу сўлдин,
Ихтиёrim кетса қўлдин,
Зулми чўхдир, бу тоғларнинг.

Алқисса, андин сўнг ота-ўғил бу тоғлардин омон-эсон ошиб тушиб йўлға равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юриб, бир чашманинг бошига келиб тушдилар. Аммо Ҳамро бир соат фароғат қилайин деб ётди. Чашманинг бошина қибла тарафдин бир бўлак қизлар келди. Ичинда бир қиз улуғроқ эрди. Ошиқ Аҳмадга қўзи тушиб, уялиб, сувга келмади. Сўнг ҳаммаси сувга келдилар. Ошиқ Аҳмад уларга қараб айди:

--Эй қизлар, мани ит-эшак ўрнинда ҳам кўрмадингизми. --деб улуғ қизга бир сўз деди:

Кўзасина сув тўлдириб келган қиз,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.
Ошиқин ўлдириб, жонин олган қиз,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Соллона-соллона кетарсан иша,
Икки маманг бир-бирина ёпиша,
Қурбон ўлам, қўксиндаги нақша,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Қурбон ўлам белиндаги қўшоға,
Бош бўлибсан сен бир бўлак ушоға,
Бизни кўриб юзинг солма ошоға,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Қурбон ўлам юзингдаги холингга,
Умидим бор лабингдаги болингга,
Мис қўзани кўтарибсан долингга,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Ажал келса боқмас пира-жувона,
Сенинг ишқинг этди дали девона,
Хўжа Аҳмадни сан келтирдинг амона,
Мамали қиз, бизнинг била кел таниш.

Алғараз, қизлар кулишиб юра бердилар. Эрса Ошиқ Аҳмад ҳам то бориб жавоб олмасам бўлмас деб, қизларнинг ўнгина ўтиб, кўндаланг бўлиб турди. Анда улуғи айди:

--Эй кўппак, қайда борсак олдимизда турибсан! Энди буни тузук ўхшатали,-деб қўлиға таёқ олиб равона бўлди. Келиб ошиқ Аҳмаднинг гарданига бир таёқ урди. Ошиқ Аҳмад ҳам қизнинг бўйниндин қучоқлаб олиб, юз-кўзиндан ўпа берди. Эрса, қиз Ошиқ Аҳмадга қараб, «Бу иш санинг ҳолингга лойиқ эрмас», -деб бир сўз деди:

Туркманнинг хўжаси қайдин келурсан?
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.
На ошиқсан синалари доғлисан,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Чақираман, икки қардошим келур,
Бошингни узибон, жонингни олур.
Ватанли жойингдан, беватан қилур,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

«Сувға кет» деб, қари онам қўймади,
Сарғайибон гулдай мангзим сўлмади,
Налар этдим, хўжа киши қўймади,

Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Не одамсан менинг йўлимни тўсдинг?
Шаҳбоздек тўлғаниб қўлимни тутдинг,
Магар бугун манинг жонимда қасдинг?
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Соролиб кўринар Саёднинг боғи,
Синама соларсан бир бўлак доғи,
Ошиққа ярашмас соқолнинг оқи,
Оллони севарсан мандин ал кўтар.

Бобо, санинг ожи-ожи сўзинг бор,
Монглайингда тошдан қаттиқ кўзинг бор,
Манигдайин яна келин қизинг бор,
Шуларни севарсан мандин ал кўтар.

Хонпари дер, манга хилъат сочилди,
Кўксим узра гули раъном очилди,
Тур ўрнингдан, кўппак қари, қоч энди,
Оллони севарсан, мандин ал кўтар.

Алқисса, андин сўнг Ошиқ Аҳмад қочиб, Ҳамронинг ёнига бориб, Ҳамрони уйғотти. Ҳамро туриб отасининг юзига қараса отасининг юзи-кўзи тирналиб, момоталоқ бўлибдир. Отасига айди:

--Эй ота, нима бўлди?- деди. Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Ҳамроҳон, шу ерда бир қиз кўрдим, санга олиб берайин,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй ота, ўзингиза даркор бўлса олинг, манга Сайёдхондин ўзга қиз даркор эрмасдир,-деди. Андин сўнг иккиси йўла тушиб равона бўлдилар. Бир неча кунлар йўл юриб, бир чорбоққа етдилар. Боғнинг **тошини** уч марта айландилар, кирага ер топмадилар. Охир, обимўридин кирса бўлур.-дедилар. Ҳамро айди:

--Эй ота, шул боғ ёримнинг боғи бўлса керак. Ман бир хабар олиб келайин,-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Бу боғ яна бир парининг боғи бўлмасин, ман ўзим хабар олайин, -деди, -Ман ёшимни ангрисига етибман. Бир санач унни кўпроқ ебман. Ҳарна бўлсам ман бўлайин, сан отларни тутиб ўтири,-деди. Ошиқ Аҳмад боғнинг обимўрисидин кирди. Кўрдики, ажаб бир боғдир. Олмалар, мевалар пишиб, булбуллар сайрашиб, қумрилар дам тортиб, булоқлар ҳар тарафга оқиб борадир. Ошиқ Аҳмад олмаларни қоқиб емакка бошлади.

Энди сўзни Маматхон подшоҳнинг қизи--Сайёдхондин эшигининг:

Сайёдхон чошгоҳ чиқиб боққа назар солди, кўрса бир қари бобо дарахтларни йиқиб, юмириб борадир. Саёдхон ўзича: «Агар юрт одами бўлса

кира билмас эрди, тўйиб чиқиб кетсин», -деди. Аммо Ошиқ Аҳмад тўйғандин сўнг олмани ярмини еб ярмини ташлар эрди, ёғочларни силқиб синдирап эрди. Андин сўнг қўлиға таёқ олиб уриб, япроқларни синдирап эрди. Сайёдхон ани кўриб, икки канизини чақириб: «Бир ўғри боғни хароб қилди, кувлаб ташқари чиқариб юборинг», -деди. Канизлар келиб:

--Эй бобо, бу боғ подшоҳнинг боғидир, тез чиқиб кетгил, агар боғбон кўрса, терингга сомон тиқур, -дедилар.

Анда Ошиқ Аҳмад: «Кимнинг боғидир?», -деб яна таёқ бирла урмоқ бошлади. Эрса канизлар ҳам Ошиқ Аҳмаднинг қўлиндин тутиб, урмоқка бошладилар.

Анда Ошиқ Аҳмад деди:

--Эй кўшакларим, соғ қўлима уринг, чап қўлимда созим бор, синмасин, -деди. Анда канизлар айди:

--Андоғ бўлса Сайёдхонга айтиб келали, -деб, Сайёдхонга келиб канизлар:

--Эй шоҳи олам, қари бобо созанда эркан, -дедилар. Сайёдхон айди:

--Андоғ бўлса, бобони мунда олиб келинглар, -деди. Канизлар бориб, Ошиқ Аҳмадни қўлидин тутиб Сайёдхонга олиб келдилар. Ошиқ Аҳмад салом бериб, таъзим қилиб турди. Сайёдхон саломин олиб сўради:

--Эй бобо, қайдин келиб, қайға борурсан? -деди. Анда Ошиқ Аҳмад Сайёдхоннинг жамолини кўриб, ишқ савдоси бошина тушиб, ўзича айди: «Ўғлим Ҳамро ёшдир, анга бир яхши қиз олиб берурман, бўлмаса Салбиниёз ҳам бўлур», -деб ич кўнглиндин Сайёдхона ўзи ошиқ бўлди. Аммо Сайёдхон, Ошиқ Аҳмаддин савол сўради. Ошиқ Аҳмад ошиқлигини баён қилиб жавоб берди:

Сайёдхон:

Хўжа киши, гуноҳингга қойилсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?
Гўзалларни жамолина мойилсан,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Пари пайкар, улуғ гуноҳ этмишам,
Термишам бир неча олма боғингдин.
Боғнинг эгасиям, боғбон дегилам,
Термишам бир неча олма боғингдин.

Сайёдхон:

Мұҳаббат йўлиндин гузар этмадинг,
Боқиб ўз-ўзингга назар этмадинг,
Манинг ғазабимдин ҳазар этмадинг,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Санинг оти овозингга келмишам,
Ҳарна деганингни қабул этмишам,

Бир қулингман, хизматингда бўлмишам,
Ўлдириб, қонима қолма боғингда.

Сайёдхон:

Боғбонларим қўл узатмас боғима,
Бинолар қилмишам сўлу соғима,
Берухсат кирибсан менинг боғима,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Боқишинг мангзатдим олғир лочина,
Бир холинг берманам Чини Мочина,
Муродим бор кирсам қўйнинг ичина,
Бу ғариб жоними олма боғингда.

Сайёдхон:

Сайёдхон қиз, дерлар, шоҳи, хўбондир,
Кулиб- ўйнашмоққа ширин забондир,
Урарман –сўкарман ҳукмим равондир,
Нечун тердинг олмаларни боғимдин?

Ошиқ Аҳмад:

Ошиқ Аҳмад деяр, кўпдир гуноҳим,
Ёзиғим кечиргил қодир Оллоҳим,
Илтимосим будир парилар шоҳим,
Парвонадек ўтға солма боғингда.

Алқисса, бу сўзни эшитгандин сўнг Сайёдхон айди:

- Эй канизлар, бу хўжа киши: «Муродим бор-кирсам қўйнинг ичина», -
деб, мани ўзига лойик кўриб, манга ошиқ бўлиб, айтиб турубдир,-деди.
Сайёдхоннинг қаҳри келиб:

--Кирқ таёқ келтиринг, далини таёқ енгар,-деди. Канизлар қирқ таёқ
тайёр қилдилар. Аммо Бону деган бир каниз бор эрди, кўп ақлли-зийрак эди.
Бону каниз:

--Эй Сайёдхон биби, қирқ таёқ урсангиз, бунинг бадани тикка-тикка
бўлиб кетгай. Унинг қўлина аввал соз беринг, яна соз қилсин, созина қулоқ
солали, маъноси бўлмаса урали,-деди. Сўнгра Ошиқ Аҳмаднинг қўлина соз
бериб, айтғил, дедилар. Ошиқ Аҳмад: « Бошинга дўнайин, ман чин ошиқман,
қўйнингға солгил»,-деб, дуторини баланддан созлаб, Сайёдхоннинг юзина
қараб бир ғазал айди:

Парим сайла чиқмиш боғ орасина,
Орайиш айламиш будоғи олма.
Боғинг эгасиям, боғбон дегилам,
Истасам берурсан будоғи олма.

Ғунчанинг севдиги будоғ дегилми?
Лоланинг севдики будоғ дегилми?
Синама чекилган бу доғ дагилми,
Лолани севарсан будоғи олма.

Мани қитмир этиб, қўйнингға солғил,
Бирга йўлдош этиб, қўйнингға солғил,
Биби, норинг каби қўйнингға солғил,
Кўтар, сан қўйнингга будоғи олма.

Тўкилди қўзиндин ёши Аҳмаднинг,
Ориф бўлон билур ёшин Аҳмаднинг,
Сайёдхон сийлайбер ёшин Аҳмаднинг,
Тўкилур сел каби будоғи олма.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бу сўзни тамом қилди. Сўнг Сайёдхон:
--Эй канизлар, бу сўзга тушундингизми?,-деди. Анда канизлар: «Бизлар тушунмадик»,-дедилар.

Сайёхон: «биз билдик», -деди. «Мани қитмир этиб, қўйнингға солғил», -дегани,-мани никоҳ этиб қўйнингға солғил деганидир. «Биби норинг каби»дегани,-мамаларинг каби қўйнингға солғил деганидир. Бунга қирқ таёқ уриб, қорнини йиртиб, кучуклара беринг,-деди.

Анда Бону каниз айди:

--Андак сабр қилинг, яна бир тилинда айтур: «Кетди қўзиндин ёши Аҳмаднинг», -«Ман сани қайнотангман», «Ориф бўлган билур ёшин Аҳмаднинг», -дегани ёш ўғлим бор, «билмасдин қўзимдин оқиздинг, ёшим» дегани, магар ёш ўғли бўлғай,-деди. Эрса, бу сўз Сайёдхоннинг кўнглига маъқул бўлди. Шул вақтда Ошиқ Аҳмад Сайёдхоннинг қаҳри келганин билиб, Ҳамрони баён қилиб, бир сўз деди:

Ногоҳондин келиб боғбон бўлмишам,
Кўзларим соташди нор олмасина.
Гуноҳкорам, гуноҳимни билмишам,
Гардан узатмишам нор олмасина.

Боғбоннинг маскани боғ яхши керак,
Ёр кўнглин олмаға ёр яхши керак,
Фигон бағрим ёши, зор яхши керак,
Куяр кўнглин йиқибдир ёр олмасина.

Ман севмишам париларнинг бирисин,
Бири «лом»дир, бири «жим»дир, бири «син»,
Бири овдир, бири овчи, бири син,
Бири ов қонлидир, ёр олмасина.

Келди қора булут, бир ёғин айлар,
Тутти кўк юзини, бир ёғин айлар,
Мушкул ҳол ўланда бир ёғин айлар,
Сайёдхон муроди ёр олмасина.

Бир жоним бор фалак санга берманам,
Ман сиримни ҳеч кимсага деманам,
Гўзаллик хуснини санга берманам,
Ҳамроҳим кеч боқди ёр олмасина.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бу сўзни тамом қилди. Эрса Сайёдхон айди:

--Эй канизлар, бу хўжа кишининг сўзини фаҳм этдингизми?-деди. Анда Бону каниз айди:

--хўжа айтур: «Боғбоннинг маскани боғ яхши керак», -дер. Бунинг маъноси: «Ман боғбон эрмасман», -деганидир. Яна ҳам айтур: «Ёр кўнглин олмаға ёр яхши керак», -дер. Анинг маъноси: «Сенинг ўзинға муносиб ёр керак», -деганидир.

Анда Сайёдхон айди:--«Келди қаро булут, бир ёғин айлар», -дер. Маъноси буки: «Ёнингға келиб, бир иш бажарурман», -дер. Яна айтур: «Мушкул ҳол ўланда бир ёғин айлар». Анинг маъноси нимадир?-деди.

Бону каниз айди:

--Магар мунинг бир ёш боласи бор бўлгай, -деди.

Анда Сайёдхон:

--Йўлдошинг борми?-деди.

Анда Ошиқ Аҳмад:

--Бир ўғлим бор-отина ошиқ Ҳамро дерлар. Ой деса оғзи бор, кун деса қўзи бор. Ғойибона санинг отингға ошиқ бўлиб, санинг хизматингга келтиридим, -деди.

Анда Сайёдхон айди:

--Эй хўжа киши, бу сўзни аввалдин айтсанг бўлмасми? Бунда азоб – хақоратлар кўрдинг, -деди.

Сўнг Сайёдхон:

--Андоғ бўлса ўғлингни олиб кел, -деди. Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй кўшаким, ота ўғилга чақилиқчи бўлурму? Хайр сени сўзинг синмасин, -деб Ҳамрони чақириб бир сўз деди:

Кел, болам, истарлар сени,
Истагинг боғдадир-боғда.
Болам, қазонгни олайин,
Истагинг боғдадир-боғда.
Моҳи мунаvvардир юзи,
Шакардин шириндир сўзи,
Маматхон подшоҳнинг қизи,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Синаси доғларнинг қори,
Мамаси Гуржистон нори,
Қирқ инжа қизнинг сардори,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Сұхбати бор созлар билан,
Үрдаги бор ғозлар билан,
Үн уч, үн түрт қызлар билан,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Ёр бояна кирап бўлсанг,
Қизил гуллар терар бўлсанг,
Сайёдхонни кўрап бўлсанг,
Истагинг боғдадир-боғда.

Кел Аҳмад уйғил Оллоға,
Юзинг дўндар қиблагоҳа,
Дедилар келсин Ҳамроға,
Сайёдхон боғдадир-боғда.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бир соат турди, Ҳамро келмади. Анда Сайёдхон:

--Эй киши, сенинг сўзинг алдам, макр, ҳийладир, деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Манинг ўғлим зиёда зийракдир, у ота чақириғига келмас, сан бир киши юборсанг, бориб олиб келса.

Андин сўнг Сайёдхон икки канизни чақириб, «Бориб олиб келинглар», -деди.

Канизлар бориб, боғнинг эшигин очиб кўрсалар бир нозанин ўғлондир. Ингички белли, қалам қошли, инжу тишли, зарафшон кокилли. Канизлар ани кўриб бехуш йиқилдилар. Бир соатдин сўнг ҳушлариға келиб, канизлар айдилар:

--Эй Ҳамроҷон, ҳар қайсимизга бўса бергин, бир бўса олғин,-дедилар.
Анда Ҳамро айди:

--Эй канизлар, сизларга берадиган бўсам йўқдир. Сизлардек қиз менинг юртимда ҳам кўпdir. Агар бўса берсам Сайёдхонга берурман. Олсам ҳам Сайёдхондин олурман, мунда Сайёдхон учун келибман,-деди.

Анда канизлар: «Сайёдхон ҳам бизлардин зиёда қиз эрмасдир», -дедилар.

Анда Ҳамро:

--Бир неча йўллардин сизлар учун келганим йўқ,-деди.

Канизлар:

--Ундей бўлса, бизларни таъриф этиб, бир достонча айтғил,-дедилар.
Ҳамро канизларни таъриф қилиб, Сайёдхонга ошиқлигин баён этиб, бир ғазал ўқиди:

Оғалар бир пари кўрдим,
Сочи оёғина тушар.
Тақинибdir хайкал-тумор,

Ҳар дам қучогина тушар.

Қўллари чиқмас хинадин,
Фарқ этиб бўлмас сўнадин,
Айрилиб ота-онадин,
Жаннатнинг боғи тушар.

Бу боғларнинг гул-лоласи,
Чўлу даштлар қандоласи,
Фарҳоднинг оҳу ноласи,
Шириннинг доғина тушар.

Келди яна сайл чоғи,
Пиёлани кетур соқи,
Икки зулфи бўлиб ёғи,
Ҳардам ёноғина тушар.

Ул парининг кўран чоҳда,
Лолалар очилур боғда.
Узун бўйли, оқ қучоқда,
Ҳавасим долина тушар.

Якка бошим қолди дарда,
Ақл хуш қолмади сарда.
Мехмон бўлмас ўзга ерда,
Ёрнинг ўтоғина тушар.

Кўнгил ҳар дам қайнаб, жўшмас,
Ишқнинг ўтина туташмас,
Ҳамро ўзга ерга тушмас,
Ёрнинг кучогина тушар.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Сўнгра канизлар сўзламадилар. Сўнг канизлар Ҳамронинг қўлидин тутиб, Сайёдхонга олиб бордилар. Ҳамро Сайёдхонни кўргач, икки қўлини алиф лом қилиб салом берди. Сайёдхон ҳам туриб алик олди.

Эрса, Ҳамронинг қора қўзига, қулар юзига, ширин сўзига, қалам қошиға, инжу тишига, писта даҳанига, тилла суви билан қумуш суви берилган кокилига Сайёдхоннинг кўзи тушуб, беҳуш бўлиб йиқилди. Бир соатдин сўнг ҳушина келиб ҳайрон бўлиб турди. Ҳамро ҳам кўрдики, тилло тахтнинг устида шоҳ сифатли бир қиз турибди. Юзи тарлон боқишли, ошиқлар жонин ёқишли. Сайёдхонни кўргач ошиқ Ҳамро маству беихтиёр бўлиб қолди. Эрса Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Сайёдхон, ўғлимнинг қандай айби бор эркан?-деди.

Сайёдхон айди:

--Эй бобо, ўғлингни ҳеч айби йўқдир, аммо бир кичик етишмовчилиги бор экан,-деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй Сайёдхон пари, сўзингни билиб айтғил! Манинг ўғлимни покизаликдин ўзга айби йўқдир,-деди.

Анда Сайёдхон:

--Айби шулдирки, йигитни соз, сухбатдин хабари бўлмаса кўп айбдир,-деди.

Ошиқ Аҳмад айди:

--Эй қурбоннинг бўлайин, Сайёдхон, мунинг билгани соз, эшитгани сўздир,-деди.

Анда Сайёдхон:

--Ҳамрода соз беринг,-деди.

Канизлар соз келтириб бердилар. Сўнг, Ҳамро бир фасл соз чалди. Саёдхон Ҳамронинг созина кўп хушвақт бўлиб:

--Эй ўғлон, боракалло, созингга ҳам сўзингга, эшитдик, -деди.

Ҳамро назар қилса, тўққиз қат ҳарир либосларнинг остида Саёдхоннинг мамалари маълум бўлиб турар эрди. Ҳамро ани кўриб, ақлу ҳушу сарсон бўлиб, масту беихтиёр бўлиб, Саёдхондин уялмай, мамаларига қараб бир сўз деди:

Кетанда зимистон, келанда баҳор,
Савсонли, сунбулли оқ мамаларинг.
Юзинг кўриб кетди ақлу хаёлим,
Душарми қўллара оқ мамаларинг.

Қаршидин рақиблар на дерлар биза,
Ошиқлар маъшуқнинг жабрина дўза,
Саҳарлар чоғинда кўринар кўза,
Қўйибдир синама доғ мамаларинг.

Қизларнинг алинда олтин пиёла,
Дали кўнгим кўриб кетди хаёла,
Юпқа куйнак кийиб чиқсанг шамола,
Юранда титрашар оқ мамаларинг.

Қодир Мавлон кўз устина қош бермиш,
Лаълидан, маржондан, дурдан тиш бермиш,
Оқ кўксинда юморланиб бош бермиш,
Куланда титрашар чоғ мамаларинг.
Қизил гулни дасталамиш ёрина,
Ҳар ким орзу чекар ўз дилдорина,
Бўйи мангзар Гуржистонни норина,
Баёзликда гардан оқ мамаларинг.

Юзингни мангзатдим ой бирлан куна,
Бир тарсо қизидир, ҳеч кирмас дина,
Ошиқ Ҳамро йиглаб боқар юзина,
Бол билан югрилган ёғ мамаларинг.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Сўнgra, Саёдхон айди:

--Бу кўппакнинг ўғли айтур: «Тарсо қиз», деб. Отаси ўғлиндин баттар,
ўғли отасиндин баттар,-деб Саёдхоннинг қахри келиб айди:

--Эй Бону, канизлар, буларни дарахтга осиб, то ўлгунча уринглар,-деди.
Анда Ҳамро Саёдхоннинг қўлиндин додлаб бир сўз деди:

Бу кўзи, қоши қаронинг,
Дод алиндан, дўст алиндан.
Сиёҳ зулфи тўрт поранинг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Қиё-қиё боқишлининг,
Жоним ўта ёқишлининг,
Оч қарчифай боқишлининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Кўзи, қоши бинолининг,
Ўн бармоғи хинолининг,
Биздин қўнгли гиналининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Қўли дуторли, созлининг,
Қўллари ўрдак, ғозлининг,
Сахар булбул овозлининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Кўзи, қоши сузиклининг,
Ўн бармоғи юзиклининг,
Қўли билак узуклининг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Жайрони кезар чўлининг,
Ўрдаги бордур қўлининг,
Узун бўйли оқ келиннинг,
Дод алиндан, дўст алиндан.

Гули очилмиш боғининг,
Майи туганмас соқининг,
Ҳамро деяр шу ёғининг,

Дод алиндан, дўст алиндан.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон айди:

-Хамрожон бизнинг алимииздан омонлиқ тилади. Мунда олиб келинг,-
деди.

Анда канизлар Ошиқ Аҳмадни қўйиб, Ҳамрони Саёдхоннинг олдиға
олиб келдилар. Эрса, Ҳамро Саёдхондан мурувват кутиб яна бир сўз айтар
бўлди:

Курбонинг бўлайин сенинг,
Саёдхоним омон-омон,
Кўп интизор этма мени,
Бол Саёдим омон-омон.

Ақл- ҳушим кетди сардан,
Жудо тушдим болу пардан,
Сенинг учун йироқ ердан,
Ман келмишам омон-омон.

Қаҳр этмагил севар ёрим,
Боғ ичинда олма, норим,
Санга дерам оҳу зорим,
Хон Саёдим омон-омон.

Ҳамро деяр, ёндим ўта,
Кўлларингда гулли бода,
Арз айларам паризода,
Бол Саёдим омон-омон.

Ҳамро сўзини тамом қилди. Бирдан кўзи отасига тушди. Кўрса осиғлиқ
турур. Ҳамро аиди: Саёдхоннинг хушвақт бўлган вақтидир, -деб отасини
тилаб, Саёдхонга бир сўз деди:

Бир арзим бор гўзалларнинг хонина,
Айтайнми, айтмайнми, на дерсан?
Асли гавҳар, кон келибдир шаънина,
Айтайнми, айтмайнми, на дерсан?

Аввал бошдин хон тахтина хон чиқар,
Йифлаб кўздин ёш ўрнига қон чиқар.
Нозли ёра арз этгунча жон чиқар,
Айтайнми, айтмайнми, на дерсан?

Ман найлайин жудо тушдим гулимдин,
Айролиқни баттар билдим ўлимдин.
Ман кўрқарам хато топар тилимдин,

Айтайнми, айтмайнми, на дерсан?

Ғарып булбул құна билмас гулшана,
Ёрдан биза хабар келди-нишона.
Бир сүзим бор айта билман ўшона,
Айтайнми, айтмайнми, на дерсан?

Ҳамро деяр, ичим дарда тўлибдир,
Булбул каби ишим фифон бўлибдир,
Нозлим сандан бир тилагим қолибдир,
Айтайнми, айтмайнми, на дерсан?

Алқисса, Саёдхон кўрдиким, Ҳамронинг отаси осиғлиқ турибдир.
Саёдхон айди:

--Эй ноинсоф канизлар, хўжа кишини тушуриб, ҳужрага элтиб
кўйинглар,-деди. Канизлар Ошиқ Аҳмадни элтиб қўйдилар.

Аммо Ҳамрони бир мунаққаш уйга солиб, қирмиз лиbosлар кийдириб,
Ҳамро билан Саёдхон иккиси айшу-ишратга машғул бўлиб, жойи фароғатда
ётдилар.

Кунлардан бир кун бир қиз била бир келин гўзалликлари тўғрисида бир-
бирина «Ман яхши», «Ман яхши», деб баҳс қилдилар.

Анда Бону каниз айди:

--Саёдхоннинг олдига боринг, -деди. Улар Саёдхоннинг олдига
бордилар. «бизларнинг қайсимиз яхши?»,-дедилар.

Анда Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, буларни қайси яхшидир, сан айт,-деди. Ҳамро
Саёдхонни сўзини қабул қилиб, уларни бир –бир мақтаб, ҳар иккисига
мувофиқ бир сўз деди:

Бир қиз била бир келиннинг баҳси бор,
Келин айтур, ёшил, қизил олим бор.
Тилим ўйнар қанди новвот ичинда,
Лабларимда эмишликка болим бор.

Қиз ҳам айтур, ўхшамишам онама,
Лаъли маржон тақинмишам синама,
Инжитарсан, қўл тегизма синама,
Ёногимда даста-даста гулим бор.

Келин айттар, деяжагим деярман,
Қанту, асал, шакар, новвот еярман,
Соқолсиз, муртсиз ўғлон севарман,
Ҳар кечада минг туманлик нозим бор.

Қиз ҳам айттар олам биза бокила,

Устимизза қўшки-айвон ёпила,
Бир қалъа бор, оғзи кумуш қопила,
Шоҳ ёнинда хункорим бор, қулим бор.

Ҳамроҳ деяр, сизлар кимлар бўласиз,
Иккавингиз қўл бўйнима соласиз,
Ман ўлан сўнг сизлар кима қоласиз,
Ҳеч деманглар айралиқ бор, ўлим бор.

Алқисса, Саёдхон Ҳамронинг бу сўзини эшитиб, «Буларни мундоғ таъриф қилдинг», -деб, Ҳамрони зинданға солди. Уч кундин сўнг Саёдхон боғ сайлина чиқди. Томоша қилиб юрганда Ҳамро ёдига тушди.

--Эй Бону, Ҳамродин хабаринг борми?-деди. Анда Бону :

--Хабарим йўқ,-деди.

Анда Саёдхон:

--Бориб хабар олғил,-деди. Анда Бону каниз ҳам Ҳамрожоннинг ёниға келиб:

--Эй Ҳамрожон, ҳолинг нечукдир,-деди.

Анда Ҳамрожон айди:

--Ҳали жоним чиққани йўқ,-деб, ғариблиқ ёдига тушиб бир сўз деди:

Ғарид бўлиб, ғам уйинда қолмишам,
Биза чўх-чўх бўлар оли Саёднинг.
Ғалат айлаб бу ўлкага келмишам,
Куйдирди жонимни тили Саёднинг.

Тарлон олиб, бирга сайла чиққанда,
Тўлиб, кўздин қонли ёшин тўкканда,
Лочин солиб табла-бозин қоққанда,
Овлоғи, чашмаси, кўли Саёднинг.

Фикр айлаб, ёrim кетди гумона,
Ёр ханжари бугун етишди жона,
Мани қувмоқ учун айлаб баҳона,
Устимиздин тушди йўли Саёднинг.

Мамат шоҳнинг қизи мани мастилар,
Ғамзалари жон олмоққа қаст айлар,
Бизи душман билиб, кимни дўст айлар?!
Ман билманам йўқдир эли Саёднинг.

Боқчасинда олма ўла, нор ўла,
Ман билманам **сажарларда** бор ўла,

Биз кетанда ўзга била ёр ўла,
Ҳамроҳни каж баҳти-қўли –Саёднинг.

Алқисса, андин сўнг Бону каниз бу сўзни эшишиб Саёдхонга бориб айди.

Шул вақт ажаб вақтдир. Бир хафаликда, бир хушвақтликда сўзладинг,-деди. Анда Ҳамро Саёдхоннинг келиб турганин қўриб зор-зор йиглаб бир фазал айди:

Оға беклар, бир гўзала мойилам,
Тила тушмас арманидир-армани,
Оқшом, сабо ёр жабрина койилам,
Ночоқликда ёмон этди ёр мени.

Устимиизда Гуржистоннинг тоғидир,
Чор теграси бизнинг билан ёғидир,
Шул гўзалнинг қучмоқлиқнинг чоғидир,
Қизил гулнинг хирмонидир-хирмони.

Олисдан келанда қўрдим қўчини,
Тўра тушан олғир қўзли лочини,
Ғофил, оқ юзиндин олдим муччини,
Ҳазор дарднинг дармонидир-дармони.

Мастона нарғиздир, қорадир кўзи,
Ўртайди ошиғи, шириндир сўзи,
Аслини сўрасанг тарсонинг қизи,
Тила тушмас арманидир-армани.

Қизил гулни даста-даста терарлар,
Дастасини синам узра қўярлар,
Ғофил бўлма панжарадан қаарарлар,
Ҳамроҳ деяр, кўра келди ёр мани.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом қилди. Шул вақтда Саёдхон панжарадин қараб, томоша қилиб туриб эрди. Ҳамро ҳам Саёдхоннинг қараб турғонин билиб, синасинда тобу тоқат қолмай бир фазал айди:

Панжарадин мойил-мойил боққан ёр,
Ёр қора қўзларинг на тилар мандан?
Ширин жоним ишқ ўтина ёққан ёр,
Ёр қора қўзларинг на тилар мандан?

Шул қаро қўзингга банда бўлайин,
Ман сандин айрилиб қанда борайин?

Ман бир тилло узук санда бўлайин,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Саҳарлар эр туриб боқам ҳар ёна,
Ман ёрни кўрмасам қолам армона,
Нега кўзим тушди қолдим ҳайрона,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Кўзларинг жаллодdir олур жоними,
Кирпигинг ништардир, тўкар қоними,
Сен тиласанг мен берайин жоними,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Мункирнинг кўнглингдин кетмас гумони,
Булбулнинг дастинда гулнинг думони,
Сайёдхон Ҳамроҳнинг дину имони,
Ёр қора кўзларинг на тилар мандан?

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Ҳамронинг бу сўзина Саёдхон кулди. Анда Ҳамро ҳам Саёдхоннинг кулганига хушвақт бўлиб бир ғазал айди:

Ногаҳондан савдо тушди сарима,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.
Қаҳбо фалак тегма менинг парима,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Гўзаллар ичинда сан гўзал хоси,
Бир замон кўрмасам бўларман осий,
Қишининг совуғи-ю, ёзнинг ҳавоси,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Гўзаллар ичинда сен гўзал шовқи,
Кўзимдин оқиздинг қон бирла қўқи,
Қазоннинг алинда ажалнинг ўқи,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Эгнина кийибdir оқдан олалар,
Ани кўриб, шайдо булбул нолалар,
Кўкдин ера энган минг бир балолар,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Боғинда очилмиш рангба-ранг гуллар,
Теграсинда сайрап шайдо булбуллар,

Ошиқ Ҳамро айтар, айролиқ кунлар,
Тегса манга тегсин, ёра тегмасин.

Алқисса, андин сўнг Саёдхон канизлари бирла кўшкига қайтти. Бориб йўрган, тушақ, ёстиқларни жой-бажой, ер-ба ер қўйиб, боринг Ҳамрони олиб келинг,-деб икки канизина буюрди. Эрса, канизлар бориб, Ҳампрони олиб келтурғанда Ҳамро айди:

--Эй канизлар, бир озроқ мани қўйинг,-деди. Канизлар қўйдилар. Ҳамро сувга тушди. Эрса, Ҳамро сарҳовузнинг бошинда аргувон гулларни кўриб, кўлиға созини олиб бир ғазал айди:

Бандивони бўлиб қолдим,
Бир қадди долли нозлининг.
Юзи гул, кўзлари нарғис,
Рухсори лаъли нозлининг.

Айрилиқ ўлимдин баттар,
Мужгонларинг жондин ўтар,
Тузилибдир қатор-қатор,
Оқ юзда холи нозлининг.

Қуббалари ўймоқ-ўймоқ,
Ғалатдир дийдора тўймоқ,
Оғзи сутли, лаби қаймоқ,
Ўткирдир боли нозлининг.

Бўйи бухорий қамишдир,
Тиши урганжий кумушдир,
Баҳор бўлса кўз қамаштир,
Очилен гули нозлининг.

Холлари бордир холича,
Сайрона чиқсам долинча,
Ҳар зулфининг тори инжа,
Ул қадди доли нозлининг.

Гул терарлар даста-даста,
Аргувон **қўндардинг** дўста,
Ҳамро деяр, бўлдим хаста,
Куйинда гули нозлининг.

Нозлининг, қизлар, нозлининг
Бандаси бўлсанг қизлининг.

Алқисса, канизлар Ҳамрони Саёдхоннинг ёнина олиб бордилар. Ҳамро бош эгиб салом берди. Бир- икки соат одаб сақлаб турди. Саёдхон гап урмади. Шунда Ҳамро зор-зор йиглаб бир сўз деди:

Кўп булбулким, гулга чун никоҳ бўлди,
Булбул даста ўйнар кўндардигини.
Ҳижрон чеккан қўнглим бугун шод ўлди,
Лоладай бағрима кўндардигинан.
Ёр бизни айлади, бир имло билан,
Ганж устун ўтибдур бир имло билан,
Шоҳимардон ўзи бир имло билан,
Кун ўрта ерина кўндардигини.

Чиқибдир эркина бир ўзи билмас,
Ҳақ ўзи қилганин бандаси билмас,
Кўп жафо чекдигин бандаси билмас,
Ҳижроннинг ўтини кўндардигини.

Гулшаннинг ўтина кўп ёнди банда,
Магар тарсо дейиб, кўп ёнди банда,
Бевафо ёр учун кўп ёнди банда.
Нихон элчисина кўндардигини.

Ошиқ Ҳамроҳ деяр, ман ўзим деям,
Эранлар сирини ман ўзим деям,
На ҳожат дардимни ман ўзим деям,
Ёр ўзи билмаса, кўндардигини.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон ериндин туриб алик олди. Тахтнинг устина чиқариб ўтириб, Саёдхон Ҳамронинг бўйнина қўл солди. Ҳамро ҳам Саёдхоннинг бўйнига қўл солди. Иккиси айш- ишратга машғул бўлдилар...

Кунлардин бир кун Саёдхон аиди:

--Эй Ҳамроҷон, отангни юртига қайтарсак нечук бўлғай? Ҳар нечук бўлса ҳам қайнота оти бордир, унинг олдида ман уялурман,-деди.

Ҳамро:--«Хўп яхши бўлур», -деди.

Саёдхон:

--Ошиқ Аҳмадни чақириб келтиринг,-деди. Канизлар Ошиқ Аҳмадни чақириб келтирдилар. Саёдхон:

--Эй бобо, ўғлингизни бизларга топшириб, ўзингиз юрtingизга қайting, бориб мол-мулкларингизни саранжом айланг,-деди.

Анда Аҳмад Ошиқ аиди:

--Эй Саёдхон, Ҳамроҷон манинг якка фарзандимдир, мундин айрилиб манинг Озарбайжонда на ишим бор?-деди.

Анда Саёдхон:

--Эй бобо, Ҳамрожондин хотиржам бўлинг, ман Ҳамрожонни сиздин яхши парвариш қилурман. Сиз эрта бирла қайтинг,-деди.

Ошиқ Аҳмад бечора на қиларин билмай, Ҳамрожонни Саёдхонга топшириб, Ҳамрожондин бошқа жоним бўлмас»,-деб бир сўз деди:

Ман энди кетарман Озарбайжона,
Саёдхон, Ҳамрони санга топширдим.
Сизларни топширдим Қодир Субҳона,
Саёдхон, боламни санга топширдим.
Тушибдир қўлингга бир асли доно,
Жамолин берманам ёхти жаҳона,
Юсуфдайин солма яна зиндана,
Сайёдхон, Ҳамрони санга топширдим.

Ҳамро ёшдир билмаганин билдириинг,
Урмай-сўкмай шодиёна кулдириинг,
Ё кўзим кўрмасин, мани ўлдириинг,
Сайёдхон, Ҳамрони санга топширдим.

Аҳмаднинг дунёда бирдир бисоти,
Фалакнинг алиндин айларам доди,
Белимнинг қуввати, қўнглим муроди,
Сайёдхон, Ҳамрони санга топширдим.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад сўзини тамом қилди. Саёдхон:

--Эй бобо, Ҳамрони канизлар ила бирликда хеч инжитмасмиз, **ўран арқайин** бўлиб, хотиржам бўлғил,-деб Ошиқ Аҳмадга қараб бир ғазал айди:

Бобожон, кетарсан Озарбайжона,
Хўжа, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.
Ҳамрони бермасман ёхти жаҳона,
Хўжа, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Бу кун ёр хаёли сарима тушди,
Ақли ҳушим бари бошимдин учди,
Кўқдаги тилагим ерда қовушди,
Бобо, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Ўғлинг учун пинҳон-пинҳон ерим бор,
Неча турли анжирим бор, норим бор,
Бундан зиёд айтсам, ҳаё, шармим бор,
Бобо, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Ёнимдан айрилса ўғлинг йўқларман,
Гулоб сувин бериб кўнглин покларман,

Үғлинг била бир ёстиқда ухларман,
Хўжа сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Ёнимда айрилса ўғлинг, йўқларман,
Гулоб сувин бериб кўнглин покларман,
Ўглинг била бир ёстиқда ухларман,
Хўжа, сан ўғлингдин хотиржам бўлғил.

Саёдхон дер, айтган сўзинг тутарман,
Бобо, инонмасанг гувоҳ ўтарсан,
Қўлим ястаб, юзин елпиб, ётарман,
Бобо, сан ўғлингдан хотиржам бўлғил.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон сўзини тамом этиб:

--Эй Бону, яхши-яхши саруполардин келтири, бир от юки тилло, икки ғуломбачча хизматкор бирлан юборурмиз,-деди. Сўнгра Ошиқ Аҳмадни анжомин битириб, шаҳардин чиқариб, оқ фотиха бериб юбордилар.

Ҳамро отаси билан оллоёрлашиб, Саёдхоннинг ёнида қолди. Ошиқ Аҳмад Саёдхоннинг кўшқиндин чиқиб борур эди, эрса Ошиқ Аҳмадни ўнгиндин Маматхон подшоҳнинг қоровуллари чиқиб қолди. Улар: «Эй бобо, қайдин келиб, қайда борурсан, магар сан йўл уриб юрган қароқчи бўлмағайсан?», -деб Ошиқ Аҳмадни туттилар.

Ошиқ Аҳмад: «Магар ман Саёдхоннинг боғидан келурман, десам, Ҳамройон бир балога грифтор бўлмасин», -деб, булардин кўрқиб, хайрон бўлиб турди.

Улар:

--Ҳақиқат йўл уриб юрган қароқчи экан, -деб Ошиқ Аҳмадни ўлдирап бўлдилар. Ошиқ Аҳмад бечора, ўтган пирлардин мадад тилаб бир сўз айди:

Пирим шоҳимардон, ё бобо Қамбар,
Етишар кунларинг келди азизим.
Ошиқларнинг пири- Юсуф пайғамбар,
Етишар кунларинг келди азизим.

Бир тоза гул эдим, сўлдим-хор ўлдим,
Золимлар қўлинда гирифтот ўлдим,
Пирим Али дийдорина зор бўлдим,
Етишар кунларинг келди азизим.

Кимсалар подшо, кимсалар вазир,
Кимсага зулмдир, кимсага жабр,
Аё бобо Дарғон, ё шайхи Кабир,
Етишар кунларинг келди азизим.

Кўпдир бир оллоға нолишим, зорим,
Султон Хубби. бугун бўлғил дастгири,
Яратғон Оллохим, ё биру борим,
Етишар кунларинг келди азизим.

Оллони ёд этар, ёзиқли қули,
Ўн икки имомла ул эди вали,
Химматинг етишсинг ё пирим Али,
Етишар кунларинг келди азизим.

Ошиқ Аҳмад айтар, эшитгил сўзим,
Саргардондир сенинг йўлингда кўзим,
Муҳаммад Мустафо уммати ўзим,
Етишар кунларинг келди азизим.

Алқисса, Ошиқ Аҳмад бечора, «Армон бирлан ўлур бўлдим»,-деб, ҳарёна боқар эрди. Кўрдиким, бир бўлак турна Озарбайжона қараб учиб борадир. Ошиқ Аҳмаднинг ўлим ёқосидин тутгандек, ғойибона Озарбайжонадаги қариндошлари бирлан хўшлашиб, турналара қараб бир сўз деди:

Турнам, кетсанг Озарбайжон элина,
Борсанг нозли ёра салом дегайсан.
Юрак бағрим бўлак-бўлак дилина,
Борсанг нозли ёра салом дегайсан.

Армон билан боғладилар қўлимни,
Шоҳимардан банд айлади йўлимни,
Турнам борсанг мани арзи-ҳолимни,
Қавму қардошлара салом дегайсан.

Ёмон йўлда юрган тангридин топар,
Қиёмат кунида оросат қўпар,
Турнам менинг арзим ул ёра обор,
Дийдор қиёматга қолди дегайсан.

Мундин кетсанг Озарбайжон юртина,
Қаро бағрим сув бўлибон, эрина,
Борсанг айтгил қора кўзли Ширина,
«Ошиқ Аҳмад ёринг ўлди» дегайсан.

Алғараз, Ошиқ Аҳмад бу сўзни тамом қилди. Турналар Ошиқ Аҳмаднинг устида айланада бердилар. Ани кўриб, қорвуллар бошчиси айди:

«Магар бу хўжа авлиё бўлмағай, бу кишининг бир каромати бор», -деди.
Қоровуллар айдилар:

--Эй хўжа киши, сан шу турналарни ёнингга тушира билсанг, молашёйинг бирлан сани озодлик қиласлик. Агар тушира билмасанг, сани ўлдиurmиз, -дедилар.

Анда Ошиқ Аҳмад айди:

--Сизлар манинг қўлимга соз беринг, ўзларингиз ҳам бир тарафда пинҳон бўлиб ўтиринг, -деди. Қоровуллар пинҳон бўлиб қараб турдилар. Ошиқ Аҳмад турналарга қараб бир сўз деди:

Тепасидан шоҳлиқ лочин солина,
Ёраб, нечук бўлур ҳоли турнанинг.
Жигалари тал-тал бўлиб бўлина,
Анда нечук бўлур ҳоли турнанинг.
Бу турналар ҳамдам бўлиб ҳамиша,
Чекилур сахроға бормас қамиша,
Оға беклар парин қопланг кумуша,
Сайраса кўк ўсар тили турнанинг.

Турнам ҳаво учма кўзинг қамашур,
Неча таъриф этсам санга ярашур,
Ол ҳавода кўзинг узоққа тушур,
Баланд тоғдин ошар йўли турнанинг.

Ман бечора, манинг кўнглим камина,
Эгам шифо берсин кўнглим ғамина,
Ёз бўлса юзланур Ироқ замина,
Киш бўлса Бағдоддир ери турнанинг.

Энди сизлар келинг менинг ёнима,
Йўқса бу золимлар қолар қонима,
Раҳм айлангиз энди менинг жонима,
Ошиқ Аҳмад ғариб қули турнанинг.

Алғараз, турналар бу сўзни эшитгач, Ошиқ Аҳмаднинг устинага ўзларини ташладилар.

Қоравуллар бу кароматни кўриб, Ошиқ Аҳмадга айдилар:

«Эй бобо кароматли киши эркансиз, сиз агар бу турналарни яна ҳам ўз йўлина юборсангиз барҳақ авлиё туурсиз, -дедилар.

Сўнг Ошиқ Аҳмад созини қўлиға олиб турналара қараб бир ғазал ўқиди:

Хабар олдингизлар манинг ҳолимдин,
Энди ўз йўлингга уч, энди, турнам.
Мани озод этдингизлар золимдин,
Бўлум-бўлум бўлиб кўч энди, турнам.

Энди кўзла Озарбайжон йўлини,
Теринглар боғларнинг қизил гулини,
Ширин ёра бориб айтинг ҳолимни,
Озарбайжон сари уч энди, турнам.

Икки турнам кезар оқли, қорали,
Бирисининг андом жони яраги,
Ҳақдин буйруқ бўлса бизам борали,
Озарбайжон сари уч энди, турнам.

Аҳмаддин ўлимдан этдингиз халос,
Хўжа Аҳмад сиздан кўп кўрди ихлос,
Мадад берсин сизга ул Хизр-Илёс,
Химмат айлаб, тоғдин ош энди, турнам.

Алқисса, турналар ўз йўлина учиб, равона бўлдилар. Қоровуллар бу воқеани кўриб, бир-бирина айтдилар:

--Бу хўжа киши авлиё эркан, унга тегиб бўлмас,-деб, Ошиқ Аҳмаднинг ёнига бориб, саруполарини бериб, тиллаларини ва ғулом баччаларини бериб айдилар:

--Эй бобо, бизлар эткан ишимизга тавба қилдиқ, сиз ҳам бизларни гуноҳимизни ўтиб, бизларга оқ фотиҳа беринг,-дедилар. Ошиқ Аҳмад қоровулларга фотиға бериб, «Қайдасан Озарбайжон»,-деб йўлга тушди.

Бирнеча манзилларни тай қилиб, Озарбайжон вилоятига дохил бўлди. Омон-эсон, соғ-саломат Гулширин ёрина қовушди.

Энди икки калима сўзни Саёдхон ва Ҳамродан эшитинг: Ошиқ Аҳмадни Озарбайжона узатгандан сўнг, иккиси тилло кўшкининг устинда айшу-ишратға машғул эрдилар, бир кечар сахар вақти Саёдхон уйқудан уйғонди. Ҳамро уйғонмади. Шунда Саёдхон ўзича:

--Эй Ҳамро, санга бир даста гул бўғиб келтирайин,-деб ериндан туриб боққа кириб кетди.

Бир фаслдан сўнг Ҳамро ҳам уйғонди. Кўрса Саёдхон еринда йўқдир. Ҳамронинг кўнглина Саёдхонни мандан ҳам бошқа ёри бор эркан деган хаёл келди. Шул вақтда Саёдхон бир даста гул боғлаб келди. Шунда Ҳамронинг кўнглина гумон ғулғула солиб:

--Эй Саёдхон, сиздек подишоҳзодаға боққа якка кирмаклик кўп айбидир, деб, бир неча ерлардин тимсол келтириб, бир сўз деди:

Сабо-сабо чиқма, парим гулгашта,
Зулфи паришонинг елдан айбидир.
Бир ёни рақибнинг таъна сўзлари,
Бир ёни улусли элдан айбидир.

Икки ошиқ бир-бирина етандада,

Булбуллар сайрашиб само тутанда,
Оқ билаклар дол гардандан ўтанда,
Шидданг ечилмасин белдин, айбдир.

Севдигим кирибсан юз алвон тўна,
Қўрқарам устингга қарчиғай қўна,
Ғарқилдошманг ғозлар, уркишманг сўна,
Ногоҳ сув чайқалса, кўлдин, айбдир.

Сархарлар севдигим, чиқсанг сайронা,
Қўрқарам, ошиқлар ўтингга ёна,
Бежавоб зулфингга текизма шона,
Ногоҳ мўй узилса, қилдин, айбдир.

Ошиқ Ҳамро деяр: диним-имоним,
Мужгонинг ҳанжари оқизди қоним,
Бир қиё боқишинг оладир жоним,
Дедигим фитна сўз тилдин айбдир.

Алқисса, Саёдхон айди:

--Эй Ҳамроjon, сан уйғонмадинг, ман сани гул бирлан урайин деб келдим,-деди. Андин сўнг яна икковлари ўпишиб-талашиб бу кеча ҳам ётдилар. Эртанг Ҳамроjon чорбоғ тарафга қараса, куннинг шуъласи гула тушиб, гулнинг шавқи куна тушибдур.

Ҳамро келиб айди:

--Ажаб чорбоғ сайл фасли бўлибдир, боғ сайлина борали,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Зулфларим паришон бўлибдир, ман канизларга бажартиб келайн,-деб кетди. Саёдхон ҳеч келмади. Ҳамроjon Саёдхоннинг изидин борса канизлар сочини ўрибдирлар.

Ҳамро кўрса Саёдхоннинг юзинда мунчоқ-мунчоқ тер оқиб, юзи ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб ўтирибдир. Ҳамро ани кўриб сийнасинда тоби тоқати қолмай, Саёдхонга бир сўз деди:

Ҳар сабо кезайдим гулу гулшандаги
Боғлар оросинда бўлдим асарли.
Мушки тотор бўйлим, майна гарданлим,
Севдигим алингдин бўлдим асарли.

Асал-шакар лабларингда эзилмиш,
Мушки анбар мўйларинға тизилмиш,
Хуморланиб қора кўзлар сузилмиш,
Зулфи зарафшонли мушки-анбарли.

Мунокқош уйларда, оқ ўтовларда,

Булбул фифон этар сўлу соғларда,
Дубиржоқ-дубиржоқ ол ёнокларда,
Дур, гавҳар тузулмиш чун юзи тарли.

На сабабдин гулдай мангзим сарғара,
Ҳасратингда бағрим боши минг пора,
Мисоли ўхшатдим чўлда марола,
Олма занахдонли юзи куларли.

Кўкда булат ўйнар, дарёда моҳи,
Сани қўрган ошиқ қўп чекар оҳи,
Ҳамро бир гадодир, сан жаҳон шоҳи,
Санингдай кўрмадим бир симу зарли.

Алғараз, Ҳамроян, Саёдхон—иккилари қўшилиб борур эрдилар. Ҳамро Саёдхонга: «Боғ сайлина боролди», -деб, Саёдхоннинг жамолина қараб бир сўз деди:

Шикастаям, ғам уйида сойилам,
Ишим бўлди нола била зор энди.
Чўх айтдилар, орзуйингни чекарам,
Сўзлаш энди, талаш энди, ёр энди.

Менинг ёрим бу ўлкада соғ ўла,
Қўйнинг ичи жаннат ўла, боғ ўла,
Қувонмишам шитдангдаги оғ ўла,
Қоғоз энди, баёз энди, қор энди.

Лабларингда болдин ўзга об ўлмас,
Валлоҳ, бу ҳуснингча моҳи тоб ўлмас,
Янофингта гул ғунчаси боп ўлмас,
Норинч энди, турунч энди, нор энди.

Қурбон ўлам булбулина, гулина,
Бол эзилмиш дудоғина, тилина,
Ҳар тарафдин чирмасибдир белина,
Сочинг энди, ўрим энди, мор энди.

Ҳамро деяр, матлубина етишса,
Етишибон ишқ ўтина туташса,
Сенинг бирлан мудом даврон суришса,
Номус энди, ғайрат энди, ор энди.

Алғараз, Ҳамро сўзини тамом этди. Саёдхон гулгун кийиб, қошларина ўсма қўйиб, қўзларина сурма чекиб, юзларига ғоза тортиб канизлари бирлан боғ сайлина равона бўлди. Аммо Саёдхоннинг икки боғи бор эрди. Бирина «Катта боғ» ва бирина «Гулшан боғ» дер эрдилар. «Катта боғ» сайрина бордилар. Ул боғда Саёдхоннинг бир неча кийиклари бор эрди. Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, бу кийикларни кўрдингизми? Сизнинг юртингизда ҳам бундай кийиклар борми?-деди.

Анда Ҳамрожон айди:

--Эй қурбонинг бўлайин Саёдхон! Булар мунда феъли озиб келган жониворлардир. Асли макони бизнинг юртимизда бўлур. Мунга бизнинг элда жайрон дерлар,-деб қўлина созини олиб бир сўз айтди:

Сарим қурбон ўлсин сани кўрана,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.
Феъли озиб, мунда жайрон найласин,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.

Оқар чашмаларим села дўлдирон,
Сарғайтибон гул мангзимни сўлдирон,
Араб отим югурук тозим бўлдирон,
Ўз элимнинг жайронидир-жайрони.

Узоқдин оқ бўлур жайроннинг ўзи,
Тепасинда бордир қўша мўтузи,
Сайр айлаб келандир доғ била дузи,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.

Жайрон кетар доғ бошина дўланиб,
Дўланибон чашмалардин сувланиб,
Ошиқ Ҳамро обдил бўлиб, айланиб,
Бизнинг ернинг жайронидир-жайрони.

Алқисса, Саёдхон: «Бир неча лочин қушларим бор», -деб Ҳамрони олиб борди. Анда Ҳамрожон Саёдхоннинг лочин қушларини кўриб бошини чайқади.

Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, на учун бошингни чайқадинг?, -деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй Саёдхон, бу қушларнинг асли макони бизнинг юртимиз бўлур, -деб яна ҳунарларини баён қилиб, лочин қушларни таъриф айлаб, бир ғазал айди:

Қишининг захмин чекиб, ёза чиққанда,
Эрибон тўқилур ёғи тарлоннинг.

Тар чаман устинда табил қоққанда,
Күёшдан оқ эрур пари тарлоннинг.

Қўшиққа ярашур йўгурук алажа,
Софиндан отланиб, сўлиндан туша,

Табл боз қоққанда тарлон учуша,
Ботар тирноқлари қона тарлоннинг.

Ҳавоға учганда масти бўлиб дўна,
Овин олиб тарлдон қуёша қўна,
Хатардин айрилан ёшил бош сўна,
Билмаса тушибдир доғи тарлоннинг.

Овин олиб, ол ҳавоға отила,
Арш устинда қанотлари чотила,
Билмасликда минг туманга сотила,
Жигоси, шикори банди тарлоннинг.

Тарлон учиб устимиздан оғалар,
Тутиб яшил боши санчинг жиголар,
Ўлтирган ғозийлар, турған оғалар,
Ҳамро деяр, кечди ови тарлоннинг.

Алқисса, андин сўнг Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, юринг бизнинг сарҳовузнинг бошина,-деб бориб шосупага чиқдилар. Кўрсалар, ҳовузнинг ичинда яшилбош сўналарнинг бири чўмиб, бири чиқиб юрибдир.

Эрса Ҳамро, бу сўналарнинг кўзини Салбиниёзнинг кўзина мангзатиб, Салбиниёз ёдиға тушиб, Ҳамрожоннинг кўнгли бузулиб, бир ғазал айди:

Борур эрдим яшил боша учрадим,
Сўна бизни кўриб юзмака тушди.
Ўзини ташлади дарё тубина,
Олди қаламларни ёзмақа тушди.

Бир хаёл айладим бу қўлда ётам,
Дастиимни узатиб сўнани тутам,
Бир фикр айладим тош бирлан отам,
Юрагим дўзмайин азмоға тушди.

Эмар эдим лабларини болиндин,
Қучар эдим ёрнинг инча белиндин,
Жудо тушдим хон Салбининг элиндин,

Кўнгул талvas уриб кезмака тушди.

Салбимдин айрилиб тушдим йироға,
Кўзим ёша тўлди, кўнглим фироға,
Сўналар чекдилар ўзин қироға,
Эгрича талларин ёзмаға тушди.
Ҳамроҳ гирифтордир ёрнинг ўзина,
Тер тўкилмиш гарданина, юзина,
Мойил бўлдим сўналарнинг кўзина,
Хумор кўзларини сузмака тушди.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Саёдхон айди:

--Эй Бону, бу ўғлон сўзини ёмон асарли айтар, ҳар сўзинда Салбиниёз деб кўп ҳалок бўлур, магар ўз юртинда ёри бор бўлғай. Агар яна Салбиниёз деб сўз сўзласа таъқиқлаб қўрали,-деб юра бердилар. Кўрдиларки, бир токнинг устинда уч дона каклик сайраб ўтирибдир. Ҳамро ани кўриб, хушвақт бўлиб бир сўз деди:

Куз дўйланди, баҳор бўлди, ёз келди,
Овози қулоққа келди какликнинг.
Йифламадим, ўйнамадим, кулмадим,
Ҳавоси жонимда қолди какликнинг.
Ёнофина тушар қора сочини,
Кўнглим истар ола кўзли лочинни,
Алдаб овдан қўяр олғир лочинни,
Хатти-холи, сиё зулфи какликнинг.

Чўх сайёдлар алданарлар олина,
Кўнглим талvas урар қўша холина,
Баробардир чор кўчанинг молина,
Қаҳ-қаҳ уриб кулиши бор какликнинг.

Кўк жома кийиниб, гашт этар дузни,
Қўллари хол-холдир, ярми қирмизи,
Жигаси шикорли, сурмали кўзи,
Хатти-холи, сиё зулфи какликнинг.

Ҳамро деяр, ёр ҳамиша хандондир,
Юртимизда қолған ул Салбижондир,
Лаълидир, гавҳардир, дурри-маржондир,
Мурассаъ қуббаси бордир какликнинг.

Алқисса Ҳамро сўзини тамом қилди. Саёдхон Ҳамрожоннинг ёқасидин тутиб:

--Эй Ҳамрожон, юртингда қолған нечук Салбидир, айт,-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Эй қурбонинг ўлам Саёдхон, Салби деган бир дарахтим бордир, отам еттинчи мартаба ҳаж қилғонда Макка йўлиндин икки ёғоч келтириб экиб эрди. Бири кўп зебо дарахт эрди. Анинг яхшилигиндин соясинда айшу ишрат суриб ётар эрдим. Ани ҳар маҳал ёдима солурман,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Ҳар начук шоҳлик дарахт бўлса, манинг боғимда хам бордир. Юр истаб кўрали,-деб бокқа равона бўлдилар. Боғни ҳарчанд кезиб ахтариб кўрдилар, топмадилар.

Ҳамро айди:

--Эй қурбонинг бўлай Саёдхон, Салби деган алмудом қиши-ёз бирдек бўлур, ҳаргиз япроғи тушмас, мудом танаси оқ, япроғи алвон-алвон ўсар, гоҳ қизил, гоҳ кўқ, гоҳ яшил ўсар-деди.

Андин сўнг Саёдхон бирлан Ҳамроҳон ҳовузга бордилар. Саёдхон айди:

--Эй Ҳамроҳон, манинг сандин бошқа ёrim бўлмас,-деб Ҳамронинг кўлидин тутиб, кўшкка қайтдилар. Яна шул уч какликнинг устиндин келдилар. Ҳамроҳон ўз кўнглиндин «Салбиниёзжон, Саёдхон-учимиз ҳам шул уч какликдек бўлиб ўтирасак»,-деб кулиб –ўйнаб, яна айди: «Во дариго, Салбиниёз яна бир кишига кўнгил берган бўлмагай?»-деб бир ғазал ўқиди.

Ғазали Ошиқ Ҳамро:

Бир дуо айлангиз улуслар, эллар,
Манинг оҳим ёра етишармикан?
Мағрибдан машриққа етган эранлар,
Ошиқ-маъшуқина етишармикан?

Биза ҳиммат берсин улуслар-эллар,
Ани хукмидадир зеру забарлар,
Бир оҳ урсам ёнар етти қат ерлар,
Кўнглим ишқ ўтина олишармикан?

Томошаға келар оғалар, беклар,
Сурмали кўзларинг мани чўх эглар,
Ёриндин айрилғон ғариб какликлар,
Яна қах-қах уриб кулишармикан?

Мани кўнглим ғусса билан ғамларда,
Ёр-ёрдин айрилиб кезар ҳар ерда,
Икки пари ҳамдам бўлиб бир ерда,
Бир-бирининг қадрин билишармикан?

Биздин ошнолиги ёт ўлан Салби,
Бизи ғамда қўйиб шод ўлан Салби,
Аввалдин Ҳамроға аталан Салби,
Ётлар билан ўйнаб-кулишармикан?

Алғараз, андин сўнг Саёдхоннинг кўнглидан гумон кечди, қахри келиб айди:

--Эй ўғлон, «Салби» деган зотинг надур? Айғил. «Ётлар бирлан ўйнаб кулишармикан?,-дерсан, у на деганинг?-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Салби шундай дарахтким, унинг мевасини сувини ичадилар. Ана шуни бегоналар ичмагай дедим,-деди.

Анда Саёдхон:

--Инномасман, ўз юртингда ёринг бор,-деди. Анда Ҳамро айди:

--Шарт қилсам инонурмисан?-деди.

Саёдхон айди:

--Албатта инонурман.

Анда Ҳамро:

--Санинг юртингни шартин билмасман, ўз юртимда ғализ шартлар бордир, шул шартни айтурман,-деди.

Саёдхон: «Айтғил» деди.

Анда Ҳамро айди:

--«У тоқقا бу тоқقا, оёғим тегсин оёққа», -деб,-ахир мани бу «улуг» шартга тутдинг,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Мундоғ шарт бўлурми?-деди.

Анда Ҳамро айди:

--Бизнинг юртда ёмон шартдир,-деди.

Анда Саёдхон:

-- Бу шартнинг маъносини айтғил,-деди.

Анда Ҳамро:

--Маъноси шулки, у тоқقا бу тоқقا деганим бу дунёда, у дунёда юзим қора бўлсин деганимдир,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Энди инондим,-деди.

Аммо Ҳамрони бу шартдан кўнглидаги муроди: анда Салбиниёз, бунда Саёдхон дегани эрди. Андин сўнг Саёдхон бир олма исказ туриб эрди қўлидин тушиб Ҳамронинг олдига думалаб кетди. Ҳамро олмани олиб айди:

--Эй Саёдхон, алдаб қўлингдан олмангни олдим, санинг хабаринг йўқ,-деб бир сўз айди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Холиндин қаро кўзлиниң.
Алладим олмасин олдим,
Алиндин қаро кўзлиниң.

Қаро кўз билан кўзлашдим,
Ширин сўз билан сўзлашдим,
Эгилиб шиддасин ечдим,

Белиндин қаро кўзлиниң.

Туриб ўтағосин уздим,
Тош уриб ойнасин довдим,

Ҳуркитиб сўнасин қувдим,
Қўлиндин қаро кўзлиниң.

Ҳамро деяр, борин олдим,
Олма бирлан норин олдим.
Ман шу кун иқрорин олдим,
Тилиндин қаро кўзлиниң.

Алғараз, Саёдхоннинг қўнглина ғубор тушиб аиди:

--Магар сан мани алдаған бўлғайсан, бориб Бонудин сўрарман, деб бориб аиди:

--Эй Бону, «У тоққа, бу тоққа» деган шарт бўлурми?-деди.

Анда Бону:

--Бундай шарт бўлмас, бунга чўпон шарти дерлар, сани алдабдир ,-деди.

Саёдхон:

--Андоғ бўлса бунинг бирла манинг ошиқлиғим йўқ,-деб кўшкина равона бўлди.

Ҳамро хам Саёдхоннинг изидин равона бўлди. Ҳамро бориб кўрса Саёдхон қирмизи лиbosлар кийиб ўтирибдир. Ҳамро Саёдхон бирла канизларга қараб бир сўз деди:

Эй ёронлар, мусулмонлар,
Ёр қирмизи кийинибдир.
Оқ юзинда жўра-жўра
Хол қирмизи кийинибдир.

Ёр жигосин санчар боша,
Курбон ўлам қалам қоша,
Сийнасинда қўша-қўша,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Боқишингиз жайрон каби,
Рафторингиз марал каби,
Икки зулфи шомор каби,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Ёрим келур кула-кула,
Кулиши мангзар булбула,
Ёнинда қирқ каниз била,

Ёр қирмизи кийинибдир.

Кел Саёд, кетали боға,
Дўлан боқ, синамда доға,
Ҳамронинг жонин олмаға,
Ёр қирмизи кийинибдир.

Алқисса, Саёдхон Ҳамродан ўпкалаб айди:

--Эй Бону, бу ўғлон ҳардам хаёл эркан, юртнда Салби отли ёри бор эркани маълум бўлди,-деб тарс кўзлаб кета берди.

Анда Ҳамро:

--Кошки манинг юртимда Салби отли ёrim бўлиб, бу сўзингиз чин бўлса эрди,-деди. Яна Ҳамро:

--Саёдхон санинг жамолингни Чин Мочиндек етти шахри азимга бермасман,-деб бир сўз деди.

Сабо-сабо ёр жамолин севдигим,
Зулфинг гарданингга дўлашон каби.
Қанду шаккар буланибдир лабина,
Дол гарданли ёrim, гули чин каби.

Ёrim кийинибдир қизил, оқлари,
Арзирумдин келан қизил, оқлари,
Кийганинг қирмизи, чиқар оқлари,
Нозик баданлари дўлашон каби.

Соқий, пиёлани қондир оёғи,
Мажлисда соқининг қондир оёғи,
Сўзинг надур, сақла, қондир оёғи,
Кошки ёлғон сўзлар бўлса чин каби.
Ҳамроҳ дер, ман ҳайрон ёр жамолина,
Мажлисда қувондим ёр жамолина,
Харидор бўларман ёр жамолина,
Етти азим шаҳар бўлса Чин каби.

Алқисса, Саёдхон бир қулиб, Ҳамрога бир кося май тутти. Ҳамро майни ичиб бўлғондин сўнг Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, манинг шу ўтиришима бир сўз айтғил,-деди. Ҳамро Сайёдхонни таъриф қилиб бир сўз деди:

Қодир олло бадр айламиш жамолин,
Таъсир ўлиб, жоним малола тушмиш.
Кўрган сўнг **йитирдим** қўнглим, хаёлим,
Икки қошинг тархи ҳилола тушмиш.

Ўжа тоғдин анжир ун тушан каби,
Холлар орасина тун тушан каби,
Жами **рўзанлардин** кун тушан каби,
Занаҳдон холларинг зулола тушмиш.

Жоду кўзларингга тар тушан каби,
Семургнинг таниндин пар тушан каби,
Дувурчоқ-дувурчоқ тер тушан каби,
Лабингдин бир иссиқ, пиёла тушмиш.

Чекмак ўлмас ошиқларнинг зориндин,
Холинг хирож олур Чин диёриндин,
Ман ақлим олдирдим ҳуснинг бориндин,
Кўрганда бир ажаб хаёла тушмиш.

Ҳамро дер, ақли йўқ тоғ одамининг,
Тухфаси гул бўлур боғ одамининг,
Сахро далисининг, тоғ одамининг,
Кўзлари сан каби гўзала тушмиш.

Алқисса, андин сўнг Саёдхон Ҳамроҳон иккилари ўйнашиб-кулишиб
айшу ишратга машғул бўлдилар.

Кунлардан бир кун Ҳамро аиди:

--Эй Саёдхон, кўп хафа бўлдик, боғ сайлина чиқсақ нечук бўлур?

Анда Саёдхон аиди:

--Бугун саройлара сайди этили, эртага чорбоғ сайлина чиқармиз,- деди.

Анда Ҳамроҳон, Саёдхоннинг ҳусни, жамолина қараб бир сўз деди:

Бу ҳуснингга мойил бўлиб турмишам,
Ўхшатдим кўзларинг ҳумоя бўйла.
Дедим «Ёр кетали чорбоғ сайлина»,
Ёр кўйибдир эртанг сабоя бўйла.

Манинг ёрим гўзалларнинг шоҳидир,
Алмудом чекдигим шунинг оҳидир,
Холи анжум, юзи қўша моҳидир,
Қўл тутишиб кирсак сароя бўйла.

Қаро кўзинг қиё-қиё боқарсан,
Дол гардана тилло ҳайкал тақарсан,
Гулгун кийиб боғ сайрина чиқарсан,
Ярошур бўйлари саллона бўйла.

Сўзладигим нозли ёрнинг сўзиҳидир,

Жаннат ичра хуру ғилмон ўзидир,
Али ўғли Мамат хоннинг қизидир,
Ёрим келмиш гулгун **қабоя** бўйла.

Менинг ёрим сув ичинда сўнадир,
Кўран ошиқ қабоб бўлиб ёнадир,
Қўл узатиб пиёлани сунадир,
Ҳамро деяр, келтир пиёла бўйла.

Алғараз, саройни сайл этиб келиб ўлтиридилар. Шул вақт ташқаридин бир овоз эшитилди. Саёдхон:

--Хабар олинг, ким эркан,-деди.

Канизлар бориб, хабар олиб кўрсалар Гуржистон подшохининг қизи Камолжон эркан. «Камолжоннинг изина вакил-оқсоқолларнинг қизлари ҳам тушиб келибдир»,-дедилар.

Саёдхон:

--Андоғ бўлса, сарховузнинг бошина борали,-деди. Андин сўнг Камолжонни сарховузнинг бошина туширдилар. Обу таомдин сўнг умароларнинг қизлари:

--Эй Саёдхон, Озарбайжон юртинда санинг боғингга бир яхши ўғлон келибдир, деб эшитдик, бизлар ани кўрмокқа келдик,-дедилар.

Анда Сайёдхон:

--Андоғ жондор мани боғима кела билмас, ёт одамнинг манинг боғимда нима иши бордир?! Сизлар яхши кишиға маломат қилибсизлар,-деб ёнидағи канизларни қувдирди.

Камолжон:

--Эй Саёдхон, агар кўрсатмасанг, сани бирла юз кўришмасман,-деди.

Анда Саёдхон Камолжонга:

--Сан кетма,-деб қош бирлан ишорат қилди.

Ул қизлар кетгандин сўнг канизлар Ҳамрога гулгун либослар кийдириб келтиридилар.

Камолжон Ҳамрони кўриб, бармоғини тишлаб ҳайрон қолиб турди. Ҳамрожон ҳам Камолжонни кўриб, ақлини қочириб, бошиндин ҳушини учириб тураверди.

Камолжон айди:

--Эй Ҳамрожон, бир-икки калима сўзингни эшитсак кўп яхши бўлур эрди. Аммо Камолжон форсий эрди.

Саёдхонга:

--Шаънимни таъриф қилиб бир сўз айтсин,-деди.

Бунинг сўзини Саёдхон Ҳамрога тушунтириди.

Анда Ҳамро айди:

--Ман мунинг ҳеч бир ерини кўрмасам, нима дейман?,-деди. Саёдхон Камолжонга тушунтириди:

--Ҳамро айтур, ман бунинг ҳеч бир ерини кўрмасам, нима деб айтурман, дейди,-деди. Камолжон либосларини ташлаб, **даройи** куйлак кийиб, тилло жигасини бошиға санчиб Ҳамрони бир у тарафидин, бир бу тарафидин соллониб ўта берди. Гуржи қизининг бели, бўйи ва қадам босиши Салбиниёзга ўхшар эди. Эрса, Салбиниёзни кўргандек бўлиб аиди: «Саёдхондин аввал сани кўрган бўлсам олар эрдим. Ҳасрати жонимда қолди», -деб бир сўз деди:

Бир **салотин** бўйлим соллониб келди,
Кўзимга соташди холи гуржининг.
Ақлимни олибдир бас ман найларам.
Ҳасрати жонимда қолди гуржининг.

Ўртуги яшилдир, кийдиги ола,
Бўйи Салбия мангзар, қомати дола,
Тиши дура мангзар, лаблари бола,
Ҳайф турки дайилдир тили гуржининг.

Пирим Шоҳимардон давронлар сурмиш,
Гўзаллик ҳуснини гуржига бермиш,
Боди сабо зулфин гарданга ёймиш,
Тўкилур тўрт ёна тали гуржининг.

Боқчасида шайдо булбул ўтишмас,
Оҳ урарман, нолам ёра етишмас,
Дардим кўпдир дармон қўлима тушмас,
Ўтар **эграмчидан** бели гуржининг.

Ҳамро деяр, терам ёрни богини,
Тўла ичсам пиёласин соқийни,
Кезам қописинда, ёр ўтагини,
Мен бўлам ходими, қули гуржининг.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Бунга Саёдхоннинг қахри келиб:

--Эй Ҳамрожон, бир қизни бунча таъриф қилдинг,-деб аччиқланди: Саёдхоннинг бир Ғаммос қирноғи бор эрди. Саёдхоннинг қахри келганини билиб Камолхонга: «Юринг бизнинг боқقا борали», -деб, олиб чиқиб кетди.

Камолхон кетгандин сўнг, Саёдхон аиди:

--Неча йилдин бери об ошимни, қизил нонимни едирдим, мани мунча таъриф қилмадинг,-деди.

Анда Ҳамро аиди:

--Эй Саёдхон, ман сани ҳуснингга Озарбайжоннинг гулистонина бермасман,-деб бир сўз деди:

Бирча кулар юзлим, жаброил парим,
Ман ёхти жаҳона берманам сани.
Жасадимда жоним ҳам устихоним,
Томирдаги қона берманам сани.

Тоғларда маралсан, дузларда жайрон,
Бир тўти боқишлим, бошингга қурбон,
Ганжи Қорабоғим, Шамоҳу Ширвон,
Кулли Озарбайжон берманам сани.

Юзингни мангзатдим бир қатра сува,
Ҳақ сани сақласин, байрама, тўя,
Тобистон, Тавриза, Ироқдан, Хоя,
Курду Гуржистона берманам сани.

Гўзаллар йигилишиб кетди ҳаммома,
Ҳақ сани сақласин, дўстим, омона,
Ошиқ Ҳамро деяр дўнса замона,
Тахти Сулаймона берманам сани.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди, Саёдхон анда ҳам тескари қараб ўтиреди. Анда Ҳамро Саёдхонга қараб бир ғазал айди:

Бир салотин бўйлим, сарвим санобар,
Лабларингда ширин-шакар бол ўлсин.
Жамолинг қуёшdir қоматинг ар-ар,
Чаманлар ичинда бўйинг дол ўлсин.

Сурмалар чекилмиш ул қора қўза,
Дўстим, ёшинг етсин эликдин юза,
Ман найладим сўнам, на дедим сиза,
Бир ғалат сўз дедим, тилим лол ўлсин.

Юзингни мангзатдим оя-қуёша,
Сенинг билан даврон сурсам ҳамиша,
Осмонда малаклар айлар томоша,
Занаҳдон теграси жўра хол ўлсин.

Санинг кийганларинг атлас –даройи,
Жонинг жаннат бўлсин, кўшки саройи,
Ҳамро деяр оёғинда дупойи-,
Яшил ковуш, олтин-кумуш лаъл ўлсин.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамомлаб, Саёдхонга бир пиёла шароб тутди.

Саёдхон:

--Номард қўлиндин шароб ичмасман,-деди. Саёдхонинг жамолина тикилиб Ҳамро яна бир сўз деди:

Кел кўнглим кетали гулшан сайлина,
Гулшан боғларининг ёри бор, ёри,
Кўнглим истар Озарбайжон элина,
Муғон тоғларининг қори бор, қори.

Сарғайибон қизил гулим сўлибдур,
Ҳар бир куним менинг минг йил бўлибдур,
Дейдилар севдигинг дилгир бўлибдур,
Магар биздан ғайри ёри бор, ёри.

Ажал етишмайин кафан бичилмас,
Рухсат берилмайин шароб ичилмас,
Қўлим етишмайин банди очилмас,
Магар оқ кўксининг нори бор, нори.

Корлар эримайдир ола тоғларда,
Булбуллар сайрашар сўлу соғларда,
Соясина қун тушмадин боғларда,
Анда булбулларнинг зори бор, зори.

Аччиқланиб чекма юздин пардани,
Илоҳидин хўб чекилмиш гардани,
Ошиқ Ҳамро, чақир Шоҳимардони,
Ўн бир ўғли билан жаҳри бор, жаҳри.

Алқиса, Ҳамро бу сўзни айтди, Сайёдхон бир кулди, қаҳри кетгандай бўлди.

Ҳамро талашур вақти бўлди деб, бўйнина қўл солур бўлди. Саёдхон қаҳрланиб қўлини силтаб нари ўтирди. Ҳамрони бу ишга қаҳри келиб, «Эй кўнглим бевафодин дўн»,-деб бир суз айди:

Дали кўнглим, кел кетали Ватана,
Анда санга кўзи йўлда қолан бор.
Қосид керак бу йўлларда юрмакка,
Нозли ёрнинг ўлкасинда талон бор.

Гулим-гулим мани айладинг қулинчи,
Юз йифладим бир шод ўлиб қулинча,
Ал кўтарман этакингда ўлгунча,
Магар бизи ёрдин айра салон бор.

Ажалим етишиб паймонам тўлди,
Гул юзим сарғайиб бехуда сўлди,
Дедилар: «Севдигинг ёри ёт ўлди»,
Деди: «Балки етти ётдин келан бор».

Ошиқ Ҳамро гирифтордир ўзингга,
Куйди бағрим, кабоб бўлди юзингга,
Инонмадим иқрорингга, сўзингга,
Беикрорсан, иқрорингда ёлон бор.

Ҳамро сўзини тамом қилди. Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, ман ҳазил қилиб эрдим,-деб Ҳамрони қўлиндин тутиб кўшканинг устина чиқиб ўтиридилар. Шароб ичиб, маст бўлиб ўтириб эрдилар, шул вақт икки отли келди. Саёдхон бориб хабарларини олди. Отлилар:

--Эй Саёдхон, бу буштулуқ бўлсун! Отангиз сизни фалон бекка фотиҳа қилди деб сўйинчи тиладилар. Сайёдхон ҳам: «Хўб яхши хабаринг бор эркан», -деб ҳар қайсисина бир жом тилло бериб юборди. бу ишни Саёдхонинг чўриси кўриб Ҳамроға айди:

--Эй Ҳамрожон, аввалдин санга кўнгли йўқ эрди. Букун Сайёдхонни отасиндин «Отанг сани фалон бекка фотиҳа қилди» деб икки отли келди. Сайёдхон севинчига ҳар бирина бир жом тилло бериб юборди, деди. Ҳамро бу сўзни эшитиб, қаҳри келиб, Саёдхондек қизни ҳар ердин топарман,-деб бир сўз деди:

Мұхаббатли кўнглим очиб,
Анда оҳу зорим қолди.
Зулфини ҳарёна сочиб,
Қора кўзли ёrim қолди.

Ғарифликда кўнгул чоғим,
Кўп бўлди сийнамда доғим,
Тар очилғон тоза боғим,
Гулшаним, гулзорим қолди.

Ҳар сахарлар оҳин чекиб,
Кўздин қонли ёшин тўкиб,
Жайрон каби ўйнаб-бўкиб,
Марол кўзли ёrim қолди.

Мансурдай дора чотилдим,
Халилдай нора отилдим,
Юсуфдай Мисра сотилдим,
Бўйла харидорим қолди.

Ҳамро деяр, ўз элимда,

Ҳақ саноси бор тилимда,
Озарбайжоннинг элинда,
Салби отли ёрим қолди.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни айтиб, боғдин чиқиб юра берди. Ғаммоз чўри бориб, Саёдхона айди:

--Эй, Саёдхон биби, Ҳамро сизни суйинчи берганингизни эшитиб, ўпкаласаб, кетиб борадир. Ҳамро ҳардамхаёл экан. Сизга тил берган экан, ани хаёли бошқа ёрда экан,-деди.

Саёдхон ҳам бу сўзни эшитиб, Ҳамрони изидин етиб қаҳр бирлан деди:

--Эй, Ҳамрожон, йўл бўлсин! Қайда борурсиз?! Ҳамро ҳам Саёдхона дўланиб боқди. Қараса, Саёдхоннинг қаҳри келиб, ҳар кўзи пиёладек бўлиб, ўтдек ёнар эрди. Ҳамронинг бошидин хуши қўтарилиб, Саёдхонга қараб бир сўз деди:

Марол қаби киприклари сон бермиш,
Хабар олинг хон Саёда на бўлди?
Ошиқин ўлдириб ётга жон бермиш,
Хабар олинг, хон Саёда на бўлди?

Оқ юзинда бордир жўрали холи,
Лабларида бордир шакари, боли,
Ман билманам надур анинг хаёли,
Хабар олинг, хон Саёда на бўлди?

Хабар олинг нозли ёрни нозиндин,
Абришин-ниқобин олинг юзиндин,
Сочи шоҳмор қаби ўтар тизиндин,
Хабар олинг, хон Сайёда на бўлди?

Сўзлаганда дур сочилур сўзиндин,
Алифдек қомати, ойдек юзиндин,
Ҳамро деяр, айрилманам ўзингдин,
Хабар олинг, хон Сайёда на бўлди?

Алқисса, андин сўнг Саёдхон: «Эй Ҳамрожон, сен қайда кетсанг ман ҳам бирга кетарман. Сандин ўзга кўнгул хушим бўлмас», -деди. Ҳамрожоннинг ёдина ғариблик тушиб: «Эй, Саёдхон, бери кел, бизнинг юртимизга кетали», -деб, Саёдхонга бир сўз деди:

Марол кимин на дўланиб боқарсан?
Сўзла, қурбон ўлам ширин тиллара.
Ширин жоним ишқ ўтина ёқарсан,
Қўл узатсам инжа, нозик беллара.

Қошларинг қорадир, кўзинг жейрони,
Сийнам узра сизлаштиринг ярани,
Ман бир ғариб, топа билмам чорани,
Булбул каби парвоз қилсам гуллара.

Тушиб ишқинг дарёсини бўйларам,
Кесиб жигар бағрим кабоб айларам,
Ман бир ғариб, ёт ўлкада найларам,
Оқиб кўзда ёшим тўлди селлара.

Ҳар холингни Чинмо-Чинга берманам,
Ўзга боғнинг олма-норин терманам,
Ҳамро деяр, ман бу ерда турманам,
Кел Саёдхон, юргин бизнинг эллара.

Алғараз, Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, сизнинг юртингизга ой-куннинг ҳисоби билан бир сиҳатли кун уграли,-деб, қайтиб кўшкига келдилар. Саёдхон айди:

-- Эй Ҳамрожон, кел, иккимиз чаман боғлайли, ҳар ким чамани ярамас боғласа икки бўса берсин,-деб аҳдлашди. Ҳамронинг боғлаган чамани яхши чиқмади. Саёдхон Ҳамродан икки бўса олди, яна кўшкка қайтиб келдилар. Шу зайлда орадин уч йил тамом ўтди. Ҳамро бир кеча уйқусидин оҳ уриб турди. Анда Саёдхон:

--Эй Ҳамрожон, манингдайин нозли ёринг қучоғингда бўлса на учун оҳ урарсан,-деди. Анда Ҳамро айди:

--Рост айтарсан, аммо отамдан уч ой муҳлат олиб эрдим, энди уч йил тамом бўлди. Уч йил уч кундай тамом ўтиб кетди. Отамға шарманда бўлдим,-деб бир сўз айди:

Бўйинг сарви десам, қоматинг туби,
Оқ юзингда холлар ҳиндирип- ҳинди.
Гўзаллар ичининг хўби, маҳбуби,
Сенинг гўзаллигинг индидир- инди.

Худойим сақласин дорул фанодин,
Тилингни айирма ҳамду санодин,
Хон Саёдим бугун ота-онадин,
Кечмали чоғларинг индидир-инди.

Икки қошинг мангзатмишам ҳилола,
Ёrim сени кўриб тушдим бу ҳола,

Лабларинг шакардир, оғзинг пиёла,
Ичмали чоғларинг индидир-инди.

Нозлим бу жонима жабр этма батар,

Мужгонинг ханжардир, жонимдин ўтар,
Сандин бу гўзаллик бир куни кетар,
Қучмали чоғларинг индидир-инди.

Ишқингдин уградим туканмас дарда,
Орзуинг чекарман шому сахарда,
Ошиқ Ҳамро деяр, бўлиб бир ерда,
Учмали чоғларим индидир-инди.

Алғараз Ҳамро сўзини тамом этди. Анда Саёдхон:
--Эй Ҳамроҳон, насиб тортиб сизнинг юртингизга борсак, нима бор-у,
нима йўқ?-деб сўради. Ҳамро жавоб берди:

Саёдхон: Ажам ўғли, менинг ақлим чоширма,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?
Тўғри сўзла, сирринг мандин яширма,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҳон:
Бизнинг ерда сайла чиқар гўзаллар,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.
Қанду асал, шакар-нобот еярлар,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Сайёдхон:
Сизни деб тушсам ман элдин-эллара,
Булбул бўлиб учсан гулдин гуллара,
Насиб чекиб борсак сизнинг эллара,
Жон Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҳон:
Юраккинам ўртанибон ёнодир,
Кўллар тўла яшил бошли сўнадир,
Сизинг юрт гўёки ошпаз хонадур,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Сайёдхон:
Ғарип булбул бўлиб кўйинга тушсам,
Сизинг бирла даврон сурсам, ўйнашсам,
Сани дебон отам-онамдин кечсам,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҳон:
Арчали, гиёҳли тоғлари бордир,
Олмали, анжирили боғлари бордир,
Ўпмали, қучмали чоғлари бордир,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:
Кел иккимиз бир мақсада етали,
Мухаббатни муҳаббата қотали,
Ғам емагил сизнинг юртга кетали,

Жон Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҷон:

Бизнинг элнинг боқчасинда, боғинда,
Булбуллар сайрашур сўлу соғинда,
Нозли ёрнинг нозик, оқ қучоғинда,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Кел, Ҳамроҷон ёпишали пирлара,
Баҳовиддин, Шоҳимардон, шерлара,
Насиб тортиб борсак сизнинг ерлара,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҷон:

Бизнинг ерда олма битар, нор битар,
Қизил гулни теграсинда хор битар,
Хон Салби олдингдин соллониб ўтар,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Ул нечук дарахтдир саллонур бўйла,
Ўт берма жонима, ёқмағил бўйла,
Ёки ёринг борму, ростингни сўйла?
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҷон:

Ул дарахтга текса ёзниңг еллари,
Саллонишур шоҳалари, қўллари,
Алвон ураг япроқлари, гуллари,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Бизнинг боғнинг олма-норини қўрдинг,
Неча вақтлар мунда давронлар сурдинг,
Баҳор бўлса лолазоримда юрдинг,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҷон:

Шоҳсупалар манзил-макон жойлари,
Чўла чиқар чорволари, бойлари.
Тўлиб оқар булоқлари, сойлари,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Бизнинг боғнинг боғчасинда гул бўлур,
Сандин айрилғонни умри кул бўлур,
Оросинда неча ойлик чўл бўлур,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҷон:

Чўлларинда кўйи-кўзи, мол бўлар,

Гўзалларнинг лабларинда бол бўлар,
Оросинда икки ойлик чўл бўлур,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Саёдхон:

Саёдхон дер, мани этдинг зоринжи,
Сани суйган найлар дунёни, ганжи,
Бизнинг боғнинг олма, нори, тўринжи,
Бек Ҳамроҳим, сизнинг ерда налар бор?

Ҳамроҳон:

Ҳамро деяр, ранги-рўйим сарғайди,
Ёна-ёна бағрим боши кул бўлди,
Ақлим, ҳушимни Салбиниёз олди,
Бизнинг ерда лаб қўярлар ёноға.

Алқисса, бу сўздин сўнг Саёдхоннинг қаҳри келиб: «Эй, Ҳамро, аввал Салби дер эдинг, энди Салбиниёз дерсан, бу сўзингдан маълум бўлдики, ёринг бор эркан», -деди. Анда Ҳамро ҳам қаҳрланиб: «Салби деганим дараҳтдур», -деди. Анда Саёдхон айди: «Эй Ҳамро, салби дараҳт бўлса саллониб ўтарму? Магар Салбиниёз деган қиз бўлғай», -деди.

Анда Ҳамро қаҳрланиб:

«Эй, Саёдхон манга ҳамиша мункирсан. Эрта баҳор бўлса қибла томондин бир шамол эсар. Шунда дараҳтнинг япроқлари у ён бу ён соллонмасми?», -деди.

Анда Саёдхон: «Энди инондим», -деди.— Эй, Ҳамроҳон, сизнинг юртда яхши саройлардин ва яхши таомлардин нима бордир?», -деди. Анда Ҳамро:

-- Э, Саёдхон, бизни юртимиздагини борини баён қилойин, -деб қўлина созини олиб, юртини таъриф қилиб, яна бир ғазал айди:

Баҳор бўлиб, ёз ойлари келганда,
Гулинда чирмашур қизил, оқлари.
Олмаси, меваси, нори пишганда,
Ўлкаси тўладир, кора боғлари.

Иккинчиидир унинг ар-ари боғи,
Ҳар бир йигитлари асрак, нар боби,
Бек, хонлари кияр зари зарбоби,
Сўфилари кияр яшил, оқлари.

Шахри Бағдодинда экин экилар,
Қатор нар-моялар юка чекилар,
Бекларина турли емиш чекилар,
Ола қовун, bek ҳусайни токлари.

Мармардин уйлари, қубба тошлари,
Кўлинда учишар яшил бошлари,

Оғир дастурхонли нони, ошлари,
Тоза қаймоқлари, гавҳар ёғлари.

Баҳор ўлса яна келур ёзлари,
Кўлинда қўп бўлур қуви, ғозлари.
Узун бўйли, ингичка белли қизлари,
Ҳамронинг жонина Салбли доғлари.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон айди:

-Эй Ҳамроҳон, юртингнинг ҳавосин кўп баланд этдинг. Агар шул сўзларинг рост бўлса, юртингда ўлгунча санинг бирлан даврон сурмакни насиб қилсин деб, -Саёдхоннинг кўнгли очилиб, чаҳ-чаҳ уриб, Озарбайжона кетмоқчи бўлиб, Бону канизга:

--Эй Бону, бор, отамдин икки тилло жабдуқли от кетир, Ҳамроҳон билан шикорга чиқарман,-деди. Маматхон шоҳнинг саройини ораси бирлан Саёдхон чорбоғининг ораси тўрт порсанг йўл эрди. Бону каниз кетгандин сўнг Ҳамроҳон Сайёдхоннинг иқрор бўлғониға хушвақт бўлиб, қўлина созини олиб, марднинг сўзи ҳам, мард бўлур деб бир сўз деди:

Сафоли севдигим, мундин кўчганда,
Кўчингни чекмаққа оқ моя керак,
Базм айлайиб, ол шароблар ичганда,
Ағдарилиб, маст бўлиб оқ моя керак.

Булбул орзу айлар ғунча гуллара,
Кўнгул талвас этар муғон эллара,
Оғир қабилалар, узок йўллара,
Қаторда нар юки, оқ моя керак.

Сабо ўлса, рақиб йўли тўсила,
Устимииздан ёзнинг ели ўсила,
Ғўччоқ эр йигитнинг боши кесила,
Мард ўғли иқрордан дўнмаса керак.

Ҳамро деяр, беш кун сурали даврон,
Бир куни етишар бул ажал фармон,
Саёдхон отингга бўлайин қурбон,
Гўзал, бир сўзиндан оғмаса керак.

Алғараз, Бону каниз бир неча манзиллар йўл юриб Маматхон подшоҳнинг қошиға бориб, таъзим-тавозеъ бирлан салом бериб турди.

Маматхон шоҳ айди:

--Эй Бону, нима арзинг бор? Айтғил,-деди.

Бону каниз:

--Мани Саёдхон бибим юборди. Бориб отамдин икки дона тилла жабдуқли от кетур, шикора чиқарман деб айтур,- деди. Саёдхон Маматхон шоҳнинг якка фарзанди эрди. Подшо ҳамиша Саёдхоннинг сўзини жони дили билан қабул қиласр эрди. Дунёда бўлса, Саёдхоннинг айтгани бўлсин, ман ўлган сўнг мол-хазинам кима қолур?-деб эрди. Шунинг учун Қизилолма бирлан Урганч орасинда бир бўз майдон бор эрди. Кўшки-чорбоғ қилиб, Саёдхонни анда қўйиб, Қизилолма шаҳарини сан сўрағил,-деб эрди. Маматхон подшоҳ қулига:

-Бориб сайисхонадан икки отни эгарлаб олиб кел,-деб буюрди. Қул бориб отларни эгарлаб олиб келди. Андин сўнг Бону каниз отларни бирини миниб, бирини ҳайдаб йўлга равона бўлди. Бону каниз бир неча вақт йўл юриб, Саёдхоннинг ёнига отларни олиб келди. Саёдхон айди:

-Неча йилдин бери канизлар мани хизматимни этиб келдилар. Буларга ўз қўлим билан бир шароб қуйиб берайин деб, чўриларға шароб бериб маст қилди. Саёдхон бирлан Ҳамро бир хуржун тиллони олиб, Ҳамронинг отини сағрисина қўйиб, ўзи ҳам шоҳона либосларини олиб, яна ҳам ўзини эркак либосларини кийиб, иккиси ҳам отға миниб, «Қайдасан Озарбайжон вилояти!», деб бадар кетдилар. Аммо канизларнинг бириси сирларини англаб, шаробни озроқ ичган эрди. Тез ҳушига келиб кўрдики, Саёдхон Ҳамро бирлан қочибди.

Бону каниз бундин кетиб, Маматхон подшоҳга бориб арз қилиб: «Озарбайжон вилоятидин ошиқ Ҳамро деган бир ўғлон келиб, кезиб юруб эрди. Саёдхон бибим шу ўғлон бирлан кетибдур»,-деди. Маматхон подшоҳ дарқаҳр бўлиб, на учун аввал хабар бермадинг,-деб канизни ўлдирмоқчи бўлди. Анда Бону каниз:

-Подшоҳларнинг иши бирлан, гадонинг дахли бўлурми?-деб жавоб берди. Сўнг подшоҳнинг қаҳри босилди. Андин сўнг Маматсўйин сардорни қирқ киши бирлан Саёдхонни изиндин юборди. Саёдхон бирлан Ҳамро бир неча манзилларни қатл қилиб борур эрдилар. Бир тоқقا етишдилар. Саёдхон ул тоғда турмай кетар бўлди. Ҳамро ётмоқчи бўлди. Сўнг дарбандга чиқиб карадилар. Кўрсалар, изларидин чанг пайдо бўлди. Бир Қоратоғ бор эрди, отлилар тиркашиб тоғдин ошабердилар. Саёдхон келиб Ҳамрони уйғотти. Ҳамро ўрнидин туриб қараса бир оз отли келур. Ҳамро ани кўриб ранги заъфарондек сарғайди. Анда Саёдхон Ҳамрога қараб:

-Эй Ҳамрожон, бу тоғларда ғаним қонин тўқмали кундир,-деб савол сўради, Ҳамро жавоб берди.

Сайёдхон: Изимиздин ғаним келиб етишди,
Чопиширмиз, бек Ҳамроҳим на дерсан?
Соқи ажал паймонамиз етишди,
Чопиширмиз, бек Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Изимиздин қўшин қувиб келадир,
Қочишли, жон Саёдим на дерсан?
Ман билмайман булар нечук балодир,

Қочишили, жон Саёдим на дерсан?

Сайёдхон: Сани дейиб кечсам жону саримдин,
Дўғрасалар тебранмийман еримдин,
Кўрқувим кўп, сан чиқарсан алимдин,
Чопишали, бек Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Тўти забон ўлон ширин тиллара,
Қурбон ўлам, тар хиноли қўллара,
Яшилбош сўнадай кўлдин –кўллара,
Учишили, жон Сайёдим, на дерсан.

Сайёдхон:
Бизни элтар хон отамнинг ёнина,
Раҳми келмас ошиқларнинг жонина,
Икки ошиқ бир-бирининг қонина,
Ботишили, жон Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Изимиздин қувлаб келиб тутарлар,
Иккимизни қўлимизни чатарлар,
Мани ўлдираплар сизни сотарлар,
Қочишили, жон Саёдим на дерсан.

Сайёдхон:
Ғаним келса юз дўндиrmай турали,
Маст бўлиб майдонда шўриш қурали,
Тақдир, қисмат надир ҳақдин кўрали,
Чопишали, бек Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Ғанимлар тўп бўлиб келса қошима,
Раҳм этмаслар кўздин оққан ёshima,
Қирқи келиб қилич ураг бошима,
Қочишили, жон Саёдим на дерсан.

Сайёдхон:
Мундин кетар бўлсанг Озарбайжона,
Ёrim, етурмаслар сани макона,
Кел, иккимиз букун кириб майдона,
Довушали, жон Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамрожон:
Ман билмадим улар нечук балодир,
Ҳар наръа чекиши жоним оладир,
Энди мани жоним чиқиб борадир,
Кел қочали, жон Саёдим на дерсан?

Сайёдхон:
Йигит керак савашмакка қаҳрли,
Жавҳар қилич, юза тутган қолқонли,

Икки ошиқ бир рух, бир жон, бир танли,
Олишали, жон Ҳамроҳим на дерсан?

Ҳамроҳон:

Изимиздин етан бир неча золим,
Тақдирим ёмондир, шумдир иқболим,
Санга десам кўнглимдаги хаёлим,
Қочишали, жон Саёдим на дерсан?

Сайёдхон:

Хон Саёд, дер, чиқдим ғаним қастина,
Шароб ичиб, кундин-куннинг мастина,
Ғаним қонин қора тоғнинг устина,
Сочишали, жон Ҳамроҳим, на дерсан?

Ҳамроҳон:

Ман билмадим бу қўшиннинг сонини,
Танимадим султонини, хонини,
Ошиқ Ҳамро деяр, ажал тўнини,
Бичишали, жон Саёдим, на дерсан?

Алгараз, андин сўнг бу сўзни айтишиб, ўзларини бир баландга чекдилар. Маматсўйин сардор йигитларига: «Булар бор эркан, сизлар шу ерда туринглар, ман ўзим бориб хабар олайин, ҳар нечук бўлса ҳам подшоҳзодадир», -деди. Андин сўнг Маматсўйин сардор яқин бориб салом берди. Саёдхон алик олди. Сардор:

--Эй Саёдхон, бу ишинг подшоҳликда кўп қабоҳат ишдур, кел ҳали ҳам қайтғил, -деди. Анда Саёдхон:

--Эй, сардор оғо, энди ҳар нечук бўлса ҳам, бир ўлимни бўйнимға олибман. Ҳарна тақдира тан бердим. Энди манга қайтмоқ бўлмас, -деди. Анда сардор Саёдхонга қараб бир сўз айди:

Илғор этиб чиқдим сенинг изингдин,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?
Зулфларинг товланар, ўтар тизингдин,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Ошиқлиғим билсанг кўпдир, қибоби,
Сийнамда мавж урап ишқинг кабоби,
Хон Саёдим, бергил балли жавоби,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Ғаним бирла тиру камон отишдим,
Фалак бирла нард ўйнадим, утишдим,
Беш юз йигит бирла қувиб етишдим,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Маматсўйин сардор қайнаб тўлмишам,
Сийнам узра чўх савдони солмишам,

Отангни амрини тутиб келмишам,
Хон Саёдим эмди маслаҳат недур?

Анда Саёдхон айди:

--Ҳар нечук бўлса ҳам отам сизни улуғ қилиб юборибдир, ман сизни улуғлаб хуш сўз айтаман,-деб Саёдхон Маматсўйин сардорға қараб хушомад қилиб бир сўз деди:

Санга дерам Маматсўйин сардорим,
Элтма мани жон отамнинг ёнина.
Сан-сан мани ховондорим-хўсторим,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Шохларнинг ёнида тутилсин сўзинг,
Дунёда ёмонлик кўрмасин кўзинг,
Сен менинг отам бўл, мен сенинг қизинг,
Элтма мани хон отамни ёнина.

От олдиға тушиб кетсам пиёда,
Дардим отар кунба-кундин зиёда,
Гул мангзим сўлдириб, қўйма ўёта,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Ўзинг ўлдир, элтма мани золима,
Рахм айлагил манинг ғариб ҳолима,
Отам қолур ошиқларнинг қонина,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Саёдхон дер, чиқдим чорбоғ сайлина,
Учрадим бир дарда, балоға бўйла,
Азалда қисматим, тақдирим шўйла,
Элтма мани хон отамни ёнина.

Алғараз, андин сўнг Маматсўйин сардор:
--Отангдин ўзим гуноҳингни тилаб олайнин,-деди.
Анда Саёдхон:
--Ўқ ёйдин чиққан сўнг, қайтиб келурми?-деди.
Анда Сардор айди:

--Э Саёдхон, бизлар ҳам шунча қўшин бўлиб, сани олиб қайтмасак,-деб дарғазаб бўлди. Саёдхон бирла Ҳамро ўзини бир қароға тортиб, томошани майдонда кўр деб, сардорға қараб бир сўз айди:

Кўйвор мани, ман кетайин йўлима,
Пирдан фотиҳа олдим, йўлим бўш бўлсин.
Савашда бекларинг тушар қўлима,
Истадигим, кўзинг узра ёш бўлсин.
Қаҳримдин қўшининг келар омона,
Тоғда ўқим турмас, кирса камона,
Мундин юрта ошмоқлигинг гумона,
Тушсин ўлим, чош устина чош бўлсин.

Сардор оға ишинг хато қилибсан,
Кўшин чекиб устимида келибсан,
Бошимиза кўп савдолар солибсан,
«Етдим» дейиб, ажаб кўнглинг хуш ўлсин.

Саёдхон дер, сен ҳам жафо сурарсан,
Мард ўлибон майдон узра турарсан,
Тўғри келсанг насибангни кўрарсан,
Аввал мани ўқим санга душ бўлсин.

Алғараз, Саёдхон сўзини тамом қилди, эрса сардор:

--Эй Саёдхон, бу қирқ кишини қириб ўлдириб кета билурмисан?-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Садоғимда саксон дона ўқим бордир, бири хато бўлмас,-деди.

Анда сардор:

--Эй Саёдхон, ҳар нечук бўлса ҳам, сандин бир иш кўриб кетармиз,-деди. Бир маҳрамнинг бир дарбанднинг устина чиқариб ўтириб, бошинда бир олмани қўйиб:

--Эй Сайёдхон, ўқчи бўлсанг бу олмани урғил,-деди. Сайёдхон сари ёйини олиб, «Ё шери дарға, дастгири паноҳ», -деб чекиб юборди. Шул вақт Саёдхонни ўқи олмани ўртасиндин ўтиб, олмани ярми ўқ бирлан кетти, ярми жойинда қолди. Сардор ани қўриб ҳайрон бўлиб:

--Эй йигитлар, муни ҳеч бир важ билан олиб бўлмас, келинг оҳиста қочган номард деб, юртимида эсон-омон ошали,-деди. Андин сўнг Саёдхоннинг ёнига яқин келиб айтди:

-Эй Саёдхон энди мен қаҳримни ташладим. Сен менга меҳрибон экансан деб бир сўз айтди:

Меваси камолга келган паризод,
Читма қошинг озор бермам, кетарман.
Бу ғариб кўнглимни айладинг барбод,
Читма қошинг озор бермам, кетарман.

Сенинг кўнгул мақсадингни этарман,
Кет десанг, изимга қайтиб кетарман.
Бориб Маматхонни дил жам этарман,

Читма қошинг озор бермам, кетарман.

Энди билдим сенсан менга меҳрибон,
Шириң жоним бўлсин йўлингда қурбон,
Кувиб келдим, сени мен энди кўрмон,
Читма қошинг озор бермам, кетарман.

Этган яхшилифинг келди ёдима,
Неча қайта сен етгансан додима,
Товба қилдим, сиёсатим-бодима,
Читма қошинг озор бермам, кетарман.

Маматсуюн Сардор деярлар, мого,
Отангиз ҳукм этиб юбарди сого,
Худо ёринг кетар бўлсанг йўлиго,
Читма қошинг озор бермам, кетарман.

Алғараз сардор сўзини тамом этиб, Саёдхонни ёнина яқин келиб:

--Эй, Сайёдхон, Ҳамрони биз ҳам кўрайли, нечук эркан деди. Анда Сайёдхон Ҳамронинг юзиндин ниқобин олди. Эрса Сардор ани қўриб бехуш бўлиб йиқилди. Маҳрамлар тутиб қолдилар. Сардор ҳушина келиб айди:

--Мундоғ ўғлон онадин туғарми?! Эй Саёдхон, дунёда сан хушвақт бўл, аммо шу ўғлон ўз юртимда бўлса эрди, жиғадек бошима санчар эрдим,-деди.

Яна сардор айди:

--Эй Саёдхон, бу ўғлонни ҳусни зебоси бизларни лол этди.

Анда Саёдхон айди:

--Эй Ҳамроҳон, сардорға бир сухан достон айтиб бер,-деди. Анда Ҳамро қўлина созини олиб, мусофирилик ёдина тушиб, бир сўз деди:

Ошно, билиш, қавму қардош бўлганлар,
Дарда мубталоман, ғариб ерларда,
Бир кулар юзлининг ҳамдамирман,
Умрим зоя кечди ғариб ерларда.

Шум рақиблар йиғилишибон на дерлар,
Сайёдхонним ўзга хаёл этарлар.
Арабдан Ажамга, Табриз кетарлар,
Ўнгинда тўғри йўл, ғариб ерларда.

Қоф тоғи устинда отди каманди,
Чалди зулфиқори, боғлади банди,
Шоҳимардон ўғли, ўнбир фарзанди,
Биза ҳиммат берсин ғариб ерларда.

Ошиқ Ҳамро сўиди гул юзли ёри,
Бир замон кўрмаса йўқдир қарори,

Оламни яратган ул биру бори,
Биза ёрни берсин, гаариб ерларда.

Алқисса, сардор айди:

--Эй Ҳамроҳон, овозинг қулоққа қўп ёқти, яна бир достон айт,-деди.
Эрса Ҳамро пирлардан мадад тилаб бир сўз айди:

Менинг пири Шоҳимардон Алидир,
Эранлар сайлина етандан мадад.
Қаҳр айлаб ҳайбарнинг кулфин қўпориб,
Қасд айлаб, осмона отандан мадад.

Шоҳларнинг сарвари, ошиқлар пири,
Бўлди зулфиқори етти қат ери,
Ўлдурди аждарни, йўқлади шерри,
Ўз-ўзин бозорда сотандан мадад.

Меъроҷда пайғамбар юзугин олан,
Саждада ўлтуруб, олмани бўлан,
Одамдан етти йил илгари бўлан,
Оқ девнинг бармоғин чатандан мадад.

Сув берибон ташналарин қондирган,
Язиднинг алинда шерни ўлдирган,
Жаброилнинг шопарисин синдирган,
Сулаймон қўлини тутандан мадад.

Сабр айла, сен Ҳамро етарсан ёра,
Соҳиби кавсардир, муродинг бера,
Салбиниёз муштоқдур дийдоринг кўра,
Дарвешлик кўйина етандан мадад.

Алғараз, андин сўнг сардор:

--Эй Саёдхон, сизларга йўл қутли бўлсин, бизларга юрт!-деб қўлин
кўтариб, оқ фотиха бериб: «Йўлингизни ҳақ очсин!»-деб сардор лашкари
бирлан қайтиб бир неча манзилларни юриб, Маматхон подшоҳнинг қошига
келдилар.

Подшоҳ:

--Саёдхон қани, келтирмадингизми?-деди. Анда сардор:

--Тақсир, подшоҳим, қўлимиздан ҳеч иш келмади,-деди. Анда подшоҳ
дарқаҳр бўлиб:

--Кирқ киши бўлиб, бир кишини келтира олмадингизми?!-деди. Анда
сардор айди:

--Эй подшоҳи олам, шер боласи ҳам шер эркан, деб бир сўз айди:

Арзимни эшитгил, давлатли хоним,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Ғазаб айлаб, ноҳақ тўқмагин қоним,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Билман, қайси йўла тушиб кетибдур,
Ё кетман, бир ерда буқиб ётибдур,
Ё бўлмаса ўра чўла чиқибдур,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Кеча-кундуз жабр айладим жонима,
Беш юз йигит ҳамроҳ бердинг ёнима,
Бу кун арз этарман, Мамат хонима,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Маматсўйин деяр, келдим зор йифлаб,
Тўрт тарафдин ҳеч топмадим сўроқлаб,
Қирқ кун қувдим, йўлда белимни боғлаб,
Хон Саёдни тутиб ола билмадим.

Подшоҳга бу сўз маъқул бўлиб қаҳри босилди.

Эмди сўзни Саёд бирла Ҳамродин эшитинг. Булар ҳам қўп юриб, оз юриб, Ўжа тоғи деган тоққа етишдилар. Кўрдиларки, Ўжа тоғининг устинда бир марал оҳ чекар эрди, кўрсалар бир оёғига чўп кирибдир. Ҳамронинг унга раҳми келиб бир сўз деди:

Сафар ойининг ўн тўртина, бешина,
Бу тоғда бир марал ёмон зейранди.
Узоқ дейил Ўжа тоғнинг бошинда,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Магар чўлда кезган нечук балодур,
Ҳар нола чекиши, жоним олодур,
Ўз баҳтимдан келган марал бўлодур,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Биз ҳам тушдик шу маралнинг изина,
Чибинлар тушмишдир хумор кўзина,
Ғубор тушмуш шул маралнинг кўзина,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Душманлар жам бўлиб, келса дошина,
Билман, не савдолар тушар бошина,

Қурбон ўлам кўздан оққан ёшина,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Излая-излая бордик изиндин,
Қаро қонлар оқар икки тизиндин,
Пашшалар учишар хумор кўзиндин,
Шу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Бу тоғлардан неча эрлар ўтгандир,
Ўтган эрлар муродига етгандир,
Тебрана билмайин марал ётгандир,
Бу тоғда бир марал ёмон зейранди.

Ошиқ Ҳамро арзин айтар Худоға,
Бу ўтган қунлари бўлибдир зоя,
Тизиндан ошоғи ботибдир лоя,
Чиқа билмай марал ёмон зейранди.

Алқисса, андин сўнг бориб кўрдиларки, бир шер йиқилиб ётибдир. Эса Ҳамро шернинг оёғидин чўпни тортиб олди. Шер ериндин туриб, таъзим қилиб, буларни олдиға тушиб, уч кеча, уч кундуз йўлбошчи бўлди. Саёдхон айди:

--Эй Ҳамрожон, жониворга ҳамроҳ бўлмак қўп хатардир, ким билсин, уни эли бўлмаса. Бир вақт бизни тўпина элтиб қўяжақдир, бунинг изиндин қолали,- деди. Шунда Ҳамро хам уни маъқуллаб бир сўз айди:

Саёдхоним қулоқ солғил сўзима,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.
Бу жонивор ек кўринар кўзима,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Йўл юрисак, мундин қолиб борали,
Ҳар на қисмат бўлса, ҳақдин кўрали,
Талашиб, тортишиб даврон сурали,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Магар бизни элтар хатарли жоя,
Кўплашиб, бизларни этарлар зоя,
Юзингни мангзатдим бир тўлин оя,
Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Ҳамро деяр бунинг бирла юрманам,
Ёбон жониворни ҳаргиз кўрманам,
Эй Саёдхонам, ёмон ерда турманам,

Ҳар ким ўз йўлина кетгани яхши.

Алғараз, Ҳамро сўзини тамом этгандин сўнг, шердан айрилиб йўллариға равона бўлдилар. Сўнг шерни ўз йўлина юбордилар. Чўл-биёбонға уриб кетти. Сўнгра Саёдхон бирлан Ҳамро борар эрдилар, баногоҳ қибла тарафдин бир шамол эси, еру кўк ҳеч маълум бўлмади. Охир, отдан тушиб ётдилар. Баногоҳ от оёғининг овози эшитилди. Кўрсалар, бир бўлак отли етиб келди, тишиндан ўзга оқ ери йўқдир. Булар барзанги эдилар. Одам гўштини еб овқат қилур эрдилар. Барзангилар Саёдхон бирлан Ҳамрони тутиб олиб, қўлларини боғлаб юрий бердилар. Ҳамро кўзини очиб қараса, Саёдхон бирлан ўзини кўли боғлидир, кўзина ер-кўк билинмай қоронғу бўлди. Ҳамро кўрса, Саёдхон йиғлайдир. Ҳамронинг бошина қиёмат бўлғандек бўлиб, Саёдхонни юзина қараб, зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Ётар эрдик, барзангилар тўкилди,
Йиғла, ёrim, охир замон бўлгандир.
Бизни кўриб, ойлар, кунлар тутилди,
Йиғла, Саёд, охир замон бўлгандир.

Бир тош эдим, тоғдин-тоққа отилдим,
Фалак бирлан нард ўйнадим, ютилдим,
Ман найлайин ғофилликда тутилдим,
Йиғла, Саёд, охир замон бўлгандир.

Нозик қўллар орқамиза чотилди,
Сизни, бизни кўриб кунлар тутилди,
Соқи-ажал бодамиза отилди,
Йиғла, ёrim, охир замон бўлгандир.

Барзангилар ўлтурмакка чоғлади,
Хижрон бирлан юрак бағрим доғлади,
Ман найлайин, нозик қўлим боғлади,
Йиғла, ёrim, охир замон бўлгандир.

Арчали, гиёли тоғлардан ошдим,
Шум фалакнинг савдосина соташдим,
Ошиқ Ҳамро деяр, йўлдин адашдим,
Йиғла, ёrim, охир замон бўлгандир.

Алғараз, барзангилар буларни қалъалариға элтиб, жаллодни қичқирдилар. Бир жаллод пичноқни қўлина олиб, келди. Барзангилар:

--Бу ўғлонни сўйиб, кабоб қилиб келтир,-дедилар.

Саёдхонни жамолини кўриб: «Бонуни соқийбардор қилурмиз», -деб қўйдилар. Шул вақт Ҳамро дўланиб бир қаради, кўрса Саёдхоннинг кўзидин ёш оқадир.

Ҳамрони жаллодлар ўлдирмакка олиб кета бошладилар.

Ҳамронинг кўнглида ором –қарори қолмай, Саёдхонга қараб бир сўз деди:

Фалак биза жабру ситам айлади,
Айролик дардидин бағрим тор ўлмас.
Оллонинг ғазаби келди бошима,
Манингдек ҳеч ерда шармисор ўлмас.

Налар кездим дали-девона бўлиб,
Ғам бирлан куйингда сарғайиб, сўлиб,
Нозик, оқ қўлларинг бўйнима солиб,
Фалакнинг ишина эътибор ўлмас.
Биза бу кун солди доғи ҳижронни,
Энди мен найлайнин молу дунёни,
Пирим Шохимардон Тангри арслони,
Қаҳри келиб, бугун мададкор ўлмас.

Фалак бизга ёмон кунлар соландир,
Икки қаро қўзим гирён ўландир,
Иккимиза охир замон бўландир,
Фалакнинг ишина эътибор ўлмас.

Ҳамро дер дунёда қолди армоним,
Тоқатим қолмади, танда дармоним,
Дунёда сан соғ бўл эй, Саёдхоним,
Ҳақ суйган бандаси асло хор ўлмас!

Алқисса, андин сўнг жаллод Ҳамрони олиб юрий берди. Ҳамронинг қўл-оёғини боғлаб, бўғзина пичноқ қўёр бўлди. Ҳамро тақдирига тан бериб, қазоға рози бўлиб кўзини юмди.

Жаллод:

-Ўлдирмасдин аввал ман сандин бир оғиз сўз сўрарман, асли зодингни баён қил-деди. Ҳамро зор-зор йиглаб ўзини тоққа, тошга уриб, ётғон еринда бир сўз айди:

Севар ёрни кўрмаклик қийин ўлди,
Дўст қайсидур, душман қайси билмадим.
Ёлғиз бошим шум рақиба син ўлди,
Кулмак қайси, гирён қайси билмадим.

Ногаҳондин тушдим занги қўлина,
Хазонлар тушмишдир умрим гулина,
Ман душманам бу золимлар тилина,
Нурбат қайси, омон қайси билмадим.

Эй йигит, эшитсанг менинг сўзимни,

Ақлу ҳушим кетмиш, билмай ўзимни.
Ғубор тутмиш менинг қора кўзимни,
Замин қайси, замон қайси билмадим.
Хазона гирифтор қирмизи гулам,
Саҳроларда битган савсон-сумбулам,
Ёриндин айрилган ғариб булбулам,
Гулшан қайси, бўстон қайси билмадим.

Масканимдир Озарбайжон тоғлари
Қаҳбо фалак этди юрак ёғлари,
Бир булбулам, хазон урди боғлари,
Нола қайси, фифон қайси билмадим.

Ман келмишам Қизилолма шаҳридин,
Ўзим билмам, ҳар сўз чиқар тилимдин,
Айро тушдим, ватанимдин-элимдин.
Манзил қайси, макон қайси билмадим.

Ошиқ Ҳамро дерлар сўрасанг мани,
Одам дейиб гумон айларам сани,
Бераҳм зангилар ўлдирап мани,
Яхши қайси, ёмон қайси билмадим.

Алғараз, бу сўзни эшитган сўнг жаллод келиб Ҳамронинг қўлини ечди.
Ҳамро туриб қаради, жаллод барзангиларга ўхшамайди.

Ҳамро:

-Эй жаллод, сан одамизодга ўхшарсан, деди. Жаллоднинг қўхна дарди
кўзғалиб, бошидин ўтганини баён қилиб бир сўз деди:

Ман санга айтайин гул юзли шоҳим,
Фалакнинг алиндин бандивон ўлдим,
Насибам, қисматим, шумдир иқболим,
Золимлар қўлинда бандивон ўлдим.

Ўн тўрт золим изимиздин еттилар,
Ётган ерда қўл-оёқни чоттилар,
Олтимизни тирик кабоб эттилар,
Золимлар қўлинда бандивон ўлдим.

Гашт этиб кезардим, тоғ ила дузи,
Телмуриб йўлларда қолгандир кўзи,
Биби Салбиниёз юборди бизи,
Топмайин дарагин, саргардон ўлдим.

Мани сўрсанг Озарбайжон элидин,
Чаманлар ичинда тоза гулидин,

Беклардин бирининг сўзлар тилидин,
Зангилар қўлинда бандивон ўлдим.

Ошиқ Ниёз айтар фалак нетибdir?
Гул мангзим саргайib, рангим йитибdir,
Салбиниёз ошиқи-Ҳамро кетибдур,
Ман анинг изинда саргардон ўлдим.

Алғараз ошиқ Ниёз сўзини тамом этди, Ошиқ Ниёз Озарбайжонда қирқ йигитнинг боши эрди. Ани Салбиниёз етти кишига бош қилиб Ҳамрони топиб келиш учун юбориб эрди. Аммо буларни ҳам барзангилар тутиб олиб, олтисини кабоб қилиб еб эрдилар. Ошиқ Ниёзни жаллод қилиб қўйиб эрдилар. Ҳамро бирлан ошиқ Ниёз танишиб кўришдилар. Ошиқ Ниёз:

-Эй Ҳамрожон, бу золимларнинг қўлига нечук тушдинг?-деб бир сўз деди:

Узоқ йўлдан қелган отлик шунқорим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?
Сансан манинг хавондорим-хўсторим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Фалак биза жабру ситам этибdir,
Айрилиқ ханжари жондан ўтибdir,
Соқи ажал келиб маҳкам тутибdir,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Бир тоза гул эрдим, сўлдим, хор ўлдим,
Золимлар қўлинда гирифтор ўлдим,
Жамолингни бир кўрмакка зор ўлдим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Ғамдин қутилмади қайғули бошим,
Кеча-кундуз оқар кўзимдин ёшим,
Туркманинг элиндин келган қардошим,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Ошиқ Ниёз айтар, бизни қўйдилар,
Олтимизни кабоб қилиб едилар,
Тандин бошин олиб, кўзин ўйдилар,
Нечук тушдинг одамхўрнинг қўлина?

Алғараз, Ҳамро ҳам бошидин ўтганин баён қилиб, зор-зор йиглаб бир сўз деди:

Дарё каби тўлиб-тошиб,
Туганмас савдоға тушдим.
Баланд-баланд тоғлар ошиб,
Минг турли балоға тушдим.

Ошиқ бўлдим Саёдхона,
Налар чекдим ёна-ёна,
Келиб тушдим чўл Муғона,
Чўлдан чўлистона тушдим.

Бир парига кўнгул бердим,
Айш ила ишратни кўрдим,
Неча вақтлар даврон сурдим,
Чамандин чорбоға тушдим.

Фалак жабрин солди сара,
Ёпишдик эрлара, пира,
Йўлдош бўлиб якка шера,
Ғам билан ҳижрона тушдим.

Қутилмадим доғ-ҳижрондин,
Айрилдим манзил-макондин,
Жудо бўлиб Салбижондин,
Манн бугун зиндана тушдим.

Шум насибам анда элтиб,
Кунба-кундин дардим ортиб,
Тақдирим-қисматим тортиб,
Билмайин тузока тушдим.

Ҳамро деяр, гулим сўлди,
Фалак биза ситам қилди,
Шум ажалим шунда тўлди,
Ман шўйла балоға тушдим.

Алқисса, андин сўнг ошиқ Ниёз аиди:

-Эй Ҳамрожон, санинг ўлмаслигингга бир сабаб бўла билсан, бўлайн деб,-барзангиларга бориб аиди:

-Эй барзангилар, у одам кўп ориқ эркан, андин оғзимиз маза топмас,-деди.

Анда барзангилар айдилар:

-Андоқ бўлса ани боқғил, семиз бўлсин, қўхна гўшдин кабоб этиб кетир,-дедилар.

Ошиқ Ниёз қассоб, қўхна гўштдин кабоб қилиб берди. Барзангилар еб, шароб ичиб, маст бўлиб, овға кетдилар. Саёдхон бирлан Ҳамро калитни

олиб, хазина эшигини очиб, ахтариб, бир уйдин ароқ топдилар, яна бир уйдин икки дона олмос қилич топдилар. Қилични яшириб қўйдилар. Аммо ароқнинг ичина бехуш доросини сепиб қўйдилар. Барзангилар овдан келдилар.

Саёдхон келтириб уларга ароқ берди. Барзангилар ароқни ичиб, ҳаммаси бехуш бўлиб йиқилдилар. Ниёз қассоб, Ҳамро ҳар қайсиси бир отга миниб қочар бўлдилар. Анда Саёдхон:

-Ман буларнинг бошини кесмасдан кетмасман,-деб қўлиға қилич олиб, қирқисини ҳам калласини кесиб, оёқ учинда қўйиб, хазинасини ахтариб, Ҳамронинг отасини заррин камарини топдилар. Андин билдиларки, Ошиқ Аҳмадни ҳам барзангилар еб эркан, деб гумон қилдилар. Андин сўнг Саёдхон, Ҳамро, Ниёз қассоб учковлари йўлға равона бўлдилар. Аммо, Ниёз қассоб бечорани қазоси етиб, йўлда ўлди. Саёдхон бирлан Ҳамро унинг жасадини дафн қилдилар, андин сўнг йўлга равона бўлдилар. Саёдхон бирлан Ҳамронинг устидин бир бўлак турна дур этиб учиб ўтаберди. Ҳамронинг ёдига Салбиниёз тушиб, Салбиниёзга саломнома кўндариб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, бир ғазал аиди:

Кўча-кўч айлади Бағдод элина,
Кўчинг бўлак-бўлак бўлинди турнам.
Сани, мани яратганнинг ишқина,
Салбима бир хабарим бер энди, турнам.

Ман билурман, Рум элиндин келурсиз,
Сайраб-сайраб ҳар тилларни билурсиз.
Мендин жон Салбима хабар берурсиз,
Тўғрича хабарим бер энди, турнам.

Терар эрдим ғунчасидин-гулиндин,
Қучар эрдим ёрнинг нозик белиндин,
Бемуруват қаҳбо фалак алиндин,
Бағрим шона-шона тилинди турнам.

Бир қул эрдим, чақиурман оллони,
Ғарип кулинг, раҳм айлагин гумроҳни,
Салбима тезликда етир Ҳамрони,
Айрилиқ қўтарди бил энди, турнам.

Алғараз, бу сўз Саёдхоннинг кўнглина малол тушиб, отининг бошини чекиб турди. Ҳамро Саёдхоннинг кўнгли малол бўлганин билиб, анга ёлбориб бир сўз аиди:

Арзимни эшитгил севгили ёrim,
Кун-кундин аҳволим баттар кўзингдин,
Ишқингда қолмади номусим-орим,
Шунча жабр айладинг етар кўзингдин.

Мен санинг ишқингдин келиман дода,
Жабр этмагин бўйла ўтар дунёда,
Жоду кўзинг мангзатмишам жаллода,
Мужгон тифи жондин ўтар кўзингдин.

Қарорим йўқ, кўрсам каро кўзингни,
Дунё хирожина берман ўзингни,
Маълул бўлиб, каса тортма юзингни,
Кел эмди ниқобинг кўтар кўзингдин.

Арзи-ҳолим айтдим достон боғлайиб,
Шод бўлмадим сандин кўнгил чоғлайиб,
Фироқингда кечакундуз йиғлайиб,
Бир кун оҳим сени тутар кўзингдин.

Ҳамро деяр, ортди оху-фиғоним,
Симобдай бекарор бу танда жоним,
Сандин бир тилагим эй Саёдхоним,
Қайғу-ла ҳасратни кўтар кўзингдин.

Алғараз Ҳамро сўзини тамом этгандин сўнг:
-Эй Саёдхон, бир сандин бошқа ёрим бўлмас,- деди. Аммо Саёдхон тебранмади. Саёдхонни белинда икки юзли ханжари бор эрди. Ҳамро ул ханжарни суғуриб Саёдхоннинг қўлина бериб айди:
-Эй Саёдхон мундоқ турғондин кўра бу ханжар бирла мани ўлтири,-деди.
Анда Саёдхон ҳеч дам урмади. Сўнг Ҳамро Саёдхонга қараб бир сўз деди:

Икки тилли ҳаржойини қўлиндин,
Алиф қаддим дол ўлмали замондир.
Қадам қўйсанг яратганни ишқина,
Сийнам усти йўл ўлмали замондир.

Мани нечун ёвуз куна соларсан,
Ханжар олиб қора бағрим тиларсан,
Не сабабдин қаҳр айлайиб келарсан,
Гўзаллара қул ўлмали замондир.

Севдигим юзингни дўндирма мандин,
Қурбонинг бўлайин айрилмам сандин,
Жасадим бўш қолиб, жон чиқса тандин,
Қури гавда бўш қолмали замондир.

Ошиқ Ҳамро ёрин севмиш жон била,
На хадди бор, қул танишса хон била,
Кес бошимни ханжарингни қон айла,

Бармоқларинг ол ўлмали замондир.

Алқисса, андин сўнг Саёдхонни кўнгли боғ-боғ очилиб, ўпишиб, талашиб йўлга тушдилар. Бир неча манзилларни тай қилиб, Озарбайжон вилоятининг бир қирасиндин келдилар. Эрса Салбиниёзжонни инжуси узилган ерга етдилар. Ҳамро ул ерни кўриб, йиғлади.

Анда Саёдхон айди:

-Эй Ҳамрожон, на жин урди, бу ерга келиб йиғларсан?-деди.

Анда Ҳамро йиғлаганин баён қилиб бир ғазал айди:

Олмасина тош отдиғим нозли ёр,
Отдиғим ёдима тушар, йиғларам.
Қўл узатиб ёр мамасин тутдиғим,
Тутдиғим ёдима тушар, йиғларам.

Макканинг олдинда меҳроби минбар,
Алининг олдинда юриди қамбар,
Сочиго септиғим мешк ила анбар,
Севдигим ёдима тушар, йиғларам.

Булбулли, чаманли, бўстонли боғлар,
Салбиниёз сайдиб мевасин овлар,
Ёр бирлан бодалар ичдигим чоғлар,
Ичдигим ёдима тушар, йиғларам.

Сан халифа бўлсанг, ман бўлам толиб,
Жон чиқиб жасаддин, гавда бўш қолиб,
Салбиниёз боғинда қолди мўнғайиб,
Қолдиги ёдима тушар, йиғларам.

Лайли киби Мажнунини йитириб,
Қодир мавлон ҳар мақсадда етириб,
Суяр ёрим қаро зулфин кўтариб,
Ўпдигим ёдима тушар, йиғларам.

Ҳамро деяр, жон жасаддин узилди,
Қора бағрим сув бўлибон эзилди,
Ўйнар эрдик, ёр инжуси узулди,
Уздигим ёдима тушар, йиғларам.

Алгараз, Саёдхонга Ҳамронинг ёри бор эркани аниқ маълум бўлди.

Саёдхон:

-Бир юртдин бир юртга келиб, иккининг бири бўлғонимдин, чўлларда ўлиб кетганим яхшироқ,-деб,- кел қўнглим, бу бевафодин дўн, деб ўз-ўзига ўгит бериб бир сўз деди:

Кел қўнглим, мен сенга ўгит берайин,

Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.
Қисматим на бўлса ани кўрайин,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Чин гулни сақласанг минг йилда сўлмас,
Бевафонинг ҳаргиз иқори бўлмас.

Балки дерам: киши ёри ёр бўлмас,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Ғўч йигитлар бор зотини бор айлар,
Муханнаслар кенг жаҳонни тор айлар,
Бевафога кўнгил берсанг хор айлар,
Кўнгли бошқа бевафодин дўн кўнглим.

Ёрим сен деб, ерда қўймадим сўзинг,
Сен учун сўлдирдим отамнинг юзин,
Бевафонинг оздир ўйдирсанг кўзин,
Иқори йўқ бевафодин дўн кўнглим.

Асли бевафодин бу кўнглим кечди,
Ишратнинг қушлари осмона учди,
Бошқа ёрим йўқ деб қасамлар ичди,
Икки тили бевафодин дўн кўнглим.

Налар чекдим бевафонинг ранжини,
Рақиблар эммасин лабим қандини,
Эшит энди Саёдхоннинг пандини,
Икки тилли бевафодин дўн кўнглим.

Алғараз Саёдхон сўзини тамом этиб, Ҳамронинг икки юзламалигидин маълул бўлиб яна бир сўз айтди:

Эй ёронлар бевофонинг,
Сўзи иқори, бўлурму?
Ўз уйинда вада бериб,
Сўнг дўнмак ори бўлурму?

Гоҳи йиглаб, гоҳ кулмаган,
Ёрнинг қадрини билмаган,
Қатъий иқори бўлмаган,
Ёр эътибори бўлурму.

Жилва қилиб, қош қоққаннинг ,
Жонимни ўтга ёққаннинг,
Хар кимсага бир бокқаннинг,

Маълум қарори бўлурму.

Кессам бошим, тўксам қоним,
Юз фидо айласам жоним,
Саёдхон дер, бевафонинг,
Вада иқори бўлурму?

Алғараз, андин сўнг Саёдхон сўзини тамом қилиб, айди:

-Эй Ҳамроҳон, ҳарна яхши-ёмон сўз айтишдик- рози бўл. Сани омон-эсон юртингга қовуштиридик, энди санга юрт қутли бўлсин, бизга йўл,-деб, отининг бошини қайтариб бадар кетти. Ҳамро ҳазил гумон қилиб қараб турди. Саёдхон борҳо орани очиб борадир. Ҳамро қўлина созини олиб, баланд овоз бирлан бир сўз деди:

Соллонғонда сижут энар қошингга,
Сан қаён борурсан, дўн қиз, қайт энди.
Дўнам зулфларингга, қурбон бошингга,
Биза ноз айлама, дўн қиз қайт энди.

Олисдин келмишам манзилдин-йўлдин,
Яшилбош сўналар уркишар кўлдин,
Ўпам ёноқларинг, қирмизи гулдин,
Тилинди юрагим, дўн қиз, қайт энди.

Сўна кимин дол гарданинг қолдирма,
Ҳар етар-етмаса сирринг билдирма,
Дўстингни йиглатиб, душман кулдирма,
Салотин гарданлим, дўн қиз, қайт энди.

Кўнглингга кетарма фикри-хаёли,
Садқа саринг бўлсин, дунёнинг моли,
Ҳамроҳонни сансан вафоли ёри,
Қадаминг дийдама, дўн қиз, қайт энди.

Алғараз, Саёдхон отига қамчи уриб, ораси дош бўлиб кўринмас бўлди. Эрса Ошиқ Ҳамронинг юраги ҳавл этиб, Саёдхоннинг кетган йўлини қараб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз деди:

Ҳар сахарлар ман саринга дўндингим,
Кетти Саёдхоним кўринмас бўлди.
Ҳилол қошларина сижут индиран,
Саёдхоним кетти, кўринмас бўлди.

Сенинг бирлан бир мақсада етмадим,
Қўл узатиб олмаларинг тутмадим,
Армон қолди мен орқайин ётмадим,
Кетди Саёдхоним кўринмас бўлди.

Қаҳбо фалак оғу қотди оshima,
Раҳм этмади кўздан оққан ёshima,
Ўз тилимдин бало келди бошима,
Кетди Сайёдхоним кўринмас бўлди.

Ҳамро деяр ақли хушим олдирдим,
Ғалат этиб, ёра сирим билдирдим,
Ман алимдан Саёдхоним олдирдим,
Кетди Саёдхоним кўринмас бўлди.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни айтиб, Саёдхоннинг изини излаб борур эрди,
Ҳамронинг олдидин бир бўлак овчи чиқди. Улар Ҳамродин:

-Эй йигит, баҳшимисан, ё созандамисан?-деб сўрадилар. Анда Ҳамро ошиқлиғини баён қилиб бир сўз деди:

Оға беклар тарлон қушим қочирдим,
Соғ алимдин сўл алима олинча.
Нозли ёрнинг қурбониям, қулиям,
Ал айирман этагиндин ўлинча.

Қурбон ўлам нозли ёрнинг тилина,
Тер қуйилмиш гарданина, белина,
Бир гул бердим Саёдхоннинг қўлина,
Жоним чиқар, гулим андин олинча.

Ман қўрқарам қаҳбо фалак алиндин,
Айролиқни баттар билдим ўлимдин.
Бир булбулам жудо тушдим гулимдин,
Қарорим йўқ, гулим қўлға солинча.

Ўзи шунқор, оғалари бек эди,
Биза берган насиҳати ег эди,
Лутф айлайиб, бўйним узса ег эди,
Тарк айлайиб, мани кўздин солинча.

Ҳамро деяр, этган аҳдим бузилди,
Қора бағрим сув бўлибон эзилди,
Вақтим етиб жон жасаддин узилди,
Қарорим йўқ, нозли ёрим келинча.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилиб, Саёдхоннинг отининг изини олиб равона бўлди. Эрса Саёдхон Ҳамродин айрилиб, бар дарбандга чиқди. Кўрса дарбанднинг қибла тарафинда бир курен кўп ўба бор эрди, ул

туркман ўбаси эрди. Саёдхон шул ўбага борди. Ул ўбада бир мажлис борур эрди. Саёдхон ул мажлисга кирди. Мажлис ёронлари «Оттутали», -деб югурдилар. Саёдхонни зулфи белина тушар эрди. Билдиларки, қиз эркан. Эрса қиз-келинлар келиб Саёдхонни отини тутиб туширдилар. Саёдхон мажлисона га бориб қиз -келинлар орасида ўтиради. Қиз-келинлар Саёдхоннинг гўзаллигига ҳайрон қолдилар.

Энди хабарни Ҳамродан эшитинг. Ҳамро Саёдхоннинг изидан излаб келур эрди. Бир кучли ел туриб Саёдхоннинг изи ҳам ўчиб кетди. Ҳамро шошилиб борур эрди. Кўрса олдида уч ўғлон кўз бойлоқчи ўйнаб ўлтирибдилар. Улар Ҳамрони кўриб салом бердилар. Ҳамро аларнинг отларини сўради. Бири айтди, менинг отим Губожик, иккинчиси айтди отим Оложик, учинчиси айтди, отим Ёхтилик. Ўғлонларнинг учиси ҳам кал эрдилар. Ҳамро бу ўғлонлардан ёрини сўраб бир сўз айтди:

Боши тўла қирмиз каллар,
Менинг ёrim кўрдингизми.
Бўйи букр сийрак таллар
Менинг ёrim кўрдингизми.

Ҳар бирингизнинг бошингда,
Барча чивинлар дошинда,
Мен келибтурман, қошиго,
Менинг ёrim кўрдингизми.

Баринг эгни бошинг йиртиқ,
Кўзингиз ғилай ҳам тиртиқ,
Ўғлон халқи **бўлар тортиқ**,
Менинг ёrim кўрдингизми.

Манглойингиздан қон оқар,
Бошингизнинг усти **соқор**,
Ошиқ Ҳамро сизга боқар,
Менинг ёrim кўрдингизми.

Ҳамро сўзини тамом қилди. Анда ўғлонлар айтдилар:

-Ўбомизда темирчи Ҳасан деганинг тўйи бор. Анда келган кетганлар жуда кўп, биз ёрингизни кўрмадик, дедилар. Ҳамро аларга бир оз пул берди. Ўғлонлар Ҳамронининг олдига тушиб тўй уйига олиб бордилар. Тўй эгалари Ҳамрони отдин тушириб кўрпача устига ўтқаздилар. Андин йўл бўлсин сўрадилар. Шунда Ҳамро зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Тўра тушан, оч қарчифай боқишлим,
Қайда мени қора кўзим кўринмас.
Ширин жоним ишқ ўтина яқишлим,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Ул ҳаводин учон лочин мейналим,

Овени олдирон туйғун сийналим,
Үн бармоғи бўғин-бўғин хинолим,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Ўтирганда зулфин ера тегдирган,
Турганда қулпоғин белга ўраган,
Ўзи бўз боламан талпиниб турган,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Ҳамрожоннинг шопариси қочганда,
Тошнинг раҳми келмас ёшин сочганда,
Парим «Лаббай» дебон оғзин очганда,
Қайда менинг қора кўзлим, кўринмас?.

Алқисса, Ҳамро бу сўзни тамом қилди. Унинг сўзини эшишиб мажлисхонадин узун бўйли, оқ юзли бир келин чиқди. Нима сўзлаб турибсан?-деб, қўлига бир таёқ олиб Ҳамронинг бошига ҳавола бўлди. Анда Ҳамро ул келиннинг жамолини кўриб, хушомад қилиб, бир сўз деди:

Қурбон ўлам, зулфларининг торина,
Сарим қурбон тоза келган нов гула.
Оқ юзинда жўра-жўра холина,
Бошим қурбон тоза келган нов гула.

Билмам на савдоға солди бошимни,
Оллодин тиларман кўнгул хушимни,
Учурдим қўлимдин шунқор қушимни,
Жоним қурбон тоза келган нов гула.

Оға беклар, борми менингдек бўлган,
Богин хазон уриб, япроғи сўлган?
Ёриндин айрилиб телмуриб қолган,
Сарим қурбон тоза келган нов гула.

Анга фидо бўлсин бу ширин жоним,
Йўлинда сарф бўлсин бу хону моним,
Саёдхондир, манинг дину-имоним,
Бошим қурбон тоза келган нов гула.

Ҳамрожон дер, дали девона бўлдим,
Бир тоза гул эдим, сўлдимхор ўлдим,
Саргардони бўлиб термулиб қолдим,
Жоним қурбон тоза келган нов гула.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом этди. Саёдхон бу сўзни эшишиб ичкаридан бир қаҳ-қаҳ уриб кулди. Ҳамронинг сийнасида тоби тоқати қолмай, бир ғазал айди:

Курбонинг бўлайин вафоли ёрим,
Юзинг оч, кўрмакка кўп ҳавасим бор.
Юзи гулғунчадай сафоли ёрим,
Кўзинг оч, кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Кел кетайли бу ерлардин **саро-сар**,
Сиёҳ зулфинг дол гардана сарба-сар,
Лабларининг шириндир мисоли кавсар,
Оқ юзинг кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Хумоя мангзатдим қора кўзингни,
Эшитарман ширин-ширин сўзингни,
Бир баҳона билан кўрсат юзингни,
Гул юзинг кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Ҳамро ошиқ шифо тилар ранжина,
Жон қуши меҳмондир кўнгул ганжина,
Дастим тана этар кўксинг ганжина,
Оқ юзинг кўрмакка кўп ҳавасим бор.

Алгараз, Ҳамро сўзини тамом этди. Тўй аҳли билдиларки, булар бир-бирина ошиқ-маъшук эрканлар. Сўнг унга обу-таом келтиридилар. Аммо Саёдхон: «Лаббайк-лаббайк», деб ичкарида қўбуз чолур эрди. Ҳамро ани эшишиб, сийнасинда сабру қарори қолмади. Мажлис аҳлининг бир тарафинда ёш йигитлар, бир тарафинда қиз-келинлар ўтирад эрди. Ҳамро Саёдхон жамолини кўриб бир байт ўқиди:

Гул юзли севдигим ман санга дерман,
Қолмишам ман қайғу ғамлар ичинда.

Бу ғариб жонима бўлмадинг ҳамдам,
Бир чашми гирёнам намлар ичинда.

Соқийнинг қўлиндин бода сунарам,
Ўлмагунча сандин қачон дўнарам.
Кечалар туташиб, кундуз ёнарам,
Сани кўрсам номаҳрамлар ичинда.

Қоф тоғи устинда қорини кўрдим,
Жаннатнинг ичида ҳурини курдим.
Оқ кўксинда қўша норини кўрдим,
Ўхшатмишам гул-шабнамлар ичинда.

Ҳақиқат ишқ йўлини тут эмди, Ҳамро,
Ошиқлик шарбатин ич эмди, Ҳамро
Бу бевафо ёрдин кеч эмди Ҳамро,
Сен оҳ чекиб бу ҳамдамлар ичинда.

Алқисса, андин сўнг қиз-келинлар йиғилиб, Саёдхонга: «Андоғ бўлманг, бундай бўлманг», -деб насиҳат қилдилар.

Эрса Саёдхоннинг кўнгли бир оз очилиб юзиндин ниқобни олди. Андин сўнг Саёдхон бирлан Ҳамро иккилари қўшилиб кетар бўлдилар. Эрса Новгул деган бир келин «Сизларга кам хизмат бўлдик», -деб, бир узук, бир ёвлик чиқариб берди. Саёдхон бирлан Ҳамрони узатиб юбордилар. Саёдхон бир оз юргандан кейин Ҳамрога ўғринча кўз ташлади. Буни сезган Ҳамро унга илтижо қилиб бир сўз айтди:

Саринга дўнайин гул юзли ёrim,
Нечун ўзинг биздин пинҳон айларсан,
Сендин ўзга йўқдир менинг дилдорим,
Нечун ўзинг биздин пинҳон айларсан.

Ақлим ҳайрон этиб мендин кечмагил,
Айрилиқнинг оғусини ичмагил,
Оқ юзингдин ниқобингни очмагил,
Нечун ўзинг биздин пинҳон айларсан,

Оқ қучогинг мисли Эрам боғидир,
Даврон сурсанг, айни даврон чоғидир.
Қиз ўғлона, ҳар бир нарса ёғидир,
Нечун ўзинг биздин пинҳон айларсан,

Ҳамро деяр, менинг сўзим олмадинг,
Менга меҳру муҳаббатинг солмадинг,
Неча манзил бирла, юрдинг қолмадинг,
Нечун ўзинг биздин пинҳон айларсан,
Алғараз, Ҳамро сўзини тамом этди. Саёдхон юзидин ниқобини кўтарди. Аммо бироз маълул бўлиб турди. Эрса Ҳамро Саёдхонга қараб яна бир сўз айтди:

Нозли дилбар, менга мунча ноз этма,
Сен ҳам севсанг, мен ҳам севарам сени,
Севар бўлсанг, муҳаббатни оз этма,
Сен ҳам севсанг, мен ҳам севарам сени,

Ҳажим сенсан, сендан ўзга ҳажим йўқ,
Сендан ўзга достоним йўқ, важим йўқ,
Султон эдим, бугун бошда тожим йўқ,
Сен ҳам севсанг, мен ҳам севарам сени,

Нозлим сенинг билмам кўнглинг тошдандир,
Ёқам чириклиги қўзим ёшдандир,
Муҳаббат деганинг икки бошдандир,
Сен ҳам севсанг, мен ҳам севарам сени,

Ҳамроҳингдан эшит балли жавоби,
Ҳеч ерда teng бўлмас, от била ёби,
Сендан айрилмасин, фалак кибоби,
Сен ҳам севсанг, мен ҳам севарам сени,
Алғараз, Ҳамро сўзини тамом этди. Саёдхон юзидин ниқобини кўтарди.
Андин сўнг Саёдхоннинг кўнгли очилиб хушвақт бўлди. Юзи мисли ўнтўрт
кечалик ойдек шула солди. Ҳамро билан қўшилиб кетар бўлди. Эрса темирчи
Ҳасан бош бўлиб аёл эркак Саёдхон билан Ҳамрони узатиб юбордилар.
Ҳамро уларга қараб бир сўз деди, темирчи Ҳасан ҳам жавоб берди:

Ҳамро: Улуғ, кичик ҳалойиклар,
Фотиха бериб қолинг эмди.
Хўжа, сайид, машойихлар,
Фотиха бериб қолинг эмди.

Ҳасан: Меҳмон бўлган шоҳнинг ўғли,
Сизни Жаббора топширдим,
Бизни қўйдинг сийна доғли,
Сизни Жаббора топширдим.

Ҳамро: Йўллар тушмас устимиздин,
Ғаним йиғлар дастимиздин,
Айрилмасмиз дўстимиздин,
Фотиха бериб қолинг эмди.

Ҳасан: Мунда келиб кўп турмадинг,
Ўтириб сухбат қурмадинг,
Бизлардин иззат кўрмадинг,
Сизни Жаббора топширдим.

Ҳамро: Биз кетали, уч ой ўлди,
Кўлимизда ўқ-ёй ўлди,
Энди ҳизмат баржой бўлди,
Фотиха бериб қолинг эмди.

Ҳасан: Кўзим устининг қошисан,
Ғариб кўнглимнинг хушисан,
Бир маҳвашнинг йўлдошисан,
Сизни Жаббора топширдим.

Ҳамро: Узоқ манзилим дош ўлмас,
Йиғламам кўзда ёш ўлмас,
Узатгандин йўлдош бўлмас,
Фотиха бериб қолинг эмди.

Ҳасан: Кийганинг қирмизи, ола,
Ҳақ солмасин ёвуз ҳола,
Энди кетар бўлсанг йўла,
Сизни Жаббора топширдим.

Ҳамро: Менинг бу пандим олинглар,
Ҳар замон ёда солинглар,
Ҳамро деяр, хуш қолинглар,
Фотиха бериб қолинг эмди.

Ҳасан: Темирчи Ҳасан дерлар бизи,
Кородур фалакнинг юзи,
Кошкий кўрмагайдик сизи,
Сизни Жаббора топширдим.

Алғараз, андин сўнг Ҳамро бирлан Саёдхонни Темирчи Ҳасан бош бўлиб келин қизлар йўлга солиб юбордилар.

Бир неча манзилларни тай қилиб бора бердилар. Аммо Саёдхон отининг бошини талпиндириб борур эрди, тўғри юрмас, дам йўлнинг бу қирасидан, дам нариги қирасидан юрур эрди. Ҳамро Саёдхонга ялбориб бир сўз деди:

Ҳасратингдин бўлдим дали-девона,
Қурбонинг бўлайин, йўла дуз юри.
Ноз айлайиб юзинг бурма ҳарёна,
Бошингга дўнайин йўла дуз юри.

Қайрилибон ҳар тарафга боқарсан,
Манинг жоним ҳажр ўтина ёқарсан,
Оting бошин ҳар ёнларга чекарсан,
Қурбонинг бўлайин йўла дуз юри.

Кел кетали Озарбайжон элина,
Қурбон ўлам, сарингдаги телинга,
Жоним фидо бўлсин, ёрим, йўлингга,
Қурбонинг бўлайин йўла дуз юри.
Неча маҳал фироқингда ёқарсан,
Дол гардана тилло ҳайкал тақарсан,
Ҳамро деяр, кўнглим уйин йиқарсан,
Бошингга дўнайин йўла дуз юри.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни айтти. Саёдхон ҳеч дам урмади. Ҳамронинг кўнгли бузилиб, зор-зор йиғлаб, бир сўз деди:

Жон Саёдим, бугун арзим айтайин,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?
Юзи тар ғунчадай, вафоли ёрим,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?

Гул юзли севдигим ман санга зорам,
Кечалар тинмайин, сабо бедорам,
Дардимни билмасман, нечук беморам,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?

Жафони кўп чекиб, сафо истарам,
Ўз ёримдин меҳри-вафо истарам.
Ҳар субҳи шом завқу сафо истарам,
Дилбар ўлан, бунча золим ўларми?

Ҳамроҳон дардина топмади дармон,
Бевафо ёр учун чекди кўп армон,
Биза қисмат бўлди қайғу ҳам ҳижрон,
Дилбар ўлан бунча золим ўларми?.

Алқисса, андин сўнг Саёдхоннинг кўнгли хурсанд бўлиб, йўлға равона бўлди. Бир неча манзилларни **қатъ қилиб** борур эрдилар. Озарбайжоннинг йўлинда бир чашма бор эрди., у чашмага бориб тушдилар...

Ҳамро чашмадин ювиниб, тозаланиб, Саёдхон билан айшу ишратға машғул бўлдилар. Сўнг отланиб, Озарбайжоннинг бир қирасиндин эндила. Озарбайжоннинг боғлари туман босиб кўрина берди. Саёдхон аиди:

-Эй Ҳамроҳон, юртингизни чўлистон деб эшитиб эрдик, ул сўзлар ёлғон эркан-ку!-деди.

Анда Ҳамро:

-Эй Саёдхон, бизнинг боғларни кўрсанг ажойиб-ғаройибларни кўрарсан,-деди ва ўз юртининг боғларини, дараҳтларини кўриб бир сўз деди:

Шукр ҳақнинг даргоҳина,
Тоғлар кўринди-кўринди.
Совуқ сувли, сарчашмали,
Сойлар кўринди-кўринди.

Табла тўла, бедов отли,
Кўшки айвон шоҳ сифатли,
Бизнинг бирлан муҳаббатли,
Беклар кўринди-кўринди.
Кўлин ёстаниб ёттиғим,
Мақсад-мурода етдигим,

Ёр бирлан сухбат туттигим,
Чоғлар кўринди-кўринди.

Гўзаллари инжа белли,
Гуллари шайдо булбулли,
Дегри-доши қизил гулли,
Боғлар кўринди-кўринди.

Оқар чашмаси, булоқли,
Дегра-доши қизил оқли,
Боқчаси бағдод япроқли,
Жойлар кўринди-кўринди.

Қўлимда дузгунли созим,
Ёрга етарми овозим,
Ҳамро дер, Салбиниёзим,
Йиглаб кўринди-кўринди.

Алғараз, Саёдхон айди:

-Эй Ҳамроҳон, сан кўп номард экансан. Ҳарна сўзинг ёлғон эркан,-
деди. Сўнг Саёдхон тақдира тан бериб, қисматига рози бўлиб, ўз юртини ёд
қилиб, бир газал айди:

Санга дерам, ошиқ Ҳамро,
Ёқди мани тилинг санинг.
Рангба-ранг гулларим терди,
Тар хинали қўлинг санинг.

На савдоға тушди бошим,
Ғам чекмакка йўқдир кишим,
Оғам-иним, tengim-tushim,
Анда қолди элим манинг.

Устимиздин туқсан ойлар,
Кўшки айвоним, саройлар,
Манзилим-маконим жойлар,
Анда қолди гулим манинг.

Тахту бахтимдин кўтардинг,
Мани бу жоя етирдинг,
Ёт ўлкалара кетирдинг,
Нечук кечар ҳолим манинг.

Саёдхон дер, ман найлайин,
Сиримни баён айлайин,

Сўзниг тўғрисин деяйин,
Кетирди иқболим манинг.

Алқисса, Саёдхон сўзини тамом этиб:

-Эй Ҳамро, Салбиниёз ёринг бизча борми?- деди. Анда Ҳамро:

-Борганда кўрарсан,-деб, яна Саёдхонга кўнгул бериб бир сўз деди:

Боғларинда алвон гули очилмиш,
Меваси камола келса севдигим.
Оқ юзларинг илоҳийдин битилмиш,
Гул юзларинг холли-холли севдигим.
Ёрим билан суҳбат этиб юрардим,
Дўлашиб ҳар замон лабин эмардим,
Чаман ичра сайр этишиб кезардим,
Сайрон этинг бизнинг била севдигим.

Бўз маралим, оч қарчиғай боқишлим,
Дол гардана тилло ҳайкал тақишлим,
Ошиқларнинг ширин жонин ёқишлим,
Бўз тарлон сифатлим гула севдигим.

Бошима тушибдир юз қайғу алам,
Барҳақ ошиқ сенинг кўйингда ўлам,
Сан гул бутогисан, ман бир булбулам,
Учиб-учиб қўнсам гула севдигим.

Эгнингга кийибсан қирмизи-ола,
Лабингга ярашур олтин-пиёла,
Ҳамрожон дер, кетма дўстим хиёла,
Кел муродинг биздан тила севдигим.

Алғараз, Ҳамро бу сўзни тамом қилди, эрса Саёдхоннинг вақти юз чандон хуш бўлди. От устинда ўпишиб, талашиб йўлға равона бўлдилар.

Энди бир-икки калима сўз Салбиниёз бечорадин эшитинг. Ҳамро кетгандин сўнг орадан уч йил тамом ўтди. Ҳамродин ҳеч хабар, нишона бўлмади. Салбиниёз бечора йўлға қараб ўлтирарди. Кеча ва кундуз иши оху-фифон бўлди. Ошиқ меҳри кўнглина тушиб, сийнасини нам ерга қўйиб йиғлар эрди, яна ташлаб кетгани ёдига тушиб, илондай тўлғонар эрди. Тўйга, мажлисга чиқмас эрди. Бир кеча Салбиниёз йиғлаб-йиғлаб кўзи уйқуға борди. Туш кўрди. Тушинда Ҳамронинг қўлинда бир лочин қуш бордир. Салбиниёз ани кўриб ериндин сачраб турди, кўрдиким, шул вақт айни саҳар вақти эркан, Салбиниёз ўз тушин ўзи йўриб: Ҳамро Сайёдхонни олиб албатта шу кун келса керакдир,-деб ўтириб эрди. Шул вақт осмондин турна овози келди. Салбиниёз турналарга қараб бир сўз деди:

Кўкдин учган бўлак-бўлак турналар,
Арзирум тогинда қорни кўрдингми?
Ғофилликда савдо солган бошима,

Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Бизни ғариди қилди қодир Худойим,
Қачон ёра етар бу чеккан оҳим,
Во ҳасрато қўнгул ҳушим, Ҳамроҳим,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Оқиб кўзда ёшим дўнди селлара,
Булбул учиб, зоғлар қўнди гуллара,
Бошин олиб кетган узоқ эллара,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Салбаниёз деяр, баҳтим қародир,
Айролиқ дардидин бағрим порадир,
Турналардин бугун хабар сўрайдир,
Фалак айро солган ёрни кўрдингми?

Алқисса, Салбаниёз сўзини тамом қилди. Энди Саёдхон бирла Ҳамродин хабар сўранг. Булар бир неча манзилларни қатъ қилиб, Озарбайжон вилояти ёнидин етишдилар. Ҳамрони отасининг бир кўна **харози** бор эрди. Ҳамро Саёдхонни отлар бирла анда қўйиб:

-Эй Сайёдхон, сан шунда тур. Ман бориб хабар олайин. Манинг кетганимга кўп вақтлар бўлди, орадин на воқеалар ўтган эркан,-деб йўлга равона бўлди.

Бориб Салбаниёзнинг богина кирди. Боғбон бобоси бор эрди. Ҳамро уни топиб:

--Эй бобо, манга қўхна либосларингни бергил,-деди. Бобо берди, Ҳамро шоҳона либосларини бобоға бериб, қўлиға таёқ олиб йўлға равона бўлди. Боғнинг ичина кириб кўрдики, Салбаниёз қирқ каниз бирлан қора кийиб ўлтирибдир. Ҳамро буларнинг олдинда туриб Салбаниёзга қараб бир фазал айди:

Санга дерам, ширин жоним,
Нечун қаро кийинурсан?
Ҳамроҳим, диним, имоним,
Нечун қаро кийинурсан?

Дўсти душманинг қарашар,
Оқ юза зулфинг дўлашар,
Санга қирмизи ярашар,
Нечун қаро кийинурсан?

Гулоби гулнинг ғунчаси,
Қучмоға белнинг инжаси,
Улли байрамнинг кечаси
Нечун қаро кийинурсан?

Нихоний беглар нихони,
Гашт этиб келдим жаҳонни,
Ҳамроҳининг ширин жони,
Нечун қаро кийинурсан?

Алқисса Ҳамро сўзини тамом этди. Салбиниёзниң кўзи Ҳамрода тушиб:
--Бу ўғлон нечук ўғлондир, нима сўзлар айтур,--деди.

Анда канизлар:

--Бу бир етим ўғлонга ўхшар,-дедилар.

Анда Салбиниёз:

-Эй канизлар, бу ўғлоннинг овози қулоққа ёқимли эркан,-деб Ҳамрода:

-Эй ўғлон, яна ҳам бир достон айт, сўзинг жонга ва қулоққа ёкур,-деди.

Ҳамро «Хўп бўлади», -деб бир сўз аиди:

Наврўз ўтиб баҳор фасли етишди,
Шажарлар кўкармиш, ёр сани кўзлар.
Алиф қаддинг, жим кўзларинг, мим оғзинг,
Тилим харф ичинда ёр сани кўзлар.

Пўлот анда, темир анда, тош анда,
Дилим қуримасин қайнаб жўшанда,
Ажал паймонамиз тўлиб тошанда,
Қаддим ҳам ҳам бўлиб ёр сани кўзлар.

Тиллодин билакузук али-дастинда,
Жаллод кўзинг жон олмоқнинг қастинда,
Салбиниёзниң оқ кўксининг устинда,
Оқ момиқ мамалар ёр сани истар.

Салбиниёзим ўхшар гулга-ғунчага,
Қирқ канизлар бирлан бирла-биргача,
Гулгундир кийдиги катан бўзача,
Дерсина равондир ёр сани кўзлар.

Боғлар нечун бугун қора кийибдур,
Юсуф Зулайҳоси қора кийибдир,
Салбим нечун бугун қора кийибдир,
Магар Ҳамроянинг, ёр сани кўзлар.

Алқисса, Ҳамро сўзини тамом этди. Сўнг Салбиниёз:

-Эй канизлар, бу ўғлоннинг овози Ҳамронинг овозига ўхшар,-деди.

Анда канизлар:

-Эй биби Салбиниёз, сизнинг ақлингиз чошибдир. Кимни кўрсангиз Ҳамро деярсиз. Бу бир ўғлондир. Боғдан қорнини тўйдирайин, деб келгандир,-дедилар. Анда Салбиниёз:

-Эй ўғлон, хабарчи бўлсанг хабарингни бер, мева есанг бокқа бор,-деди.

Анда Ҳамро:

-Эй бибим, ман чўпон бўлурман, боғларни бир кўрайин деб келдим,-
деди. Яна айди:

-Эй бибим, бу қизлар нима учун қора кийибдурлар, сан на учун қора
кийибсан?-деб сўради. Салбиниёз ҳам жавоб берди:

Ҳамро:

Нозли дилбар, сандин хабар сўрайин,
Сизлар нечун кийинмишсиз қарони?
Ман билманам на сир кечди орадин,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Бошимдин ўтганин баён айлайин,
Анинг учун кийинмишам қарони.
Уч йил бўлди айрилмишам ёримдин,
Ёрим учун кийинмишам қарони.

Ҳамро:

Сўна кимин дол гарданинг эгдирма,
Сарғайибон гул мангзингни сўлдирма,
Дўст-душманинг кўпdir, сирринг билдирма,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Қурбон ўлам ёрни қалам қошина,
Писта даҳанина, инжу тишина,
Ман билманам не келандир бошина,
Ёрим учун кийинмишам қарони.

Ҳамро:

Қурбон ўлам қоматингга, ўзингга,
Шакардин, асалдин ширин сўзингга,
Қурбон ўлам сенинг ойдек юзингга,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Қаҳбо фалак оғу қўшди оshima,
Рахм айламас кўздан оққан ёshima,
Анинг учун қиёматлар бошима,
Ёрим учун кийинмишам қарони.

Ҳамро:

Ҳамро Салби дея кўп чекди оҳи,
Муродингни берсин, парилар шоҳи,
Энди билдим чўх истабсан Ҳамрони,
Эй қиз, нечун кийинмишсан қарони?

Салбиниёз

Салбиниёз дер, ёр ҳажрина дўзарам,

Ўтган кунларима дафттар ёзарам,
Мажнун каби чўлдин-чўла кезарам,
Ҳамро учун кийинмишам қарони.

Алғараз, Ҳамро бирлан Салбаниёз сўзларини тамом этдилар.
Канизлар айдилар:

-Бу ўғлонни қувлармиз,-дедилар. Анда Салбаниёз:

-Эй йигит, Ҳамродин хабар билурмисан?-деди.

Анда Ҳамро аиди:

-Шул кеча бизнинг уйимизга мөхмон бўлди, ман севинчига келдим,-
деди. Анда Салбаниёз:

-Эй канизлар, бу ўғлонга бош-оёқ сарупо бирлан бир чаноқ тилло
беринг,-деди. Канизлар саруполарини келтириб: «Кийин»,-дедилар. Анда
Ҳамро аиди: «Манга молу дунё керакмас. Чин ошиқ бўлсанг мани
таниғил»,-деб, бир сўз аиди:

Хаёлинг қўнглимни уйина тушди,
Товус тумоғлиғим сўна, Салбаниёз.
Тифи мужгонларинг бағримни тилди,
Кишти кор айладинг жона, Салбаниёз.

Мажлисингда ол шароблар ичилур,
Кулиб боқсанг, қўнгил банди очилур,
Бу оламға мушки анбар сочишур,
Текканда зулфингга шона, Салбаниёз.

Кел, ярама малҳам айла, хон пари,
Очилибдир боғинг мушки-анбари,
Севдигим ман сани кўргандин бери,
Келмишам имона, дина, Сабиниёз.

Томошангга келур Рум или Қайсар,
Зулфинг чин-чин ўлиб ҳар ёна ўсар,
Лабларинг шириндир мисоли кавсар,
Эмсам лабинг қона-қона, Салбаниёз.

Томошага келур қизларнинг хони,
Агар чин ошиқсан, маъшуқинг тани,
Эронни, Туронни, бу ширин жонни,
Ҳамро санга қурбон қилсин, Салбаниёз.

Алғараз, Салбаниёз аиди:

-Эй жон пари, магар шу ўғлон Ҳамро бўлмағай? Бориб кўр, таниғил,-
деди.

Эрса Жон пари келиб Ҳамрони бошиндаги **каллапўшини** олди.
Ҳамронинг икки кокили белига тушиб, ёйилиб ёта берди. Андин сўнг
ниқобин ҳам олди. Ҳамронинг юзи ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб турди.

Салбиниёз ани кўриб бехуш бўлди. Бир соатдин сўнг хушина келиб, кўшкнинг устиндин ўзини Ҳамрого ташлади. Ҳамро ҳам, Салбиниёзнинг белидин қучиб, ўпишиб, дўлашиб ёта берди.

Бир неча вақтдин сўнг хушларига келдилар. Салбиниёз:

-Эй Ҳамрожон, истаб кетган ёрингни олиб келдингми?-деди.

Анда Ҳамро Салбиниёзга қараб бир байт айди:

Севдигим сиримни баён айлайн,
Кетира билмадим ёр анда қолди.
Ўз тилимдин бало келди бошима,
Кетира билмадим ёр анда қолди.

Анда қолди менинг жону жаҳоним,
Оқди кўзларимдин обу равоним.
Аввалда матлубим, диним, имоним,
Кетира билмадим ёр анда қолди.

Қаромонли қора тоғлар ошганда,
Неча савдолари бошга тушганда,
Ёр-ёрдин айрилиб ҳамдамлашганда,
Кесилди ихтиёр, ёр анда қолди.

Ҳамро деяр, ястанайдим парини,
Сидқим билан чақирадим Алини,
Уч йил бўлди чекдим дардисарини,
Кетира билмадим ёр анда қолди.

Алғараз, андин сўнг Салбиниёз айди:

-Эй Ҳамрожон, уч йил бўлди мандин қочиб кетдинг, анда ҳам келтира билмадингми?-деди.

Анда Ҳамро айди:

-Эй Салбиниёзжон, якка кишини ҳам битирган иши бўлурми?-деди.
Саёдхоннинг ишқи қўп зўрлик қилди.

Анда Салбиниёз айди:

-Эй Ҳамрожон, қўшин чекиб кетгил, яна уч ой муҳлат бердим, бориб олиб кел,-деди.

Анда Ҳамро айди:

-Эй Салбижоним, мен сани синаб кўрдим, ман Саёдхонни олиб келдим, сен ҳам анинг **ўнгиндин** чиқғил-деди. Анда Салбиниёз: «Хуш бўлғай», -деб ҳар нечук бўлса ҳам Ҳамрони қўнглини хушвақт қилайин деб, бошиға тилла жигасини санчиб, гулгун кийиб, қирқ канизлари бирлан хиромон-хиромон босиб йўлга равона бўлдилар. Эрса, Саёдхон кўрдики, бир қиз келадир, тишлари дур каби тузилган, қошлари ёй каби эгилган, лаблари бол каби эзилган, беллари тол хипчинидек зил чекилган, олма занахдонлари момикдай бўртиб чиққан, ошиқ киприги қайрилган, гулгун либосли, тилло тумоғали бир овадон қиздирки, кўрмакка кўз керак. Саёдхон уни кўргач ҳайрон бўлиб

турди. Аммо Салбиниёз ҳам Саёдхонни кўрдики, боши тилло жигали, бели заррин камарли, ҳусни ўн тўрт кечалик ойдек. Ҳарир либосли бир шоҳсифат қиздир. Салбиниёз ани кўриб, ақли лол бўлиб, ҳайрон, саросима бўлиб турди. Шунда Ҳамро бир Саёдхонга қараб, бир Салбиниёзга қараб бир сўз деди:

Қурбон ўлам лабларини болина,
Бели гулгун Салбиниёзим, кел эмди.
Ой юзингда жўра-жўра холина,
Холи гулгун, Салбиниёзим, юр эмди.

Шакардин шириндир айтган сўзларинг,
Ғамзаси жон олур жаллод кўзларинг,
Кўзимга доридир босган изларинг,
Бели гулгун Саёдхоним, юр эмди.

Қурбон ўлам ёрни чашми мастина,
Қўша хол ярашар қалам дастина,
Қўйгил қадамларинг дийдам устина,
Йўли гулгун Салбиниёзим, юр эмди.

Қурбон ўлам булбулина, гулина,
Шакар-шарбат эзилибдир тилина,
Тилло камар ярашадир белина,
Бели гулгун Саёдхоним, юр эмди.

Оқ юзида қўша-қўша холи бор,
Лабларида ширин-шакар боли бор,
Кўзимнинг устида юрса йўли бор,
Йўли гулгун, Салбиниёзим, юр эмди.

Икки пари гашт айлаюр бу боға,
Ширин жоним иккисина садоға,
Бошинда тўп жиға, тилло тумоға,
Бели гулгун Саёдхоним, юр эмди.

Сабо-сабо ёр жамолин кўранда,
Оқ юзига қора зулфи тушандা.
Ошиқ Ҳамро деяр йўла юранда,
Бўйи гулгун Саёдхоним, юр энди.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон бирлан Салбиниёз- иккиси бир-бири бирлан саломлашиб, қучоқлашиб кўришдилар. Саёдхоннинг ҳусни қиши очилган раънога ўхшаб, Салбиниёзнинг ҳусни ўн тўрт кечалик ойга ўхшаб турдилар. Салбиниёз хуш келибсиз, сафо келибсиз, деб, Саёдхонга иззат-икром бирла хушомад қилди.

Андин сўнг Салбиниёз Саёдхоннинг қўлидин тутиб боқقا равона бўлдилар. Ҳамро кўрдики, иккисини бўйи ҳам бир, қадам босиши ҳам teng, ҳусни ҳам баравардир. Саллониб борур эрдилар. Ҳамро они қўруб, хушвақт бўлиб, бир сўз деди:

Беклар, икки пари суйдим,
Суймакка гўзал ярашур.
Икки парининг олдинда
Турмоққа гўзал ярашур.

Бир-бирина иззат қилиб,
Ширин лабларидин тотиб,
Иккиси teng одим отиб,
Юрмакка гўзал ярашур,

Чекдим гўзалнинг дардини,
Билмаслар ошиқ гардини,
Гўзал-гўзалнинг мардини,
Билмакка гўзал ярашур.

Чекмишам жабру жафони,
Кўрмишам аҳду-вафони,
Ишратли завқу сафони,
Сурмакка гўзал ярашур.

Мен дуо олмишам пирдин,
Қўл кўтардим номус-ордин,
Икки гўзални бир ердин,
Бормоққа гўзал ярашур.

Ҳамро дўст боғина кириб,
Тоза гулларидин териб,
Кулиб-ўйнаб, сафо суриб,
Юрмакка гўзал ярашур.

Алғараз, андин сўнг Саёдхон, Салбиниёз, Ҳамро учковлари кўшкка бордилар. Кўшкнинг устинда бир уй бор эрди. Саёдхонни ул уйга тушириб, обу таом келтирдилар. Андин сўнг Ҳамро Саёдхонни олиб келганини ёружўралари эшитиб, кўрмакка келдилар. Бир неча амалдорлар, оқсоқоллар ва қизу-келинлар Салбиниёзга муборакбодлиққа келдилар. Келган қизни кўрайлик, нечук қиз эркан, деб ўйладилар. Сўнг улар келиб кўрдилар. Бир шоҳсифат қиз ўлтирибдур. Ғунча даҳан, мўрча миён, қулар юзли, боши тилло жигали. Қизлар, келинлар, ани кўриб бехуш бўлдилар, боз ҳушларига келиб:

-Мундоғ зотишариф қиз ҳам одамдин пайдо бўлур эркан, ҳур паридин ҳам зиёдадир. Яна айдилар:

-Эй Салбаниёз, Саёдхон мусофиричилик чекмасин, боғ сайлина чиқали,-дедилар. Салбаниёз, Саёдхон ва яна бир неча қиз келинлар бирлан боғ сайлина бордилар. Анда Салбаниёз:

-Эй Саёдхон, бу боғларни кўргил, то ўлгунча иккимиз бу боғларни сайрон этиб юргаймиз,-деди. Салбаниёз бирлан Саёдхоннинг ҳуснини кўрган одамлар ақлини олдирур эрди.

Шу дастур бирлан орадин бир неча вақтлар ва бир неча айёмлар Саёдхон, Ҳамро, Салбаниёз-уччовлари боғнинг ичинда айшу ишрат суриб кезар эдилар. Эрса кун икки тарафдин туғди. Ҳалойиклар бу сирға ҳайрон қолиб келиб кўрсалар бири Саёдхоннинг юзини шуъласи эркан. Саёдхон юзидин ниқобин олса, ой туқкан ёли бўлур эрди. Ҳамронинг соғ тарафида Салбаниёз, сўл тарафида Саёдхон ўлтириди. Ҳамро иккисининг орасида бир Салбаниёзга, бир Саёдхонга қараб бир сўз айтди:

Ошиқ бўлиб бир иш тутдим,
Фунча лабин хандониман.
Бугун муродима етдим,
Сан манинг ширин жонимсан.

Биридур Саёдхон пари,
Биридур жаннатнинг ҳури,
Иккиси қўзимнинг нури,
Салбаниёз, султонимсан.

Йўлларингда чекдим ҳижрон,
Дардима айладинг дармон,
Оtinga бўйлайн қурбон,
Саёдим, ширин жонимсан.

Қадди қомати най каби,
Қалам қошлари ёй каби.
Тумоғаси ҳумой каби,
Салбим, диним, имонимсан.

Гўзаллар дошинда юра,
Рақиб юзи бўлсин қора,
Келдим сўроё-сўроё,
Саёдхоним султонимсан.

Бири булбул, бири гулдур,
Бири шакар, бири болдур,
Бири яшил, бири олдур,
Салбаниёзим, сен жонимсан.

Кородур Салбининг кўзи,

Сўймака Саёднинг юзи,
Ҳамронинг охирги сўзи,
Ғунча лаби хандонмисан.

Саёдхон бу сўздин кейин айтди:

-Эй Ҳамрожон ҳар нечук бўлса ҳам қундошлик ёмон нарса, Салбаниёзниг кўнглига малол келмасин, уч йилдан бери менинг ёнимга бўлдинг эмди Салбаниёзниг ёнига борғил деди. Ҳамро Салбаниёзниг бўйнига қўл солди. Анда Салбаниёз айтди:

-Эй Ҳамрожон Саёдхоннинг кўнглига малол келмасин, ота-онамдин, айрилиб Ҳамрони деб, келдим. Аммо Салбаниёз Ҳамрони менга бермади демасин. Бу олмаларни ол-да, Саёдхоннинг ёнига бор. Ҳамро олмаларни ҳидлаб Саёдхоннинг ёнига борди. Шу тариқа орадан бир неча муддат ўтди.

Ул шаҳар подшоҳнинг оти Асадлихон эркан. Бир киши бориб арз қилдики: «Эй подшоҳи олам, Аҳмад кўпракнинг ўғли Қизилолма шаҳариндин бир қиз олиб келибдир. Ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор, ўзи ҳам подшоҳзодадир», -деб Саёдхонни мақтади. «Андоғ бўлса ул қиз бизга лойик эркан, подшоҳ қизи фуқароларға лойик эмасдир», -деб икки ясовулга «Учинини ҳам мунда олиб кел», -деди.

Ясовуллар Ҳамронинг кўшкина бориб:

-Сизларни Асадлихон чақиради, -дедилар. Анда Саёдхон аиди:

-Подшоҳ нима иш учун чақиур?

Анда алар:

-Подшоҳ Саёдхонни олмоқчи эрмиш, подшоҳ қизи фуқароға лойик эмас, деб айтур, -дедилар.

Анда Саёдхон:

-Ман мусофири дирман, агар мусофири бўлмасам бурнингни кесиб, ўзингга едирур эрдим, -деб сиёсат қилиб қувлаб юборди. Сўнгра Ҳамрога қараб бир сўз айтди:

Макр-ҳийла била мени,
Қизиқли бозора солдинг,
Қурбон қиласам, жони, тани,
Бу бошим совдоя солдинг.

Етиб бординг сойил бўлиб,
Гул юзимга мойил бўлиб,
Жамолимга қойим бўлиб,
Мени сувчсиз чўла солдинг.

Тошладим боғчали боғи,
Энди ўтди даврон чоғи,
Подшодан келар ёғи,
Бир хотарли жоя солдинг.

Ғанимлардан қочмоқ ордур,

Номардларга дунё тордур,
Энди сенинг ишинг зордур,
Ўз бошинг балоя солдинг.

Саёдхоннинг эшит сўзин,
Бевафонинг кўрмай юзин,
Ошиқ ўтга урар ўзин,
Мени ўтли жоя солдинг.

Алғараз, Саёдхон сўзини тамомлаб айтди.

-Эй Ҳамроҳон қайғу этма, иншоолло бошим соғ бўлса, тилим оғзимда айланиб турса ўзим жавобини берурман. Ҳар нечук бўлса шоҳнинг амри синмасин деб, эртаси эр бирлан Саёдхон, Салбиниёз ва Ҳамроҳон-уччовлари ҳар қайсиси бир отға миндилар. Эрса Саёдхон сари ёйини олиб, Ҳамронинг қўлига олмос ханжар берди, Салбиниёзниң қўлига икки юзли ханжар берди. «Билиб бўлмас,баногоҳ бошимизга иш тушса, бу яроғлар даркор бўлур», -деб отланиб уградилар.

Подшоҳнинг боргоҳина бориб, отдин тушмайин турдилар. Подшоҳ буларни либосларини ва яроғларини кўриб ваҳм босиб: «Бугун жон жасаддин узилур кун», -деб ҳайрон бўлиб турди.

Подшоҳ айди:

-«Боринг бу келган одамларни отин тутиб туширинг, -деди. Эрса буларнинг отларини тутиб туширдилар. Подшоҳ кўрдиким, бир шоҳсифат қиздир. Боши тилло жиғали, бели заррин камарли, ҳайбатидин жаҳон-олам титрар эрди. Саёдхон подшоҳни кўриб, «итмисан», «эшшакмисан» ҳам демади. Саёдхон билдики, подшоҳ кўп каттиқ қўрқди. Саёдхон айди:

--Кўрққан кишига сиёsat қилмоқлик ҳам номардлик бўлур, -деб, подшоҳга хушомад қилиб бир сўз деди:

Ман санга деярман Асадлихоним,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.
Кес бошимни, ерга тўкилсинг қоним,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Эронни, Туронни бирга кезали,
Хоним, бу жабрингги нечук дузали,
Санга далдир бу дунёнинг гўзали,
Мани ўз ёримдин айирма, хоним.

Пирим Шоҳирмардон кавсар соқийдир,
Сайлгоҳи саккиз жаннат боғидир,
Бизга бу гўзаллик бошдан ёғидир,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Ман бир мардман, мардлигимни билдирам,
Душманим йиглатиб, дўстим кулдирам,

Қахрим келса, шоҳим, сани ўлдирам,
Мани Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Саёдхон ҳам йўлга тушиб солланди,
Соллонибон ишқ ўтина тобланди,
Тар мамам тутилиб, кўнглим боғланди,
Мени Ҳамроҳимдин айирма, хоним.

Алқисса, подшоҳ ўз кўнглида: «Бу ажаб бир мард қиз эркан, бизга мундоғ-супойигарчилик қилур, агар қаҳри келса, мени аждаҳодек дамига тортар», -деб омон қолғанига шукр қилиб аиди:

--Эй Саёдхон, ман айтган гапимга тавба қилдим. Энди санинг бирлан қиёматлик ота-қиз тушишурмиз,-деди.

Анда Саёдхон «Хўп бўлур»,-деб ота-қиз тушишдилар. Андин сўнг Асадлихон яхши-яхши шоҳона хилъатлар, саруполар бериб учисининг ҳам вақтини хуш қилиб, иззат ва ҳурмат қилиб қайтарди. Булар ҳам омон-соғ кўшқдин чиқиб, душмандин бехавотир бўлиб жойи фароғат, айшу-ишратға машғул бўлдилар.

Энди сўзни Маматхон подшодин эшитинг: Саёдхон Ҳамро билан кетган сўнг бир кеча уйқуси сахар вақтида қочди. Саёдхондин бошқа фарзанди йўқ эрди. Маматхон подшо оҳ чекиб аиди:

-Бир кўнгул хушим Саёдхон эрди, бу ҳам ёт ўлкаларга кетди. Ёт ўлкаларда нечук этиб юргандир,-деб вазир ва вакиллар, оқсоқолларни йифнаб аиди:

-Эй вазирлар, эй амалдорлар ва оқсоқоллар! Манга бир маслаҳат беринглар: Озарбайжон вилоятига бориб, қалъасини йиқиб, кант-кесак этиб ўғул ўлжа, қиз асир этиб, Саёдхонни олиб қайтиб келсак, нечук бўлар?-деб сўради.

Анда ҳаммалари «Балли подшоҳим, яхши кенгаш топдингиз, ишингизни олло-таоло ўнгарсин!»,-деб таъзим қилиб, одоб бирла ўтирдилар. Андин подшоҳ Маматсўйин сардорни ҳам чақириб кетириб:

-Эй сардор, Озарбайжон вилоятига бориб, Сайёдхонни олиб келсак нечук бўлур экан,-деди. Анда Сардор:

-Хўп бўлур, кучимиз етса олиб қайтармиз, агар кучимиз етмаса ундағини унда кўрармиз,-деди.

Сўнг яхши-яхши бедов отли йигитлардин тўрт минг отли лашкар тузатиб, обу озуқ, яроғ асбобларни тайёр қилиб, Маматсўйин сардорни йўлбошли қилиб, түғ-түғ, байдоқ-байдоқ саро пардалар юклаб, тўп-тўп, гурух-гуруҳ бўлиб, Озарбайжон вилоятига уградилар. Бир неча манзилларни тай қилиб, Саёдхоннинг олма урган ерина келдилар. Сардор Маматхон подшоҳга кўрсатди, ҳаммаси ҳайрон қолдилар. Сўнг яна йўлға равона бўлдилар. Бир неча манзил йўл юриб, барзангиларнинг қалъасига етдилар. Қарасалар, қалъанинг бир муҳири бордир. Ўқиб кўрсалар «Бу ишларнинг ҳамасини Саёдхон қилгандир»,-дейилган. Андин ҳам ўтиб кета бердилар. Оз юриб, кўп юриб, бир неча кунлар йўл юриб, Озарбайжон видоятига етишдилар.

Озарбайжоннинг қирасинда бир ўлка бор эрди, анинг подшоҳининг отини Абдуллахон дер эрдилар. Ул юртнинг атрофинда қоровул қўйиб эрди. Қоровуллар бориб Абдуллахонга: «Устимиза қўшин келди», -деб хабар бердилар. Абдуллахон етти иқлимга жар солди. Етти лак лашкар жам бўлди. Эрса Асадлихон бош бўлиб, Абдуллахоннинг устига келиб қўшилди. Маматхон подшоҳининг олдиндин чиқиб саф торттилар. У тоифаға «гўкланг» деб от берур эрдилар. Тўп-тўпхонасини қуриб, байдокларини тикиб, майдонни ораста ва бераста қилиб саф туздилар, уруш добилини қоқдирдилар, Маматхон подшоҳга элчи юбордилар. Подшоҳ Маматсўйин сардорға «Бу иш нечук бўлгай?», -деб кенгаш солди. Анда сардор:

-Қўшиннинг ярми ўлмайин қайтмоқ бўлмас, -деди. Сўнгра Абдуллахонга: «Саккиз кун муҳлат бергин, сўнгра урушға чиқармиз», -дедилар.

Асадлихоннинг юртига: «Қизилолма шахридин Маматхон подшоҳ қўшин чекиб келиб Абдуллахон бирлан уруш қилур эрмиш», -деган овоза тушди. Бу овозани Саёдхон эшишиб:

-Эй Салбиниёзжон, яна омон-эсон келсак кўришармиз, ҳозир олло ёринг, хуш қол, -деб тилло жабдуқли отина миниб Ҳамрожонни ёнига олиб, сари ёйини эгнига илдириб, қалқонини орқасига ташлаб, Ҳамронинг қўлиға ҳам олмос қилич бериб, ўз белига икки юзли ханжарини тақиб, эркак либосини кийиб, юзларига ниқоб тортиб равона бўлдилар.

Энди сўзни Маматхон подшоҳдин эшигининг:

Муддати тўлгандин сўнг, душман лашкари уруш добилини қоқиб, майдонга чиқдилар.

Эрса Маматхон подшоҳ кўрдики, душман лашкарининг ҳеч сони -хисоби йўқдир, бениҳоят кўпdir. Мамтхон ҳайрон бўлиб, яна таваккал қилиб, душман лашкарина от кўйдилар. Шул вақт Саёдхон билан Ҳамро ҳам етишдилар. Булар ҳам кун туғар тарафидин от кўйдилар. Шул вақт Саёдхон билан Ҳамро орқа тарафдин қирап эрдилар. Андоғ жанги мағлуба бўлдики, душманлар шикаст топдилар.

Саёдхон сариёйини олиб ҳар тортиб юборганда 50-60 душман бирдан жон берар эрди. Душманларнинг қони бирлан сойлар тўлиб, ҳарёнга оқар эрди. Душман бениҳоят қирғин топди, кун ботиб, оқшом бўлди. Сўнгра бир дарбандга келиб ётдилар. Эртасига урушға кирдилар. Уч кеча-кундуз тинмайин шу тарзи уруш қилдилар, душман лашкари шикаст топди. Абдуллахонни тутиб, банди қилиб кетирдилар. Маматхон подшоҳининг ўлган лашкарини рўйхат қилдилар. Икки юз кишига етди. Душман ўлган лашкарини ҳисоб қилиб кўрсалар, тўрт лак қирилибдир. Маматхон подшоҳ буни қўриб ҳайрон бўлди. Аммо Маматхон шоҳ икки суворининг урушга кирганидин хабардор эрди ва лекин уларни танимас эрди. Маматсўйин сардорни чақириб:

-Бу душманлар тамом қирилибдур, буларни ким қирди, билурмисан?,-деди.

Анда сардор:

-Бизлар урушга кирган вақтимизда икки отли келиб урушға кириб эрдилар. Алар нечук одамдир, мен билмасман,-деди. Анда Маматхон шоҳ: «Ким бўлғай, бу душманинг шахринда бизга кўмак берган», -деб ҳайрон бўлиб туриб эрди. Шул вақт Саёдхон бирла Ҳамро иккиси бир дарбандга чиқиб туриб эрдилар. Маматшоҳнинг кўзи буларға тушиб:

--Ул икки отлини танирмусан?-деди.

Маматхон подшоҳнинг бир қули бор эрди, югуриб бориб Саёдхоннинг отини кўриб, таниб келиб айдики: «Эй подшоҳи олам, у отлар ўзимизнинг сайислаган отимиздир», -деди. Анда Маматхонподшоҳ ўз кўнглидин:

--Магар Саёдхон билан Ҳамро бўлмағай,-деб Маматсўйин сардорға:

--Бориб ул икки отлини олиб кел! Ҳар ким бўлса гунохини ўтдим,-деди.

Анда сардор бориб, Саёдхонга салом берди. Саёдхон ҳам алик олди. Эрса сардор:

--Юринг, сизни отангиз чақирадир,-деди. Андин сўнг Саёдхон бирлан Ҳамро отдин тушиб Маматхон пошоҳнинг хизматига юриш қилдилар. Бориб подшоҳнинг олдида қўл қовуштириб, салом бериб, таъзим-тавозе бирлан турдилар. Маматхон шоҳ алик олди. Аввало соғлик сўрашди. Аммо ҳаё қилиб иккиси ҳам таъзим-тавозе бирлан турар эрдилар. Ҳозир бўлганлар буларнинг қайсиси Саёдхон, қайсиси Ҳамро эрканини билмас эдилар. Подшоҳ сардордин:

--Қайсиси Саёдхондир?-деб сўради. Анда Сардор: «Бели заррин камарли Саёдхондир», -деб келиб Саёдхоннинг ниқобин олди. Андин сўнг подшо қизини таниб, бехуш бўлиб, йиқилди, яна хушига келиб, кўксина қисиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

Сўнгра Ҳамрони кўрдиларки, гўё ўн тўрт кечалик ойдек бўлиб, икки кокили белина тушар эрди. Ҳамронинг ҳусни ва малоҳатина ҳамма ҳайрон бўлди. Саёдхонни ҳусни Ҳамродин зиёда- иккиси бир-биридин зиёдадир. Маматхон подшоҳ ани кўриб аиди:

--Баораколло, иккингизни Худой таолло бир-бирингизга муносиб қилиб тақдир қилганига деб, иккисининг ҳақига дуо қилди.

Андин сўнг Маматхон подшоҳ аиди:

--Эй Саёдхон қизим, энди нима иш қилурсан?-деди.

Анда Саёдхон:

--Ҳамрожон бирлан Озарбайжонга бориб, тилло кўшкининг устинда вақтимизни хушлашиб ётармиз,-деди. –Ул юртдин чиқмасак эрди, қайтсан бўлар эрди, энди яна қайтиб бориб бўлмас,-деди.

Анда Маматхон подшоҳ аиди:

--Эй Саёдхон, бу номаъкул сўзни қўйғил! Менинг ҳам ёшим охирина етибдур, агар мани ажалим етиб ўлсам, тахтим, молду мулким, хазинам кима қолур?! Бир сандин бошқа фарзандим йўқ. Сан бориб тожу тахтима эга бўлғил,-деб Саёдхонга қараб бир сўз деди. Саёдхон ҳам отасига қараб жавоб берди:

Маматхон:

Сўзимни эшитгил, жоним, фарзандим,

Кел қайтали эмди эла, Саёдим.
Жасадимда ширин жоним, пайвандим,
Кўшилибон кетсанг била, Саёдим.

Саёдхон:

Арзимни эшитгил азиз подшоҳим,
Дўниб эмди нечук эла борайин.
Ҳам Маккам-Мадинам, пушти паноҳим,
Дўниб эмди нечук эла борайин.

Маматхон:

Бандаға ҳар қисмат бўлур оллодон,
На чора бор тақдир қиласа яродон,
Ақлли фаҳм этар, билмагай нодон,
Кел тушали эмди йўла, Саёдим.

Саёдхон:

Булбулдайдайин талvas айларам гула,
Хижолат тортарам, тушарман тила,
Аввалда қисматим, тақдирим шўйла,
Шарм этарман, нечук эла борайин?

Маматхон:

Дўст бўлан шод бўлур, душманлар оғлар,
Ҳасрат чекиб, юрак-бағрини доғлар,
Эгасиз қолгантур кўшку чорбоғлар,
Боғбон ўлгин бориб эла, Саёдим.

Саёдхон:

Йироқ тушдим элдин эла улашиб,
Тақдир-қисмат аъмолима дўлашиб,
Элдин хижл чексам кўп тила тушиб,
Эмди дўниб начук эла борайин?

Маматхон:

Гариб онанг йўлға боқиб беқарор,
Қавму қардошларинг санга интизор,
Сан бормасанг, менинг бошқа кимим бор?
Кўргин, боқиб, соғдин-сўла, Саёдим.

Саёдхон:

Жоҳилликдин юрдим кўнгул шодима,
Отам-онам ҳеч тушмади ёдима,
Эл таънаси нечук бўлур одима,
Қиблагоҳим, нечук эла борайин?

Маматхон:

Сансиз ман найлайин молу дунёни,
Беармон гашт этдинг фоний жаҳонни,
Соқол эрмас, болам, эрлик нишони,
Эрлик-химмат, ғайрат бўлур, Саёдим.

Саёдхон:

Рўйсиёман сизга, манда кўп хато,
Гуноҳим кечиргай улуғ подишоҳ,
Хоки пойинг кўзларимға тўтиё,
Жоним отам, нечук эла борайин?

Маматхон:

Маматхон подшоҳ дер, бағрим пораси,
Айрилиқ дардини сансан чораси,
Сан бўлмасанг тожу тахтим эгаси,
Билмам кимлар эга бўлар, Саёдим.

Саёдхон:

Саёдхон дер, аввал Худо ҳурмати,
Фариб онам ҳақи, отам ҳурмати,
Ор-номусим ташлаб борсам, борайин.

Алғараз, бу сўзни тамом қилдилар. Эрса Саёдхон:

--Эй ота, ман ўзим якка ўзим эрмасман,-деди.

Анда Маматхон подшо айди:

--Эй Саёдхон, Худонинг тақдирини бузмоқ, банданинг қўлиндин келурми? Ҳамроҳларинг ҳам менинг фарзандим бўлса керак,-деди.

Анда Саёдхон айди:

--Андоғ бўлса сиз қайтинг, ҳар кимнинг ўзина лойиқ оти, обрўйи бор. Сиз қайтиб бориб Маматсўйин сардорни ияринг, ман ҳам ўзима лойиқ ёрдўстим бирлан борурман. Ман бу вақт асир бўлғондек, қўшиннинг ичинда кетмасман, ўз ихтиёrim бирла борурман,-деди. Бу сўз Маматхон подшоҳга маъқул бўлиб:

--Эй Саёдхон, ўз билганингни қил,-деди. Сўнг Маматхон шоҳ бирлан Ҳамро хўшлашиб, бир неча хушомад сўзларни айтиб, Қизилолма шахрина кўчиб равона бўлдилар.

Маматхон подшоҳ ҳам бориб, тахтига чиқиб қарор топди. Саёдхон бирлан Ҳамро, Салбиниёз-уччовлари тилло кўшкларига қайтдилар.

Алғараз, андин сўнг кеча-кундуз тўй-томуша қилиб, халқقا улуғ маърака тутиб, соз-сухбат бирла айшу-ишратға машғул бўлиб ўтирдилар.

Алғараз, Маматхон подшоҳ ҳам тахтинда қарор топиб, Маматсўйин сардорни Озарбайжон вилоятини узатиб юборди. сардор бир неча манзилларни тай қилиб, Саёдхоннинг манзилига етди. Саёдхон уни иззат-хурмат билан қабул қилди. Маматсўйин сардор Саёдхонга қараб отасининг айтган сўзларини баён қилиб, бир сўз айтди:

Арзимни эшитгил, эй Саёдхоним,
Кетар бўлсанг, менинг била юр эмди.
Мени юбармишdir Мамат подшоҳим,
Кетар бўлсанг, менинг била юр эмди.

Узоқ йўлдан сенинг учун келмишам,
Гуноҳкорам, гуноҳимни билмишам,
Тўним кийиб, бедов отим минмишам,

Кетар бўлсанг, менинг била юр эмди.

Неча одамларни зиндонга солиб,
Бир қаттиқ иш бўлмиш, кўнглига қолиб,
Ҳамро, Салбиниёзни ёнина олиб,
Кетар бўлсанг, менинг била юр эмди.
Маматсуюн айтар, айрилиқ ёсон,
Душманнинг макрина айламанг омон,
Отангиз юборди мени бегумон,
Кетар бўлсанг, менинг била юр эмди.

Алғараз, Маматсуюн сардор сўзини томом этди. Андин сўнг Саёдхон, Салбиниёз, Ҳамро ахли нарсаларини олиб, яроғ-асбобларини йигиштириб, Қизил олма шахрига равона бўлдилар. Ҳамронинг дўст-ёрлари уларни кузатиб, йўлга солдилар. Ҳамро улар билан хўшлашиб бир сўз айтди.

Кетар бўлдим, Қизил олма шахрина,
Қардош-дўғон, дўсти-ёrim, хўш эмди,
Ғарб ўлдим мен, айрилиқнинг дардина,
Кетар бўлдим, дўсти-ёrim, хўш энди.

Ҳар дам олганингда Саёд дер эрмиш,
Соқоли оқариб, ўзи пир эрмиш,
Шул сабабдин, бизга элчи юбармиш,
Элим-куним, қавму ҳешим, хўш эмди.

Улуғ подшолар, сўзлар сўзлари,
Ҳакқа топширибон қайтинг бизлари,
Яна кўрмак насиб этсин сизлари,
Дўсти-ёrim, меҳрибоним, хўш эмди.

Хатоликда бир сўз чиқди тилимдин,
Химматим, қувватим кетди белимдин,
Айрилиб юртимдин, улус элимдин,
Кетар бўлдим, дўсти-ёrim, хўш энди.

Ҳамро деяр, кетам шоҳнинг ёнига,
Рахм айлайиб, кўздин оққан қонига,
Достон туздим, айрилиқнинг шаънига,
Кетар бўлдим, дўсти-ёrim, хўш энди.

Алғараз, Маматсуюн сардор Саёдхонни, Ҳамрожонни ва Салбиниёзжонни авлоди ва аҳллари бирлан олиб Қизилолма шахрина равона бўлдилар. Бир неча кунлар йўл юриб, манзил баманзил, кўч бақўч тай қилиб, Қизилолма шахрина дохил бўлдилар.

Эрса, Маматхон подшоҳга севинчига келиб: «Саёдхон Ҳамро бирлан келадур», -деб хабар бердилар. Эрса Маматхоншоҳ сўйинчилаб келганга кўп

инъом қилди. Сўнг Саёдхоннинг олдина занон-мардон, қиз ва жувон, улуғ ва кичик пешвоз чиқиб, юз минг соҳиби салтанат бирлан ўз давлатхонасина келтириб туширдилар. Сўнгра Маматхон подшоҳ ул Саёдхонни, Ҳамрони, сўнгра Салбиниёзни қучоғина қисиб, ҳол-аҳволларини сўради. Саёдхоннинг онаси ҳам Саёдхоннинг ўнгидан чиқиб, бағрина босиб, беҳуш боз хушига келиб, пешонасидан ўпишиб, ҳол аҳвол сўрашиб, Маматхон подшоҳ бирлан Қизилолма шаҳаринда етти кеча-ю кундуз халойиқقا тўй-томуша бериб, шодмонлик қилдилар.

Андин сўнг, Маматхон подшоҳ Ҳамроға бег-беги амалини бериб, мулкининг ярмини инъом этди. Эрса Саёдхон ҳам ота-онасина ва қирқ канизина яна сон қовушиб чорбоғда, тилло кўшкининг устинда Саёдхон, Ҳамрожон, Салбиниёзжон –уччовлари айшу-ишратға машғул бўлиб, мурод ва мақсадина етиб қарор топдилар ва орзу дилларина етдилар.

Луғат

А

Ажаб бўлади – хўп бўлади

Усталар, **ажаб бўлади**, деб гумбаз бошладилар. (A)

Алиф-лом – қўлинин қўксига қўйиб саломлашмоқ

Карамжон ул момонинг ёнига бориб қўлларини **алиф-лом** қилиб салом берди. (A)

Алда галган – олдин келган

Алда галган йўлдошиннан айрилмиш,
Юр-а кўнгил, юр ватана қайтали. (A)

Алима- қўлима

Асилхоннинг қурбониман, қулиман,
Қул кетарман то **алима** олғунча. (AK)

Б

Бад- ёмон, ёмонлик

Бадлигимни қўйдим, созинг кўтардим. (A)

Бандарго - чорраха

Қиз айтди: -Йўлнинг тўрт **бандаргосинда** менга бир гумбаз солиб берарсан. (A)

Бова- бобо

Боваси ноилож бўлди. (A)

Бойиз - сабаб

Ким они қўймай олиб кетган бўлса **бойиз** бўлиб.

Ишқ ўтига ёққани ман чаккан афғоним билан, (A)

Бир пора- айрим, баъзи бир

Анда Лола айди: ёмон гаплар учун **бир пора** гаплар айтганим учун мани мундоғ қилди. (АК)

Бўбак -чақалоқ

“Менинг ҳаётимда ҳали фарзанд кўриш насиб қилмаган эди, **бўбакнинг** ингасини эшитмаганман. (ЧО)

Г

Гадик - ашё

Туялар юкланди зардан,

Гадиклар бойланди қордан. (А)

Гум этиш – йўқотиш

Мен ҳозир ҳовузга қарасам, унда икки бола ўйнаб юрибди, биз 9 аёл сенга 9 товоқ олтин берамиз, шу болаларни **гум этиш** керак. (ЧО)

Гила-гина

Сан қўп мағрур бўлма, армани қизи,

Карам сандин **гила** қилди, келмади. (АК)

Д

Даройи-мато номи

Камолжон либосларини ташлаб, **даройи** куйлак кийиб, тилло жиғасини бошига санчиб Ҳамрони бир у тарафидин, бир бу тарафидин соллониб ўта берди. (СХ)

Даги - яна, тағин

Уларни кўрди **даги**, эшитди даги. (А)

Дайфанг - пушаймон

Вафо дедим уруб анча, сўнги **дайфанг** йиглайман. (А)

Дегра дошина- атрофи, тўрт томони

Халойиқ йигналар **дегра дошина**,

Фарзанд деюб ман оввора йигларман. (АК)

Духторзода- қиз маъносида

Ё бир хонзодасан ё **духторзода**,

Чўлошибур топа олмай муроди. (АК)

Дориган – дуч келган, учраган

Қаршимизда **дориган** рамазон ойи,

Жанонлар сайрингиз муборак бўлғай. (А)

Дунамоқ –зиёрат қилмоқ

Худонинг яхши бандаси эркан, анинг қабрини **дунасанг** шояд олло таоло бир фарзанд бергай, деди. (АК)

Дилайим - тилагим

Эй Карамжон мени сендан **дилайим** қирқ кунга чоқли сабр қил. (А)

Домона- ҳомий

Асилхон дер: қўлим тутдим **домона**,

Бу дунё қолмади шоҳ мусулмона. (АК)

Дўндардинг-ағдардинг, кечдинг

Тоғларни эритар бу чеккан оҳим,
Нечун мандин юз дўндардинг, азизим? (СХ)
Дўнмоқ – айланмоқ, ўзгармоқ
Кўзинга дўнаман қонингга йўқман,
Карам бола, лочинингни келиб ол. (А)
Дўрамоқ- туғилмоқ
Бир онадан олтмиш ўғил дўрасак,
Бир супрага қўл узатсак баримиз. (А)

E

Елпазланди – ел эси

Елпазак –елвизак

Бошингда елпазак елпазланди,
Ёрни кўрганда жон тозаланди. (А)

Еридан- ўрнидан

Еридан туриб айтди: Мени бу чўлларда арманилар ўлдирап, деб бир савол қилди: (А)

Ё

Ёнқи- ҳалиги

Ёти эт – хабарлашмоқ маъносида

Зиёдхон подшо вазирига айтди: - Ёнқи арманинг қизини ёти эт.
Вазир борди, арманинг уйига, қизни ёти этди. (А)

Ёшулли – оқсоқол

-Шул арманиларнинг ёшуллисининг қизи менинг ёрим туур. (А)

Ж

Жилли- жинни

Жилли манми, дўғри галдим Табриза,
Бека назар солинг яна гул юза. (А)

Жумри-айбор, ёвуз маъносида

Кўксинг устидаги недур-юмрилар?

Яхшилик кўрмасин жоҳил-жумрилар, (СХ)

Жуволаниб - юмаланиб

Фам лашкари босиб душман зор ўлғай,
Кўзда ёшим жуволаниб пар ўлғай. (А)

Жўра-дўстлардин

Салбиниёз жўраларидин бу хабарни эшитиб, бир қора от миниб ва
қора либос кийиб, бир манзилда Ҳамронинг изидин қувиб етди. (СХ)

З

Заё қилма – исроф қилма

-Эй ўғлим, ҳар одамга ўзингни **заё қилма**, деб ўғлига тасалли беріб бир сўз айтди: (А)

Зўмп – бирдан маъносида

Жон ҳолатда интилган Мастон боғ ичиға **зўмп** этиб чиқди: (ЧО)

И

Изо- жазо

Сайислар чакар изони,

Душманлар топқай жазони. (А)

Ийм атади- имо қилади

Нозли ёрим **ийм атади** ичина,

Қиё боқмоқ ўргатади лочина. (А)

Ик – тўғри йўнилган таёқ

Унинг қулоқлари дастурхондай, бурни чархнинг **икидай**, оғзи тандирдай. (ЧО)

Й

Йитирдим- йўқотдим

Қува - қува жайронимни **йитирдим**,

Йитирдим бу йўлда бергил муроди. (АК)

Йўринжа - беда

Сенинг ёнингга бориб сўрасалар, менинг отим ўт-**йўринжа** емайди, бир тўрва мармар тош ейди, деб айт-шунда улар ҳайрон бўлиб: (ЧО)

К

Каллапўши-бош кийими

Эрса Жон пари келиб Ҳамрони бошиндаги **каллапўшини** олди. (СХ)

Кийиклари – кийганлари

Бирисининг **кийиклари** даройи. (А)

Киёвламоқ- учрашмоқ, вадалашмоқ

Бир оқшом **киёвлаб** эдим. (А)

Кулинжи-кулгили

Кулинжи айладинг мани эллара,

Бор, Ҳамроҳим, соғ бор, омон келгайсан. (СХ)

Кўзинга дўнаман – қурбон бўламан

Кўзинга дўнаман йўла кел, йўла,

Ҳумоюн зулфларинг белинга тўла. (А)

Кўшкул – жанда, дарвешларнинг кийими

Кетма, кетма, менда бирга кетаман,

Сен обдал бўл, **кўшкулингни** тутаман.

Мен ғарифни ул ўлкага етирдинг. (А)

Л

Лош - гавда

Бу ётган **лошни** бир қарға кўриб устига қўнди, унинг қағиллаганига яна шарқдан минг қарға, ғарбдан минг қарға, қибладан минг, орқадан яна минг қарға йиғилди, улар гир айланиб қағиллай бошладилар. (ЧО)

M

Манзил оро - масофа

Бир **манзил оро** йўл юриб Арабистон деган жойга бориб тушди. Карамжон ҳам буларнинг изиндан юриш қилди. (А)

Мажлис – зиёфат, базм

Подшонинг қизи кунда оқшом қирқ қизга **мажлис** берар эди. (А)

Матлубинга - истак

Кўнгил **матлубинга** ета олмассан,
Карам ўғлон тарлонингни ўзинг ол. (АК)

Машварат- мажлис

Армани элатини йифнаб бу сўзни **машварат** қилди. (АК)

Ман дўнарман, кўнглим дўнмас- мен розиман, кўнглим норизи.

Вазир бобо бу гўзалдин,

Ман дўнарман, кўнглим дўнмас. (АК)

Мунтазир – интизор

Вазир бу сўзни эшилди: -эй ўғлим, сен мунча **мунтазир** бўлма! (А)

Мунжиқларим- мунчоқ

Мунжиқларим дўланади қўлима,
Полвонлари қалқон олар қўлина. (АК)

Дўнайин -айланай

Кўзинга **дўнайин** йўла кел, йўла,
Мулойим қўлларинг бўйнимада дўла. (АК)

Дўла - чулғамоқ

Кўзинга дўнайин йўла кел, йўла,
Мулойим қўлларинг бўйнимада **дўла**. (АК)

H

Ноҳ- ип

Чодирда уч қиз жундан **ноҳ** йигириб ўтиришиб, сухбат қураяпти. (ЧО)

Нурбат - баҳт

Оlam Худо қудрати,

Айланиб кетди нурбати. (ЧО)

Нурмати гардон- айланма ҳалқа

Асиликоннинг бу беллари,

Нурмати гардон эмасми. (А)

Нек- кутлуг

Қўйғанингдин ўлдирганинг **нек** бўлсин,

Қаҳр этибон бизни йўлга солғунча. (АК)

O

Обдал – дарвеш, қаландар

Охир бизни **обдал** айлар,

Бека қиз сенинг қўзларинг. (A)

Овосина – маҳалласига

Арманиларнинг борган **овосина** тушди. (A)

Одоғли- унашилган

Аввалдин **одоғли** жоним, Ҳамроҳим,

Нечун мандин юз дўндардинг, азизим? (СХ)

Ойна - кўзгу

У даврларда **ойна** йўқ эди. (ЧО)

Ондувчи –пайлоқчи, кузатувчи

Бир неча арманилар қизнинг изинда **ондувчи** эрди. (A)

Отанақ – чотишган (крест)

Эгилиб қараса тўнгиртқанинг ичидаги **отанақ** бор. (ЧО)

Оғач- ёғоч

Оғача қўнган қумрини,

Ҳақ сўзлар тўғри йўлини. (A)

Ошоқ- паст

Карамжон еридин туриб, **ошоқға** тушиб келур эрди. (АК)

П

Пайкон - ўқ

Қошингнинг қораси олар жонимни,

Кирпигинг **пайкони** тўкар қонимни. (A)

Пешинг - этак

Ишқинг шабнаминнан **пешинг** азилсин. (A)

Питна - фитна, жанкалкаш

Сен **питна** экансан, яна панд бердинг. (A)

P

Рахтим-асбоб, кийим

Сар ҳовузим сарви **рахтим**,

Ман чиноримдин айрилдим. (СХ)

Рўзан-кундуз

Жами **рўзанлардин** кун тушан каби,

Занаҳдон холларинг зулола тушмиш. (СХ)

C

Сажарлар – дараҳтлар.

Боқласинда олма ўла, нор ўла,

Ман билманам **сажарларда** бор ўла, (СХ)

Салотин-шоҳ, султон

Бир салотин бўйлим соллониб келди,

Кўзимга соташди холи гуржининг. (СХ)

Саринга дўнайин- бошингга қурбон бўлайин

Саринга дўнайин ола гўз пари,

Йўлингда қўймишам жон била сари. (АК)

Саҳарман – саҳар билан, эрта билан

Саҳарман учрадим бово кўчина,

Дада, қайдин олдинг сўлмас ғунчани. (А)

Сапча – чексиз маъносида

Юз **сапча** манинг дардим,

Кўп йифлама номардим. (А)

Сайис – от билан шуғулланувчи мутахассис

Сайислар чакар изони,

Душманлар топқай жазони. (А)

Соқийи – гулоб, ичимлик

Соқийи ичишиб маст бўлди қизлар. (А)

Сулойи – сулув ой каби

Бирисининг қадди-бўйи **сулойи**. (А)

Сичраб- сакраб

Карам **сичраб** еридин туриб, отасининг сўзига қулоқ солмади, қаҳрланиб, туриб бадар кета берди. (АК)

Сўна – ўрдакнинг бир тури

Тўвидан айрилган яшил бош **сўна**,

Ё сан мусулмон бўл, ё ман армани. (А)

Т

Така - болиш

Шунинг учун халқ олдида 9 ой, 9 кун, 9 дақиқа қорнингга **така** боғлаб юр, улар сени ҳомилали деб ўйласин. (ЧО)

Тамуғ- дўзах

Етти дўзах, **тамуғликнинг** ўтина,

Ана Карам ёнди, менда ёнаман.

Таҳайюр- ҳайрат

Жафоси чўқ, вафоси йўқ, манга ҳар дам отар минг ўқ.

Табассумда **таҳайюрда**, гули сўлганга йифлайман. (А)

Тарсонинг-ғайридин

Лаънат бўлсин ул **тарсонинг** қизина,

Севар бўлсанг, севма қўзим, Асилини. (АК)

Тунади - ўғирлади

Орқалаб олиб жўнади,

Хоинлиги тунади. (ЧО)

Турма – соч боғ, белбоғ

Бошингга ўрайсан шоли **турмани**,

Кўзинга чакибсан қора сурмани. (А)

Тобоққи – дучлатмоқ

Икки оғзим – бир калима

Шу ерда менинг ёримни **тобоққи** қилсангизлар ёримни кўриб **икки оғзим** сўз сўзласам. (А)

Тоқёнгизнинг- дўппи

Чуюн- узун қаттиқ жисм

Адрес **тоқёнгизнинг чуюн** билмайман,

Адашибман ёрим уйин билмайман. (А)

Тофа - таъна

Менга қилдинг **тофа** мунча, юзи гул, оғизлари ғунча. (А)

Тўзмайман- розимасман

Карам айтар, бу ишинга **тўзмайман**,

Ўлсам сендан умидимни узмайман. (А)

Тўнгиртқа- сув қувури

Йўл юрди, йўл юрса-да мўл юрди охири Чориёрнинг боғига етиб келди, аммо баланд Чорбоғдан ўта олмай, боғ теварагини айланиб бир **тўнгиртқага** дуч келди. (ЧО)

Тўрқаман – майин

Ипакдан инжа **тўрқаман**, (ЧО)

X

Харози-тегирмони

Ҳамрони отасининг бир кўна **харози** бор эрди. Ҳамро Саёдхонни отлар бирла анда қўйиб: (СХ)

Ч

Чакса носимга – битта чекиладиган нос

Мастон яна дағдаға қилди: -Сенинг икки юз олтин танганг менинг бир **чакса носимга** ҳам етмайди. (ЧО)

Чапроз –учмоқ

Оғзига қўнди тўрт минг қарға

Қарға **чапроз** уради (ЧО)

Чакли – -гача маъносида

-Эй ёрим, сенинг икки оғиз сўзинг қиёматта **чакли** тасалли бўлди, -деб қўлига сеторини олиб қизга қараб бир ғазал ўқиди. (А)

Чартак - чордоқ

Бир жойда бир момо **чартак қуриб** чарх эгириб ўтириб эди. (А)

Чакди- тортиб олмоқ

Чакди Карамнинг тишини,

Омбир, қирмиз кийинибди. (А)

Чиқон - дугона

-Эй **чиқон**, менинг бу ёрим туур. (А)

Чеш- еч

Бир жуфт олма гўрдим қўйнунг ичинда,

Аркалаб ўзинг **чеш** дугмаларингни. (А)

Чоқли - -гача

Агарки қирқ кунга **чоқли** сабр қилмасанг, сен менга йўқсан, мен сенга йўқман, деди. (A)

Чоға пишик – мушук бола

Сенинг севикли хотининг шум ва маккор экан, сени бир кокили олтин, бир кокили кумуш ўғил- қиз туғиб бераман, деб алдаб, мана бир кучук ва бир **чоға пишик** туғди. (ЧО)

Чўркаман – оддий

Ўзим юрган **чўркаман**, (якка) (ЧО)

Чўлошмоқ- чирмашмоқ

Кўзлаганинг тарлонингни ола қол,

Чўлошибур гул шохина тарлонинг. (АК)

III

Шаб - тун

Ҳар кишини ўз ёрина берсалар

Мен **шаб** бўлиб сизни пинҳон айлайман. (A)

Шаппат - шапалоқ

Шул вақтда онаси икки **шаппат** урди. (A)

Шоли турма – қалин матодин тўқилган белбоғ

Бошинга ўрабсан **шоли турмани**,

Кўзинга чакибсан қора сурмани. (АК)

Ў

Ўнгиндин- олдидан.

Эй Салбижоним, мен сани синаб қўрдим, ман Саёдхонни олиб келдим, сен ҳам анинг **ўнгиндин** чиқғил-деди. (СХ)

Ўран арқайин – жуда хотиржам

Эй бобо, Ҳамрони канизлар ила бирликда ҳеч инжитмасмиз, **ўран арқайин** бўлиб, хотиржам бўлғил. (СХ)

Ўқир -сайрамоқ

Бириси булбулдир **ўқир** гулина,

Яна бириси хина ёқмиш қўлина (A)

Ўғлон-ушоқларни – бола-чақа

Саҳарнинг вақтида теваларга юк юклаб **ўғлон-ушоқларни** аларга миндирдилар. (АК)

Қ

Қабо- устки кийим

Али ўғли Мамат хоннинг қизидир,

Ёрим келмиш гулгун **қабоя** бўйла. (СХ)

Қаттиқ – кучли, ўткир

Карамжон **қаттиқ** бахши эди. Подшога борганида подшога бир сўз сўзлади: (A)

Қичқириб- қах-қах уриб кулмоқ

Қичқириб гулганда қошинг сузилсин.

Дугма чаккан заргар қўлинг касилсин. (A)

Қопи - эшик

-Эй болам, арманилар қирқ қопига ҳам хамир ёпиштириб қўйибди. (A)

Қўпар-қўзғалар

Ёрим учун қиёматлар бошима,
Бугун қўпар охир замон,вой эмди. (СХ)

F

Ғизоли- кийик

Қадимдан Карамнинг ўзи билан ҳариф бир сетори билан бир ғизоли бор эди. (A)

X

Ҳариф – яқин дўст

Қадимдан Карамнинг ўзи билан ҳариф бир сетори билан бир ғизоли бор эди. (A)

Э

Эграмчидан-тиззадан

Дардим кўпdir дармон қўлима тушмас,
Ўтар эграмчидан бели гуржининг. (СХ)

Шартли белгилар:

АК – “Асил ва Карам”

А – “Асилхон”

ЧО - “Чориёри олам”

СХ - “Саёд ва Ҳамро”

**Луғатни доцент С.С. Рўзимбоев ва
Д.Худайбергановалар тузган.**

КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шу пайтгача “Ошиқнома” рукнидаги мажмуанинг саккиз китоби чоп этилиб, уларда қуйидаги достонлар эълон қилинди:

“Ошиқнома” 1-китоб (2006)

- 1.Саёд ва Ҳамро (Кўлёзма нусха)
- 2.Ҳурилиқо ва Ҳамро (Кўлёзма нусха)
- 3.Ройи Чин
- 4.Эдиго
- 5.Маликаи Завриё

6.Маликаи Дилором

“Ошиқнома” 2-китоб (2006)

- 1.Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам (Оғзаки вариант)
- 2.Ошиқ Албанд
- 3.Мискин ва Гулқанд
- 4.Асил ва Карам
- 5.Хиромон пари
- 6.Шахриёр

“Ошиқнома” 3-китоб (2008)

- 1.Юсуф ва Ахмад
- 2.Лайли ва Мажнун
- 3.Гул ва Санобар
- 4.Хурилиқо ва Ҳамро (Оғзаки вариант)

“Ошиқнома” 4-китоб (2009)

- 1.Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам (Оғзаки вариант)
- 2.Ошиқ Ғаріб ва Ҳилола пари
- 3.Ошиқ Нажаб
- 4.Ошиқ Маҳмуд
- 5.Бозирғон (Кўлёзма нусха)
- 6.Хирмондали (Кўлёзма нусха)
- 7.Эрҳасан
- 8..Аваз гатирган
- 9.Авазнинг келтирилиши (Кўлёзма нусха)

“Ошиқнома” 5-китоб (2011)

- 1.“Тоҳир ва Зухра”
- 2.“Юсуф ва Зулайҳо”
- 3 “Лайли ва Мажнун”
- 4 “Ошиқ Қумри”
- 5.“Саёд ва Ҳамро” (Оғзаки вариант)

“Ошиқнома” 6-китоб (2013)

1. “Юсуф ва Зулайҳо”
2. “Маликаи Зарнигор”
3. “Гавҳарой”
4. “Саёд ва Ҳамро” (Оғзаки вариант)

“Ошиқнома” 7-китоб (2019)

1. “Давлатёрбек”
2. “Гул ва Булбул”

“Ошиқнома” 8-китоб (2019)

1. “Асил ва Карам” (китобий вариант)
2. “Асиљон” (Оғзаки вариант)
3. “Чориёри олам”
4. “Саёд ва Ҳамро” (йифма вариант)

“ГҮРҮҒЛИ”

2004 йилда “Гүрүғли” туркуми достонларининг 16 шохобчаси эълон қилинди.

1. Гүрүғлининг туғилиши	(Бола бахши варианти, 1981)
2. Юнус пари	(Бола бахши варианти, 1981)
3. Араб Райҳон	(Бола бахши варианти, 1978)
4. Аваз уйланган	(Турсун бахши варианти, 1984)
5. Араб танған	(Турсун бахши варианти, 1986)
6. Қирқ минглар	(Бола бахши варианти, 1981)
7. Авазнинг Ваёнгонга кетиши	(Бола бахши варианти, 1978)
8.Кампир	(Бола бахши варианти, 1981)
9.Тухмат ташлаган	(Жумабой бахши варианти, 1984)
10.Хирмондали	(Абдулла бахши варианти, 1964)
11.Хандон ботир	(Жумабой бахши варианти, 1984)
12. Сафар маҳрам	(Бола бахши варианти, 1981)
13.Бозиргон	(Бола бахши варианти, 1976)
14.Авазхон	(Бола бахши варианти, 1970)
15.Гүрүғлининг Дарбандга бориши	(Жумабой бахши варианти, 1984)
16.Гүрүғлининг ўлими	(Жумабой бахши варианти, 1984)

Изоҳ: Туркум достонларининг барчасини бахшилар тилидан С.Р.Рўзимбоев ёзиб олган. Фақатгина “Авазхон” шахобчаси 1970 йилда фольклоршунос Ж.Қобулниёзов нашр қилган вариант асосида чоп этилган.

МУНДАРИЖА:

Ноёб маънавий мерос.....	3
Асил ва Карам (китобий вариант).....	20
Асилхон (оғзаки вариант).....	53
Чориёри олам (оғзаки вариант).....	71
Саёд ва Ҳамро (йигма вариант).....	83



Хоним сувчи - Хоним халфа Саидамат қизи
Портретни халфанинг чевараси Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курёзов
ишилаган.

**“Ошиқнома” мажмуасининг 8- китобига
ТАҚРИЗ**